

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси**

**ГЕОСИЁСАТ
ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 110000 - Педагогика
Таълим йўналиши: 5111600 - “Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими йўналиши”

Ушбу ўқув-услугий мажмуа 5111600 - “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши” талабаларига мўлжалланган. Ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 27.03.2018 йил тасдиқланган Геосиёсат асослари фан дастури (№ БД-5111600-4.03.) талаблари асосида тайёрланган.

Ўқув-услугий мажмуа Гулистон давлат университети илмий кенгаши томонидан (баённома №____, ____ 2018 йил) кўриб чиқилган ва ўқув жараёнида қўллашга тавсия этилган.

Тузувчи: ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси катта ўқитувчиси **Б.Ғофуров**

Такризчи: ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси доценти **С.Исмоилов**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа ГулДУ ўқув - услубий кенгашида кўриб
чиқилиб ишлатишга тавсия этилди (№ 1-баённома 28.08.2018 йил)
_____ доц. Ф.Шарипов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1-мавзу: КЛАССИК ГЕОСИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ АҲАМИЯТИ	5
1.1.Геосиёсий тадқиқотларнинг илмий-услубий масалалари	5
1.2.Геосиёсий жараёнлар борасидаги асосий мумтоз илмий йўналишлар	8
1.3.Маккиндернинг геосиёсий қарашлари. «Тарихнинг жўғрофий ўқи»	12
2-мавзу: ГЕОСИЁСИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ	16
2.1.Европа ва Осиёнинг геостратегик истикболи тўғрисида Европа-Америка мактаблари ..	16
2.2.Геосиёсий жараёнлар борасида ҳозирги тадқиқотлар	22
2.3.Евросиёлар янги оқими вакилларининг геосиёсий қарашлари	26
3-мавзу: ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ГЕОСИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ	39
3.1.Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари	39
3.2. Геосиёсат миллий сиёсат инструменти сифатида	42
3.3. Худуд ва давлат куч-қудратини тасаввур этишнинг замонавий талқини	45
4-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ГЕОСИЁСАТИДА МДҲ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОМИЛИ	51
4.1.Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий, геостратегик манфаатлари	51
4.2.Ўзбекистон геосиёсатида Марказий Осиё	53
4.3.Марказий Осиёнинг геосиёсий, геоиқтисодий, геостратегик хусусиятлари ва Ўзбекистон	59
5-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИДА АФҒОНИСТОН, ЖАНУБИЙ ОСИЁ ВА ЯҚИН ШАРҚ ОМИЛИ	63
5.1. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистон омили	63
5.2. Ўзбекистон билан Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлар	65
5.3. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ омили	67
6-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАРИ ТИЗИМИДА РОССИЯ, ЕВРОПА ВА АМЕРИКА ОМИЛИ	71
6.1.Ўзбекистон-Россия ҳамкорлик муносабатлари.....	71
6.2.Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари.....	75
6.3.Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари.....	77
7-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГЕОСТРАТЕГИЯСИДА ХИТОЙ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ОМИЛИ	79
7.1.Ўзбекистон – Хитой муносабатлари	79
7.2.Ўзбекистон Япония муносабатлари	81
7.3.Ўзбекистоннинг Тинч океани минтақасининг бошқа давлатлари билан муносабатлари	83
8-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГЕОСИЁСИЙ КЕЛАЖАГИ	85
8.1.Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари	85
8.2.ХХI аср ва янги геосиёсий вазият.....	90
8.3.Ҳозирги замон геосиёсатида ахборот омили	92
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР	96

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: КЛАССИК ГЕОСИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ АҲАМИЯТИ

Режа:

1. Геосиёсий тадқиқотларнинг илмий-услубий масалалари.
2. Геосиёсий жараёнлар борасидаги асосий мумтоз илмий йўналишлар.
3. Маккиндернинг геосиёсий қарашлари. «Тарихнинг жўғрофий ўқи».

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Геосиёсат, геосиёсий тадқиқот, геосиёсий жараён, “тарихнинг жўғрофий ўқи”, геосиёсий мактаб, геосиёсий концепциялар, геосиёсий тамойил, жуғрофий тана, ҳудудий ҳодиса, денгиз воситасидаги ҳукмронлик, ер воситасидаги ҳукмронлик.

1. Геосиёсий тадқиқотларнинг илмий-услубий масалалари.

Сиёсий фанлардаги йўналишлардан бири - геосиёсат халқаро муносабатларда тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Лекин ўзига хос объектив ва субъектив сабабларга кўра, ҳозиргача геосиёсатни илмий йўналиш сифатида асослаш ва эътироф этиш масаласи охиригача ҳал қилингани йўқ. Бугунги қалтис замон ва маконда мазкур фаннинг туб моҳиятини тадқиқ этиш геосиёсий жараёнларни англаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, классик геосиёсатчилар бу фанни нафақат назарий, балки амалий мажмуа сифатида ҳам талқин этган ва уни ўз давлатларининг ташқи сиёсатини шакллантиришда қўллашга интиланган. Шу туфайли амалий геосиёсат пайдо бўлган ва у кўпгина ҳолларда етакчи давлатлар ташқи сиёсатининг назарий асоси сифатида хизмат қилган. Гарчи бундай геосиёсат ўтган асрда яққол намоён бўлган бўлса-да, Ғарб давлатлари айнан Х.Маккиндер яратган назарияга, унинг издоши-С.Хантингтон ва З.Бжежинскийларнинг таълимотига таянган ҳолда дунёга ҳукмронлик қилиш сиёсатини илгари суради. Бундай сиёсат оқибатида ХХІ асрда ҳам ер юзида кўплаб уруш ўчоқлари пайдо бўлаётгани Ғарб ва Шарқ ўртасидаги зиддиятлар борган сари кескинлашаётганини кузатиш мумкин. Халқаро ва турли минтақалар доирасида юз бераётган можаро ва зиддиятлар ҳамда муайян давлатларнинг босқинчилик сиёсати геосиёсатга асосланаётгани, унинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари ва тамойилларини илмий жиҳатдан жиддий ўрганишни тақозо этади. Бу ўринда даставвал геосиёсатнинг илмий негизини тушуниш, унинг илмий таърифини аниқлаб олиш талаб этилади.

Геосиёсий мактаблар намояндалари яратган турли концепциялар геосиёсат фанининг мазмун-моҳияти, йўналишлари, тамойиллари ва умумий предметини ташкил этади. Албатта, ушбу фаннинг асосий предмети ҳамда бош услубий тамойилларини белгилашда муаллифларга турли ёндошадилар. Бундай бўлиниш тарихий шарт-шароит, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият муаммолари ва ҳукмрон мафкуралар билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Геосиёсатнинг умумийлик хусусияти унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий таълимот, мафкура, социология, сиёсатшунослик тарихи каби кўпгина фанлар унсурларининг уйғунлашувида намоён бўлади. Аммо бу ўз йўналишларига эга бўлган ушбу фанларни фақат геосиёсатга тегишли, дея қатъий хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Геосиёсат атамасини фанга киритган олимлардан бири-Р.Челлен геосиёсатни «давлатни жуғрофий тана ёки ҳудудий ҳодиса сифатида талқин қилувчи доктрина» деб ҳисоблаган¹. Мумтоз таълимотларни ўрганиш орқали геосиёсатни дунёқараш сифатида талқин қилиш ва бундай ҳолда уни фанлар билан эмас, балки фанлар тизими билан қиёслаш лозимлиги ўртага

¹ Тихонравов Ю.В. Геополитика. - М.:Бизнес-школа «Интел-Синтез», 1998, Стр. 16-17.

чиқади. Геосиёсатнинг асосчилари бу фаннинг бош мақсади-давлатнинг ривожланиши учун бошқа давлатлар ҳудудини босиб олиш заруратини англашдан иборат, дея талқин этишган. Зеро, уларнинг фикрича, “аллақачон бўлиб олинган дунёда ҳудудларни бир давлат бошқасидан фақат куч билангина тортиб олиши мумкин”. Рус олими Ю.В.Тихонравов машҳур немис геосиёсатчиларидан К.Хаусхофернинг геосиёсат “сиёсатнинг жуғрофияга боғлиқлиги” тўғрисидаги таълимот сифатида таърифлаганлигини таъкидлайди¹.

Геосиёсат индивиднинг ўзи яшаётган ҳудуд (макон) белгилаб берган, шу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, рельефи, ландшафти таъсирида шаклланиши, аниқроғи, унинг ижтимоий-жуғрофий моҳиятига асосий эътиборни қаратади. Бироқ бундай алоқадорлик инсоннинг давлатлар, этнослар, маданиятлар ва цивилизациялар доирасида юритадиган кенг миқёсдаги ижтимоий фаолиятида яққолроқ намоён бўлади.

Геосиёсатнинг асосий ғояси-инсоннинг жуғрофий муҳитга боғлиқлиги алоҳида шахсдан узоқлашиб кишилар гуруҳига яқинлашган сари намоён бўла боради. Шунинг учун ҳам муайян ғоявий пойдеворнинг мавжудлигига қарамай, геосиёсат том маънодаги мафкурага, тўғрироғи “оммавий мафкурага” айлана олмаган. Унинг хулоса ва услублари, тадқиқот предмети ва асосий қоидалари ижтимоий ва тарихий характердаги умумбашарий қонуниятларига баҳо бериш, стратегик режалаштиришнинг улкан муаммолари билан шуғулланувчи ижтимоий қатламлар учунгина тегишли бўлиши мумкин. Геосиёсий макон жуда катта ўлчовларда намоён бўлиши туфайли геосиёсат ҳам давлатлар, халқлар ва ҳоказо умумлашган воқеликлар билан боғлиқ ижтимоий гуруҳларга мўлжалланган.

Мумтоз тадқиқотларда геосиёсат жуғрофий ҳукмронлик дунёқараши, унинг шакл ва кўринишлари ҳамда бундай ҳукмронликни ўрнатиш қоидалари, мезонлари ва тамойиллари ҳақидаги фан сифатида таърифланади. Инсон ижтимоий жиҳатдан юксалиб борган сари геосиёсат унинг учун аҳамият, мазмун ва манфаат касб этиб боради. Геосиёсат сиёсатдаги ҳукмрон доиралар учун яратилган фан бўлиб, бу фан билан фақат мамлакатлар ва миллатларни бошқаришда фаол иштирок этадиган ёки шундай мақсад йўлида ҳаракат қилаётган кишиларгина шуғулланиб келганлигига тарих шоҳиддир.

Геосиёсат илмий нуқтаи-назардан қандайдир догматик қоидаларга асосланмасдан, ўзи учун муҳим ва иккинчи даражали бўлган фанлар ёки фан йўналишларинигина белгилаб олади. Бошқа ижтимоий ва табиий фанлар геосиёсий услубнинг асосий тамойилларига зид келмаган тақдирдагина тадқиқот доирасига жалб этилади. Ҳозирги пайтда у Ер юзиде етакчилик қилаётган энг қудратли давлатларнинг ҳаракат дастури сифатида иттифоклар тузиш, уруш бошлаш, ислохотлар ўтказиш, жамиятни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, кенг қамровли иқтисодий ҳамда сиёсий дастурларни жорий қилиш каби муҳим қарорларни қабул қилиш борасидаги зарурий хулосаларни ўз ичига олган ўзига хос амалий қўлланмага айланиб қолган.

Геосиёсатнинг асосий қоидаси Ер юзасининг жуғрофий тузилиши ҳамда цивилизацияларнинг тарихий турларга бўлинишида ифодаланган фундаментал дуализмнинг қатъийлигини ифода этишдан иборатдир. Мазкур дуализм «теллутократия» («қуруқлик кучи») ва «талассократия» («денгиз кучи»)нинг бир-бирига қарама-қарши қўйилишида намоён бўлади². Бундай қарама-қаршилиқнинг моҳияти антик давр тарихидаги машҳур савдо цивилизацияси – Карфаген (Афина) ҳамда ҳарбий-авторитар цивилизация – Спартанинг (Рим) ўзаро муносабатлари мисолида яққол кўзга ташланади. Бошқача айтганда, бу либерал ғояга асосланган демократия ва идеократия ўртасидаги қарама-қаршилиқдир³. Мазкур

¹ Haushofer K. Weltpolitik von heute. –В. 1934. – S. 21, Fubnote. Тихонравов Ю. Геополитика.- М:Бизнес- Школа «Интел- Синтез», 1998, 18-бет.

² «Теллутократия» – юнон. «қуруқлик воситасида ҳукмронлик ўрнатиш» ёки «қуруқлик қудрати».

³ «Талассократия» - юнон. «денгиз воситасида ҳукмронлик ўрнатиш» ёки «денгиз қудрати».

³ «Идеократия» – юнон. «ғоялар, идеаллар ҳукмронлиги», рус Евроосиёчилари (П.Савицкий ва Н.Трубецкой) томонидан илгари сурилган атама. Бу атама «материя ҳукмронлиги», «бозор тизими», «савдо тизими»га қарши қўйилади. Идеократия даврида жамиятдаги ижтимоий поғоналар ва меҳнатга бўлган рағбат ноиқтисодий тамойиллар асосида шаклланади.

зиддият дастлабки пайтлардан бошлаб уни ташкил қилган кутбларнинг қарама-қаршилиги хусусиятига эга бўлиб давр тақозасига кўра ўзгариб туради .

Шундай қилиб, бутун ижтимоий тарих икки унсур, яъни «сув» («суяқ», «оқувчи») ва «куруқлик» («қаттиқ», «доимий») унсурлари атрофида рўй берган жараёнлардан иборат. Теллурократия, маконнинг муқимлиги ва ундаги асосий хусусиятларнинг барқарорлиги билан характерланади. Цивилизацион даражада теллурократия инсонларнинг йирик уюшмалари, халқлар, давлатлар, империялар бўйсунадиган ўтроқлик, консерватизм, қатъий ҳуқуқий меъёрларда намоён бўлади. Қуруқликнинг қаттиқлиги халқларнинг маданий ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади, жумладан, ижтимоий анъаналарнинг барқарорлиги ва ахлоқий қоидаларнинг мустаҳкамлиги ана шу омил таъсирида шаклланади. Қуруқликдаги, яъни Евроосиёнинг ичкарасидаги халқларга индивидуализм руҳи ёт бўлиб, уларга азалдан ижтимоийлик руҳияти ва иерархиявий тизим хос бўлган.

Талассократия эса бунга тескари бўлган қоидаларга асосланган цивилизация бўлиб, у динамик, ҳаракатчан ва техник ривожланишлар тарафдоридир. Унинг устувор йўналишлари кўчманчилик (асосан денгизда сузиш назарда тутилмоқда), савдо, индивидуал ишбилармонлик руҳидан иборат. Шахс жамоанинг ҳаракатчан вакили бўлгани туфайли олий қадрият ҳисобланади. Бунда маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар бир-бири билан аралашиб, нисбий ва ҳаракатчан бўлиб қолади. Цивилизациянинг бу тури тез ривожланади, ташқи маданий хусусиятларни осон ўзлаштиради, лекин шунга қарама-қарши ўзлигини сақлаб қолади. Инсоният тарихининг асосий қисми ҳар иккала йўналишнинг маълум чекланган ҳудудлари доирасида, аммо «теллурократия»нинг умумжаҳон миқёсидаги устуворлиги шароитида ривожланган. Қуруқлик унсури бутун цивилизацияга ўз таъсирини ўтказди, «сув» (денгиз, океан) унсури эса айрим пайтларда ва муайян ҳудудлардагина намоён бўлади. Қуруқлик ва сув дуализми маълум вақтгача жуғрофий жиҳатдан денгиз қирғоқлари, дарё ҳавзаларида ва бошқа ҳудудлар доирасида қолиши мумкин. Қарама-қаршилик сайёранинг турли жойларида, турли шаклларда ривожланади.

Таъкидлаш жоизки, геосиёсий қонуниятлар сиёсий тарих, дипломатия тарихи ҳамда стратегик режалаштириш ва таҳлил этишда айниқса қўл келади. Ушбу фан социология, сиёсатшунослик, этнология, ҳарбий стратегия, дипломатия, дин тарихи каби кўпгина фанлар билан кесишув нуқталарига эга. Айрим мутахассислар ушбу фаннинг кўпгина ҳолларда иқтисодиёт билан ҳам узвий боғлиқлигини назарда тутиб, «геоиктисодиёт» деб номланган фанни киритиш таклифини илгари сурган.

2. Геосиёсий жараёнлар борасидаги мумтоз илмий йўналишлар.

Немис геосиёсий мактаби. Геосиёсий таълимотнинг энг ёрқин кўриниши немис «органистик мактаби»нинг шаклланишида намоён бўлган. Асарларида “геосиёсат” атамасини қўллаган бўлмаса ҳам Фридрих Ратцелни (1844-1904) геосиёсатнинг “ота”си деб ҳисоблаш мумкин. Унинг таълимоти географияни сиёсий нуқтаи назардан талқин этишга бағишланган бўлиб, ана шу масала таҳлилига доир “Сиёсий география”¹ асари 1897 йилда нашр этилган.

Ф.Ратцель Карлсруе шаҳридаги Политехника Университетини тамомлаган. Бу олийгоҳда у геология, палеонтология ва зоология фанларидан таҳсил олган. Ўқишини Хайдельбергда тамомлаган Ратцель, Шу ерда («экология» атамасини илк бор қўллаган) Эрнст Гекел исмли профессорга шогирдлик қилади. Ратцелда оламнинг тадрижий тараққиёти ва дарвинчиликка асосланган дунёқараш шаклланади, бунинг натижасида эса унда табиатшунослик илмига қизиқиш яққол ифодаланган эди. Ратцель кўнгиллилар қаторида 1870 йилдаги Франция-Пруссия урушида қатнашади ва довюраклиги учун “Темир хоч” унвонига сазовор бўлади. Унинг сиёсий дунёқараши аста-секин ўта миллатчилик руҳи билан йўғрила боради. Натижада 1840 йилда Карл Питерс томонидан ташкил этилган “Панолмон лига”си номли миллатчи ташкилотга аъзо бўлиб киради. У Европа ва Америка бўйлаб кўп саёҳат қилади ҳамда ўз илмий салоҳиятини этнология соҳасида олиб борган

¹ Асар немис тилида Politisch Geographie деб номланган.

тадқиқотлари билан бойитади. Бир неча йил Мюнхень техника институтида географиядан дарс берган Ф.Ратцель 1886 йилга келиб Лейпциг`даги худди шу номли кафедрада илмий фаолиятини давом эттиради. Умрини сиёсий география муаммоларини ўрганишга бағишлаган олим 1876 йилда “Хитойга эмиграция” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилади, 1882 йилда эса Штутгарт`да унинг “Антропогеография” номли асари босилиб чиқади. Ф.Ратцел ижодида халқларнинг тадрижий тараккиёти, демографиянинг жўғрофий омиллар билан боғлиқлиги, ҳудуд рельефининг маҳаллий аҳоли маданий ва сиёсий ривожига таъсири каби масалалар атрофлича таҳлил этилган. Геосиёсат борасида кўплаб тадқиқотларни амалга оширган бўлса-да, “Сиёсий география” унинг энг асосий асари ҳисобланади.

Ф.Ратцель мазкур асарида ҳудуднинг (замин) бирламчи ҳамда ўзгармас омил эканлиги ва халқларнинг манфаати ўзлари яшаб турган замин атрофида намоён бўлишини асослашга ҳаракат қилади. Унинг назарида ҳудуд ва замин тарихий тараккиётни олдиндан белгилаб беради. Бундан эса тадрижий мазмундаги қуйидаги хулоса келиб чиқади: “давлат тирик борлиқ”, аниқроғи, “заминда илдиз отган тана ҳисобланади”. Давлат ҳудудий рельеф, ўлчам ҳамда уларнинг халқ томонидан англанишидан ташкил топади. Шундай қилиб “давлат” категориясида ҳудуднинг объектив жўғрофий белгилари ва уларнинг умуммиллий миқёсда субъектив жиҳатдан англаниши сиёсатда ифодаланган ҳолда акс этади. Ф.Ратцел миллатнинг жўғрофий, демографик ва этномаданий хусусиятларини уйғунлаштира олган давлатни “меъёрдаги давлат” деб ҳисоблайди. “Сиёсий география” асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Давлатлар ўз тараккиётининг барча босқичларида замин билан узвий алоқада бўлган борлиқ экани боис, улар, аввало, жўғрофий нуқтаи-назардан ўрганилиши зарур. Этнография ва тарихга оид илмий маълумотлар давлатнинг ҳудудий негизда тараккий топиши, у билан яқинлашиб, бирикиши ҳамда ундан қувват олишини исботлайди. Шундай қилиб, давлат заминдан бошқариладиган ва жонланадиган ҳудудий борлиқ экан, уни тасвирлаш, қиёсий тадқиқ ва таҳлил этиш жўғрофиянинг вазифасидир. Давлат ижтимоий тараккиёт жараёнида рўй берадиган ҳодисаларнинг энг юқори нуқтасига айланган ҳолда, уларга сингиб кетади”.

Ф.Ратцел бундай “органистик” ёндашув асосида давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайишини тирик мавжудотнинг ривожланиши, тириклик жараёни сифатида талқин этади. Бу ҳол заминнинг ўзига нисбатан муносабатида ҳам намоён бўлади. Жумладан “замин” миқдорий хусусиятга эга бўлган моддий категориядан “ҳаётий муҳит”, “ҳаётий макон” тарзидаги янги сифат даражасига кўтарилади ва ўзига хос “геебиомуҳит”га айланади. Ана шу мулоҳазаларга таянган ҳолда Ф.Ратцел икки муҳим тушунча - “маконнинг мазмуни” ва “ҳаётий қувват” атамаларини илмий муомалага киритади. Бир-бирига яқин ушбу атамалар халқлар ҳамда жўғрофий тизимларга хос муҳим хусусиятни англатади ҳамда уларнинг тарихдаги сиёсий аҳамиятини олдиндан белгилаб беради.

Геосиёсатнинг асосий тамойиллари ҳисобланган ушбу тезислар Ф.Ратцелнинг издошлари томонидан айнан шу аснода ривожлантирилган. Бундан ташқари, давлатнинг “заминда илдиз отган ҳудудий асосдаги тирик жисм” сифатида талқин этилиши геосиёсий услубнинг бош ғояси ҳамда ўзаги ҳисобланади.

Бундай ёндашув кишилик жамиятига тегишли ҳодисаларнигина эмас, балки унга тааллуқли бўлмаган соҳалардаги жараёнларнинг бутун мажмуини таҳлил қилиш имконини яратади. Бу ўринда табиат ва атроф-муҳитнинг ёрқин ифодаси бўлган замин, шу ҳудуддаги кишилар ҳаётини узлуксиз таъминлайдиган борлиқ сифатида талқин этилади.

Шу маънода Ф.Ратцель, Фердинанд Теннис сингари немис “органистик” социология мактабининг бевосита вориси ҳисобланади.

Унинг миллат ва ҳудуд муносабатларига оид қарашлари “Сиёсий география”дан олинган қуйидаги парчада ўз аксини топган:

“Давлат тирик тана сингари Ер юзасининг маълум қисмига боғлиқ ҳолда шаклланади ва унинг мазмун-моҳияти замин ва халқнинг хусусиятлари билан белгиланади. Бу ўринда ҳудуд ўлчови, жўғрофий жойлашув ҳамда чегаралар энг муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Тупроқ ва ўсимликлар тури, суғориш тизими ва ниҳоят Ер юзасидаги бошқа унсурлар,

даставвал, яқин атрофдаги денгизлар ҳамда бир қарашда ҳеч қандай сиёсий аҳамият касб этмайдиган кимсасиз ҳудудлар билан муносабатлар кейинчи ўринларда туради. Ушбу хусусиятларнинг барчасини ифода этувчи мажмуа - das Land ни, яъни мамлакатни ташкил этади. Бироқ “бизнинг мамлакат” ҳақида гап кетганда, унга инсон тарафидан яратилган барча неъматлар ҳамда шу замин билан боғлиқ барча тарихий хотиралар ҳам қўшилади. Ана шу тарзда дастлаб соф жўғрофий тусдаги тушунча муайян мамлакат халқининг ўз тарихи билан маънавий-руҳий алоқаси омилига айланади.

Давлат турғун заминдаги халқлар ҳаётини ифодалагани учунгина эмас, балки бу икки омил бир- бирини ўзаро мустаҳкамлаб, тўлдирадиган, бир-бири билан муштарак бир бутунликка айлангани учун яхлит “организм” ҳисобланади. Ўзлаштирилган, айниқса, табиий чегаралар билан ўралган ҳудудлар эса аксинча, давлатнинг тараққиётини таъминлайди. Агар халқ ўз ҳуқуқидида ўзини табиий ҳис қилса, шу заминдан келиб чиқадиган ва унга қайтиб сингиб кетадиган бир хил хусусиятларни такрорлайверади”.

Ратцелнинг назарида давлатга нисбатан тирик тана сифатида муносабатда бўлиш “чегараларнинг бузилмаслиги” қонидасидан воз кечишни талаб этарди. Давлат тирик мавжудот сингари туғилади, ўсиб-улғаяди ва вафот этади. Ратцел ана шу қоидага таянган ҳолда давлатнинг ҳудудий кенгайиши ва торайиши табиий жараён эканини таъкидлайди ва “Давлатнинг ҳудудий ўсиши тўғрисида қонун” китобида унинг ички ҳаётини алмашинуви (цикли) билан боғлиқ. истилонинг 7 қонуниятини кўрсатиб беради:

1. Давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши жараёни шу ҳудуд маданиятининг ривожланиши билан биргаликда кечади.

2. Давлатнинг ҳудудий кенгайиши турли соҳаларда, хусусан мафкура, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолияти каби йўналишларда “тортишувчи нурланиш”, прозелитизм билан уйғун ҳолда рўй беради.

3. Давлат ҳам ўз навбатида муҳим сиёсий бирликларни қамраб олган ҳолда кенгайди.

4. Чегара давлат атрофида жойлашган тана аъзоси сифатида тушунилади.

5. Давлат ўзининг ҳудудий истилосини амалга ошириб унинг тараққиёти учун муҳим ҳисобланган минтақаларни, жумладан қирғоқдаги Ерлар, дарё ҳавзалари, водий ва барча бой ҳудудларни эгаллашга ҳаракат қилади.

6. Истилонинг бошланғич жараёни албатта ташқаридан рўй беради, негаки давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайишига цивилизациянинг қуйи бўғини томонидан берилган туртки сабаб бўлади.

7. Нисбатан заиф ва кучли миллатлар ўзаро чатишуви ёки қўшилиб кетиши билан боғлиқ умумий тенденция улкан ҳудудларни ҳаракатга келтириб, янада кенгайишига мажбур қилади.

Немис олими К. Хаусхофер 1869 йилда Мюнхен шаҳрида профессор оиласида дунёга келган. Ёшлигидан етук ҳарбий бўлишни орзу қилган Карл тегишли маълумотга эга бўлгач, йигирма йилдан ортиқ қуроли кучлар сафида зобитлик қилади. 1908 – 1910 йилларда у Япония ва Манчжурияда Германиянинг ҳарбий вакили лавозимида фаолият олиб боради. Ана шу пайтда у Япон императори оиласи ва олий табақа оқсуяклар қатлами билан танишади. Жисмоний жиҳатдан заиф бўлган Карл охир оқибатда ўзининг муваффақиятли ривожланиб бораётган ҳарбий фаолиятидан воз кечишга мажбур бўлади. 1911 йилда Германияга қайтган Карл умрининг охиригача ўзи туғилиб ўсган шаҳарда яшаб қолади. У илмий фаолият билан шуғулланиш натижасида Мюнхен университетида “фан доктори” даражасини олади. Ўша пайтдан бошлаб Хаусхофер мунтазам равишда умуман геосиёсат, хусусан Тинч океани ҳавзаси минтақаси геосиёсатига доир асарлар чоп эта бошлайди. Унинг “Дай Нихон” деб номланган илк асари Япония геосиёсатига бағишланган. 1924 йилдан бошлаб К. Хаусхофер 20 йил давомида “Geopolitik”, кейинчалик “Zeitschrift fur Geopolitik” деб номланган журнални нашр этади.

К.Хаусхофер Ф.Ратцел, Р.Челлен, Х.Маккиндер, В.Блаш, А.Мэхен ва бошқа геосиёсатчиларнинг асарларини диққат билан ўрганган. Сайёравий дуализм¹ “денгиз қудрати”нинг “минтақавий куч”ларга қаршилиги ёки талассократия² ва теллуократия³ қарама-қаршилигини ифода этган манзара унинг учун ўзи фаол иштирокчи бўлган халқаро сиёсат сирларини очиб берадиган калит вазифасини ўтаган. Масалан, Японияда у дунёнинг стратегик мувозанатига доир маъсулиятли қарор қабул қиладиган кучлар билан яқин муносабатларда бўлган. Шуниси қизиқки, дастлаб нацистлар томонидан қўлланган “Янги Тартиб”, ҳозирги вақтда эса америкаликлар илгари сурган “Дунёнинг янги тартиботи” ибораси илк бор Япония олимлари томонидан Тинч океани минтақасидаги таъсир доирасини кенгайтиришга йўналтирилган геосиёсий дастурга нисбатан ишлатилган.

Ўша пайтда “Денгиз Кучи” ва “Ер Кучи” ўртасидаги сайёравий рақобат Германияни ўз йўлини англаб олиш муаммосини келтириб чиқарди. Бу борада К.Хаусхофер ҳам миллий ғоя тарафдорлари немис давлати сиёсий қудратини оширишга ҳар томонлама ҳаракат қилгани маълум. Бу бу ҳол нафақат саноатнинг ривожланиши ва маданий тараққиётни, балки геосиёсий босқинчиликни ҳам англатган. Германиянинг Европа марказида жойлашганлиги, маданий ва жўғрофий ҳолати уни ғарбий денгиз давлатлари бўлмиш Англия, Франция ва АҚШнинг табиий рақибига айлантирган эди. “Талассократик” геосиёсатчиларнинг ўзлари ҳам Германияга салбий муносабатини яширмас, уни (Россия каби) денгиз ҳукмрони бўлган Ғарбнинг геосиёсий рақибига деб билишарди. Бундай вазиятда Германиянинг “Ташқи яримой” давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилишга ишониши кийин эди. Қолаверса Англия ва Франция ўртасида азалдан ўзаро ҳудудий даъволар мавжудлигини ҳам эътиборга олинishi керак.

Натижада, Буюк Германиянинг келажаги Ғарб ва англосаксон дунёси, яъни Sea Power билан геосиёсий нуқтаи-назардан қарама-қарши йўналишга эга эди. Карл Хаусхофер ва унинг издошлари яратган геосиёсий концепция ана шу таҳлилларга асосланади. У “қитъавий блок” ёки Берлин-Москва-Токио ўқини ташкил этиш заруриятини акс эттиради. Ушбу блок рақиб стратегиясига қарши ягона аниқ ва тўлиқ жавоб бўлиши керак эди. Шуни таъкидлаш қаракки, рақиб томон бундай ҳамкорлик тузилишидан қўрқшини ҳатто яширмаган эди. К.Хаусхофер “Қитъавий блок” мақоласида агар Евроосиёнинг энг кўп сонли халқлари бўлган немислар ва руслар ўзаро зиддиятларга барҳам беришса, Евроосиёни ҳеч қачон енгиб бўлмайди (Қрим уруши ёки 1914 йилги воқеалар каби). Бу Европа сиёсатининг аксиомасидир, деб ёзган. Фикрни давом эттириб, Хаусхофер америкалик Гомер Лининг “немислар, руслар ва японлар бирлашган пайтда англосаксон сиёсати ўлимга маҳкум бўлади,” деган мулоҳазасини мисол тариқасида келтиради.

Ушбу фикрни К.Хаусхофер ўз мақолалари ва китобларида турлича талқин этади. Бу фикр Ostorientierung, яъни “Шарққа йўналиш” номини олди. Унга кўра Германия халқи маданий нуқтаи-назардан нафақат Европа, балки Осиё анъаналарининг Ғарбдаги давомчиси сифатида ўз ўрнини топиб олиши керак. Айрим тадқиқотчиларнинг ёзишича, шунинг учун ҳам Иккинчи Жаҳон уруши даврида инглизлар немисларни камситиб “хуннлар” деб аташган. К.Хаусхофер мактаби геосиёсатчилари томонидан эса бундай номланиш ҳақиқат тарзида қабул қилинган.

Лекин шуни ҳам айтиш қаракки, “Шарққа очиқлик” концепцияси К.Хаусхофер талқинида “Славян ерларини эгаллаб олишни” англатмаган. Сўз фақат китъа миқёсидаги икки энг йирик давлат Россия ва Германиянинг Евросиёда янгича тартиб ўрнатиш борасида ҳамкорлик қилиши ҳақида борарди. К.Хаусхофер режасига кўра, немис ерларининг кенгайишига рус ҳудудларини босиб олиш билан эмас, балки деярли ўзлаштирилмаган улкан Осиё ҳудудларини ўзлаштириш ва Шарқий Европа ерларини қайта тақсимлаш орқали эришиш мумкин эди.

¹ Дуализм - dual деган сўздан олинган бўлиб, иккилик деган маънони англатади. Бироқ матнда дуализм атама мазмунида қўлланилганлиги туфайли айнан келтирилди.

² “Денгиз воситасидаги ҳукмронлик”

³ “Ер воситасидаги ҳукмронлик”.

Швециядаги қитъачилик назарияси

“Геосиёсат” тушунчаси илк бор швециялик олим Рудольф Челлен (1864-1922) томонидан қўлланилган. Р.Челлен Гётеборг ва Уппсала университетларида тарих ва сиёсий фанлар бўйича профессор лавозимида ишлаган. Бундан ташқари, мамлакат парламенти аъзоси сифатида ҳам сиёсий фаолият олиб борган. Р.Челлен профессионал географ бўлмаган ва у геосиёсатнинг устози Фридрих Ратцел асарларига асосланиб, сиёсатшуносликнинг бир бўлими сифатида ўрганган. Р.Челлен геосиёсатни куйидагига таърифлайди: “Геосиёсат – маконда ифодаланган жўғрофий тана шаклида бўлган давлат тўғрисидаги фандир”. Геосиёсат”дан ташқари, Р.Челлен сиёсий фанларнинг асосий қисмларини ташкил этиши керак бўлган тўртта оралиқ фанни таклиф қилади:

- экосиёсат;¹
- демосиёсат;²
- социосиёсат;³
- кратосиёсат⁴

Р.Челлен асосий асари “Давлат ҳаёт тарзи сифатида” (1916) китобида Ратцел асарларидаги илмий қоидаларни ривожлантирди. Р.Челлен ҳам Ратцел сингари давлат ва жамиятга механик ёндашишни рад этувчи немис “органицизм”ининг издоши деб ҳисобланган. Тадқиқот предметини “жонсиз объект” ҳамда “инсон субъектлари”га ажратишни қатъий рад этиш кўпгина геосиёсатчиларга хосдир⁵. Бу фикрнинг исботи сифатида Р.Челленнинг “Давлат ҳаёт тарзи сифатида” номли асосий асарини қайд этиш кифоя.

Р.Челлен Ф.Ратцелнинг геосиёсий тамойилларини ўзи яшаган даврда Европадаги тарихий вазиятга қўллаган ҳолда ривожлантирди. Аниқроқ айтганда, у Ратцелнинг “минтақавий давлат” тўғрисидаги ғояларини Германияга нисбатан қўллаб мантиқий ниҳоясига етказди. Бу билан у Германия Европанинг ўқ илдизини ташкил этган жадал ривожланаётган ҳудуд, экани боис у бошқа давлатларни ўз атрофида жойлаштириш вазифасини зиммасига олиши кераклигини уқтиради. Р.Челлен биринчи жаҳон урушини (“ўқ мамлакат”) Германиянинг тез ҳаракатланувчи истилоси ва унга қарши ҳаракат қилувчи Европа (ундан ташқаридаги давлатлар (Антанта) ўртасида келиб чиққан табиий геосиёсий низо, дея талқин этди.

Геосиёсий тараққиётда Франциянинг кучсизланиши билан Германиянинг кучайиб бориши ўртасидаги фарқ ўша пайтда минтақадаги асосий кучлар нисбатини белгилаб берган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, унинг фикрига кўра, гарчи Германия Биринчи Жаҳон урушида мағлубиятга учраган бўлса-да, уни геосиёсий нуқтаи назардан Европа билан тенглаштирилиши муқаррардир.

Р.Челлен Ф.Ратцель кўзлаган Германиянинг манфаатлари (Европа манфаатлари) Ғарбий Европа давлатлари (Франция ва Англия) манфаатларига зиддир, деган геосиёсий фикрни илгари суради. Аммо Германия “ёш” давлат, “ўрта Европада жойлашган”идан ҳаволанган “ёш немислар” “кекса” французлар ва инглизлар назоратидаги ҳудудлар ҳисобига сайёравий миқёсдаги қитъавий давлат бўлишга интилмоғи лозим. Р.Челлен бу ўринда геосиёсий қарама-қаршилиқнинг мафкуравий жиҳатини иккиламчи омил деб ҳисоблаган.

Ўрта Европа концепцияси

Р.Челлен ўз мамлакати сиёсатини Германия сиёсати билан яқинлаштириш тарафдори бўлса-да, унинг герман ҳудудининг мустақил бирлаштирувчилик хусусияти тўғрисидаги

¹ “Давлатни иқтисодий куч сифатда ўрганиш”.

² “Давлатни халқлар томонидан берилган динамик импульсларни талқин қилиш Ратцелнинг “Антропогеография”сининг қиёси.

³ “Давлатнинг ижтимоий жиҳатини ўрганиш”.

⁴ “Бошқарув шакли ва ҳокимиятнинг ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан ўзаро муносабатда ўрганиш”.

⁵ У табиатга жонсиз “фон” ва инсонга табиатни ўзгартиришга қодир “арбоб” сифатида муносабатда бўлишга қарши бўлган.

геосиёсий ғоялари Фридрих Науманн томонидан ривожлантирилган “�ўрта Европа” (Mitteleuropa) назарияси билан айнан мос келади. Зеро Ф.Науманн “Mitteleuropa” (1915) китобида Р.Челлен концепциясига ўхшаш геосиёсий назарияни илгари сурган. Унинг фикрига кўра, Англия (мустамлакалари ҳам), АҚШ, Россия каби уюшган геосиёсий тузилмалар билан рақобатда мағлуб бўлмаслик учун Марказий Европада яшовчи халқлар ўзаро бирлашиши ва сиёсий-иқтисодий асосда янгича макон ташкил этиши лозим. Албатта немислар уни бу маконнинг асосий ўзагини ташкил этиши зарур.

Mitteleuropa ғояси соф “пангерман” лойиҳаларидан фарқли ўлароқ, миллий эмас, балки жўғрофий тақдирнинг умумийлигига асосланган асл маънодаги геосиёсий тушунчадир. Науман лойиҳаси эса Германия, Австрия ҳамда Дунайбўйи давлатлари ҳамда узок келажакда Францияни бирлаштиришни назарда тутган эди. Мазкур геосиёсий дастур ўша пайтда мавжуд бўлган айрим маданий қоидалар билан ҳам тасдиқланган. Жумладан, Германиянинг ўзи органистик тузилма сифатида “Mittellage”, “ўрта ҳолат” деган маънавий тушунча билан умумлаштирила бошланди. Бу ғояни 1818 йилда Арндт қуйидагича ифодалаган эди: “Тангри бизни Европанинг қоқ марказида жойлаштирди, биз (немислар) дунёнинг ўзимиз яшаётган қисмидаги юрагидирмиз”.

3. Маккиндернинг геосиёсий қарашлари. Тарихнинг жўғрофий ўқи.

Ушбу фан ривожига ингилиз мактаби вакилларининг қўшган ҳиссаси алоҳида ўрин тутади. Айниқса геосиёсий назарияда чуқур тадқиқот олиб борган ва илмий изланишлари натижалари давлатларнинг ташқи сиёсат амалиётида кенг қўлланган олимлардан бири-Х.Маккиндернинг асарлари муҳим аҳамият касб этади.

Хэлфорд Дж. Маккиндер (1861-1947) географиядан олий маълумот олгач, Лондон Иқтисод мактаби (олий ўқув юрти) директори этиб тайинлангунга қадар 1887 йилдан бошлаб Оксфорд университетида дарс берган. 1910-1922 йилларда парламентнинг умумий палатаси аъзоси, 1919-1920 йилларда эса Британиянинг Жанубий Русиядаги мухтор вакили вазифасида фаолият олиб борган.

Х.Маккиндер ғоялари халқаро муносабатларнинг йўналишига жиддий таъсир этишга кодир бўлган ва шу туфайли Англия сиёсатида олий мартабага эришган сиёсий арбобдир. Шу билан бирга, у дунё сиёсий тарихини тадқиқ ва талқин этишда дадил ва ўзига хос инқилобий йўналиш яратган машҳур шахс ҳисобланади.

Геосиёсатга хос бўлган илмий жумбоқни Х.Маккиндернинг илмий асарларида яққол кузатиш мумкин. Унинг “Тарихнинг жўғрофий ўқи”, “Демократик идеаллар ва воқелик” сингари машҳур асарларида энг муҳим геосиёсий ғоялар баён этилган. Шуни таъкидлаш керакки, Х.Маккиндер нафақат сиёсат оламида, балки илмий доираларда ҳам юқори мавқега эга бўлишига қарамай, унинг ғоялари илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинмаган.

1904 йилда “Жўғрофий журнал”да нашр этилган “Тарихнинг жўғрофий ўқи” мақоласи Х.Маккиндернинг дастлабки ва энг ёрқин чиқиши бўлган эди¹. Х.Маккиндер бу мақолада кейинги барча асарларида ривожлантирилган жўғрофия ва тарихга оид қарашларини баён этган. Мазкур мақоланинг илмий қиймати шундаки, унда нафақат “сиёсий география” тараққиётининг илгариги барча йўналишларида қўлга киритилган илмий натижалар умумлаштирилиши билан бир қаторда, мазкур фаннинг асосий қонуни ҳам ишлаб чиқилган.

Х.Маккиндер фикрича, энг қулай жўғрофий макон бу ўрталикдаги ҳолат бўлиб, бирор бир минтақанинг марказда жойлашиш давлат учун ҳар жиҳатдан фойдалидир. “Марказда жойлашганлик ҳолати” нисбий тушунча бўлиб, вазиятга кўра ўзгариб туриши мумкин. Аммо сайёравий нуктаи назардан дунёнинг марказида Евросиё минтақаси, унинг марказида

¹ Mackinder H. "Geographical Pivot of History" in "Geographical Journal", 1904. Русча таржимаси “Элементы. Евразийское обозрение” журналыда, 1996, 7-сон, 26–31 - бетлар.

эса “дунёнинг юраги”, яъни “heartland” жойлашган¹. У бутун дунёни назорат қилиш учун энг қулай жўғрофий плацдармдир.

Heartland “дунё ороли”нинг (World Island) чегараси ичида ўрин эгаллаган умуммикёсдаги асосий ҳудуд ҳисобланади. Х.Маккиндер “дунё ороли”ни 3 минтақа - Осиё, Африка ва Европадан иборат деб билган. Шундай қилиб, Х.Маккиндер марказда тўпланувчи доиралар тизимини қўллаган ҳолда, умумсайёравий микёсида ҳудудлар кетма-кетлигини белгилаб, унинг марказида “тарихнинг жўғрофий ўқи” ёки “ўқ майдон”² жойлашганини асослашга интилди. Ушбу геосиёсий тушунчага кўра, Ернинг геосиёсий ўқи жўғрофий нуқтаи назардан Россия ҳудудини англатади. Ана шу “ўқ”ни ташкил этган воқелик heartland, яъни Ернинг юраги деб аталади.

Ундан кейин эса “ички ёки ташқи яримой” жойлашган³. Бу белбоғ Евросиё минтақасининг қирғоқ ҳудудларига тўғри келади. Х.Маккиндер фикрига кўра, “ички ярим ой” цивилизация ривожининг анча тезкор қисмини ташкил этади. Бу эса цивилизацияларнинг денгиз ва дарёлар соҳилларида пайдо бўлганлиги тўғрисидаги “потамик назария”га мос келади. Ушбу назария барча геосиёсий ёндашувларнинг ўзаги ҳисобланади. Сув ва қуруқликнинг кесишиши нуқтаси давлат ва халқлар тарихида муҳим омил ҳисобланади. Бундай қарашлар тизими К.Шмитт ва Н.Спайкмэн томонидан илгари сурилган бўлса-да, ушбу муаммони биринчилардан бўли тадқиқ этган олим айнан Х.Маккиндер ҳисобланади. У “Демократик идеаллар ва воқелик” асарида бундан кейин янада кенгроқ доира: “ташқи ёки оролий ярим ой” бошланишини таъқдлайди. Бу ҳудуд Дунё Ороли (World Island)нинг қуруқликдаги қисмига нисбатан (жўғрофий ва маданий жиҳатдан) бутунлай ташқарида жойлашган. Х.Маккиндер фикрича, тарихий тараққиёт жараёни сабаб-оқибат тамойилига асосланган ҳолда қуйидагича кечган: Heartlandнинг марказидан унинг қирғоқларига “қуруқлик босқинчи”лари мунтазам равишда ҳужум қилиб турган. Бу ҳол XIII асрда муғуллар босқини даврида айниқса яққол кўзга ташланган. Бироқ улардан олдин скифлар, хуннлар ҳамда аланлар томонидан ҳам худди ҳуружлар амалга оширилган. Х.Маккиндернинг таъкидлашича, “тарихнинг жўғрофий ўқи”да жойлашган тамаддунлар heartlandнинг ички ҳудудларидаги “авторитар” сиёсий ҳокимиятга эга бўлган “нодемократик” ҳамда “савдога асосланмаган” жамиятлардан иборат бўлган. Бундай тамаддунлар дастлаб Қадимги Рим ёки Спартаси сингари жамиятлар мужассамлашган.

Ташқаридан, “орол ярим ойи” минтақаларидаги “денгиз босқинчилари” ёки “оролликлар” томонидан “дунё оролига” ҳужум бўлиб турган. Улар Евросиёдан ташқаридаги марказлардан келиб чиққан мустамлакачи бўлиб, минтақанинг ички сарҳадларидан келган кучларни енгиб, денгиз ва қуруқлик кучлари ўртасида мувозанатни таъминлашга интилган “Савдо-сотик” ва “демократик” сиёсий тизим эса “ташқи ярим ой” тамаддунлар хос хусусиятдир. Қадимда Афина давлати ёки Карфаген ана шундай хусусиятлари билан ажралиб турган.

Икки қутбни эгаллаган ушбу тамаддунний-жўғрофий мажмуа оралиғида “ички ярим ой” ҳудуди жойлашган. У икки ёқламалиги ҳамда доимий равишда бир-бирига зид бўлган маданиятлар таъсирида қолгани туфайли анча ҳаракатчан бўлган ва шу сабабли тамаддауннинг энг тараққий топган ҳудудига айланган. Тарихнинг жўғрофий ўқи мақоласида Х.Маккиндер Евроосиёнинг марказий қуруқлик қисми билан қирғоқдаги давлатлар ўртасида жойлашган мамлакатларни мисол тариқасида келтириш мумкинлигини ёзади.

Х.Маккиндер фикрича, тарихий жараён жўғрофий нуқтаи назардан минтақавий ўқ атрофида кечади. Бу жараён “ички ярим ой” ҳудудларида яққол намоён бўлади “heartland”да “ҳаракатсиз” архаизм, “ташқи ярим ойда” эса қандайдир тамаддуний тартибсизлик ҳукм суради.

¹ 1-чизмага қаранг

² Маккиндерда “*pivot area*” деб аталган.

³ Маккиндерда “*inner of marginal crescent*”, деб аталган.

Х.Маккиндер ўз манфаатларини англосаксон орол дунёси, яъни “ташқи ярим ой” ҳудудининг манфаатлари муштарак деб ҳисоблаган. “дунё ороли” геосиёсий жихатдан шундай йўналишга эга бўладики, бунда heartlandнинг ниҳоятда заифлашагани ҳолда “ташқи ярим ой”нинг “ички ярим ой”га кўрсатадиган таъсири кенгайиб боради. Х.Маккиндер “тарихнинг жўғрофий ўқи”нинг бутун дунё сиёсатидаги стратегик устуворлигини таъкидлаб, қуйидаги муҳим геосиёсий қонунни кашф этади. У 1919 йилда Нью Йоркда нашр этилган “Демократик идеаллар ва воқелик” асарида “Кимки Шарқий Европани назорат қилса, heartland`да устунлик қилади; ким heartland`да устунлик қилса “дунё ороли”да устунлик қилади; кимки “дунё ороли”да устунлик қилса дунё миқёсидаги устунликка эришади”, деб ёзган эди.

Сиёсий нуқтаи назаридан қараганда бу ҳол Россиянинг стратегик етакчилигини тан олишни англатар эди. Х.Маккиндер “Тарихнинг жўғрофий ўқи” мақоласида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Германиянинг Европадаги ўрни қандай бўлса Россия бутун дунё миқёсида худди шундай марказий стратегик мавқени эгаллайди. У ҳар тарафдан ҳамла қилиши ва айни вақтда ўзи ҳам шимолдан ташқари барча тарафдан ҳужумга дуч келиши мумкин. Ана шу факрларга таянган ҳолда Х.Маккиндер англосаксон геосиёсатининг бош вазифаси “тарихнинг жўғрофий ўқи”, яъни Россия атрофида минтақавий стратегик иттифок ташкил топишига йўл қўймаслик деб ҳисоблаган. Демак, “ташқи ярим ой” кучларининг стратегияси heartland`дан имкон қадар кўп миқдорда соҳилли ҳудудларни тортиб олиш ва уларни “орол цивилизация”си таъсири остига киритишдан иборат. Унинг назарида: “Кучлар мувозанатининг ўқ давлат (Россия) томон ўзгариши, унинг Евросиё атроф ҳудудларини истило қилиши билан баробар рўй бериб, минтақанинг улкан захираларидан фойдаланган ҳолда қудратли денгиз флоти яратиш имконини берди; бундай вазиятда у дунё салтанати даражасига етиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Россия Германия билан бирлашган тақдирда ана шундай вазият вужудга келиши мумкин.

Эътиборли жихати шундаки, Х.Маккиндер фақатгина назарий тахминларни илгари суриш билан чекланиб қолмади, балки Антантани қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган “оқ ҳаракат”ни ташкил этишда ҳам фаол иштирок этди. Унинг фикрига бу ҳаракат немисларга хайрихоҳ бўлган евросиёчи–шўролар қудратини заифлаштиришга йўналтирилган жараён бўлиши керак эди. Х.Маккиндер Англия ҳукуматидан имкон қадар кўпроқ мадад олишга ҳаракат қилгани ҳолда шахсан ўзи “оқ ҳаракат” раҳбарларига йўл-йўриқ ва маслаҳат берган.

Х.Маккиндер фаол иштирок этган Версаль шартномасининг асосий мазмунида унинг геосиёсий қарашлари сингдирилган. Бу шартнома ғарбий Европа англосаксон дунёси учун кирғоқ базаси бўлиб қолажагини мустаҳкамлаш учун тузилган эди. Шу билан бирга, Х.Маккиндер немислар ва славянларни бир биридан ажратиб турувчи чегаравий давлатлар тузилишини ҳам назарда тутди. Бундай оралиқ давлатлар немислар ва славянлар ўртасида ўзига хос чегара вазифасини ўтайди ва демакки “демократия” учун хатарли бўлган минтақавий стратегик иттифок тузилишига имкон бермайди.

Шуни таъкидлаш керакки, Х.Маккиндер асарларида heartland` жўғрофий чегараларининг тадрижий тараққиётини ҳам кузатиш мумкин. Агар 1904 ва 1919 йилларда heartland`нинг ташқи кўриниши умумий белгиларга кўра Россия Империяси чегаралари, кейинчалик эса СССР чегараларига мос келган бўлса, 40-йилларда Х.Маккиндер ўзининг олдинги қарашларини қайта кўриб чиқади ва “Тарихнинг географик ўқи” (1904) мақоласи ҳамда “Демократик идеаллар ва воқелик” китобида (1919) шўроларнинг Енисей ортида жойлашган Шарқий Сибир ҳудудларини heartland`дан чиқариб ташлайди. 1943 йилда чоп этилган “Айлана сайёра ва тинчликни забт этиш” асарида у деярли аҳолисиз бўлган шўро ҳудудларни Лена дарёси номидан келиб чиққан ҳолда “Lenaland Россияси” деб атаydi:

“Heartland`да Россиянинг 9 миллион аҳолиси бор, 5 миллиони Иркутскдан Владивостокгача бўлган минтақалараро темир йўл ҳудудида яшайди. Қолган ҳудудларда ҳар 8 км квадратга бир кишидан кам аҳоли тўғри келади. Бу Ернинг табиий бойликлари ёғоч, минераллар бўлиб, уларга умуман қўл урилмаган.

“Lenaland”нинг “Heartland” чегараларидан чиқарилиши уни “ички ярим ой” ҳудуди сифатида қабул қилиниши имкониятини, яъни “орол давлатлари” томонидан “тарихнинг жўғрофий ўқи”га қарши жангда қўлланиладиган қирғоқ ҳудуди сифатида фойдаланиш мумкинлигини англатарди. “Оқ ҳаракат” ва Антанта ҳаракатини ташкил этишда фаол иштирок этган Х.Маккиндер афтидан Колчакнинг Евроосиё марказига қарши чиқишини “ташки ярим ой” ҳудудларига нисбатан бўлажак ҳужум сифатида талқин қилган. Шу туфайли унинг назорати остида бўлган ҳудудларни эҳтимолдаги “қирғоқ ҳудудлари” сифатида қабул қилиш учун етарли асос деб ҳисоблаган.

Х.Маккиндер Демократик идеаллар ва воқелик асарида дунё геосиёсати тарихини 3 босқичга бўлади:

1) Колумбгача бўлган давр. Бу даврда Дунё Ороли атрофида яшовчи барча халқлар, масалан, римликлар, ҳамиша “Ер юраги”даги кучлар томонидан босиб олиш хавф остида яшаган. Римликларга қарши бу таҳдид германлар, хунлар, аланлар ва форслар томонидан бўлиб турган. Ўрта асрларда эса таҳдид Олтин Ўрда хони ва ойкуменлар томонидан бўлган.

2) Колумб даври. Бу даврда “ички ярим ой” (қирғоқ ҳудудлари) вакиллари сайёранинг номаълум ҳудудларини босиб олишга отланади ва ҳеч қаерда жиддий қаршиликка учрамайди.

3) Колумбдан кейинги давр. Забт этилмаган ҳудудлар қолмайди. Динамик ҳаракатланишда бўлган тамаддунлар тўқнашувга маҳкум бўлиб, Ер юзидаги халқлар умумжаҳон микёсидаги фуқаролар урушига жалб этилади.

Х.Маккиндер томонидан яратилган ушбу геосиёсий қоидалар ушбу фаннинг мумтоз асосларини ташкил этади ва уларни кўпгина ҳолларда назарий-услубий нуқтаи-назардан қўллаш мумкин. Бугунги геосиёсий жараёнларга назар ташланса, улар Х.Маккиндер каби олимлар яратган умумий назарий қонуниятлар асосида таҳлил этилади. Бошқача айтганда, бугунги геосиёсий жараёнлар ҳам геосиёсатнинг бутун тарихи давомидаги мавжуд қонуниятлар асосида давом этмоқда. Денгиз ва қуруқлик кучлари ўртасидаги қарама-қаршилик бундан икки аср илгари қандай бўлган бўлса, бугунги кунда ҳам худди шу даражада давом этмоқда. Heartland томон юриш ва унга қаршилик кўрсатиш бир оз бўлса-да, тўхтагани йўқ. Бу ҳол кейинги йилларда Марказий Осиё атрофида кечаётган жараёнларда айниқса яққол намоён бўлади.

2-мавзу: ГЕОСИЁСИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Режа:

1. Европа ва Осиёнинг геостратегик истиқболи тўғрисида Европа-Америка мактаблари.

2. Геосиёсий жараёнлар борасида ҳозирги тадқиқотлар.

3. Евроосиёчилар янги оқими вакиллариининг геосиёсий қарашлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Европанинг геостратегик истиқболи, Осиёнинг геостратегик истиқболи, Европа-Америка геосиёсий мактаблари, “совуқ уруш”, сиёсий география, POSSIBILITY, сиёсий тарих, жўғрофий омил, тарихий омил, атроф муҳит, инсон борлиғи, рельеф, сиёсий омил, геосиёсий эҳтимоллик, геосиёсий имконият, субъектив омил, этник омил, ирқий омил.

1. Европа ва Осиёнинг геостратегик истиқболи тўғрисида Европа-Америка мактаблари.

Геосиёсий қарашларни тадқиқ этиш кейинги вақтда тобора кучайиб бораётган минтақавий можароларнинг олдини олиш, Евроосиёнинг тақдири хусусида муҳим ҳулосалар яшашга ёрдам беради. Биз юқорида инглиз ва немис олимларининг Евроосиёнинг геосиёсий манзараси, ҳукмрон кучларнинг ҳаракат дастурига айланган илмий қарашларини таҳлил

қилишга ҳаракат қилдик. Маълумки, иккинчи жаҳон урушига қадар Германия ва Буюк Британия Европадаги энг қудратли давлатлар ҳисобланган. Бу икки давлат нафақат Ғарбий Европа, балки Шарқий Европа ва ҳатто бутун Евроосиёнинг тақдирида ҳал қилувчи ўрин тутган.

Шу билан бир қаторда, Италия, Франция, Швеция каби давлатларнинг ташқи сиёсати ана шу икки давлатнинг геосиёсатига қараб белгиланган. Аммо Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда АҚШ энг қудратли денгиз давлати сифатида жаҳон сиёсати сахнасида пайдо бўлди. Унинг кучли ҳарбий салоҳиятга эга бўлиши ва НАТОнинг ташкил этилиши “Совуқ уруш” якунига (1991 йилга) қадар Евроосиёни икки қутб асосида бошқаришни таъминлади.

Бу ўринда Евроосиё ва АҚШ геосиёсатида муҳим назарий манба сифатида хизмат қилган француз олими Видаль де ла Бланш, америкалик олимлар Альфред Мэхен ва Николас Спайкменларнинг қарашларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Француз олимлари Евроосиё мувозанатини ҳам қитъачилик, ҳам атлантистик қарашларни мужассамлаштирган ҳолда тадқиқ этган. Улардан бири- таниқли олим француз география мактабининг асосчиси В.Бланш ҳисобланади. Гарчи у немис геосиёсий мактабининг кўп жиҳатларини қаттиқ танқид қилган бўлсада, ўз назариясини Ф.Ратцелнинг “Сиёсий география”сига таяниб яратган.

В.Блаш “Франциянинг жўғрофий манзараси” (1903) асарида немис геосиёсатчилари учун ўта муҳим ҳисобланган замин тушунчасига мурожаат этиб, шундай деб ёзади: “Францияда замин ва инсон ўртасидаги муносабат ўтмишнинг бетакрор хусусияти бўлган узлуксизлик билан характерланади. Бизнинг мамлакатда одамлар қадим-қадимдан бир ҳудудда яшаганини кузатиш мумкин. Булоқлар ва калцийли қоялар илк даврлардан бошлаб кишиларни яшаш ва ҳимояланиш учун қулай ҳудуд сифатида ўзига тортган. Бизда инсон ҳаёт сирларини ҳақиқий маънода заминдан ўрганган. Заминни ўрганиш аҳолининг феъл-атвори, ахлоқи ва урф-одатларини аниқлашга ёрдам беради.”

Бироқ жўғрофий омил ва унинг маданиятга таъсири борасида айнан немис олимлари сингари ёндашганига қарамасдан, В.Блаш Ф.Ратцел ва унинг издошлари табиий омилнинг таъсири ва аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириб юборишганини таъкидлайди. Унинг назарида, нафақат табиий омил, балки инсон ҳам “ташаббускор”лиги туфайли “муҳим жўғрофий омил” сифатида талқин этилиши зарур. Олимнинг таъкидлашича, инсон табиатдаги жонсиз буюм эмас, балки жараёнлардаги асосий ижрочидир.

Ф.Ратцел қарашлари ва илмий меросига танқидий ёндашув асосида В.Блаш “поссибилизм” деб номланган ўзига хос геосиёсий концепцияни илгари суради. Унга кўра, сиёсий тарих макон (жўғрофий омил) ҳамда замон (тарихий омил) каби жиҳатларга эга. Жўғрофий омил атроф муҳитда, тарих эса инсон борлигида акс этади. В.Блаш фикрича, рельефни давлатнинг сиёсий тарихидаги асосий омил деб ҳисоблаш “немис геосиёсатчилари”нинг хатосидир. Унинг ўзи эса жўғрофий ёки ҳудудий жойлашувни долзарб ва чинакам сиёсий омилга айланиши мумкин бўлган “эхтимоллик”, “имконият” деб талқи этишни таклиф қилади. Бу эса, аввало, субъектив омилга, аниқроғи ўша ҳудудда яшаётган халққа боғлиқ. Бундай ёндашув К.Хаусхофер мактабига мансуб немис геосиёсатчилари томонидан эътиборга олинган ва В.Блашнинг танқидини ғоятда муҳим ва асосли деб топган эди. Зеро, айнан шундай ёндашув муайян давлатнинг сиёсий тарихини ўрганишда этник ва ирқий омил аҳамиятининг кучайишини ифода этган эди.

В.Блаш Франциянинг ўша вақтдаги асосий сиёсий рақиби бўлган Германияга алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, геосиёсий истилосига Европадаги бошқа ривожланган давлатлар томонидан тўсқинлик қилинаётган Германия минтақадаги ягона қудратли давлат ҳисобланади. Ер юзида Англия ва Франциянинг кўплаб мустамлакалари мавжуд, Россия деярли бутун Осиёни қамраб олган, АҚШ бўлса жануб ҳамда шимолга деярли эркин ҳаракат қила олади, Германия эса ҳамма томондан қисилган ва ўз қувватини ташқарига чиқара олмайди. Блаш Германияни Европа ҳудудида жойлашган, лекин дунё тинчлигига

путур етказувчи асосий таҳдид ва бундай хавфли қўшнини ҳар қандай йўллар билан бўлса-да заифлаштириш керак, деб ҳисоблайди.

Германияга нисбатан бундай муносабатда бўлиш, Францияни минтақавий даражадаги давлатга қарши йўналтирган «Денгиз кучлари» умумий фронти таркибига қўшилишини билдиради. Блашнинг йўналиши француз геосиёсатчилари ўртасида ягона эмас эди, чунки унга параллел ҳолда адмирал Лавал ва генерал Де Голл томонидан ўртага ташланган бутунлай тескари германпараст йўналиш ҳам мавжуд эди.

Н.Спайкмэн 1917 йилда нашр этилган «Шарқий Франция» номли китобида Эльзас–Лотарингия провинциясининг аслида қадимдан Францияга тегишли бўлиб, немисларнинг бу ҳудудга нисбатан даъвоси ноқонуний эканлиги исботлайди. Бу билан В.Блаш Француз инқилобини таҳлил этишга ҳаракат қилади ва ушбу инқилобдаги яқобинчиларга ҳос мезонлар ўз давлатини жўғрофий интеграция орқали марказлаштириш ва мустаҳкамлашга интилан француз халқи геосиёсий интилишларининг ифодаси эканлигини таъкидлайди. У сиёсий либерализмни ҳам кишиларнинг заминга боғлиқлиги ва уни хусусий мулк сифатида эгаллашга бўлган табиий интилишлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади. В.Блаш шу тарзда геосиёсий воқеликни ўз майлича мафкураавий воқелик билан шундай боғлайди: Ғарбий Европа (Франция)нинг ҳудудий сиёсати «демократия» ва «либерализм» билан чамбарчас боғлиқ. Бундай тенглаштириш орқали В.Блашнинг геосиёсий қарашларини Х.Маккиндер ва А.Мэхен қарашлари билан қиёслаш мумкин. В.Блашнинг «денгиз йўналиши»ни танлаши мазкур схемага жуда мос келади.

Шуни эътиборга олиш керакки, Евроосиёданнинг геосиёсий тақдири доимо Америкалик геосиёсатчилар ва олимларнинг диққат марказида бўлган. Бундай қарашларнинг асосчиларидан бири – Америкалик геосиёсатчи Альфред Мэхэн ҳисобланади¹.

А.Мэхэннинг 1890 йилда нашр этилган “Тарихда Денгиз кучлари” (1660-1783)² деб номланган илк асари ҳарбий стратегия бўйича ноёб қўлланмага айланди. Бироздан кейин унинг “Денгиз кучининг Француз инқилоби ва империясига таъсири” (1793-1812)³, “Американинг ҳозирда ва келажакда денгиз кучларига эҳтиёжи”⁴, “Осиё муаммоси ва унинг халқаро сиёсатга таъсири”⁵ ҳамда “Денгиз кучлари ва унинг урушга муносабати”⁶ каби бошқа асарлари нашрдан чиқади.

Унинг деярли барча китоблари ягона “Денгиз кучи” - Sea Power масаласига бағишланган эди.

А.Мэхэн нафақат ҳарбий стратегия назарийгисини бўлиб қолмай, балки сиёсатда ҳам фаол қатнашган. Жумладан, у Генри Кэбот Лодж ва Теодор Рузвельт каби сиёсатчиларга кучли таъсир ўтказган. Бундан ташқари, XX аср Америка ҳарбий стратегиясига назар ташланса, у А.Мэхэн ғоялари асосида шаклланишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бу стратегия Биринчи жаҳон урушида АҚШга сезиларли муваффақият олиб келган бўлмаса-да, Иккинчи жаҳон урушида қўлга киритилган ютуқлар, айниқса, “совуқ уруш” даврида эришилган ғалаба “Денгиз кучлари” стратегиясининг мавқеини янада мустаҳкамлади.

А.Мэхэн сиёсатнинг асосий воситаси – савдо деб ҳисоблайди. Ҳарбий ҳаракатлар эса сайёравий савдо тамаддунининг шаклланиши учун қулай шарт-шароит яратиши керак.

¹ А.Мэхэн (1840-1914) Ф.Ратцел, Р.Челлен, Х.Маккиндердан фарқли ўлароқ олим эмас, балки ҳарбий бўлган. У «геосиёсат» атамасини ишлатмаган, лекин унинг асосий хулосалари ва таҳлил услуби геосиёсий йўналишга тўла мос келади. Америка Union Navy (Ҳарбий Денгиз Кучлари) офицери бўлган А.Мэхэн Нью-Порт (Роут-Айленд)даги «Naval War Collegue»да 1885 йилдан ҳарбий флот тарихидан дарс берган.

² Mahan A. “The influence of Sea Power in history” (1660-1783, 1890; рус тилида Мэхэн А. “Влияние морской силы на историю (1660-1783”, М.-Л., 1941

³ Mahan A. “The influence of sea power upon the French revolution and empire (1793-1812”, Boston, 1892; Мэхэн А. “Влияние морской силы на Французскую Революцию и Империю (1793 – 1812”, М.-Л., 1940

⁴ Mahan A. “The Interest of America in Sea Power”, 1897

⁵ Mahan A. “Problem of Asia and its effects upon international politics”, 1900

⁶ Mahan A. “The Sea Power in its relations to the war”, Boston, 1905

А.Мэхэн “денгиз қудратининг тарихий тараққиётга таъсири” асарида иктисодий циклни 3 ҳолатда кўриб ўтади:

- 1.Ишлаб чиқариш (сув йўллари орқали товар ва хизматлар алмашинуви)
- 2.Навигация (ушбу алмашинувни амалга оширади)
- 3.Мустамлакалар (дунё миқёсида маҳсулот айирбошлаш айланмасини таъминлайди).

А.Мэхэн давлатнинг геосиёсий мақоми ва ҳолатини таҳлил қилишда олти мезонга асосланиш кераклигини таъкидлайди:

1.Давлатнинг жўғрофий ҳолати, унинг денгизга очиклиги, бошқа давлатлар билан денгиз коммуникацияларига эга бўлиш имконияти. Қуруқликдаги чегаралар масофаси, стратегик муҳим минтақаларни назорат қилиш имконияти. Рақиб ҳудудига ўз флоти билан таҳдид солиш имконияти.

2.Давлатнинг “Жисмоний шакли”, яъни денгиз қирғоқларининг шакли ва унда жойлашган портлар сони. Савдонинг равнақи ва стратегик ҳимоя ана шу омилга боғлиқ.

3.Ҳудуднинг узунлиги. У қирғоқ чизигининг масофасига тенг.

4.Аҳоли миқдори. Бу билан давлатнинг кемалар қуриш ва уларга хизмат қилиш имкониятини баҳолаш мумкин.

5.Миллий феъл-атфори. Халқнинг савдо билан шуғулланиш имконияти.

6.Ҳокимиятнинг сиёсий табиати. Энг самарали табиий ва инсон ресурсларини қудратли денгиз салоҳиятини яратишга йўналтириш ана шу омилга боғлиқ”.

Юқорида таъкидланганидек, А.Мэхэннинг геосиёсий назарияси фақат “Денгиз қудрати” ва унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Унинг учун қадимда Карфаген ҳамда яқин тарихда (XVII-XIX асрларда) Англия денгиз қудратининг тимсоли ҳисобланади.

А.Мэхэнга кўра, “денгиз қудрати” тушунчаси “денгиз савдоси”нинг эркинлигига асосланади, ҳарбий денгиз флоти эса ана шу савдони таъминлашнинг кафолати ҳисобланади. А.Мэхэн масалага янада чуқурроқ ёндашиб, “денгиз қудрати”ни энг мукамал ҳамда энг самарали бўлган ва шу туфайли дунёвий ҳукмронликка мўлжалланган алоҳида турдаги тамаддун, деб билади.

Таъкидлаш жоизки, А.Мэхэннинг концепцияси бутун дунёда эътироф этилди ва Европа кўпгина геосиёсатчилар қарашлари ва сиёсий фаолиятига таъсир кўрсатди. Ҳатто асосан қуруқликда жойлашган минтақавий Германия ҳам адмирал Тирпиц бошчилигида А.Мэхэн ғояларига таяниб жадаллик билан денгиз флотини ривожлантиришга киришади. 1940-41 йилларда А.Мэхэннинг икки асари собиқ Иттифокда ҳам нашр этилган эди.

Аммо унинг асарлари биринчи навбатда Америка геосиёсатчиларига мўлжалланган эди. Маълумки, А.Мэхэн президент Монро (1758-1831) доктринасининг қизгин тарафдори бўлган. Чунки, ушбу ҳужжатда (1823 йилда) Америка ва Европа мамлакатлари ўртасида бир-бирига тажовуз қилмаслик тамойили эълон қилинган, шунингдек, АҚШ қудратининг юксалиши яқин атрофдаги ҳудудларни истило қилиш билан боғлиқ экани кўрсатилган эди.

Бинобарин, А.Мэхэн ҳам Американинг “келажаги денгиз билан узвий боғлиқ” деб ҳисоблаган ва бу “manifest destiny” (яъни, муқаррар тақдири азал)дир, деб ҳисоблаган. У биринчи босқичда бутун Америка минтақасини стратегик жиҳатдан бирлаштиргач, дунёда ҳукмронлик ўрнатишдан иборат эканини уқтирган.

Дарҳақиқат, А.Мэхэннинг узоқни кўра билиш қобилиятига эътибор бериш керак. Чиндан ҳам А.Мэхэн яшаган даврда АҚШ ҳали дунёнинг қудратли давлатлари қаторига кирмаган, бунинг устига, дунёдаги етакчи давлатлар келажакда муқаррар равишда “денгиз” давлатларига айланиши ҳам номаълум эди. Масалан, Х.Маккиндер 1905 йилда “Тарихнинг жўғрофий ўқи” мақоласида АҚШни “ташқи ярим ой” таркибига кирувчи Англиянинг ярим мустамлакаси ҳамда стратегик мақсадларининг давомчиси деб, уни “қуруқликка асосланадиган давлат”лар қаторига қўшган эди.

Х.Маккиндернинг асари пайдо бўлишидан роппа-роса 10 йил олдин адмирал А.Мэхэн Американинг сайёравий миқёсдаги тақдирини, яъни дунё тақдирига бевосита таъсир қилувчи асосий денгиз давлатига айланишини башорат қилган эди.

1897 йилда нашрдан чиққан “Американинг денгиз қудратидан манфаатдорлиги” асарида А.Мэхэн Американинг дунё давлатига айланиши учун қуйидаги фаолиятни амалга ошириши кераклигини таъкидлайди.

1.Денгиз давлати бўлган Британия билан мунтазам ҳамкорлик.

2.Германиянинг денгизчиликни ривожлантиришга оид даъво ва эътирозларига тўсқинлик қилиш.

3.Япониянинг Тинч океанидаги истилосини диққат билан кузатиш ва унга қарши ҳаракат қилиш.

4.Европаликлар билан ҳамкорликда Осиё халқларига қарши олиб борилаётган ҳаракатларни мувофиқлаштириб бориш.

Эътиборли жиҳати шундаки, А.Мэхэн “Денгиз цивилизациялари” учун асосий хавф борасида Х.Маккиндердан беҳабар ҳолда айнан у ясаган ҳулосаларга келган эди. Бу хавфни у биринчи навбатда, Евроосиёнинг минтақавий давлатлари – Россия ва Хитой ҳамда Германиядан кутиш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Россия билан, яъни Ғарбдаги Кичик Осиёдан бошланиб, шарқдаги Япон меридианигача чўзилган Рус империяси кучлари билан жанг қилиш денгиз кучлари учун узоқ муддатли асосий стратегик вазифадир.

А.Мэхэн 1861-1865 йилларда Шимолий Америка фуқаролар урушида америкалик генерал МакКлеллан қўллаган “анаконда” тамойилини сайёравий микёсга олиб чиқади¹. Бу тамойил душман ҳудудини денгиз ҳамда қирғоқ йўлақлар орқали қамал қилиш ва натижада рақибни стратегик жиҳатдан босқичма-босқич заифлаштиришдан иборат. А.Мэхэнга кўра, давлатнинг куч-қудрати унинг “Кучли денгиз давлати”га айлана олиш салоҳияти билан белгиланса, рақибга қарши туришнинг бош стратегик вазифасини белгиловчи омил – унинг шундай кучга айланишига йўл қўймаслиқдир.

А.Мэхэннинг таъкидлашича, рақиблар – Евросиё давлатларини² “анаконда” айланасида бўғиб ташлаш учун улар назоратидан қирғоқ ҳудудларини тортиб олиш ва имкон қадар денгиз ҳудудларига чиқиш йўллари бекитиб, сиқувга олиш керак.

Биринчи жаҳон урушида ушбу стратегия “оқ ҳаракат” томонидан Антантага мадад бериш мақсадида (большевикларнинг Германия билан имзолаган тинчлик битимига жавоб тариқасида) Евросиё теварагида амалга оширилди, иккинчи жаҳон урушида у яна Марказий Европага, шунингдек, амалга оширилган ҳарбий-денгиз юришлари орқали қисман Япония ва ўқ давлатларга қарши қўлланди. Ушбу геостратегия XIX асрнинг охиридан бошлаб геосиёсатчилар томонидан назарий жиҳатдан ривожлантирилганлиги маълум. Аслини олганда НАТО, ASEAN, ANZUS, CENTO каби блокларнинг Совет Иттифоқига қарши қаратилган стратегияси адмирал А.Мэхэннинг асосий тезисларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқилган эди. Бу ҳол уни замонавий атлантизмнинг “маънавий отаси” деб аташга асос бўла олади.

Ўз фаолиятини Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишга бағишлаган америкалик олимлардан яна бири – Николас Спайкмэн (Nicholas Spykman) ҳисобланади. Келиб чиқиши голландиялик бўлган Н.Спайкмэн (1893-1943) адмирал А.Мэхэннинг бевосита издошидир. Н.Спайкмэн халқаро муносабатлар профессори, кейинчалик Йель университети қошидаги Халқаро муносабатлар институти директори бўлган. Аввалги геосиёсатчилардан фарқли ўлароқ, уни жўғрофия, халқнинг замин билан алоқаси, рельефнинг миллий характерга таъсири каби муммолар унчалик қизиқтирмаган. Н.Спайкмэн назарида геосиёсат – халқаро сиёсат амалиётида қўлланадиган муҳим қурол, энг самарали стратегияни ишлаб чиқиш имконини берадиган таҳлилий услуб ва формулалар тизимдир. Шу маънода, у немис геосиёсат мактабининг “адолатли ва адолатсиз чегаралар” тўғрисидаги тасаввурларини метафизик сафсата эканини таъкидлаб, кўпгина, айниқса 1944 йилда Нью Йоркда нашрдан

¹ Евроосиёнинг геосиёсий босқинчилигини жиловлаш мақсадида, унинг қирғоқ ҳудудларини имкон қадар кўпроқ эгаллашга қаратилган Атлантизмнинг геосиёсий йўналиши.

² Бу ерда А.Мэхэн Россия, Хитой ва Германияни назарда тутмоқда

чикқан “Тинчлик географияси”(“The Geography of the Peace”) асарида бу ёндашувни кескин танқид қилди.

Н.Спайкмэн А.Мэхэн каби АҚШнинг “дунё ҳукмронлиги”га тезроқ эришишини таъминлайдиган самарали геосиёсий дастур ишлаб чиқиш тарафдори бўлган. Унинг кейинги тадқиқотлари ҳам ана шу мақсадга қаратилган прагматизмга йўғрилган.

Х.Маккиндер асарларини синчиклаб ўрганган Н.Спайкмэн асосий геосиёсий схема борасида ўзининг бошқалардан фарқли бўлган дастурини ўртага ташлади. Н.Спайкмэн Х.Маккиндернинг heartlandга ҳаддан ортиқ баҳо берганлигини таъкидлади. Бундай баҳо нафақат дунё харитасидаги кучларнинг ҳолати, балки дастлабки тарихий схемага ҳам таъсир этади. Н.Спайкмэн фикрича, “қирғоқ ҳудудлар”ини ташкил этган “ички яримой”, яъни rimland’нинг жўғрофий тарихи (худди Х.Маккиндер фикри каби) “қуруқлик кўчманчилари” босими остида эмас, балки табиий равишда кечган. Унингча, heartland барча маданий таъсирларни қирғоқ ҳудудлардан олади, унинг ўзи мустақил геосиёсий вазифа ёки тарихий ривожланиш салоҳиятига эга бўлмаган ҳудуддир. Спайкмэн Heartland эмас, айнан Rimland дунё ҳукмронлигининг калити эканини уқтиради. У Х.Маккиндернинг биз юқорида келтирган ҳулосасини янгича талқин этиб, “Кимки Rimlandда устунлик қилса Еврооёсиёда устунлик қилади, кимки Еврооёсиёда устунлик қилса дунё тақдирини ўз қўлига олади”, - деган қондани илгари суради.

Н.Спайкмэн бу билан геосиёсат фанига айтарлиқ янгилик киритмади. Х.Маккиндер учун ҳам “қирғоқ ҳудуд”, “ташқи ярим ой”, ёки Rimland минтақани назорат қилиш учун асосий стратегик мўлжал ҳисобланган. Лекин Х.Маккиндер ушбу ҳудудни мустақил ва фаровон геосиёсий макон эмас, балки “денгиз” ва “қуруқлик” унсурларининг ҳудудий қарама-қаршилиги сифатида тушунган. Бироқ heartlandни назорат қилиш деганда, у ҳеч қачон Россия ва унга яқин бўлган минтақавий ҳудудда ҳукмронлик қилишни назарда тутмаган.

1. Ҳудуднинг юзаси
2. Чегаралар табиати
3. Аҳоли миқдори
4. Фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги
5. Иқтисодий ва техник тараққиёт
6. Молиявий имкониятлар
7. Бир миллатлилиқ ёхуд аҳоли таркибида битта миллатнинг устунлиги.
8. Ижтимоий интеграция даражаси
9. Сиёсий барқарорлик
10. Миллий руҳият

Н.Спайкмэн “Дунё сиёсатида Америка стратегияси: Қўшма Штатлар ва кучлар мувозанати” (“America's Strategy in World Politics: The United States and the Balance of Power”, Нью Йорк, 1942) ва “Тинчлик географияси” асарларида биринчи бўлиб А.Мэхэн томонидан таклиф қилинган давлатнинг геосиёсий қудратини белгиловчи ўнта мезонни кўрсатиб ўтади.

Мазкур мезонлар асосида баҳоланган давлатнинг геосиёсий имкониятлари етарли даражада бўлмаса, у ҳолда бундай давлат умумбашарий стратегик ҳимоядан фойдаланиш учун суверентетининг бир қисмидан воз кечиш эвазига муайян стратегик иттифоққа аъзо бўлиши керак бўлади.

Rimland тушунчасига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериш билан, Н.Спайкмэн дунё геосиёсий харитасига “денгиз қудрати” позициясидан аҳамиятли бўлган яна бир муҳим кўшимча – “оралиқ океан” (Midland Ocean) тушунчасини илмий муомалага киритади. Унинг негизида Европа, Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг қадимги тарихида Ўрта Ер денгизи қандай ўрин тутган бўлса, Ғарб цивилизациясининг энг янги тарихида Атлантика океани худди шундай мавқега эга экани ҳақида геосиёсий ғоя ётади.

Н.Спайкмэн тамаддуннинг асосий тарихий ҳудуди айнан “қирғоқ ҳудуд”лари билан (Rimland) узвий боғлиқ, деб ҳисоблаган. Шу туфайли у Ўрта Ер денгизи атрофидаги ҳудудларни кейинчалик минтақа (қуруқлик босқинчиларини маданийлашувига олиб келган)

ичкарисига ва айрим оролларга тарқалаган (денгиз босқинчиларини маданийлашувига олиб келган) маданият намунаси сифатида талқин этган.

Қадимда Ўрта Ер денгизи атрофида кечган жараёнлар бугунги кунда сайёравий миқёсда Атлантика океани доирасида рўй бермоқда. Океаннинг ҳар икки қирғоғи Ғарб тамаддунининг технологик ва иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ҳудуди бўлиб қолмоқда.

Бундай талқин этилган Midland Ocean, яъни “оралиқ океан” ажратувчи эмас, балки бирлаштирувчи омил сифатида More Intermum, яъни “ички денгиз”га айланади. Шундан келиб чиқиб, Н.Спайкман шартли равишда “атлантика минтақаси” деб аташ мумкин бўлган куруқликдан иборат геосиёсий воқелик ҳақида сўз юритади. Ушбу минтақа марказида жойлашган Атлантика океани кўл вазифасини бажаради. Назарий тусдаги ушбу “минтақа” ёки “янги Атлантида” Ғарбий Европа маданиятининг муштарак, демократия ва либерал–капитализм мафкураси, сиёсий, этник ҳамда технологик тараққиётнинг узвий боғлиқлигини ифода этади.

Н.Спайкман ушбу “атлантик минтақа”да интеллектуал омил айниқса муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг Шарқий қирғоғи (айниқса Нью-Йорк) ушбу янги “атлантик ҳамжамият”нинг ўзак марказини ташкил этади. Бунда АҚШнинг савдо ҳамда ҳарбий-саноат мажмуи унинг бошқарув маркази ва қудратли механизми вазифасини бажаради. Европа маълум маънода АҚШнинг интеллектуал таркибий қисмига айланади ва шу боис АҚШнинг геосиёсий манфаатлари ва стратегик йўналиши барча Ғарб давлатлари учун ягона ва асосий йўл бўлиб қолади. Шундай экан, Спайкман Европа давлатларининг сиёсий суверенитети ҳам аста-секин қисқариши ва ҳақиқий ҳокимият “атлантика” ҳудудининг барча вакиллари бирлаштирувчи АҚШ етакчилигидаги махсус тузилма ихтиёрига берилиши керак, деб ҳисоблайди.

Бошқача айтганда Н.Спайкман “Шимолий Атлантика Иттифоқи” (НАТО) тузилиши натижасида рўй берган кўпгина жараёнлар, жумладан, урушдан кейин Европа давлатлари суверенитетининг камайиши ва АҚШнинг сайёравий ҳукумронликка интилишини олдиндан англаб етган эди.

Шу боис Спайкман айрим олимлар томонидан Американинг “совуқ уруш”даги ғалабасининг меъмори деб тан олиниши бежиз эмас. АҚШнинг “денгиз қудрати” сифатида минтақа ва денгиз кучлари ўртасидаги курашда ҳал қилувчи ғалабага эришиш учун Евросиё, жумладан Европа, Араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларнинг қирғоқ ҳудудларини назорат қилишни назарий жиҳатдан асослаш Спайкман концепциясининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Макендер талқинида сайёравий иккилик деб аталган денгиз ва куруқлик ўртасидаги зиддият “абдий” ва “ўзгармас” бўлса, Н.Спайкман фикрича, “денгиз давлатларининг” Rimland устидан ўрнатадиган мутлақ ҳукумронлиги куруқлик давлатларини тўла-тўқис назорат остида тутиб туриш имконини берадиган ғалабага олиб келади”.

Аслида бундай ёндашув А.Мэхен илгари сурган “анаконда” тактикасининг мантикий якунига етказилган ва ривожлантирилган кўринишидир. Н.Спайкман Марказий Евроосиёнинг геосиёсий ҳолати ва ушбу минтақада рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар хусусида ҳам фикр-мулоҳозаларини баён этган. Чунончи, у Марказий Евросиё сиёсий жиҳатдан кучайиши ва бутун қитъани эгаллашга интилиши мумкинлиги тўғрисидаги Х.Маккендер назарияларидан воз кечишга ҳали эрта эканини уқтиради. Шундай қилиб, Н.Спайкман геосиёсат тарихида “атлантизмнинг отаси” “НАТОнинг ғоявий раҳнамоси” сифатида ном қолдирган.

Шундай қилиб, Евроосиёнинг геосиёсий тақдири француз геосиёсий мактаби вакиллари томонидан илгари сурилган концепциялар Ғарбий Европада стратегик мувозанатни сақлашга қаратилган бўлса, атлантистлар вакиллари томонидан илгари сурилган концепциялар бутун Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатишни назарда тутди.

Америка геосиёсатида Буюк Британиянинг Евроосиёни эгаллаш ва унинг марказига интилишга қаратилган стратегиясининг давомини кўриш мумкин. АҚШ стратегияси “совуқ уруш” даврида ғоявий-мафкуравий жиҳатдан асосан собиқ Совет Иттифоқига қарши

йўналтирилган эди ва бу курашда геосиёсий мақсадлар ошкора намоён бўлмаган. Совет тизими парчалангандан кейин Евроосиёнинг турли минтақаларида АҚШ олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлар, ушбу қитъанинг маркази-Марказий Осиёга нисбатан турли ҳийла ва найранглар воситасида кириб бориш ва бу ҳудудни имкон бориша узоқроқ ўз таъсир доирасида сақлаб туришга интилишлар мазкур давлатнинг юз йилдан буён амалга ошириб келаётган геосиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини намоён этади. Хулоса қилиб айтганда, А.Мэхеннинг “Анаконда” стратегияси ва Н.Спайкман илгари сурган концепция ер юзида ва асосан Евроосиёдаги стратегик вазиятни назорат этишга йўналтирилган геосиёсатни англатади.

2. Геосиёсий жараёнлар борасида замонавий тадқиқотлар.

Маълумки, ўтган асрнинг асосий геосиёсий қарама-қаршилиги “совуқ уруш”да яққол намоён бўлган. Бу даврда унинг интиҳоси, умуман жаҳон ҳамжамиятининг келажаги тўғрисида турли ёндашув ва назариялар илгари сурилди. Баъзи олимлар ядровий ҳалокат дунё тараққиётига яқун ясабини таъкидлаган бўлса, бошқалари Шарқ ва Ғарб ўтрасидаги зиддият охир-оқибатда ягона умумсайёравий тартиботга бўйсунушга олиб келишини уқтиради. Айнан ана шу ёндошув мондиализм назариясининг мазмун-моҳиятини ифода этади¹. Ушбу концепция Ғарбнинг “совуқ уруш”да эришган ғалабасидан анча илгари пайдо бўлган эди. Унга кўра, тўлиқ сайёравий интеграциянинг рўй бериши муқаррар бўлиб, давлатлар, халқлар, миллатлар ва маданиятларнинг хилма-хиллиги босқичидан ягона дунё, яъни “One World”га ўтиш амалга ошади.

Ушбу ғоянинг илдизларини Ўрта асрларга ва узоқ ўтмишга бориб тақаладиган баъзи утопик назарияларда кўриш мумкин. Бундай таълимотларга кўра, тарихнинг муайян кульминацион даврида ердаги барча халқлар ягона салтанат остида бирлашади ва қадимдан давом этиб келган зиддиятлар, тўқнашув ҳамда муаммолар барҳам топади².

Мондиалистик ғоялар кўпроқ бетараф позицияда турган турли касбдаги европаликлар, инглиз либералларига, шунингдек шўроларга хос бўлган. XIX аср охиридан бошлаб жаҳон бизнес оламидаги йирик шахслар томонидан мондиалистик руҳдаги ташкилотлар тузилгани маълум. Масалан, сэр Сесил Роус томонидан тузилган “Давра столи” гуруҳи аъзолари “ягона Дунё ҳукуматини тузиш ва бутун дунёда тўсиқсиз савдо тизимини шакллантиришга ҳисса қўшиши” шарт эди. Ушбу “давра столи” доирасида юритилган баҳс-мунозараларда кўпинча социалистик ва либерал-капиталистик ғоялар қоришиб кетар ва коммунистлар ушбу ташкилотдаги йирик молия капитали вакиллари билан ҳамкорлик қилар эди. Уларнинг барчасини умумсайёравий бирлашув утопик ғояси бир-бири билан боғлаб турган. Рус олими А.Дугиннинг фикрича, Миллатлар Лигаси, БМТ ва ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ана шундай мондиалистик руҳдаги ташкилотлар сирасига киради. XX аср давомида бундай мондиалистик ташкилотлар ортиқча шов-шувлардан қочиб, яширин, сирли тусга эга бўлиб, номини тез-тез ўзгартириб турган.³

АҚШнинг бутун Ғарб оламида, қолаверса, бутун Ер юзида стратегик жиҳатдан энг қудратли давлатга айлангани сари у мондиализмнинг асосий штабига айланди. Бу “штаб” аъзолари ҳокимиятга муқобил маслаҳатчилар, таҳлилчилар ва стратегик тадқиқотлар марказларидан иборат тизимни шакллантирди.⁴

Шундай қилиб, мондиалистик ташкилотларнинг уч асосий маркази вужудга келган ва фаолият юритган бўлса-да, улар расман Ғарб жамоатчилигига узоқ вақт аён бўлмаган. Расмий ташкилот ҳамда тизимлардан фарқли ўлароқ, бу гуруҳлар режалаштириш ва

¹ Америкада мондиализм назарияси // Тафаккур, 2006,1-сон, 112-113- бетлар.

² Мондиалистик утопиянинг соф хаёлий кўринишларидан ташқари рационал кўринишлари ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири позитивист Огюст Контнинг “Учинчи эра” таълимоти ёки Лессингнинг гуманистик эсхатологиясидир.

³ Гарри Дэвиснинг “Дунё конфедерацияси учун универсал ҳаракат”, “Федерал Иттифоқ” ва хатто инглиз праляменти аъзоси Генри Асборн томонидан 1946 йилда “Дунё ҳукумати учун салб юриши” каби уюшмалар ташкил этилган. Қаранг. Дугин А. Основы геополитики.Биринчи қисм.-М.:Арктогея,1997,121-130-бетлар.

⁴ Қаранг. Уткин А.И. “Мировой порядок XXI века”, “Вызов Запада и ответ России” – М., 2002.

тадқиқотлар соҳасида эркин фаолият юритишиб, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар комиссиялари фаолиятини белгиловчи қатъий қоидалар ва расмийликдан халос эди.

Америкалик йирик банкир Морган асос солган “Халқаро муносабатлар бўйича кенгаш”¹ дастлабки мондиалистик ташкилотлардан бўлган. Ушбу норасмий ташкилот АҚШнинг жаҳон ҳамжамиятига нисбатан олиб борадиган стратегиясини ишлаб чиқиш, “Дунё ҳукумати”ни ташкил этиш ва сайёрани тўлиғича ягона қолипга солишни мақсад қилиб фаолият юритган. Бу ташкилот 1921 йилда “Бутун жаҳон тинчлиги учун Карнеги Жамғармаси”нинг шўъбаси сифатида ташкил топган. Унинг аъзолари ҳисобланган барча юқори мансабдаги сиёсатчиларни сайёрамизнинг келажаги тўғрисидаги мондиалистик қарашлар бирлаштирган.² 1954 йилда иккинчи мондиалистик тизим - Бильденберг клуби ёки Бильденберг гуруҳи ташкил топади. У “нафақат” америкалик таҳлилчи, сиёсатчи, молиячи ва зиёлилар, балки уларнинг европалик ҳамкасбларини ҳам бирлаштиради. 1973 йилда Бильденберг гуруҳи фаоллари томонидан учинчи муҳим мондиалистик тизим “Трилатерал” (Trilateral) – “Уч томонлама комиссия” ташкил этилади.

Ушбу ташкилотнинг АҚШдаги штаб-квартирасидан (345 East 46th street, New York) ташқари яна икки қароргоҳи Европа ва Японияда мавжуд бўлган. “Trilateral” фундаментал геосиёсий нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти ҳамда техник ривожланишда етакчилик қилаётган Америка қитъаси, Европа ва Япония назорат қилаётган Тинч океани ҳудудидан иборат “учта энг улкан ҳудуд”ни АҚШ ва атлантизм бошчилигида бирлаштиришни назарда тутган эди.

Бильденберг ва Трилатерал каби мондиалистик гуруҳларга “Чейз Манхэттен банк”нинг эгаси йирик сармоядор Дэвид Рокфеллер бошчилик қилган. Бундан ташқари, барча мондиалистик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда атлантизмнинг доимий таҳлилчилари, геосиёсатчи ва стратеглари ҳисобланган Збигнев Бжезинский, Генри Киссинджер ва Жорж Болл каби машҳур сиёсатчилар хизмати бекиёс бўлган.

Барча мондиалистик лойиҳаларнинг асосий йўналиши “демократик”, “гуманистик”, “прогрессив” қадриятларни кенг тарғиб этиш ва Ғарбнинг стратегик устуворлиги остида ягона дунё тизимига ўтишни кўзда тутди. Аммо, таъкидланганидек мондиализмга қарши қайфиятлардан халос бўлиш мақсадида сиёсатчи, журналист, зиёли, молиячи ҳамда таҳлилчилардан иборат параллел тузилмалар ҳам ташкил этилган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай тузилмалар “Ягона Дунё ҳукумати” лойиҳасини кенг оммага эълон қилиш олдидан ўзига хос замин ҳозирлаши керак эди. Чунки бундай оламшумул дастурнинг кутилмаганда эълон қилиниши кучли қаршилиқни келтириб чиқариши мумкин эди. Мондиалистик ташкилотлар тузадиган ва амалга оширадиган дастурлар услуби билан жиҳатидан бир-биридан фарқланса-да, назарий жиҳатдан бир мақсадга етаклайдиган восита бўлган.³

Мондиализмда конвергенция назарияси муҳим ўрин тутди. Ўтган асрнинг 70-йилларида З.Бжезинский бошчилигида “сўл” таҳлилчилар томонидан ишлаб чиқилган ушбу назария “совуқ уруш” даврида яққол намоён бўлган мафкуравий ва геосиёсий қарама-қаршилиққа янги маданий-мафкуравий тамаддунни вужудга келтириш орқали барҳам бериш мумкинлигини асослайди. У соф атлантизм ва континентализм оралиғидаги, аниқроқ айтганда, социализм ва капитализмни уйғунлаштирадиган тамаддун бўлиши керак эди.

Бу назария асосчилари марксизмдан халос бўлиш учун унинг социал-демократик ёки ревизионистик руҳдаги мўътадилроқ андозасини қабул қилиши лозимлигини таъкидлаган. Бунинг учун эса “пролетариат диктатураси”, “синфий кураш”, “ишлаб чиқариш кучларини национализация қилиш” ва “хусусий мулкни бекор қилиш” деган марксистик атамалардан воз кечиш зарур эди. Бу ўз навбатида, либерал Ғарбда бозор эркинлигини бир оз чеклаш,

¹ Council on Foreign Relations, қисқача C.F.R

² Рус тадқиқотчиси А.Дугиннинг ёзишича CFR.нинг кўпчилик аъзолари бир вақтнинг ўзида шотланд масонлигига мансуб бўлганлиги сабабли, уларнинг геосиёсий лойиҳалари қандайдир гуманистик-мистик хусусиятга эгаллиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин. Қаранг. Дугин А. ўша жойда.

³ Қаранг. Дугин А. ўша жойда.

иктисодиётга давлат аралашувини қисман бўлса-да киритишни тақозо этарди. Маданий муштараклик эса, маърифатпарварлик ва инсонпарварлик қадриятларида ифодаланиши мумкин. Зеро, Ғарбдаги демократик тузумлар ҳам, шўроларнинг ижтимоий ахлоқ тизими ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга асосланган.

“Конвергенция назарияси” асосида пайдо бўлиши мумкин бўлган Дунё ҳукуматига СССР ва АҚШ томонидан сайёрамизни биргаликда бошқариш имконияти берилиши назарда тутилган эди. Бу вазиятда Ер юзидаги халқлар геосиёсий зиддият босимидан халос бўлиб, “совуқ уруш” тугаши ва умумий тинчлик даври бошланиши керак эди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мондиалистик марказларнинг Москвада ҳам ўз вакиллари бўлган. Жумладан, академик Гвишиани “Трилатерал”нинг советлар давлатидаги шўбаси бўлган тизимли тадқиқотлар институтига раҳбарлик қилган. Ғарбдаги ва Россиядаги айрим геосиёсатчилар фикрича, собиқ Иттифоқ даврида қайта қуриш сиёсатини амалга оширган Михаил Горбачев ва унинг маслаҳатчилари таянган мафкуравий асос конвергенция назарияси эди.¹

Мондиализмда энг машҳур тадқиқотлардан бири – бу Джонс Хопкинс Университети профессори Фрэнсис Фукуяманинг “Тарих интиҳоси” назариясидир². Кўпчилик олимлар, давлат арбоблари, геосиёсатчи мутахассислар фикрича, Ғарб атлантизмнинг ғалабаси ва собиқ шўро давлатининг кулаши мондиалистик лойиҳаларнинг барҳам топиши ёхуд мантиқан ўзгаришига олиб келиши керак эди. 1990 йилларнинг бошида мондиализмнинг янги кўриниши сифатида Ф.Фукуяманинг “Тарих интиҳоси” мақоласи асосида ишлаб чиқилган доктрина пайдо бўлди. Жиддий шов-шувларга сабаб бўлган ушбу мақолада илгари сурилган ғоя сиёсатчилар ва бошқа кўплаб таниқли мутахассислар томонидан неомондиализмнинг ғоявий базаси сифатида талқин қилина бошланди.

Хўш, ушбу ғоянинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? Мазкур мақолада Ф.Фукуяма тарихий жараёнлар ривожининг қуйидаги андозасини таклиф қилади. Инсоният “ижтимоий воқелик нотўғри бошқарилган” ва “қолоқлик” ҳукм сурган зулматли даврдан капитализм, замонавий Ғарб тамаддуни, бозор иқтисодиёти ва либерал-демократик мафкурага асосланган тузум сари интилиб келган. Шўро давлатининг парчаланиши энг сўнгги “иррационалистик” андозанинг қулагани тарих интиҳоси ҳамда Ер юзида янгича давр бошланганини англатади. Дунё тараққиёти бундан буён “бозор ва демократия”нинг рационал қонунларига асосланади.

Бозор муносабатлари ва демократия Ғарб маданияти маҳсули бўлса-да, янги тузум барча минтақаларни қамраб олган ҳолда мамлакатларни иқтисодий ривожланган марказлар атрофида бирлаштиради.

Ф.Фукуяманинг назариясига яқин фикрлар европалик олимлар асарларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, узоқ вақт давомида Франция президенти Франсуа Миттераннинг маслаҳатчиси ҳамда бир оз вақт Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директори лавозимида ишлаган Ж.Аттали “Горизонт чизиғи” китобида шунга ўхшаш назарияни илгари сурган.

Ж.Атталининг фикрича, ҳозирги вақтда тараққиётнинг учинчи даври - қадриятларнинг универсал эквиваленти бўлган “пул даври” бошланган.³ Унинг назарида, жаҳонда ягона либерал-демократик мафкура, бозор тизими ва информацион технологияларнинг ривожланиши туфайли дунёда янги манзара вужудга келади, бутун тарихий тараққиёт давомида ҳукмронлик қилган геосиёсий воқеликлар аҳамияти сусаяди. Бу ҳол Ғарб ва Шарқ ўртасидаги зиддиятни ифода этган геосиёсий дуализмнинг бартараф этилишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, яхлит умумдунёвий тизим “геоиктисодиёт” тамойилларига асосланган янги геосиёсий воқеликка айланади. Таъкидлаш жоизки, “Геоиктисодиёт”

¹ Қаранг. Дугин А. Ўша жойда.

² Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. Перевод с английского М.Б.Левина. Публикуется по изданию.-М.:ООО “Издательство АСТ”, 2004.

³ Бундай ёндашувни Атталининг ўзи яхудий-каббалистча талқинда ўз ифодасини топган мессианлик даври бошланганлиги билан боғлайди. Бу масала унинг мессианликка бағишланган “У келади” деган бошқа китобида атрофлича ёритилган.

мондиалистик геосиёсатнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, у геосиёсий ёндашувнинг мазмун-моҳиятини ифода этувчи жўғрофий, маданий, мафкуравий, этник, диний ва бошқа хусусиятларни эмас, асосан иқтисодий омилнинг ҳудудга муносабатини устувор омил сифатида тан олади. “Геоиқтисодиёт” учун алоҳида шахснинг яшаш тарзи, такомили, маданий қадриятлари ва анъаналарини эътиборга олмайди. У воқеликни йирик ишлаб чиқариш, ахборот марказлари, фойдали қазилмалар ва жаҳон биржалари марказлари билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Ж.Атталенинг геоиқтисодий ёндашуви “ягона дунё”да қуйидаги янги иқтисодий марказлар бўлиши мумкинлигини асослайди:

- Жанубий ва Шимолий Американи бирлаштирган ягона молиявий-саноат ҳудуди;
- Иқтисодий интеграциялашув натижасида пайдо бўлган Европа ҳудуди;
- Япония, Тайвань, Сингапур каби бир қанча рақобатчи марказларни ўз ичига олган “янги тараққиёт” зонаси - Тинч океани минтақаси ҳудуди.

Ж.Аттали бу уч мондиалистик ҳудуд бир-бири билан иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан узвий боғлиқ бўлгани боис, улар ўртасида жиддий фарқ ёки қарама-қаршилик вужудга келмайди, деб таъкидлайди. Бу ҳудудлар жўғрофий жойлашув жиҳатидангина фарқланиб, атрофидаги ривожланмаган минтақаларни узвий бир тизимга тарзида бирлаштиради. Шу тариқа Ер юзида мавжуд бўлган геосиёсий қарама-қаршилик барҳам топади. Ғарбга қарши тура оладиган кутбнинг мавжуд эмаслиги Евроосиёда янги ёндашувларни жорий этиш жараёнини тезлаштиради. Ж.Атталенинг таъкидлашича, бу геоиқтисодиёт даврининг бошланишидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, геосиёсат тарихида ўзига хос ўрин тутган бундай тадқиқотлар муҳим илмий - назарий аҳамият касб этади. Зеро, ушбу изланишлар халқаро муносабатлар амалиётини атрофлича ўрганиш ҳамда назарий умумлаштириш негизида янги илмий ечимлар ва хулосалар қилишга хизмат қилган. Шу маънода, кейинги йилларда Марказий Осиёда жадал кечаётган геосиёсий жараёнларни тадқиқ этаётган олимлар учун бундай тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

3. Евроосиёчилик ва неоевроосиёчилик.

Евроосиёнинг геосиёсий тақдири рус геосиёсатчилари томонидан чуқур таҳлил этилган. Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатиш мавзуси кўплаб олимлар, айниқса рус геосиёсатчилари томонидан теран таҳлил этилган. Зеро, геосиёсий таълимотлар ва уларга таянган ҳолда олиб борилган ташқи сиёсат, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар ҳамда босқинчилик юришлар йўналиши бевосита Евроосиёнинг марказига қаратилган. Бу ҳол МДХ ҳудудида яшаётган олимлар, мутахассислар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари учун нафақат илмий тадқиқот масаласи, балки Россия ва унинг атрофидаги давлатларни ташвишга солаётган жиддий муаммодир. Евроосиёнинг геостратегик мавқеи ва истиқболи рус геосиёсатчи олими, Лев Николаевич Гумилевнинг қарашларида илмий жиҳатдан асосланган.

Асли тарихчи бўлган Л.Гумилев рус геосиёсатчиси П.Савицкийнинг энг истеъдодли шогирдларидан бўлган. У асарларида том маънодаги геосиёсий мавзуларни тадқиқ қилган бўлмаса-да, унинг этногенез ва этник цикллار назарияси “органицистик” ёндашувга яқин бўлиб, қисман “географик детерминизм” йўналишини давом эттиради. Зеро, ушбу тушунчалар Ф.Ратцел, Р.Челлен, К.Хаусхофер таниқли олимлар геосиёсий қарашлари негизини ташкил қилади.

Л.Гумилевнинг қадимги давр Евроосиё этно-харитаси, чўллар, кўчманчи халқлар ва уларга тегишли бўлган тамаддунларга оид тадқиқотлари айниқса диққатга сазовордир. Унинг асарларида сиёсий тарихнинг бутунлай янги қиёфаси намоён бўлади. Бунда Евроосиёнинг Шарқий қисми цивилизация теваарагида (яъни ғарбий цивилизация назарда тутилмоқда) жойлашган варварларга тегишли ер эмас, балки этногенез, маданият, сиёсий тарих, давлатчилик ва техник тараққиётнинг ўзига хос маркази сифатида ифодаланади. Ғарб ва унинг тарихи нисбийлаштирилади. Евроосиё маданияти ва бу қитъада яшаётган этносларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги, ўзига хос қадриятлар мажмуи, диний муаммолари ҳамда тарихий қонуниятлари умуман ўрганилмаган дунё сифатида майдонга чиқади.

Л.Гумилев Евроосиёда мавжуд бўлган элатлар тўғрисидаги ғояни мантикий ниҳоясига етказди ва этник руслар фақат шарқий славянларга тегишли бўғинлардан бири бўлмай, балки туркий қабилалар ва славянларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган алоҳида этнос деган фикрни илгари суради. Фикримизча, бу ғоя туркий уруғлар истиқомат қиладиган ҳудудлар устидан русларнинг назорат ўрнатиши асосли эканига билвосита ишора бўлиши мумкин. Олимнинг назарида, буюк рус тамаддуни “Чўл ва Ўрмон” ўртасида ўрнатилган тарихий ҳамкорлик натижасида туркий-славян этногенези асосида юзага келган. Айнан “Чўл ва Ўрмон”нинг геосиёсий уйғунлиги Россиянинг тарихий моҳиятини очиб беради ҳамда унинг тамаддуни, маданияти, мафкуриси ва сиёсий истиқболлини белгилаб беради.

Л.Гумилёв О.Шпенглер ва А.Тойнби сингари тамаддунлар, маданиятлар ҳамда этносларнинг тарихий цикллари ажратиб кўрсатган. Унинг талқинига кўра, миллатлар, давлатлар ва диний жамоаларнинг этно-маданий тузилмалари барча жабҳаларда гўё тирик жисмга ўхшайди. Улар туғилиш, ёшлик, улғайиш ва қарилик даврларини босиб ўтади, кейин эса йўқ бўлиб кетади. Л.Гумилевнинг ёндашувида барча континентал геосиёсий мактабларга хос “органицистик фалсафа” таъсири яққол сезилиб турибди.

Бу ўринда Л.Гумилевнинг этногенез сабаблари, яъни халқ ва давлатнинг пайдо бўлишига оид қарашлари диққатни тортади. Ушбу жараёни таҳлил қилиш учун у “пассионарлик” ёки “пассионар туртки” деган атамани қўллайди. Бу тушунча биологик ва маънавий қувватнинг тушунтириб бўлмайдиган тарзда ўзаро уйғунлашган ҳолда шиддат билан сачрашини ифода этади. Олимнинг фикрича, “эски” (қари) халқлар ҳамда маданиятлар турғун ҳолатдан тўсатдан ҳаракатга келиб, ҳудудий, маънавий ва техникавий босқинчиликнинг динамик тўлқинида турли этник ва диний гуруҳларни қамраб олади. Бу жараёнда турли туман элатлар қолдиқлари бирлашиб, янги, фаол ва нисбатан барқарор шаклга ўтади. Шу тариқа этногенезнинг шаклланиш жараёни ва тўлақонли пассионарлик шароитида алоҳида суперэлатни вужудга келтиради. “Пассеизм”¹ - “фаоллик”, яъни анъаналардан узилган ҳолда фақат бугунги кун билан яшаш ва келажакка бепарволик билан алмашинади. Ана шу босқичда “пассионар синиш” юз беради ва этногенез инқирозга юз тута бошлайди. Кейинчалик “футуристлик босқич” бошланиб, унда заиф “хаёлпарастлар” ва “диний эскапист”лар тури устувор бўлиб, у теваракдаги борлиққа ишончини йўқотади ва “нариги дунё”га (ўзга олам) ўтишга ҳаракат қилади. Л.Гумилев назарида бу ҳол узил-кесил инқироз белгиси ҳисобланади. Элатнинг тушқунликка юз тутиши, суперэлатларнинг парчаланиб кетиши, империяларнинг қулаши кузатилади. Бундай ҳолат янги “пассионар туртки” пайдо бўлишигача давом этади. Бу туртки оқибатида янги соф элат пайдо бўлиб, эски тузилмалар қолдиқларини емирадиган янги этногенез вужудга келишига замин ҳозирланади. Ушбу босқичда баъзи этнослар дастлабки ҳолатида сакланиб қолса², бошқалари янги этно-генетик ривожланиш жараёнида йўқ бўлиб кетади. Л.Гумилёв ёқлаб чиққан Евроосиё таълимотиан қуйидаги геосиёсий хулосалар келиб чиқади³.

1.Евроосиё элатлар ва маданиятларнинг шаклланиши учун бой, серҳосил, уларнинг тўлиқ ривожланишини таъмин этадиган қулай заминдир. Демак, жаҳон тарихини атлантистик тарихшуносликка хос тарзда “Ғарб ва барча қолганлар” тарзидаги бир қутбли кўринишда эмас, балки кўп қутбли кўринишда ўрганиш лозим. Бунда Шимолий ва Шарқий Евроосиё алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у умумсайёравий тамаддуний тараққиёт жараёнининг муҳим манбаи сифатида Ғарбга муқобил ҳисобланади. Л.Гумилев асарларида Х.Маккиндиннинг “Тарихнинг жўғрофий ўқи” тезисига теран тушунча берилади ва муайян тарихий ва этник мазмун билан бойитади.

2.Великоросслар давлатчилиги асосида ётган “чўё аа ўрмон” геосиёсий синтези Осиё ва Шарқий Европа устидан маданий стратегик назорат учун асосий воқелик ҳисобланади.

¹ Л.Гумилев учун бу ижобий категория бўлиб уни “қахрамонлик”ка, миллий анъаналарга содиқлик йўлида беғараз яратувчилик этник интилишга тенглаштиради.

² Л.Гумилев уларни химералар деб атайди.

³ Ушбу хулосалар маълум сиёсий мулоҳазаларга кўра тарих фани доирасидан зинҳор чиқмасликни маъқул кўрган Гумилев томонидан илгари сурилган.

Бундай назорат Шарқ ва Ғарб ўртасида мувозанатни сақлаб қолишга хизмат қилади. Этногенезнинг энг юқори босқичига кўтарилган Ғарб тамаддуни “химерик” этносларнинг конгломератига айланади. Демак, оғирлик маркази янада ёшроқ халқларга кўчади.

3. Яқин келажакда Ер сайёрасининг сиёсий ва маданий харитасини кескин ўзгартириб юборадиган олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган “пассионар туртки” юз бериши мумкин.

Л.Гумилевнинг геосиёсий қарашлари ўзига хос қитъачилик ғоясига асосланганлиги маълум бўлади.

Бу ўринда янги рус евроосиёчилари яратган назарияларни таҳлил этёшга зарурат туғилади. Аввало таъкидлаш жоизки, Л.Гумилев ўзи яратган дунё манзараси асосида геосиёсий хулосалар чиқарган. Бундай хулосалар марксистик цензура заифлашган (кейинчалик эса бекор бўлган) даврда унинг издошлари томонидан амалга оширилган. Бундай ёндашув умумий равишда “янги евроосиёликлар” деб аталган ва бир неча йўналишларга эга бўлган. Уларнинг барчаси Л.Гумилевнинг фикрларига асосланмаган бўлса-да, ушбу геосиёсий мафкурага унинг таъсири бекиёсдир.

Бир қанча йўналишларга эга бўлган “янги евроосиёчилар” концепцияси тугал ва изчил мафкура даражасига кўтарилиб, у 1990-1994 йиллардаги ислохотларга қарши турган миллий мухолифатчилар сиёсий гуруҳлари томонидан яратилган эди. Улар “Завтра” газетаси ва “Элементлар” журнали атрофига бирлашган зиёлилардан иборат эди.

Бу неоевроосиёчилик П.Савицкий, Г.Вернадский, князь Н.Трубецкой ҳамда рус миллий-шўрочилик мафкурачиси Н.Устрялов ғояларига асосланган. Ижтимоий-сиёсий даражада бу йўналиш Евроосиё социализмига яқин бўлиб, либерал иқтисодиётни атлантизм лагерининг белгиси деб ҳисоблайди. Даврлар алмашуви натижасида Россия тарихининг совет даврига сайёравий босқинчилик ва аксилғарбчилик руҳидаги Евроосиёчиларга эса анъанавий рус миллий интилишининг модернистик шакли сифатида қаралади. Неоевроосиёчиликнинг “коммунистик” йўналишлари шу асосда пайдо бўлган.

Улар Л.Гумилевнинг меросини эътироф этган ҳолда пассионарлик назариясини итальян жамиятшуноси В.Паретонинг “Элиталар циркуляцияси” тўғрисидаги ғоявий таълимоти билан боғлайди. Л.Гумилевнинг диншуносликка оид қарашлари эса европалик анъаначилар (Генон, Эвопа кабилар) мактаби вакиллари томонидан илгари сурилган ғоялар билан умумлаштирилади.

Анъаначиларнинг “Замонавий дунё инқироzi”, “Ғарбнинг емирилиши” ғоялари неоевроосиёчиликнинг муҳим компонентиدير. Бу ғоялар рус олимлари томонидан ривожлантирилган ва бойитилган. Бундан ташқари, унинг Европа континентал лойиҳалари билан (К.Хаусхофер, К.Шмитт, Никиш, “Янги унғлар”) қиёсий ўрганилиши туфайли Евроосиё доктринасининг таъсир доираси кенгайиб, каттагина ботиний имкониятларга эга таълимот сифатида тарқалади. Бундай ёндашув XX асрнинг биринчи чорагида хорижда яратилган тарихий евроосиёликка бутунлай бегонадир, чунки уларнинг асарлари АҚШ ҳали мустақил геосиёсий аҳамиятга эга бўлмаган, Европа билан Ғарб ўртасидаги муайян фарқ мавжудлиги тўғрисидаги тезис илгари сурилмаган бир пайтда ёзилган эди.

Неоевроосиёчиликнинг яна бир хусусияти – бу ислом давлатларини (айниқса, Эронни) муҳим стратегик иттифоқчи сифатида танлашда намоён бўлади. Бундай руҳдаги рус-ислом иттифоқи ғояси Евроосиё қитъасининг Жанубий-Ғарбий қирғоғидаги ғайриатлантистик стратегияси асосида шакллантирилган. Ушбу альянс назарий жиҳатдан рус ва ислом тамаддунларининг анъанавий характериға асосланади. Бу уларни анъанага зид, прагматик Ғарбга қарши курашда бирлаштиради.

Бу йўналишда яратилган барча геосиёсий лойиҳалар мафкуравий, стратегик ва сиёсий жиҳатдан тугал, изчил ва тарихий нуқтаи-назардан асослангандир. Бинобарин, улар ғоявий-мафкуравий жиҳатдан Ғарбий геосиёсий лойиҳаланинг (атлантистик ва мондиалистик) турли кўринишларига қарши йўналтирилган.

Мондиализм ва атлантизм таълимотлари Ғарб геосиёсий мафкурасининг икки муҳим йўналишини акс эттиради. Неоевроосиёчиликнинг бошқа йўналишлари юқорида баён этилган ғояларни ўзгарувчан сиёсий воқеликка мослаштиришга интилишларда кўринади.

Масалан, собиқ Совет республикалари иқтисодий алоқаларини тиклашга қаратилган “Евроосиё” ғояси рус геосиёсатчилари П.Савицкий ва Н.Трубецкой қарашлари асосида Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев таклиф этган лойиҳа, В.Жириновскийнинг босқинчилик тезисларини асослашга хизмат қиладиган “буюк давлатчилик лойиҳаси”, Б.Ельцин ҳукуматининг баъзи арбоблари томонидан илгари сурилган руслар ва кам сонли миллатлар яхлитлигини сақлашга қаратилган “Евроосиё жамоаси” ҳақидаги риторик чақириқлар лойиҳаси ва ниҳоят, П.Савицкий, Н.Трубецкой, Сувчинский, Карсавинлар меросини тўлиқ ўзлаштиришга доир интилишлар шулар жумласидандир.

Неоевроосиёчиликнинг истиқболи, унинг интеллектуал мероси ва континентал геосиёсатнинг умумий тамойилларининг аҳамияти содир бўлаётган тарихий воқеаларнинг геосиёсий мантиғини тушунтириб бериш билан бир қаторда, Ғарб лойиҳаларига қарши тура оладиган уйғун футурологик лойиҳанинг яратилиши билан белгиланади.

Концептуал даражада Ғарбнинг “Совуқ уруш”даги ғалабаси икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва бир қутбли дунёнинг шаклланишидан дарак беради. Бунда атлантистларнинг (Хантингтон) фикрича, бир қутблилик нисбий бўлиб, Ғарб (The West) “қолганлар” (The Rest) билан тобора кескинлашиб бораётган тамаддунлараро низоларни бартараф этишга интилса, мондиалистларнинг (Фукуяма, Аттали) назарида, Ғарб умумсайёравий устунлика эга бўлиши керак.

Ғарб стратегларининг таъкидлашича, ҳозирги босқичда Ғарбнинг асосий геосиёсий вазифаси – бу атлантизм кучлари билан тенглаша оладиган қитъа микёсида қудратга эга бўлган геосиёсий блокнинг шаклланишига йўл бермасликдир. Бу АҚШ ҳарбий-сиёсий доктринасининг асосий тамойили бўлиб, Пол Вольфовицнинг маърузасида ифодаланган. Бошқача айтганда, Ғарб кўп қутблиликка қайтишни хоҳламайди. Зеро, бу унинг учун ҳалокатли бўлар эди.

Неоевроосиёчилик эса “тарихнинг географик ўқи” манфаатларидан келиб чиқиб, Ғарб тўғрисида қарама-қарши фикрни эътироф этади. Унга кўра, мавжуд вазиятдан чиқишнинг ягона йўли – янги биполяризмдир. Чунки айнан шу йўналишда Евроосиё ҳақиқий геосиёсий мустақилликка эришиши мумкин. Фақат янги биполярлик кейинчалик кўп қутблиликка йўл очиб, талассократик либерал-демократик тизим қуршовидан чиқиши, пайдо бўлган кўп қутбли дунёда ҳар бир халқ ва ҳар бир геосиёсий блок ўз қадриятлари тизимини танлай олиш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлар эди.

Шуниси муҳимки, Евроосиё қитъавий блоки Варшава шартномасини қайта тиклаш туфайли юзага келмайди. Қитъадаги илгариги геосиёсий тузилманинг парчаланиши қонуний жараён бўлиб, бунинг сабабларини тизимнинг ўзидан излаш керак. Янги континентал альянс Европадан Атлантикагача ва Евроосиё жанубий қирғоқларидаги Ҳиндистон, Эрон, Ҳиндихитой ҳудудларини эгаллаши ёки бу ҳудудлардаги давлатларнинг бетерафлигини таъминлаши, яъни уларни атлантизм назорати остидан чиқариши лозим эди. Бошқача айтганда, янги Евроосиёдаги биполяризм бутунлай бошқа мафкуравий омилларга асосланиши ва ўзгача услубларга таяниши зарурдир.

Бу янги биполяризм назарияси неоевроосиёчилик лойиҳаларида етарлича ривожланган бўлиб, Европа ва Учинчи дунё барча нонконформистик геосиёсий назарияларнинг илмий-назарий асосидир. Худди heartland объектив талассократияга планетар муқобил плацдармининг ягона нуктаси бўлганидек, неоевроосиёчилик ҳам планетар стратегияларни яхлит қаторини яратиш учун ягона назарий платформа бўла олади. Ушбу планетар стратегиялар атлантизмнинг жаҳондаги устунлигини ва унинг цивилизацион қадриятлар тизими – бозор, либерал-демократия, дунёвий маданият, индивидуализмдаги меъёрдан чиқишларни инкор этади.

Шу ўринда рус геосиёсатчиси К.Э.Сорокиннинг Евроосиёнинг геосиёсий стратегик истиқболи хусусидаги қарашларини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сорокин Константин Эдуардович - рус геосиёсатчиси ва тарихчиси, 1959 йилда Москва шаҳрида туғилган. 1981 йилда МГИМОнинг журналистика факультетини тугатган. АҚШ ва Канада институтида аспирантурасида ўқиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1993-1994 йилларда К.Э.Сорокин Стэнфорд университетининг Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш марказида (АҚШ, Калифорния) ишлаган. Ушбу марказдаги фаолияти натижасида унинг “Тез ўзгарувчан дунёда Россиянинг яшаб қолиши” номли асари ёзилган.

Ҳозирги вақтда К.Э.Сорокин РФА Европа Институтининг геосиёсий тадқиқотлар Маркази директори лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг қатор мақолалари Россия илмий матбуотида, Англия, Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар журналларида чоп этилган.

Россияда унинг “Замонавий геосиёсат ва Россиянинг геостратегияси” ва “Миллий манфаат” номли икки китоби нашр этилган. Биринчи китобда у нафақат геосиёсат фанининг ривожланиш тарихи тўғрисида, “дунёнинг геосиёсий манзараси” тушунчаси ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Сорокин шаклланаётган янги геосиёсий даврни тавсифлаш ва дунёнинг геосиёсий моделига таянган ҳолда Россиянинг ўрни, унинг миллий геостратегияси ҳамда уни амалга ошириш йўналишларини аниқлашга ҳаракат қилади.

К.Э.Сорокин замонавий геосиёсатнинг тўрт устувор йўналишига эътибор қаратади.

Биринчидан, турли манфаатлар тўқнашуви жараёнида иқтисодий низоларнинг кескинлашуви натижасида иқтисодий омил аҳамиятининг ортиб бориши ҳақида сўз юритади. Иккинчидан, ҳарбий-техникавий, информацион, илмий, ижтимоий-сиёсий билимлар ҳолати, аҳолининг маданий-таълим салоҳияти, мамлакат сиёсий тизимининг самарадорлиги, жаҳон динларининг таъсири каби омиллар ҳам алоҳида эътиборга олинishi зарурлигини уқтиради. Учинчидан, геосиёсатни давр талабига мослаштириш учун ўз аҳамиятини йўқотган омилларни аниқлаб олиш.

К.Э.Сорокиннинг фикрига кўра, геосиёсатни замонавийлаштиришда баъзи атама ва тушунчаларга аниқлик киритиш ва янгилаш, биринчи галда, миллий манфаатлар” ва “давлат манфаатлари” каби асосий категорияларнинг моҳиятини ойдинлаштириш лозим. У миллий “манфаатлар ягоналиги” концепциясининг эскирганини қуйидаги сабаблар билан изоҳлайди:

- ҳар бир миллат ичида манфаатлар бирлиги мавжуд эмаслиги, улар “юқори”лар ва “қуйи”лар манфаатларига бўлиниши. Шу билан бирга, миллат ичида минтақавий (худудий) манфаатлар ҳам мавжуд бўлиши;

- Этник ҳамда миллатлараро низолар асрида миллатлар манфаатларини эътиборга олиш мумкин эмаслиги;

- Миллатнинг бир қисми мамлакат ташқарисида истиқомат қилиши.

Ана шу омилларни инобатга олиб К.Э.Сорокин “миллий манфаатлар” категориясини “давлат манфаатлари” тушунчаси билан алмаштиришни таклиф этади.

Олимнинг фикрича, геосиёсатнинг аниқлик киритилиши лозим бўлган яна бир нуқтаси - бу давлатларнинг куч-қудратида эканлигини таъкидлаш билан боғлиқ. Бу ўринда у мамлакат худуди, ландшафти, иқлими, жойлашуви ва чегаралари, денгизга чиқиш йўлларининг мавжудлиги, табиий-қазилма бойликларга эгаллиги, транспорт ва электрон-коммуникация алоқалар тизимининг тараққиёти, ҳарбий-техникавий салоҳияти, қишлоқ хўжалиги ва аҳолисининг сони ҳамда сифати, миллий тузилиши ва таълим даражаси, армиянинг қуролланиш ҳолати, ҳарбий тайёргарлиги, диний ҳолати, сиёсий тизим самарадорлиги, элитанинг сифати каби омилларни ўз ичига олган янги тизимни ишлаб чиқади.

Тўртинчидан, Сорокин геосиёсатнинг энг муҳим категорияларидан бири - “экспансия” (“тажовуз”) эканига эътибор қаратади ҳамда унга муайян аниқлик киритиш лозимлигини таъкидлайди. Чунки мумтоз геосиёсатда, ҳамкорлик ва барқарорликдан кўра низоли ҳолатлар (айниқса ҳарбий низолар) кўпроқ бўлгани шубҳасиздир. Бугунги кунда ҳам иқтисодий, информацион, маданий хуружлар тобора авж олаётганлигини таъкидлашга тўлиқ асос бор.

К.Э.Сорокиннинг фикрича, геосиёсатнинг “кучлар мувозанати” концепциясини ҳам янгича талқин этишга зарурат бор. Бугунги кун нуқтаи назаридан нафақат мувозанат, балки уни ўрнатадиган омилларнинг фаоллигига боғлиқ бўлган динамик нисбат сифатида талқин

этилиши зарур. Бирор бир омилнинг ҳолатидаги ҳар қандай ўзгариш бутун геосиёсий манзарага ўзгартириш киритиши мумкин.

Қайд этилганидек, Сорокин қўллаган услуб ҳозирги даврнинг хусусиятлари, дунёдаги кучлар нисбати ва жойлашувини аниқлаш ҳамда шу асосда Россиянинг геосиёсий мақоми ва геостратегик имкониятларини таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқишдан иборат. У шаклланаётган даврни замонавий геосиёсат нуқтаи назаридан икки кутбликдан (биполярилик) полицентризмга ўтиш даври, деб таърифламоқда. Ўтиш жараёнининг хусусиятлари Варшава шартномаси ва СССРнинг парчаланиши билангина эмас, XX асрнинг эллигинчи йилларида дастлаб Европа Иқтисодий Тузилмасининг (ЕИТ) босқичма-босқич Европа Иттифоқига (ЕИ) айлангани билан боғлиқ. Бу ҳол Европа Кўмир ва пўлат бирлашмаси тузилган пайтдан бошланган жараёни тезлаштирди, холос. Шунингдек, Япониянинг мислсиз иқтисодий ривожланишини, ОПЕКнинг (Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар Ташкилоти) ташкил этилиши ҳамда минтақавий интеграцияни ҳам назарда тутиш керак. Бу ўринда ўзаро боғлиқ икки жараёни ажратиб кўрсатмоқ зарур:

- етакчи давлатларнинг (СССР ва АҚШ) мунтазам кечган ҳарбий, сиёсий ва мафкуравий карама-қаршилиқдан ҳолсизланиб бориши;

- уларнинг иттифоқчилари ва рақибларининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятининг кучайиб бориши.

Шундай қилиб, замонавий дунёнинг энг муҳим хусусияти – унинг кўп кутблилиги ва кўпқатламлилигида намоён бўлади. Иккинчидан, ҳозирги даврда сайёрамизда юз бераётган низо ва можаровий ҳолатларга барҳам берилмаган. Агар умумбашарий можаронинг таҳликаси пасайган бўлса, геосиёсатнинг омиллари сонининг кўпайганини ҳисобга олиб, пастки даражадаги можаролар ҳақида ҳали бундай деб бўлмайди. Учинчидан, халқаро муносабатлар соҳасида кутилмаган бурилишлар умумий геосиёсий жараёнларнинг тезлашувига олиб келади. Тўртинчидан, нафақат икки кутб, балки турли куч ва марказлар ўртасида яқинлашиш ва узоклашиш асносида турлича (жумладан кўп йўналишли) сиёсий уюшма ва бирлашмалар тузиш имконияти пайдо бўлмоқда. Бу эса “хартленд” дунёнинг қолган қисмига қаршилиги тўғрисидаги илгариги тасаввурларнинг чекланганидан далолат беради.

К.Сорокин бундай шароитда Россиянинг геосиёсий мақомини “трансментақавий давлат”, деб белгилайди. Чунки у дунёнинг икки қитъасида жойлашган бўлиб, бир нечта геосиёсий минтақаларга чиқиш имкониятига эга бўлган давлатдир. Ҳатто Россия анъанавий геосиёсий қадриятлар (ҳудуд, ресурслар) замонавий қурол-яроғ ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларга таянган ҳолда аввалги куч-қудрати глобал мақомини тиклаш имконияти мавжуд.

Россиянинг миллий стратегияси ҳақида гапирганда, К.Э.Сорокин учта эҳтимолий вариантни таклиф этади: экспансионистик, ён бериш ва позицион стратегиялар. Олим фикрича, позицион миллий стратегия ҳозирги Россиянинг мамлакат геосиёсий хусусиятларини сақлаб қолишга хизмат қилади. Россия миллий стратегиясининг бош мақсади – аввало миллий манфаатларини таъминлаш ва барча буюк давлатлардан мувозанатни тенг узокликда сақлашга қаратилаган.

К.Сорокиннинг назарида, бундай стратегия жаҳон сиёсатига таъсир этишнинг барча мавжуд воситаларидан самарали фойдаланиш; алоҳида геосиёсий кутбларнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик; етакчи давлатлар ва улар бошқараётган коалициялар ўртасидаги зиддиятларига аралашишни назарда тутати. К.Сорокин яқин, ўрта (Варшава шартномасининг собиқ мамлакатлари ва Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа давлатлари) ва узок хориждаги ташқи сиёсий фаолиятни Россия геосиёсатининг бош йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайди.

Евроосиёнинг геосиёсий истикболи хусусида украин олимларидан В.А.Дергачевнинг фикрларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Владимир Александрович Дергачев – замонавий украин геосиёсатчиси ва геостратег олими. Москва Давлат университетида олий

маълумот олгач, шу даргоҳда номзодлик (Иттифок ва Хитой Ҳамкорлиги мавзусида) ҳамда докторлик (Дунё океани қирғоқ зоналари) ишларини ҳимоя қилган.

Ҳозирги вақтда Киевда истиқомат қилади ва Геостратегия технологиялари Институтига раҳбарлик қилади. Ушбу институт геосиёсат, этно-сиёсат ва геоиқтисодиёт соҳаларига оид таҳлилий ҳисоботлар тайёрлайди, шу билан бирга, тадбиркорлар ва сиёсатчиларга маслаҳат бериш, ижтимоий-иқтисодий ва инвестицион дастурлар тайёрлаш, ҳудудлар ривожининг башорати ва сценарийсини тузиш, долзарб муаммолар ҳақида жойларда маърузалар ташкил этиш ва турли лойиҳалар бўйича илмий изланишлар олиб боради.

В.А.Дергачев 500 дан ортиқ илмий публицистик ишлар муаллифи. У ўз тадқиқотларида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва табиий алоқа зоналари ҳақида концепцияни ёқлаб чиққан. Аини вақтда унинг раҳбарлиги чегаралар боғлиқлиги назарияси ишлаб чиқилмоқда.

В.А.Дергачевнинг 2000 йилда chop этилган “Геосиёсат” асарида Хитойнинг тарихи ва бугунги геосиёсий ҳолати таҳлил этилган. Унда Хитой геосиёсати ва геостратегиясининг ўзига хос жиҳати – қитъавий Хитой, Гонконг, Макао ва Тайванни бирлаштирган “бир давлат – икки тузум” тамойилининг моҳияти, Россия билан муносабатлари ривож ва бошқа масалалар кўриб чиқилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Хитойда ўрта асрлардаёқ маъмурий-ҳудудий бошқаришда асос бўладиган “марказ” (ички), “оралик” (периферия) ва “ташқи” (чегаравий) каби тушунчалар мавжуд бўлган. Эрамиздан аввалги VI асрдаёқ Хитой геосиёсатида этномарказлаштириш ва яккаланиш тамойилларига асосланган Конфуций концепцияси устунлик қилган. Унга кўра, марказда жойлашган империя чекка ҳудуддаги варварлардан ҳимояланиш мақсадида ўзини яккалаш кўзда тутилган. Агар варварлар билан урушмасликнинг иложи бўлмаса, улар билан бошқа варварлар ёрдамида курашиш афзал ҳисобланган. Буюк Хитой девори бундай геосиёсатнинг тимсоли бўлиб хизмат қилган. Мавжуд геосиёсий мактаблар эса ташқи дунё билан очиқ сиёсат юритиш, империя учун фойдали бўлган иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тарафдори бўлган. Хитой учун очиқлик сиёсати қанчалик самарали эканини Буюк Ипак Йўли яққол намоён қилган ва бу очиқлик ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар, яъни Хитойда яккаланиш сиёсати даврининг бошланишига қадар давом этган.

Бугунги кунда европаликлар томонидан Хитойнинг денгиз ҳудудларини эгаллаш ва уни “очиқ эшиклар” сиёсати юритишга мажбур этишнинг 160 йил давом этган даври поёнига етмоқда. Ўтган асрнинг охирида Гонконг ва Макао Хитой тасарруфига ўтди. Тайваннинг “main land”га қўшилиши масаласи ҳам кун тартибига киритилган¹. Бугунги Хитой геосиёсати мамлакатнинг изчил иқтисодий ривожланиш, социалистик режали иқтисодиётдан эркин бозор муносабатларига ўтишига қаратилган. Хитой геоиқтисодий стратегияси Ден Сяопин томонидан ишлаб чиқилган “Ёлғизлик уруғини сочсанг - қашшоқлик ўрасан” мазмунидаги қоидага таянади. Бироқ Хитой иқтисодиётидаги очиқлик, жамиятни эркинлаштириш борасидаги ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда иқтисодий жиҳатдан тараққий топган ҳудудларга яқин бўлган, яъни денгизга ёки Японияга бевосита чиқиш, “Осиё аждарҳолари” (Жанубий Корея, Сингапур ва бошқалар) билан ҳамкорлик ўрнатиш имконига эга бўлган (Гонконг, Макао, Тайвань каби) энг истиқболли минтақаларда бутун мамлакат учун катализатор вазифасини ўтдиган махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) ташкил этилди. XXI аср бошларига келиб, мамлакатнинг барча қирғоқ ҳудудлари иқтисодий очиқлик мақомига эга бўлди ва бу амалиёт мамлакат ички ҳудудларини ҳам қамраб ола бошлади. Натижада XX аср сўнгида Хитой хорижий сармояни жалб этиш бўйича дунёда АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқиб олди.

Табиийки, иқтисодий қудратини ошириб бораётган Хитой Осиёда ўзининг геосиёсий таъсир доирасини ҳам кенгайтиришга интилоқда. Хитой олиб бораётган умумий геостратегик босим Жануби-Шарқий, Шимоли-Шарқий, Шимоли-Ғарбий йўналишларда амалга оширилмоқда. Хитойнинг Жануби-Шарқий йўналишдаги геостратегиясининг мақсади-Таиланд, Сингапур, Малайзия ва Индонезия мамлакатлари ҳамда Молук қўлтиғини

¹ “Main land” ибораси “асосий ер”, яъни Хитойнинг асосий ҳудуди маъносини англатиб хитойликлар томонидан қўлланилади.

ана шу худудда яшаётган этник хитойлар (хуацяо) ҳамда ядровий ракеталар билан куролланган ҳарбий денгиз ва ҳарбий стратегик кучлари ёрдамида назорат қилишдан иборат. Унинг Шимоли-Шарқий ва Шимоли-Ғарбий йўналишдаги геостратегияси Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёда Россия манфаатлари билан кесишади. В.Дергачев фикрига кўра, Россия ва Хитойнинг келажаги очик иқтисодиёт ва савдони ривожлантиришга таяниши, улкан Буюк Евроосиё даштини ҳамкорликда ўзлаштириш, мингйиллик арафасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш асосида амалга оширилиши керак¹.

Евроосиёнинг геостратегик истиқболини Россия геосиёсий мавқеининг пасайиши орқали изохлаган олимлардан бири Э.А.Поздняковдир. Эльгиз Абдулович Поздняков – Россиялик таниқли геосиёсатчи, фалсафа фанлари доктори, профессор, Россия Фанлар Академиясининг академиги. У Россияда биринчилардан бўлиб миллий манфаатлар концепциясини шакллантириш ва амалий геосиёсатда унга таяниш зарурлигини англаб етган. 1994 йили унинг “Миллат, миллатчилик ва миллий манфаатлар” асари чоп этилади. Бундан ташқари; у “Сиёсат фалсафаси”, “Россиядаги геосиёсий инқироз” ва бошқа асарлар муаллифи сифатида ҳам танилган. Унинг нуктаи назарига кўра, миллий манфаатлар давлатдан ажралмас ва моҳияти жиҳатидан давлат манфаатлари билан муштаракдир. Канчалик баҳсли бўлмасин, бундай ёндашувнинг илгари сурлишига етарлича асос бор². Жаҳон сиёсатида бошқа нодавлат субъектларининг халқаро майдонга чиқишига қарамасдан, давлат халқаро муносабатларнинг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоқда. БМТ, минтақавий ташкилотлар, ҳарбий блокларда ҳам сиёсатни давлат делегациялари “амалга оширади”, музокаралар эса давлат вакиллари томонидан олиб борилади.

Э.А.Поздняков америка сиёсатчиси Ганс Моргентау томонидан яратилган доимий ва вақтинчалик манфаатлар назариясига таяниб миллий-давлат манфаатлари концепциясини илгари суради. Унга мувофиқ, фуқароларнинг шахсий манфаатлари давлатнинг умумий мақсадлари билан уйғун ҳолда шаклланиб икки даражали тизимга эга. Унинг биринчи даражасида асосий ташқи сиёсий манфаатлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий-тарихий ва маданий бирлик сифатидаги давлат манфаатлари камраб олинган. Иккинчи даража давлатнинг халқаро майдондаги иккинчи даражали манфаатларни ифодалайди.

1995 йили Э.А.Поздняков Россияда биринчилардан бўлиб миллий-давлат манфаатлари концепциясини ўз ичига олган Геосиёсат асарини нашр этади. Ушбу китобда геосиёсатнинг шаклланиш тарихи ва ривожланиши тўғрисида қисқа маълумот бериб, уни геосиёсий жараёнларда муҳит омилнинг аҳамияти ва давлатнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ҳамда экологик хавфсизлигига таъсирини ўрганувчи фан сифатида таърифлайди. Шу йўсинда у давлат хавфсизлигини геосиёсатнинг асосий категорияси деб ҳисоблайди. Э.А.Поздняковнинг фикрича, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти негизини учта етакчи омил: геосиёсат, миллий манфаатлар ва давлат хавфсизлиги ташкил қилади. Ҳар учала омилнинг уйғунлигига эришиш учун кучларни мувозанатга келтирувчи ҳаракатлардан фойдаланиш лозим. Айнан кучлар мувозанати ва ўзгаришлар ҳисоби халқаро алоқалар тизимига ҳаққоний баҳо бериш ҳамда истиқболни белгилашга имкон яратади. Айниқса, ҳозирги вақтда барча тизимлар ҳаракатга келган ўтиш даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Евроосиёнинг геостратегик мувозанати борасида муҳим илмий ва амалий фаолият олиб борган ҳарбий геосиёсатчилардан бири Л. Г.Ивашовдир. 1943 йилда Қирғизистонда таваллуд топган генерал Ивашов ҳарбий стратег, геостратег ва геосиёсатчи олим ҳисобланади. У Тошкент умумқўшин Олий мактаби ва Фрунза номидаги Ҳарбий Академияни тамомлаган. Хизматни Туркистон, Прикарпат, Москва ҳарбий округлари, Германия Мудофаа Вазирлиги марказий аппаратида ўтаган. Вазирликда ишлаётган вақтда янги қурол аслаҳалар ва ҳарбий

¹ Дергачев В.А. Геополитика. -Киев, 2000, 200-210-бетлар.

² Хусусан, Э.Поздняков жаҳон сиёсатида янги субъектларнинг пайдо бўлиши натижасида давлатнинг ташқи сиёсатдаги роли пасаяётганини.трансмиллий корпорациялар, ҳарбий блоклар, минтақавий ташкилотлар, халқаро нодавлат ассоциациялари ва бошқа янги субъектларнинг пайдо бўлиши ва таъсирининг кучайиши билан изохлайди натижасида давлатнинг ташқи сиёсатдаги роли пасаяётганини.

техникани (жумладан, космик) Совет Иттифоқи қуролли кучларида қўллаш жараёнида фаол иштирок этган. 1987-1992 йилларда Л.Ивашов Совет Иттифоқи Мудофаа Вазирлиги Бош бошқармаси раҳбари лавозимида ишлаган пайтда ҳарбий қонунчиликни ишлаб чиқишга бошчилик қилган. Шўро тизими тарқалгач, МДХ давлатлари ҳарбийлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббуси билан чиқди ва МДХ давлатлари ўртасида имзоланган жамоавий шартнома муаллифига айланди. Югаславияга қарши НАТО ҳарбийлари ҳужуми, НАТОнинг Шарқ мамлакатлари томон ёйлишига биринчилардан бўлиб қарши чиққан Л.Ивашов 1992-2002 йилларда Россия Федерацияси Мудофаа Вазирлигининг Халқаро ҳарбий ҳамкорлик бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади. Ҳарбий хизматни ҳарбий дипломатик фаолият билан уйғун ҳолда олиб борган Л. Ивашовнинг 400 дан ортиқ илмий ишлари нашр этилган. У тарих фанлари доктори, прафессор, Россия Геосиёсат муаммолари академиясининг вице-президенти, қатор халқаро ташкилотларнинг ҳақиқий аъзоси.

Кўпгина илмий ишлари қаторида Л.Ивашовнинг 2000 йилда ёзилган “Россия ва дунё янги минг йилликда” асарида Ғарб ва Россия ўртасидаги муносабатларни аниқ, лўнда таҳлил этиб берилган. Муаллиф, бугунги сиёсат ва геосиёсат майдонида Россиянинг мавқеи, миллий ҳавфсизлик тизими ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлик аъёнасини давом эттириш, замонавий геостратегия шароитидаги ижобий ва салбий жиҳатларни изчил тадқиқ этган. Асарнинг “Россия ва Ғарб: геосиёсий рефлексия” номли биринчи боби, “Янги воқелик ва янги дунё геосиёсий модели” иккинчи бобида Россиянинг геосиёсий даъватларга нисбатан муносабати, шарқу-ғарбга йўналтирилган жўғрофий шароит, мувозанатсиз геосиёсий зоналарга денгиз орқали чиқиш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилган. Унинг фикрича, мамлакатнинг ҳаддан зиёд ҳарбий соҳага урғу бериши уни учинчи даражали давлатлар қаторига тушириб қўйган. Илгари Россия ва Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви – глобал империяларнинг (АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия) тажовузига қаршилиқ қилишга қодир бўлгани билан изоҳланади. Ҳозирги даврда эса вазият ўзгача тус олган. Шу ўринда Ивашов “дунёнинг янги геосиёсий модели”ни қўйидагича талқин этади:

- Европа мамлакатларининг ягона, тизимга бирикиши контингентда кучлар тенглиги ва ҳудудларнинг ўзаро бўлиниб олинишига асос бўлди;

- Илгари бир тизимга бирлашиш асосан урушлар орқали амалга оширилган бўлса, эндиликда ноҳарбий воситалар, масалан, иқтисодий интеграция етакчи омилга айланди;

- Шўро давлатининг парчаланиши дунё ҳамжамиятида АҚШнинг молиявий-иқтисодий, ахборот-технологик, ҳарбий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлади. Аммо АҚШнинг захиралари ва имкониятлари чеклангани боис келажакда иккинчи кутб кучларининг мавқеи ошади. Масалан, Хитойнинг дунё миқёсидаги етакчи ўринга чиқиб олиш эҳтимоли катта. Хуллас, замонавий дунёнинг геосиёсий модели бир қолипга сиғмайдиган барқарорликка асосланади.

- Асарнинг “Россия миллий ҳавфсизлигининг геосиёсий аспекти” бобида Л.Ивашов рус давлати геосиёсатининг ижтимоий этник ва маънавий ахлоқий омилларига алоҳида этибор қаратади:

Унинг фикрича, Россия геомаконидаги асосий марказ - Москва улкан геосиёсий ўзгаришлар палласида мамлакатнинг маънавий етакчиси даражасига кўтарила олмапти. Алоҳида иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар – Санкт-Петербург, Ростов, Новосибирск ғарбий ҳудудлар ҳисобига заифлашиб бормоқда. Нафақат Россиянинг, балки Евроосиёнинг алоҳида ҳудуди саналган Москва, Урал ва Ғарбий Сибирьнинг геосиёсий мавқеи пасаймоқда. Шу боис Л.Ивашов Х.Маккиндернинг машҳур формуласини қуйидагича ўзгартиради: “Евроосиёнинг ўрта минтақасида барқарорликни таъминлаш дунё бўйича барқарорликни таъминлаш демакдир”.

Совет Иттифоқи, тарқалгач, Россия Қора денгиздаги Одесса, Николаев, Херсон, Усть-Дунай, Жануб, Ялта, Феодосия, Потти, Батуми, Балтикадаги Таллин, Рига, Вентспил, Клайпеда, Лиена сингари портлардан маҳрум бўлди. Калининграддаги порт ва ҳарбий-денгиз базаси Қора денгиздаги Севастопол базасидан узоқлаша бошлади. Каспий ва каспийбўйи, Балтика ва Қора денгизга хориж сармояси, кириб кела бошлади. Л.Ивашов хулосасига кўра,

агар Россия бу ҳудудларда хорижий инвестициялар оқимини чекламаса, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг бошқа давлатлар таъсир доирасига тушиб қолишига кенг йўл очиб беради. Шу боис Л.Ивашов собиқ Иттифоқ давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблайди. Акс ҳолда Болтиқбўйи, Украина ва Молдавия ғарб давлатлари, Кавказorti ва Марказий Осиё Туркия таъсир доирасига тушиши мумкин.

Л.Ивашовнинг фикрларидан кўриниб турганидек, Россиянинг Евроосиёдаги асосий вазифаси унинг атрофидаги минтақа давлатлари билан ҳисоблашиш, улар билан алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. Бундай сиёсатнинг Марказий Осиё учун ижобий жиҳати шундаки, у Евроосиёда стратегик мувозанат ўрнатиш мақсадида собиқ Иттифоқ давлатлари билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишига хизмат қилади; унинг хатарли жиҳати шундан иборатки, масалан, ушбу республикаларда хориж таъсири кучайиб кетган тақдирда (бу ҳол албатта Россиянинг миллий манфаатларига зид келади), Россия турли кескин чора ва усуллар билан бунга тўсқинлик қилиш аниқ.

Шундай қилиб, Россиянинг иқтисодий қудрати юксалгани сари ҳам ташқи дунёнинг, ҳам МДХ давлатларининг у билан ҳисоблашишга ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга ундайди. Бу Марказий Осиё, хусусан, бу минтақадаги етакчи давлат-Ўзбекистон учун ҳам хавфсизлик, ҳам иқтисодий манфаат нуқтаи назаридан фойдалидир.

Евроосиёнинг геостратегик мувозанати борасида ўзига хос илмий фаолият олиб борган, прагматик сиёсат тарафдори бўлган олимлардан яна бири- россиялик геосиёсатчи К.С.Гаджиевдир. Камалудин Серажудинович Гаджиев – таниқли россиялик тарихчи, сиёсатшунос ва геосиёсатчи. Тарих фанлари доктори, профессор. Москва Давлат ва Халқаро Муносабатлар Институтида дарс беради (МГИМО). К.С.Гаджиев янги ва энг янги тарих, тарих ва халқаро муносабатлар социологияси, халқаро ҳуқуқ, сиёсий социология ва сиёсий маданият, геосиёсат ва глобалистика масалалари бўйича кўплаб илмий ишлар муаллифидир. Унга тегишли 1990 йилларда чоп этилган “Сиёсий фанлар” китоб замонавий Россиясида сиёсатшунослик йўналиши бўйича яратилган илк ўқув қўлланмалардан ҳисобланади. Шунингдек, у 2001 йилда нашр этилган “Европа мамлакатлари ва Американинг янги ва энг янги тарихи” қўлланмасининг ҳаммуаллифидир.

“Геосиёсатга кириш” китобининг сўз бошисида у XIX аср геосиёсатининг қатор хусусиятларини таъкидлаб ўтади. “Эски” геосиёсат евромарказлашган дунё ҳукмронлиги даврида ва унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. У халқаро муносабатларнинг Вестфал тизими инфратузулмасига асосланган эди. Ўйигирманчи аср ушбу дунё тартибига жиддий ўзгартиришлар киритди. Ундаги асосий ўзгаришлар куйидагилардир:

- илм-фан, техника ва технология тараққиёти, илмий-техникавий ҳамда информацион-телекоммуникацион инқилоби рўй берди;

- Бозор иқтисодиёти ва либерал демократия жадал ривожланмоқда, миллатлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларини тан олаётган давлатлар сони кўпайиб бормоқда,

- XX аср “ғоялар ва миллатчилик амалиёти” тантана қилган аср бўлди ва бу ҳол колониал ва давлат империяларининг парчаланишида намоён бўлди,

- XX аср инсоният бешига мислсиз азоб-уқубат ва кўплаб толфатлар келтирган жаҳон урушлари, оммавий қирғин қуроллариининг яратилиши, золим мустабид тизимлар асри сифатида тарихда муҳрланиб қолди.

- XX аср барча давлатларнинг кучи ва таъсиридан қатъий назар, жаҳон сиёсатига жалб этилиши билан ажралиб туради.

Ана шу мулоҳазаларга таяниб, К.С. Гаджиев куйидаги хулосага келади: “Ҳозирги даврда дунё воқелиги шу қадар кескин ўзгардики, уни ўзга даврларда ишлаб чиқилган услублар таҳлил этиши мумкин эмас. Мазкур воқеликни теран ва изчил тадқиқ этиш учун қўланаётган услублар, воситалар, тушунча ва категорияларини ўзгартириш талаб этилади”.

У замонавий геосиёсатни сиёсий фанларнинг алоҳида қисмини ташкил этувчи мустақил фан деб ҳисоблайди. Геосиёсат тарихий фанлар (ташқи сиёсат, дипломатия, халқаро муносабатлар тарихи), ҳуқуқшунослик (хусусан, халқаро ҳуқуқ), социология

(халқаро муносабатлар), фалсафа билан муносабатга киришиб, фанлар тизимида маълум ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, у ўзига хос тадқиқот предметиға эга.

Евроосиёдаги стратегик вазиятга Россиялик Вадим Леонидович Цымбурский ўзига хос тарзда, унга Россиянинг ўрни ва мавқеи нуқтаи-назаридан жавоб излашга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи-назардан унинг илмий фаолияти ва ғояларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Вадим Леонидович Цымбурский-замонавий рус геосиёсатчиси, филология фанлари номзоди, РФА Фалсафа институти катта илмий ходими. Унда XX аср охиридаги рус геосиёсатининг коди, янги асрдаги мавқеи кўрсатилади. Янги даврни “орол” деб номлаган В.Цымбурский Х.Маккиндер “Хартленд”и изидан бормайди. В.Цымбурскийнинг “Россия ороли”-алоҳида олинган, Балтика ва Шарқий Европа мамлакатларидан катта шиддат билан ўтган, океан ўртасидаги маскан. Россия уч хусусияти билан геосиёсат объекти саналади: аввало, узок тарихга эга бўлган, Европа ва Хитой кенгликларини боғлаб турган, роман-герман этно-цивилизацияси асносидаги рус этноси; иккинчидан, Сибир ва Узок Шарқда ўзлаштирилмаган ҳудудларнинг кўплиги; учинчидан, романо-герман Европасидан ҳудудий бўлиниш. Айни шу жиҳат, яъни, Болтиқбўйи, Польша, Венгрия ва Чехия каби Ғарб цивилизацияси марказидан алоҳидалик рус тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. Буни Х.Маккиндер хартлендидаги жуғрофий асос, Евроосиёликлар талқин этган маданий-ҳудудий умумийлик қонунлари асосидаги (империк тафаккур, империалистик сиёсий қурилиш ва ҳоказо) ривожланиш билан киёслаб бўлмайди.

“Россия ороли”, “Рус геосиёсатининг истиқболлари” асари унинг номини дунёга танитди. Ушбу асарларда XX аср охиридаги рус геосиёсатининг йўналиши, янги асрдаги мавқеи кўрсатилади. Янги даврни “орол” деб номлаган В. Цымбурский Х. Маккиндернинг “Heartland”и изидан бормайди. В.Цымбурскийнинг “ороли”-Балтика ва Шарқий Европа мамлакатларидан катта шиддат билан ўтган океан ўртасидаги алоҳида маскан. Россия уч хусусияти билан геосиёсат объекти саналади: биринчидан, узок тарихга эга бўлган, Европа ва Хитой кенгликларини туташтирган, роман-герман этно- цивилизацияси асносида вужудга келган рус этноси; иккинчидан, Сибир ва Узок Шарқда ўзлаштирилмаган ҳудудларнинг кўплиги; учинчидан, романо-герман Европасидан ҳудудий бўлиниш. Айни шу жиҳат яъни Болтиқбўйи, Польша, Венгрия ва Чехия каби Ғарб цивилизацияси марказидан ажралиб туриши рус тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. Буни Х.Маккиндер хартлендидаги жуғрофий асос евроосиёликлар талқин этган маданий-ҳудудий умумийлик қонунлари асосидаги (империк тафаккур, империалистик сиёсий қурилиш ва ҳоказо) ривожланиш билан киёслаб бўлмайди.

В.Цымбурский учун “Россия ороли” шунчаки геосиёсий бир хилликка интилиш эмас, балки Россиянинг ҳозирги ҳолати ва геосиёсий мавқеи, Ғарб ва қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларини ўзида ифодаловчи концепциядир. Россия учун орол геосиёсати аввало буюк давлатчилик доктринасини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Тўғрироғи, янги геосиёсат ички, ҳудудий такомилга асосланиши зарур эди. В.Цымбурскийнинг фикрича, Россия геосиёсати глобал омилларни ички, ҳудудий, рус федерализмини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган устувор омилларга алмаштириши зарур. Чунки большевистик давлатчилик тугатилиши билан Россия тарихидаги 280 йиллик буюк империячилик даврига ҳам яқун ясади.

“Россия ороли”нинг ўзига хослиги ва Европа “илдиз”ларидан айрича такомилга ғоясини Цымбурский “Буюк Лимитроф (кентлик) орқасидаги Ер” (“Россия Евроосиё”дан Евроосиёдаги Россия) асарида ифодалаб, Евроосиё назарияси танқиди, маданий айнанлик, маданий-цивилизациядаги тафовутлар, тарихий ва геосиёсий вазиятларни атрофлича ўрганади. В.Цымбурский “Буюк Русия ороли. Рус маданияти томон” асарида рус дунёси, унинг алоҳида орол сифатидаги хусусиятлари, маданий-тарихий такомилдаги жиҳатларни чуқур тадқиқ қилади.

- Дунё колониал давлатлар томонидан бўлиб олинган, унинг геосиёсий ҳолати ҳам ўзгарди. “Геосиёсат дунёни англаш фани сифатида” мақоласида муаллиф муқобил концепциялар, жумладан, “улкан кенгликлар” (Ф.Лист), “панидат” (К.Хаусхофер),

“Тарихнинг геожўғрофий уяси” (Х.Маккиндер) кабиларни атрофлича таҳлил этади. Айниқса, геосиёсатдаги ушбу учта асосий категория: Немис классик геосиёсатининг “катта кўлам”и (Crossraum); Ҳаётӣ кенглик (Lebensraum); Қуруқлик ва Денгиз муносабатларига алоҳида эътибор қаратади.

Унинг фикрича, сиёсий ва жўғрофий хусусиятлар миллий давлатни ривожлантириш ёки “катта кенглик”ларни ўзлаштириш хизмат қилиши мумкин.

Замонавий геосиёсат мумтоз даврга нисбатан қулайроқ шароитларда ривожланмоқда. Бир тарафдан, “ёпиқ ойкуменлар”, яъни миллий давлатлар ўртасида дунёнинг бўлиниши, иккинчи тарафдан, очик, “музлатилмаган” дунёга интилиш кучайди. Атлантиканинг икки томонида “йирик кўлам”-НАТО, ЕИ ва НАФТА, Тинч океани зонасида Америка-Япония ҳамкорлигига асосланган ҳамжамият ташкил этилди. Булар замонавий дунёнинг “ёпилиши”, ажратилишига имкон бермайди ва бу ҳолат мумтоз геосиёсатда учрамайди.

Мақола сўнгида В.Цымбурский геосиёсат ва сиёсатшунослик мутаносиблиги масаласига ойдинлик киритади. У геосиёсатни қатъий илмий назария деб ҳисобламайди ва уни сиёсатшунослик таркибидаги бўлим сифати талқин этади. Бу бўлимни у метагеосиёсат ёки геосиёсатшунослик деб атайди. Муаллифнинг фикрича ўз илмий услуб ва назарияси, илмий аппарати билан геосиёсат сиёсатшуносликни бойитиши мумкин.

Евроосиёчилик ғоясини “неоевроосиёчилик” тарзида ривожлантирган ва бу борада салмоқли илмий натижаларни қўлга киритган рус олими А.Г.Дугиндир. Александр Гельевич Дугин 1962 йилда Москва шаҳрида ҳарбий оиласида туғилган. Университетни битиргач (1988-1991 й.) “ЭОН” нашр марказида муҳаррир ва бош муҳаррир, “Милый Ангел” (1990 й.) альманахи, “Элементы” (1991 й.) журналада бош муҳаррир, FINIS MUNDI радиоэшиттириши (1996-1997 й.) ҳамда “Геополитическое обозрение” эшиттиришининг (1997-1999 й.) муаллифи ва бошловчиси. А.Г.Дугин 13 та йирик асар муаллифи бўлиб, улар асосан геосиёсат муаммоларига бағишланган. Жумладан, Россияда биринчи геосиёсат қўлланмаси ҳисобланган “Геосиёсат асослари” (1997), “Консерватив инқилоб” (1994), “Евроосиё мистериялари” (1996), “Бизнинг йўл” (1999), “Макон билан фикрлаш” (2000), “Евроосиёчилик асослари” (2002) каби асарлар шулар жумласидандир. Айрим китоблари Буюк Британия, Италия ва Испания сингари Европа мамлакатларида нашр этилган. Мақолалари “Известия”, “Российская газета”, “Литературная газета”, “Россия”, “Независимая газета”, “Евразийское обозрение”, “Консерватор” сингари газеталарда мунтазам чоп этилади. Аксилғарбчи, аксиллиберал, консерватор, ўнг миллатчи А.Дугин 1990 йилларда Россия ҳокимиятига нисбатан муҳолиф позицияда турган. 2000 йилдан кейин эса ўзининг кескин радикал позициясидан узоклашиб, центрист ва президент тарафдорлари қаторига қўшилган. 1998 йилдан бошлаб РФ Давлат Думаси раиси маслаҳатчиси лавозимини эгаллаган.

У неоевроосиёчилик ғоясига таянган сиёсий оқимга асос солган, шунингдек, етарли сиёсий мавқе қозона олмаган ва Думадаги партиялар сафига кира олмаган “Евроосиё” (2002 й.) партиясини ташкил этган. А.Дугиннинг фикрига кўра, 1980-йилларда коммунизмнинг инқироzi, шўролар сиёсий тузумининг емирилиши ҳамда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши тўғрисидаги ғарбона андозаларга жавоб бериш зарурати бу оқимнинг пайдо бўлишига туртки берган.¹ Унинг асосий ижтимоий-фалсафий услуби тамаддуний ёндошув бўлиб, ўтган аср бошларидаги евроосиёчилик анъаналарининг издоши ва меросхўри ҳисобланади. Ўз асарларида А.Дугин немис консерватив инқилобчилари бўлмиш О.Шпенглер, В.Зомбарт, К.Шмитт, Э.Юнгер, Ф.Юнгер, Э.Никит, Европа анъаначилиги намёндалари Р.Генон, Ю.Эволу, Т.Буркхарт, Ф.Шуон ва замонавий “янги сўл”лар Ж.-П. Сартр, Г.Дебор, М.Фуко, Ж.Делез, замонавий “янги ўнг”лар А. де Бенуа, Р.Стойкерс ва бошқаларга мурожаат этади.² Бу оқимларни радикализм бирлаштириб, ғарб жамиятини “сўл” позиция, тамаддуний ва миллатчилик руҳида танқид қилишга асосланган. Бу назарияларни бирлаштириб турган жиҳат – либерал сиёсий фалсафа ва бозор капитализмининг танқид қилиш

¹ Основы Евразийства. -М, 2002, 85-87- бетлар.

² Ўша жойда, 95-96-бетлар.

ва мавжуд воқеликнинг асосини ташкил этган жараёнларга муқобил андоза топиш ва воқеалар оқимини бошқа тарафга ўзгартиришдан иборат.

А.Дугин капитализм ва коммунизм ўртасидаги қандайдир оралик тузумни яратиш ғояси билан машғул бўлади. Унинг фикрича бундай тузумни яратиш учун фақатгина жозибадор мафкура эмас, балки кучли ижтимоий ҳаракат ҳам зарур. Либерал мафкура ва бозор қадриятларига асосланган денгиз давлатларига қарши туришга қодир бўлган бу куч битмас-туганмас захиралар ва улкан геосиёсий майдонга таяниши мумкин. Шу маънода, А.Дугин ўзининг европалик ҳамфикрлари билан яқинлашади, кейин эса евроосиёчилик фалсафасини ўзи яратган қоидалар асосида ривожлантиради. Неоeuroосиёчиликнинг ижтимоий-фалсафий концепциясидаги муҳим жиҳат шундаки, у Евроосиё позициясидан туриб Европа ёки роман-герман маданиятини танқид қилиш эмас, балки англосаксон дунёсига, жумладан, АҚШни танқид қилишга йўналтирилган.

Ғарб - немис консерватив инқилоби руҳига монанд тажовузорлик, босқинчилик руҳидаги “атлантистлар” (АҚШ ва Буюк Британия) ва ҳамкорликка қодир бўлган бетараф континентал (роман-герман) Европадан иборат. Шу туфайли, мумтоз евроосиёчиликда қўлланилган агрессив, аксилевроосиёчилик руҳидаги “роман-герман дунёси” атамаси неоевроосиёчиликда қўлланмайди.

Неоeuroосиёчилар “ривожланиш макони” концепциясини ривожлантиришга кўп эътибор қаратади. Бу эса ўз навбатида Россия тарихида Турон омилининг аҳамиятини тан олиш ва жўғрофий детерминизмга асосланишга олиб боради.

А.Дугин назарида Евроосиёчилик ҳаракатининг платформаси қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади:

- идеократия, давлат ва ҳар бир фуқаронинг олий руҳий мақсадга хизмат қилиш масъулиятидан иборат. Давлат аҳамиятига эга бўлган ушбу “олий руҳий мақсад” евроосиёчиликдир;

- евроосиёча табиий танланиш, Евроосиёга хос “табиий шарт-шароитлари”дан келиб чиқадиган ва жамоавий масъулият, холислик, ўзаро ёрдам, аскетизм, ирода, чидамлилиқ, бошлиқларга сўзсиз бўйсунуш сингари хусусиятларни ўз ичига олган ўзига хос ахлоқий меъёрлар талаб этадиган тушунчани англатади. Фақат ана шу хусусиятларгина евроосиёчиларга бутун евроосиё маконини эгаллашни якунига етказиш ва назорат ўрнатишни таъминлайди.

- демократия (ўзгача шароитларда шаклланган ғарбча, юнон-англия демократиясидан фарқли ўларок) “зарарли” либерал демократия меъёрларини кўчирмасдан, маҳаллий кенгашлар, ўз-ўзини бошқариш ва деҳқон уюшмалари воситасида ҳокимиятда иштирок этиш йўлидан бориши керак. Демократия иерархияни инкор этмасдан, “евроосиёдаги авторитаризм” билан уйғунлашиб кетади.

А.Дугин фикрига кўра, неоевроосиёчиликнинг сиёсий платформаси қуйидагиларда намоён бўлади:

- “евроосиёча табиий танланиш” ғояси В.Парето ва евроосиёчи анъаначилар, шунингдек, Р.Генон, Ю.Эвола, Л.Дюмон сингари тадқиқотчилар, ҳокимиятнинг православча талқини ва Л.Гумилевнинг пассионарлик назарияси ғоялари билан бойитилади;

- “демократия” ғояси Ж.Ж.Руссо, К.Шмитт, А.де Бенуа, А.Мюллер ван ден Брук сингари олимлар қайд этган “органик демократия” ғояси билан тўлдирилади. Неоeuroосиёчилик нуқтаи назаридан “демократия” атамаси “халқнинг ўз тақдирини яратишда иштирок этиши”ни англатади;

- “идеократия” ғояси турли консерватив қоидалар билан мустаҳкамланади;

А.Дугин мумтоз евроосиёчиларнинг ғояларини ривожлантиришдан ташқари неоевроосиёчиликни қуйидаги концептуал ғоялар билан бойитишга эришади:

- бугунги дунёнинг муқаррар равишда тўлиқ инкирозга юз тутиши ғояси;

- замонавий рационал маданиятни иррационал архаик удумлар, афсона ва қадимги динлар орқали талқин этиш;

- лингвистик, эпиграфик (рунология), фольклор ва бошқа қадриятлар асосида Евроосиё ҳақларининг дастлабки муқаддас ва бетакрор дунёқарабини тиклашга интилиш, умумий илдизлар ва умумий “макон-замон қондасини” излаш;

- Ғарбда ривожланган геосиёсий ғояларни (Х.Маккиндер, К.Хаусхофер, Й.Лохаузен, Н.Спикмен, З.Бжежинский, Ж.Триар, К.Шмитт) “Қуруқлик” ва “Сув”, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги зиддият руҳида, атлантизм ва глобализмга қарши талқин қилиш;

- мондиализм ва глобализмга умумбашарий миқёсда қарши тура олувчи муқобил вариант топиш¹;

1990 йилларда А.Дугин томонидан атрофлича тадқиқ этилган геосиёсий жараёнлар бугунги кунда ўз аҳамиятини анча-мунча йўқотган. Ҳозирги вақтда унинг ижоди неоевроосиёчилик мафкурасини яратишга бағишланган бўлиб, Евроосиё геосиёсати ушбу мафкуранинг таркибий қисми сифатида талқин этилади.

3-мавзу: ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ГЕОСИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари.
2. Геосиёсат миллий сиёсат инструменти сифатида.
3. Худуд ва давлат куч-қудратини тасаввур этишнинг замонавий талқини.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Халқаро сиёсат, халқаро муносабатлар, геосиёсий таҳлил, миллий сиёсат инструменти, худуд ва давлат куч-қудрати, либерал-демократик тартибот, талассократия, теллурократия, минтақавий блок, денгиз чегаралари, “Монро доктрина”си, тамаддуний тараққиёт, “Дунё инқилоби”, учинчи Рейх, сайёравий ҳукмронлик ғояси, субъектив ва рационал омиллар, амалий геосиёсий позиция, Rimland - қирғоқ худуди, таркибий макон, “қирғоқ худуди”, “уй” ёки “империя”.

1. Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммолари.

АҚШнинг “совуқ уруш”даги ғалабасининг сўнгги палласига қадар геосиёсий дуализм азалдан ўрнатилган қондалар бўйича ривожланган, яъни талассократия ҳам, теллурократия ҳам Евроосиёда худудий ҳамда стратегик мавқеъни имкон даражасида мустаҳкамлашга интилиб келган. Уларнинг ядро қуролига эгалик қилишга киришиб кетиши, умумсайёравий ҳукмронликка эришиш борасидаги саъй-ҳаракатлари баъзи геосиёсатчиларга ўта хатарли туюлган эди. Чунки бу икки куч бутун сайёрани бўлиб олгач, улар ўртасидаги зиддиятлар, “самовий уруш” назарияси вакиллари таъкилаганидек, Ердан ташқарига яъни коинот миқёсига кўчирилиши ва ҳатто бир-бирини йўқ қилиб юбориши (ядровий апокалипсис) эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.

Тарихнинг асосий геосиёсий жараёни бўлган талассократия ва теллурократиянинг худудий жиҳатдан кенгайиш хусусияти мазкур фан учун маълум бўлса, унинг интиҳоси муаммо бўлиб турар эди. Бу борада сабаб-оқибат тамойилининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бу соҳадаги илмий маълумот ва хулосаларга таяниб айтиш мумкинки, тарихни геосиёсий нуқтаи назардан таҳлил этиш “Сув” ва “Қуруқлик” ўртасидаги қарама-қаршилик умумбашарий миқёсда ёйилгач, барҳам топади.

Хўш, дуализмни ифода этган тизимлардан бири тўлиқ ғалабага эришганидан сўнг сайёрамиздаги воқеалар ривож қандай кечиши мумкин? Назарий жиҳатдан қараганда бу жараён қуйидаги вариантлада ифодаланиши мумкин:

1-вариант. Талассократиянинг ғалабаси теллурократия цивилизациясининг таназзулига олиб келади. Сайёрамизда либерал-демократик тартибот ўрнатилади. Талассократиянинг

¹ Дугин А. Основы евразийства. - 82-84, 98-100-бетлар.

моҳияти мутлақлашган ҳолда инсон ҳаётини ташкил этувчи ягона тизимга айланади. Ушбу тизимнинг икки жиҳатига эътибор қаратиш жоиз. Биринчидан, у мантиқий жиҳатдан зиддиятлардан холи бўлиб, унда геосиёсий тарихнинг бир тарафлама оқимининг қонуний тарзда яқун топишини, яъни қуруқликнинг тўлиқ ҳукмронлигидан (анъанавий даврдан) денгизнинг тўлиқ ҳукмронлигига (ҳозирги давр) ўтиш жараёнини кузатиш, иккинчидан, ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ ушбу жараён амалда рўй бераётганини қайд этиш мумкин.

2-вариант. Талассократиянинг ғалабаси икки цивилизация қарама-қаршилигига яқун ясайди, аммо бу ҳол тараққиётнинг ушбу моделининг бутун дунёга тарқалишига олиб келмайди. Бу ҳол геосиёсий тарихнинг яқун топганидан далолат беради, холос. Масалан, айрим мондиалистик назариялар вакиллари яқин келажақда дунёда “Қуруқлик” ва “Денгизнинг” ўзаро қарама-қаршилиги буткул барҳам топади, дея таъкидламоқда.

3-вариант. Теллурократиянинг мағлубияти вақтинчалик ҳодиса. Евросиё янгича шаклда ўзининг минтақавий вазифасини бажаришга киришади. Бунда минтақавий кучларни фалокатга олиб келган геосиёсий омиллар эътиборга олинади (янги минтақавий блок Жануб ҳамда Ғарбда ўзининг денгиз чегараларига эга бўлади, яъни “Евросиё учун “Монро доктрина”си амалга ошади). Натижада дунё ўзгача моҳият касб этган икки қутблилик ҳолатига қайтади.

4-вариант. Юкоридаги манзарининг мантиқий давоми сифатида намоён бўлади. Унга кўра, икки қутб ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг янги босқичида теллурократия ғалаба қозонади. У ўзининг тамаддуний тараққиёт андозасини бутун дунёга тарқатиб, “тарихни ўз хоҳишига мос равишда яқунлашга” интилади. Бошқача айтганда, бутун дунё “Қуруқликка” айланади ва ҳамма жойда идеократия ҳукмронлик қилади. “Дунё инқилоби” ҳамда Учинчи Рейхнинг сайёравий ҳукмронлик ғоялари тарихнинг шу шаклда интиҳо топишига сабабчи бўлган.

Ҳозирги вақтда тарихий жараёнларнинг ривожига субъектив ва рационал омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлгани туфайли биз баён этган тараққиётнинг тўрт эҳтимолий варианти геосиёсий жараёнларнинг муайян тарзда ривожланишини ифода этган воқеликдан йироқ изоҳ эмас. Аксинча, улар минтақалар миқёсида олиб бориладиган жараёнларни бошқариш мумкин бўлган амалий геосиёсий позиция деб қаралиши лозим.

Геосиёсатнинг икки муҳим тамойили қаторида алоҳида ўрин тутадиган тушунча – Rimland (қирғоқ ҳудуди) категориясидир. Rimland гоҳ талассократиянинг, гоҳ теллурократиянинг бир қисми бўлиши мумкин бўлган таркибий макондир. Бу жуда ҳам мураккаб ва шу билан бирга маданий жиҳатдан бой минтақа ҳисобланади. Денгиз муҳити ҳамда сувнинг таъсири натижасида “қирғоқ ҳудуди”да ҳаммиша изчил тараққиёт кузатилади. Геосиёсий асарларда денгиз оламига нисбатан умумлаштирилган ҳолда “Кема” ёки “Орол” тушунчаси қўлланилса, қуруқликка нисбатан “Уй” ёки “Империя” иборалари қўлланилади. Ана шу қоидага кўра Rimland гоҳида “Орол” ва “Кема”, гоҳида эса “Империя” ва “Уй” тарафга ўтади. Мазкур тушунчалар мазмун-моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Rimland қуруқлик ва денгиз кучларининг тўқнашуви рўй берадиган қандайдир оралик ёки ўткинчи муҳит эмас. У мустақил мантиққа эга бўлган, шунингдек, талассократия ва теллурократияга жиддий таъсир ўтказадиган мураккаб воқелик ҳисобланади. Шу маънода, у тарихнинг объекти эмас, балки унинг фаол субъектидир. Талассократия ва теллурократиянинг rimland учун кураши шунчаки стратегик мавқени қўлга киритишга қаратилмаган. Rimland ўзига хос ҳамда тарихий иродага эга бўлса-да, уни геосиёсий қарама-қаршилиқдан холи тассавур этиб бўлмайди. Зеро Rimland маълум даражада танлаш эркинлигига эга, бўлишига қарамай у ёки талассократияни ёхуд теллурократияни танлаши зарур.

Ана шу туфайли “ички ярим ой” аксарият ҳолларда инсоният цивилизацияси тарқалган ҳудуд, деб талкин этилади. Бу ҳудуд ичкарасида консерватизм, унинг ташқи қисмида эса тартибсизлик таҳдиди ҳукмронлик қилади. “Қирғоқ ҳудудлари” жойлашуви нуқтаи назаридан жуғрофий ҳолатдан келиб чиқадиган муаммоларни бартараф этишга

мажбурдирлар. Rimland чегаравий ҳудуд, чизик ёки бошқача айтганда, чегаравий йўлакдир. Аини пайтда у том маънода чегара ҳамдир. Бундай уйғунлик “чегара” тушунчасига геосиёсий нуктаи-назардан таъриф беришда муҳим аҳамиятга эга. Давлатлар ўртасидаги чегаралардан фаркли ўлароқ, геосиёсатда бу атама ўзгача, яъни дастлабки андозага асосланган ҳолда таҳлил этилади. Барча чегаралар учун умумий асос бўлган ушбу тарихий-жуғрофий ҳамда маданий тушунча ана шу андозанинг негизини ташкил этади.

Қирғоқ ҳудудларининг эни ёки кенлиги материкка ташқаридан, яъни денгиз тарафдан келадиган босқинчилар кўзи билан қараш натижасида шаклланади. Айнан қирғоқ “денгиз кучлари” учун куруқликнинг ичкарасигача кириб борадиган йўлак ҳисобланади. Материк учун эса, қирғоқ, аксинча, сўнгги маррадаги чизикдир. Қирғоқни чизик сифатида талқин этиш “куруқлик ҳуқуқшунослигига” хос бўлган қарашдир.

Қирғоқ ҳудудлари материкдан, (яъни Евроосиёдан) узоқда бўлган денгиз давлатлари учун келажакда босиб олиш мумкин бўлган мустамлакалар бўлиб, уларни асосий китъадан ажратган ҳолда стратегик маконга айлантириш мумкин. Шу билан бирга, талассократия намоёндалари қирғоқ ҳудудини охиригача эгаллаш қийинлиги, қитъа ичкарасидан хавф туғилганда кемага ўтириб ватанга, “оролга” сузиб кетиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келганлар.

Қирғоқнинг чизик бўлишига сабаб денгиз босқинчиларининг минтақа ичкарасига маълум даражадагина кириб боришлари хавфсиз эканлиги билан боғлиқ. Денгиз ҳамда куруқлик тўғрисидаги ҳар икки йўналишдаги қарашларни ўзида мужассамлаштирган геосиёсат фанида rimland чегара-чизик шаклидаги ўзига хос воқелик сифатида намоён бўлади. Унинг (яъни rimlandнинг) хусусиятлари эса шу ҳудудда қайси унсур устунлик қилишига боғлиқ. Масалан, Хитой ва Ҳиндистоннинг кемалар қатнашига қулай бўлган улкан океан қирғоқлари ҳам энг тор ҳажмдаги чизик ҳисобланади. Чунки ушбу ҳудудлар маданий жиҳатдан куруқликка мослашган ҳудудлар бўлиб, қирғоқлари жуда тор ҳажмга эга ва китъанинг сув билан туташган маррасинигина ифода этади. Европа ва асосан Ўрта Ер денгизидаги қирғоқ ҳудудлари нисбатан кенроқ ҳажмга эга бўлиб, материк ичкарасигача чўзилиб кетган. Масалан, геосиёсий нуктаи назаридан назардан НАТОнинг аъзоси сифатида Туркия ҳудуди тўлиқ “Rimland”нинг чегара ҳудудида жойлашган. Унинг китъа ичидаги чегаралари анчагина ҳудудни эгаллаган rimland чегарасини ифода этади. Ушбу давлатнинг қўшниси – Эрон эса денгиз кучлари таъсиридан холи бўлгани туфайли, Ҳиндистон ва Хитой сингари жуда тор чизикдан иборат геосиёсий чегарага эга. Лекин, ҳар иккала ҳолатда ҳам сўз том маънодаги маъмурий белги эмас, балки геосиёсий чегара ҳақида бормоқда. Аён бўладики, геосиёсий чегара муваққат, ўзгарувчан ва шарт-шароитларга узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, вазиятга қараб кенг майдондан тор чизикқа қадар ўзгариб туриши мумкин.

Геосиёсатдаги бундай ёндашув чегара масаласи билан боғлиқ бўлган нисбатан хусусий муаммоларни таҳлил этишда ҳам қўлланади. У давлатлар ўртасидаги чегараларни “ҳажм жиҳатидан ўзгарувчи ҳудудлар”, деб ҳисоблайди. Чегаравий ҳудуд ҳажмининг кенгайиши ёки торайиши минтақанинг умумий тараққиётига боғлиқ. Шунга боғлиқ ҳолда ушбу ҳудудлар тегишли ўлчам доирасида ўз шакли ва йўналишини ўзгартириб туради. Ушбу ёндашув нуктаи назаридан ҳатто айрим давлатлар ҳам “геосиёсий чегара” тушунчаси доирасига киритилиши мумкин. Масалан, Англиянинг таклифи билан Россия ва Германия ўртасида ташкил этилажак “санитар кордон” ғояси остида Болтиқбўйи ва Шарқий Европа давлатларидан иборат “ҳеч кимга тегишли бўлмаган” (ярим мустамлака ва Англияга йўналган) ҳудудни қамраб олиши кўзда тутилган эди. Россия ва Германиянинг минтақавий сиёсати эса, аксинча, бу ҳудудни чизикқа айлантиришга (Брест-Литовск, Раппало, Риббентроп-Молотов пакти) қаратилган эди. Талассократ-атлантистлар сунъий равишда etats-tampons деб аталмиш “оралиқ давлатлар” ни ташкил этиш орқали ушбу чегаравий чизикни имкон қадар кенгайтиришга ҳаракат қилишди. Бунга мисол тариқасида Шимолий ва Жанубий Корея, Шарқий Европа ва Болқонда ташкил этилган давлатлар, Марказий Осиё республикаларини келтириш мумкин.

Айни пайтда энг ривожланган талассократия (Англия, АҚШ) бу ҳолатда икки хил андозани қўллайди: ўз ороллари чегараларини имкон қадар торайтириб, чизик ҳолига келтириш, Евросиё қирғоқ ҳудудларини эса кенгайтиришга интиланган. Минтақавий геосиёсат учун эса худди шу тамойилнинг қарама-қарши йўналишда, яъни Евросиё чегаралари чизик, Америка чегаралари эса кенг ҳажмдаги йўлак тарзида қўлланиши мантиқан тўғри бўларди. Rimlandни тарихда “цивилизация бешиги” бўлган, дея талкин этиш “чегара-ҳудудларида”ги давлатларнинг геосиёсий позициясига жиддий таъсир кўрсатади. Ана шу нуқтаи назардан денгиз давлатлари ҳам қитъачи давлатлар ҳам “чегара ҳудудлари”нинг маданий-интеллектуал имкониятларини ўзларига оғдиришга ҳаракат қилишади. Бундай геосиёсий салоҳиятдан оқилона фойдала билиш қарама-қарши томонларнинг геосиёсий стратегия санъатига боғлиқдир.

Бу санъатни мукамал эгаллаган “денгиз кучлари” ҳамиша босиб олинган ерларни тез ва тўлиқ ўзлаштириш ҳамда улардан оқилона фойдаланишга интилиб келган. Бу уларни куруқлик босқинчиларидан ажратиб турган. Негаки куруқлик босқинчилари босиб олинган ҳудудларни “ўзиники”, деб ҳисоблаб ундан самарали фойдаланишга шошилмаган.

2. Геосиёсат миллий сиёсат инструменти сифатида.

Таъкидлаш жоизки, геосиёсий қонуниятлар сиёсий тарих, дипломатия тарихи ҳамда стратегик режалаштириш ва таҳлил этишда айниқса қўл келади. Ушбу фаннинг социология, сиёсатшунослик, этнология, ҳарбий стратегия, дипломатия, дин тарихи каби кўпгина фанлар билан кесишув нуқталарига эга. Айрим мутахассислар ушбу фаннинг кўпгина ҳолларда иқтисодиёт билан ҳам узвий боғлиқлигини назарда тутиб, “геоиктисодиёт” деб номланган фанни киритиш таклифини илгари сурган.

Ҳозирги вақтда турли фанларнинг интеграциялашуви таъсирида янги умумий фанлар (макрофанлар) ва андозаларнинг шаклланиши жараёнида геосиёсат ҳам назарий тадқиқотлар учун, ҳам умумсайёравий ёки муайян давлат ёхуд давлатлар ҳамжамияти миқёсидаги мураккаб тамаддуний жараёнларни бошқаришда ғоят муҳим амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Бу келажак фани бўлиб, унинг асослари нафақат махсус ўқув юртлари ва академияларда, балки оддий мактабларда ҳам ўқитилади.

Геосиёсатнинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Ахборотнинг ривожланиш даражаси, оддий инсоннинг бутун минтақа миқёсида рўй бераётган ҳодисаларга фаол жалб этилгани, оммавий ахборот воситаларининг “мондиализация”си – буларнинг барчаси геосиёсий тафаккурни биринчи ўринга олиб чиқади, халқлар, давлатлар, тузумлар ва динларни соддалаштирилган ягона шкала воситасида тафсифлашга хизмат қилади. Бу эса энг оддий телерадио янгиликларнинг ҳам маъносини оз бўлсада тушунарли қилишга ёрдам беради. Халқаро муносабатларга оид янгиликларга нисбатан heartland, rimland, World Island каби геосиёсий атамалар қўлланган заҳоти барчанинг нигоҳида аниқ манзара гавдаланади, рўй берган воқеани англаш учун махсус билим талаб қилинмайди. Масалан “НАТОнинг Шарққа кенгайиши” ушбу ёндашув бўйича rimland ҳажминининг кенгайиши ва талассократиянинг кучайишини, Германия ҳамда Франция ўртасидаги Европа ҳарбий кучларини тузиш тўғрисидаги битим “минтақавий теллуократик тузилма томон қўйилган қадам” экани, “Ироқ ва АҚШ ўртасидаги тўкнашув Форс кўрфазисидаги қирғоқ ҳудудларини бевосита назорат қилишга тўсқинлик қилаётган талассократик тузилмани йўқ қилишга интилишлари” ни англатади ва ҳоказо.

Шу ўринда, геосиёсий ёндошувнинг ички ва ташқи сиёсатга таъсири ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Агарда сиёсий партиялар, ҳаракатлар ёки ҳокимият тузилмалари ҳатти-ҳаракатларининг геосиёсий мазмуни маълум бўлса, уларни умумбашарий манфаатлар тизими билан қиёслаш ва асл мақсадларини библиб олиш мумкин. Масалан, Россиянинг Европа давлатлари (асосан Германия) билан интеграциялашуви – теллуократик учлар, яъни европеоликлар фаолияти ҳосиласидир, дея баҳоланиши лозим. Зеро бундай саъй-ҳаракат негизида мамлакатда “социалистик” ғояларнинг кучайиши мумкинлигини олдиндан башорат қилиш мумкин. Москванинг Вашингтон билан яқинлашуви эса, аксинча, талассократик

йўналиш асосида рўй бериши ва “бозор муносабатлари” тарафдорларининг кучайиши муқаррарлигини билдиради.

Шундай қилиб ички геосиёсий қонуниятлар муайян мамлакатда айирмачилик ҳатти-ҳаракатларининг сиёсий сабаблари, шунингдек, турли маъмурий тузилма ҳамда вилоятлар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама тузиладиган турли хил битимларнинг туб моҳиятини осонгина англаш имконини яратади. Дарҳақиқат, ҳар бир воқеа-ходиса геосиёсий услуб воситасида таҳлил қилинганда у аниқ маъно-мазмун касб этади. Бинобарин, бундай ёндашув билан воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш ҳамда истиқболни белгилашда ғоят самарали натижаларга эришиш мумкин.

Геосиёсатнинг миллий сиёсат инструменти сифатидаги мазмуни унинг амалий моҳиятидан келиб чиқади. Чунки шўро тизими ҳамда Варшава шартномасининг парчаланиши оқибатида Евроосиё қитъасида кўплаб янги давлатларнинг пайдо бўлиши, ер юзидаги энг улкан қитъада кучларнинг стратегик мувозанатининг қайтадан тақсимланишини тақозо этди. Россия улкан ҳудудини сақлаб қолган бўлса-да, дунё микёсидаги қудратли давлатдан минтақавий даражага тушиб бормоқда. Хитой ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли кучга айланди. АҚШнинг Евроосиё атрофидаги таъсир доираси йилдан-йилга кенгаяётир. Ҳиндистоннинг ҳам сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий салоҳияти сезиларли даражада кучаймоқда. Бундай вазиятда ер юзида стратегик мувозанатнинг қайтадан ўрнатилиши бир неча ўн йилликларга чўзилиши мумкин. Натижада Кавказ ёки Марказий Осиё каби минтақалар у ёки бу куч ёки кучлар бирлигининг гравитацион майдони доирасига тортилиб бориши табиий. Марказий Осиё минтақаси ҳам турли кучлар билан жадал геосиёсий таъсирлашувга киради ва ўз ўзидан у ёки бу қудрат атрофида ягона географик ва сиёсий бирлик шаклида ёки алоҳида алоҳида ҳолда бирлашади. Акс тақдирда Марказий Осиё республикалари ўзаро бирлашган ҳолда алоҳида сиёсий ва иқтисодий қудрат барпо этишлари керак бўлади.

Геосиёсий тадқиқотларга кўра Евроосиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган қатъий қонуният асосида қирғоқ ҳудудлардан қитъанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари, шунингдек кейинги 15 йил давомида Болқон ярим ороли минтақасида, Ироқ, Кавказ, Афғонистон ва Шимолий Корея атрофида кечаётган жараёнлар яққол мисолдир. Бу жараёнларнинг жиддийлашуви дунёни қайтадан бўлиб олишга интилишни ифода этар экан, бундай пайтларда айнан Евроосиёни қўлга киритиш биринчи галдаги ва асосий вазифа эканлиги ўртага чиқади. Қудратли давлатлар ўртасида кечган шафқатсиз қирғинбарот курашлар айнан ана шу қитъада стратегик мувозанатнинг бузилиши оқибатида келиб чиққан. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг авжига чиққан қуролланиш пойгаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда акс этган ер юзида минг йиллардан давом этиб келаётган икки куч қарама-қаршилигини ифода этади. Кенг маънода “heartland” ва “rimland” ўртасида зиддият, бошқача айтганда ер юрагига интилиш бугунги кунда ҳам юз йиллардан бери давом этиб келаётган геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчи олимлар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва айнан ушбу изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган. Ҳар икки жаҳон урушларида ҳам Берлин – Москва – Токио ёки Рим – Берлин – Токио, Вашингтон – Лондон - Москва иштирокидаги геосиёсий лойиҳалар асосида қитъа тақдири геосиёсий ўйинлар саҳнасига айланган ва қонли урушлар рўй берган. Қудратли давлатлар айнан геосиёсий тадқиқотлар асосида ўз ташқи стратегиясини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан геосиёсатчиларнинг қатъий маслаҳатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Буни Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Хэлфорд Маккиндер ҳамда ўтган асрнинг сўнги чорагида алоҳида шов-шувга сабаб бўлган геосиёсатчи олимлар С.Хантингтон, Ф.Фукуяма ёки З.Бжежинскийлар мисолида яққол кузатиш мумкин¹. С.Хантингтон ўз асарида турли

¹ С.Хантингтоннинг машҳур “Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тартиботининг қайтадан қурилиши” асари, Ф.Фукуяманинг “Тарих интиҳоси” мақоласи ҳамда З.Бжежинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси” асарлари назарда тутилмоқда.

цивилизациялар ўртасидаги тарихий рақобат сирларини айнан геосиёсий талкида қўлга олади. У турли цивилизацияларни талқин қилар экан Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва қандай геосиёсий кучлар таъсирида эканлигини кўрсатиб беради. Ф.Фукуяма умумбашарий миқёсдаги мондиализмнинг тарғиботчиси сифатида майдонга чиқади. Унинг асарида ҳам нафақат минтақалар, балки қитъалар тақдири геосиёсий нуқтаи-назардан ягона марказга бўйсундирилишини ўз ичига олади. Бжежинский эса ўз асарида ер юзидаги геосиёсий кучлар ўртасидаги рақобат стратегиясини очикдан-очик кўрсатиб етакчи кучлар ўртасидаги рақобат айнан геосиёсий қоидаларга асосланишини исботлаб берди.

Евроосиёда стратегик мувозанатнинг бузилишини мамлакатимиз ва минтақамиз атрофида кечаётган воқеа-ҳодисалар мисолида осонроқ тушуниш мумкин. Аниқроқ айтганда, 1999 йилдан 2005 йилгача биргина Ўзбекистонда рўй берган террорчилик актлари Марказий Осиё атрофида кейинги ўн йилликларда рўй бераётган геосиёсий жараёнларнинг оқибати эканлигини намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу воқеанинг буюртмачилари узоқ хорижда эканлигини, умуман бундай воқеалар ёқилғи-энергетика захиралари улкан минтақалар атрофида ташқи таъсир остида рўй беришини таъкидлаганларида, геосиёсий жараёнларнинг муҳимлиги янада ойдинлашади. Ана шу нуқтаи-назардан бундан буён геосиёсатнинг туб моҳиятини ўрганиш, бу соҳада илмий тадқиқотлари олиб бориш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти ва унинг хавфсизлиги тўғрисида ҳам даставвал исмлари қайд этилган хорижлик мутахассислар ва геосиёсатчилар атрофлича фикр билдиришган. Чунки Марказий Осиё қитъадаги энг йирик кучлар, жумладан Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг ўртасида жойлашганлиги туфайли унинг турли манфаатлар тугунида эканлигини бирдиради. Минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи-назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқиши керак бўлади. Бунинг учун эса геосиёсат фанининг назарий моҳиятини англаш, хавфсизлик категориясини эса айнан геосиёсий қоидалар асосида қуриш мақсадга мувофиқдир.

Геосиёсий муаммолар илмий муаммо сифатида Ўзбекистонда фақат мустақилликка эришилгандан кейин ўрганила бошланди. Маълумки, ҳар бир давлат мустақил ривожланиш йўлига қадам қўяр экан, ўз миллий манфаатлари тизимини аниқ белгилаб олиши, миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг асосий тамойиллари ҳамда устувор йўналишларини ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун миллий ёки минтақавий хавфсизлик қандай тамойилларга асосланишини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хавфсизлик ҳодисасини геосиёсий асосда тадқиқ қилиш Ўзбекистонда илгари олиб борилмаганлиги туфайли етакчи давлатларда бу борада олиб борилган изланишларга таянишга тўғри келади.

Маълумки геосиёсий муаммолар собиқ иттифокнинг марказий қисмидаги махсус тадқиқот марказларида тегишли мутахассислар томонидан ўрганилган. Барча иттифокдош республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий соҳадаги олимларнинг хавфсизлик масалаларига бўлган илмий қизиқиши қатъий чекланган эди. Бунга сабаб иттифокдош республикаларнинг миллий манфаатлари ягона миллат аталмиш “совет халқи” манфаатларига бўйсундирилган бўлиб, ҳар бир миллатнинг ўз миллий манфаатлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр қаттиқ таъкиб этилган эди. Бундай ҳатти-ҳаракат коммунистик мафкурага қарши чиқиш, айирмачилик, халқ душмани ва ҳақозо тамғалар билан аёвсиз қораланган. Илмий жамоатчилик учун миллий хавфсизлик ва миллий манфаат мавзулари ёпиқ мавзу бўлиб, тадқиқотчилар ўз миллий манфаатларини четлаган ҳолда иттифок манфаатини миллий манфаат сифатида тан олгани ва улуғлагани учун илмий даражага эга бўлган. Бир сўз билан айтганда ўз миллий манфаатларини қанчалик англаган бўлмасин, олимлар ва тадқиқотчилар бошқа йўналишларда илмий изланишлар олиб боришга мажбур бўлганлар.

Иттифокнинг парчаланиши оқибатида дунё харитасида Марказий Осиё минтақаси географик, сиёсий ҳамда иқтисодий бирлик сифатида қайтадан намоён бўлди. Бу пайтда бир томондан миллий давлатчилик шакллариининг ривожланиши кузатилаётган бўлса, иккинчи

томондан Марказий Осиёнинг умумий геосиёсий мавқеи, унинг геоиқтисодий салоҳияти мавзуси пайдо бўлди. Минтақага етакчи кучларнинг қизиқиши кучайди. Бундай вазиятда минтақада илгаридан манфаатлари бўлган ҳамда бу ерда янгидан иқтисодий манфаат шаклланаётган етакчи кучлар Марказий Осиёни сиёсий жиҳатдан бирликда кўришдан манфаатдор эмаслиги геосиёсий қоидалар призмаси орқали таҳлил қилинганда яққол намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан минтақавий хавфсизлик ҳодисаси фақат геосиёсий қоидалар ва жараёнлар контекстида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Зеро етакчи кучлар у ёки бу минтақага кириб борар экан, аввало геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадлардан келиб чиқишлари табиий. Масалан мустақиллика эришган Марказий Осиё республикалари табиий захираларга ғоятда бой мамлакатлар ҳисобланишади. Ушбу бойликларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун етакчи давлатлар ўртасида рақобат кечаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу жараёнда минтақадаги республикалар ўртасида мавжуд бўлган айрим зиддиятли масалалар ишга солиниши мумкин. Маълумки, Марказий Осиё республикалари айрим минтақавий масалаларнинг ҳал этилиши борасида бир хил фикрга эга эмаслар. Ушбу омилларнинг зарур пайтда ташқи кучлар томонидан ишга солиниши ва бунинг учун минтақа республикаларида турли гуруҳлар шакллантирилиши ҳам бугунги кунда сир эмас.

Демак, геосиёсат ҳар қандай давлатнинг миллий манфаатларини ифода этувчи амалий аҳамиятга эга бўлган ташқи сиёсатдир. У миллий сиёсат инструменти сифатида ҳар қандай давлатнинг, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатида ҳам ифодаланади.

3. Худуд ва давлат куч-қудратини тасаввур этишнинг замонавий талқини.

XXI аср халқаро муносабатларда кучлар нисбати ўзгариб бораётган бир шароитда бошланди. Бутун инсониятни, жумладан, Ўзбекистонликларни ҳам бугунги даврнинг асосий жиҳатлари ташвишлантиради. Дунёнинг қиёфаси қандай тусга кирди? Инсоният ўз тараққиётининг қайси маррасига кўтарилди? XXI асрга келиб Евроосиёда тинчлик ва кучлар мувозанатини таъминлаш учун қандай имкониятлар пайдо бўлди? - деган саволлар барчани ўйлантириши табиий. Ушбу масалаларни, Марказий Осиё атрофида кейинги йилларда рўй берган геосиёсий жараёнлар орқали таҳлил этиш муаммони ёритишга ёрдам беради. Зеро, Марказий Осиё йирик кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг асосий нуқталаридан бири эканлиги аён бўлмоқда¹.

Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият бу ердаги кучлар мувозанатига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан эканлигини назардан қочирмаган ҳолда, бевосита бу ҳудуддаги давлатлар қудрати, муаммолари ва улар олиб бораётган сиёсатни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Марказий Осиёдаги мувозанатга бевосита таъсир этишдан манфаатдор бўлган Россия 2005 йилга келиб ўз бюджетидида биринчи марта 30 миллиард долларлик йирик даромадга эришди. Айни пайтда, Россия олдида бир тарафдан ички ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, иккинчи тарафдан, илгариги сиёсий мавқеини тиклашдек улкан ва мураккаб вазифа турибди. Россиянинг Евроосиёдаги асосий геосиёсий “ўйинчи” экани унинг юқоридаги вазифаларни муваффақият билан амалга оширишига боғлиқ. Россиянинг ички иши бўлиб кўринган ижтимоий-иқтисодий характердаги масалалар унинг Евроосиёда геосиёсий мувозанатнинг бузилишига ёки аксинча сақланиб қолиши ва ҳатто кучайишига ҳам таъсир этади. Россия ўз муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган вақтни қўлдан бой бермаслик учун аввало МДХ ҳудудида тинчлик сақланиб туришидан манфаатдордир. Айни пайтда, Россия Ғарб таъсирига тушиб қолаётган МДХ давлатларини ўз таъсир доирасида сақлаб туришга ҳам ҳаракат қилади. Аммо Россия ўз муаммоларига қоришиб ётган бир пайтда Болтиқбўйи давлатлари бутунлай Европа ва НАТО тарафига ўтиб кетди, Украина ва Грузия ҳам шу йўлдан бормоқда. Марказий Осиёда эса Ўзбекистондан ташқари барча давлатлар муайян ташқи таъсирга дош бериш ёки халос бўлиши қийин кечмоқда.

Россиянинг МДХ давлатлари манфаатларига мос равишда ташқи сиёсат олиб боришига таъсир қилувчи икки хил омил мавжуд. Бири собиқ шўролар тизимидан қолган ва Ельцин даврида янада мураккаблашган ижтимоий-иқтисодий характердаги ички муаммолар бўлса,

¹ Жалилов А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Маърузалар матни.-Т.:Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети, 2002,73- бет.

иккинчиси Ғарбнинг Россияни парчалаб ташлашни кўзда тутган интилишлари билан боғлиқ. Ички ва ташқи муаммоларни қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Ички муаммолар:

- давлат бошқарув тизимини тўлиқ эгаллаб олган коррупция;
- иқтисодий жиноятлар;
- эски тузумдан қолган ва ҳозиргача бартараф этиш имкони бўлмаган ижтимоий-иқтисодий муаммолар;

Ташқи омиллар:

- Россиянинг таъсир доирасини торайтиришга қаратилган НАТОнинг Шарққа кенгайтирилиши, “рангли инқилоблар”ни амалга ошириш орқали Ғарб таъсиридаги “буфер” давлатларни шакллантириш;

- халқаро террористик гуруҳларни қўллаб-қувватлаш орқали айирмачилик кайфиятларини кучайтириш;

- Транснмиллий корпорациялар воситасида Россиянинг хом ашё захираларига эгалик қилиш;

- Россияда демократик ислохотларни, фуқаролик жамияти тамойилларини жорий этиш мамлакат миллий яхлитлигига хорижий нодавлат нотижорат ваколатхоналарини очиш ёки шундай ташкилотларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш.

Шундай қилиб, Евроосиёнинг асосий қисмини эгаллаган Россияга ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан салбий таъсир этувчи жиддий таҳдидлар ва муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъбири билан айтганда, “табиий бойликларининг қанчалик кўплигини тасаввур ҳам эта олмайдиган”¹ бу давлатга кўз тикканлар талайгина. Хусуан, АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт “...бу қадар катта ҳудуднинг битта давлатга тегишли эканлиги адолатдан эмас”лигини таъкидлаб, давлатининг геосиёсий мақсадларини ошкор этган эди.

Демак, Россия жўғрофий хусусиятлари, майдонининг катталиги, табиий захираларининг кўплигига қарамасдан қатор ички муаммоларнинг ҳал этилмагани боис Евроосиё стратегик мувозанатини бир ўзи сақлаб қолиши мумкин эмас. Бунинг учун МДХдаги барча давлатларнинг бирлиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши талаб этилади. Бошқача айтганда, бу каби мураккаб масаланинг ҳал этилиши МДХ давлатлари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларидаги ички барқарорлик ва улар олиб борадиган ташқи сиёсатига ҳам боғлиқдир. Шу маънода, Марказий Осиё давлатларининг Евроосиёдаги стратегик мувозанат масаласига нисбатан геосиёсий позициясига тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Евроосиё стратегик мувозанатига таъсир этадиган давлатлар қаторига Украина ва Белоруссияни киритиш мумкин. Бир неча йиллардан буён ҳукума инқирозини бошидан кечираётган Украинада президент, ҳукумат ва муҳолифат ўртасидаги зиддият шу қадар авж олганки, бу мамлакатда соғлом сиёсий вазиятни яратиш ўта мушкуллигича қолмоқда. Украинадаги вазиятнинг нозик жихати унинг Ғарб ва Россия ўртасидаги геосиёсий ўйин қурбонига айланганлигига бориб тақалади. Айнан Ғарбдан келган кучлар Ғарбий ва Шарқий Украина феноменига урғу бердилар. Албатта, ўз миллий манфаатлари чегарасининг торайиб боришига қараб тура олмаган Россия тез орада Украинага сотиладиган газ нархини оширишини эълон қилди.

АҚШ томонидан Украинада (Чехия ва Польшада ҳам) Ракетага Қарши Мудофаа (РҚМ) тизимини ўрнатиш тўғрисидаги 2007 йилнинг бошидаги эълони Россиянинг манфаатларига навбатдаги зарба бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Маълумки, Украинанинг НАТО ва ЕИга қабул қилиниши эҳтимоли бир неча йиллардан бери таъкидланиб келинмоқда. Бу эса жиддий ўзгариш — яъни мамлакат сиёсий, иқтисодий, қолаверса маданий ёки янада кенгрок, тамаддуний стратегиясининг шарқий йўналишдан Ғарб томон бурилаётганини кўрсатмоқда. Бу ўринда Ғарб олами Украинадаги унчалик жиддий католик омилини ҳам ишга солишга

¹ И.Каримовнинг МДХ давлат раҳбарларининг Санкт-Петербург учрашувига кетиш олдидан ОАВга Тошкент аэропортида берган интервьюсидан.

ҳаракат қилмоқда. Оқибатда Украина ва Россия тарихида бир неча бор рўй берган “ажралиш” жараёни яна бир бор рўй берди.

Белоруссия ҳам Украина сингари Россия билан инқирозли муносабатлар гирдобига тушиб қолган. Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти қароргоҳи жойлашган Беларуссия бу ташкилотнинг ривожланиши учун қанчалик ҳаракат қилмасин жўғрофий ва геосиёсий омиллар бунга йўл бермаяпти. Россия ва ЕИ ўртасида жойлашган Беларуссия узлуксиз икки ёклама геосиёсий таъсир остида. Натижада Россия Билан иттифоқ тузиш режаси ҳам номаълум муддатга чўзилмоқда. Вазиятнинг ҳозиргидагидек давом этиши Беларуссия ўз сиёсий йўналишини аниқ белгилаб олишини бундан кейин ҳам мураккаблаштираверади. Бир сўз билан айтганда, жўғрофий жиҳатдан Европа ҳудудида жойлашганлигига қарамасдан Беларуссиянинг Европа Иттифоқи ёки НАТОга кириши учун биринчи навбатда у Россия билан келишувга эришиши керак бўлади. Акс тақдирда ҳар икки тарафдаги кучлар унинг ташқи сиёсатига тескари таъсир кўрсатаверади. Айрим мутахассислар Беларуссия учун энг маъбул йўли сифатида ЕИни кўрсатишаётган бўлса, бошқалари Россия Билан бирлашиш маъкул эканини таъкидлашмоқда. Беларуссиянинг ЕИ томон юриши Евроосиёдаги стратегик мувозанатда Россия мавқеининг заифлашуви ва аксинча Европа ёки бошқача айтганда Ғарб омилининг кучайишига олиб келади.

Кавказ минтақаси ҳам Евроосиёдаги Янги тартибда фаол иштирок этаётган минтақа ҳисобланади. Грузия Россиянинг азалий ҳамкори бўлса-да, мустақиллик йилларида бу мамлакат иқтисодий имкониятларининг чекланиб қолиши уни Россиянинг рақибига айлантирди. Ғарб бу минтақада ўзига шерик сифатида Грузияни танлагани бежиз эмас. Бундан ташқари, Грузияда Россия билан бўлган Шимолий Осетия ва Абхазия деб аталган “оловли нукта”лар мавжуд бўлиб, уларни ишга солиш, аввало Россияни ташвишга солиш, кези келганда эса Грузиянинг ўзига ҳам қарши ишлатилиши мумкин. Кези келганда деганда, бу ерда Грузиянинг ўзи бир кун келиб Ғарбга қарши бўлиб қолган тақдирда миллатлараро негизда фуқаролар урушини бошлаш эҳтимоли назарда тутилмоқда. Россия эса бевосита ўз миллий манфаатлари чегарасида рўй берадиган бундай жараёнларга қараб тура олмайди ва албатта Грузиянинг Ғарбга қарши чиқиши учун қўлидан келган барча имкониятларини ишга солади.

Грузия Ғарб билан яқин ҳамкорликка киришмасдан илгари Евроосиё стратегик мувозанатида катта аҳамиятга эга эмас эди. Аммо бундай шерикчилик бу давлатнинг Кавказ минтақасидаги стратегик аҳамиятини кескин ошириб юборди. Бошқача айтганда, бирор бир стратегик ашёга эга бўлмаган кичкина бир давлат тўсатдан, қарийб бир аср ҳамкорлик қилиб келган Россия қўшинларини ўз ҳудудидан ҳайдаб чиқарди ва унинг стратегик рақибига айланди. Бунга албатта Грузияда амалга ошган “рангли инқилоб” сабаб бўлди. Аммо бу инқилоб Грузияни Россияга қарши рақибга айлантиришидан ташқари, Грузия халқига на ижтимоий-иқтисодий ҳаётда на демократияни ривожлантиришда бирор бир наф келтирганини айтиш қийин.

Аммо, бу ҳудудда Россиянинг манфаатларига навбатдаги жиддий зарба бўладиган Баку – Тбилиси – Қарс нефть қувури лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2007 йилнинг февраль ойида эълон қилинган бу ҳамкорлик Озарбайжон нефтини Грузия орқали Туркиянинг Қарс вилоятига ва ундан кейин Европага олиб чиқишни назарда тутувчи йирик стратегик лойиҳадир. Ғарб Евроосиё ҳудудидаги энергетика захираларини Россияни четлаб ўтган ҳолда дунё бозорига олиб чиқиш йўллариини ҳамиша излаб келганини назарда тутсак, Баку - Тбилиси - Қарс қувурининг амалга ошиши айнан ана шу режани ҳаётга тадбиқ этилишини англатади. Албатта, бу ерда Арманистон ўзининг иштирокини ва албатта ўзига тегишли бўладиган улушни “талаб” қилмоқда.

АҚШдаги кучли арман диспораси бу стратегик лойиҳани амалга ошмаслигини талаб қилиб АҚШ раҳбариятидан амалий ҳаракат талаб қилмоқда. Бунга жавобан ана шу лойиҳа эълоқ қилинган кундан икки-уч кун ўтар-ўтмас АҚШ давлат департаментининг Кавказ минтақаси бўйича вакили бу лойиҳа тўғрисида ўзининг салбий муносабатини билдирди. Бошқа тарафдан Россия ҳам Грузиянинг “қилмиш”лари учун бу лойиҳани қўлламаслиги

табiiй. Оқибатда жуда амбицияли бўлган бу лойиҳа минтақада турли кўринишдаги зиддиятларга ва бутун Евроосиёдаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатиши мумкин.

Евроосиёда ўз мавқуини мунтазам ошириб келаётган, Марказий Осиё ва Россиянинг ўртасида жойлашган Қозоғистоннинг геосиёсий йўналишига тўхталиб ўтиш жоиз. Қозоғистон МДХ, ШХТ ва Евроосиё Ҳамкорлик Ташкилотининг фаол аъзоси ҳисобланади. Бу ташкилотларга аъзолик Қозоғистон ташқи сиёсатининг тўлиқ Евроосиё ҳудудига йўналтирилганини намоён этади. Бинобарин, иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган Қозоғистон учун МДХ давлатлари манфаатларига зид келадиган ташқи сиёсат юритишга асос йўқ. Аммо кейинги вақтда Қозоғистоннинг ўзи аъзо бўлган минтақавий ташкилотлар низомларига ва демакки, шу ҳудуддаги давлатлар манфаатларига зид ҳатти-ҳаракатлар кўзга ташланаётгани ғоят ачинарлидир.

АҚШнинг йирик компаниялари Қозоғистон ғарбидаги Шимолий Каспий шельфида жойлашган энг йирик конлар ҳисобланган Тенгиз ва Қорачиғанок конларидан бир неча йиллардан бери нефть казиб хорижга экспорт қилмоқда. АҚШнинг бундай жиддий иқтисодий манфаатлари Қозоғистонни ўз таъсир доирасида сақлаб туришни талаб этади. Буни таъминлаш учун эса Ғарбий давлатлар турли ноанъанавий усуллардан ҳам фойдалангани сезилмоқда. Шундай фаолият натижаси бўлса керак Қозоғистон ўзи фаол иштирокчи бўлган МДХ ҳудудидаги минтақавий ташкилотларда фаоллиги кескин сусайиб кетди. Бу эса унинг Ғарбдаги иқтисодий шериклар манфаатларига оид айрим мажбуриятларни ўз зиммасига олганлигини намоён этади. Шуни таъкидлаш керакки, Қозоғистоннинг нефтьга бойлиги бундан кейин ҳам унга турли таҳдидларни келтириб чиқариши мумкин.

Қирғизистоннинг минтақавий вазиятга нистабан ёндошуви ҳам ўзига хосдир. Қирғизистондаги 2005 йилнинг март ойида ушбу мамлакатда юз берган ҳукумат инқирози А.Акаевнинг ҳокимиятдан четлашишга ва бир неча йиллар давомида қамоқда ётган собиқ ички ишлар вазири Ф.Куловни ҳукумат тепасига келтирди¹. Президентлик лавозимини эса Жалолобод вилоятидан бўлган Қ.Бакиев эгаллади. Қирғизистонда вужудга келган вазият бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижасида эмас, балки ташқи геосиёсий таъсир оқибатида юз берди. Давлат раҳбарияти мамлакатнинг тарихий тараққиёт йўли, маданияти, дини ва миллат тийнатини ҳисобга олмаган ҳолда хориж политтехнологлари таъсирига тушиб қолди ҳамда ғарбона қадриятларнинг кириб келишига йўл қўйиб берди. Оқибатда иқтисодий ночор бўлган мамлакат аҳолиси мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ҳокимиятни алмаштириш зарур, деган ҳулосага келди.

Эътиборли жиҳати шундаки, беш мингдан ортиқ хорижий нодавлат ташкилотлари ўн йилдан ортиқ давр мобайнида асосан ижтимоий-сиёсий, маънавий йўналишда юритган фаолияти ўз “мевасини” берди. Мамлакатдаги муаммоларнинг негизида аввало иқтисодий масала билан боғлиқ эканини эътиборга олмайдиган, уларнинг ечимини топа олмайдиган мухолифат пайдо бўлди ва халқни анъанавий йўналишидан тойдирган ҳолда миллий бирликка путур етказди. Қирғизистонда вужудга келган вазият ҳам Евроосиёдаги геосиёсий мувозанатни қўлга олишга интилаётган Ғарб давлатларининг иши экани аён бўлиб қолди.

Маълумки, Қирғизистон ШХТ аъзоси сифатида, ўз ҳудудида чет эл (бу ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларнинг) ҳарбий қисмларини сақламаслик мажбуриятини зиммасига олган. Шунга қарамасдан, халқаро терроризмга қарши кураш пайтида Бишкек аэропортига жойлаштирилган АҚШнинг “Ганси” номли ҳарбий базасини Қирғизистон ҳукумати ҳали-бери чиқариш нияти йўқ².

Шуни таъкидлаш керакки, ШХТ талаби билан “Манас” аэропортидан АҚШ ҳарбий базасининг чиқарилиши Қирғизистонда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг янада чигаллашувига олиб келиши мумкин. Ҳозирги вақтда ташқи кучлар томонидан мамлакатни жануб ва

¹ Узоқ давом этган ҳукумат инқирозидан кейин 2007 йилнинг январ ойида Қирғизистон Президенти Қ.Бакиев Ф.Кулов ҳукуматини тарқатишга қарор қилди.

² Майкова Г., Американская стратегия в Центральной Азии: кризис и расстановка региональных сил. - Кремль.Орг., 2005, 16 июль.

шимолга бўлиб юбориш, жанубий вилоятлар – Ўш, Жалолобод ва Баткен ҳудудида фаолият олиб бораётган радикал кучларнинг қўллаб-қувватланиши бутун Фарғона водийсидаги барқарорликка путур етказиши мумкин.

Қирғизистон ҳукуматининг жанубий вилоятлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни тўлиқ назорат қила олмаётганлиги, турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ниқоби остида ташқи кучларнинг эркин фаолият юритаётгани, шунингдек, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегараларнинг заифлиги бу мамлакатни катта геосиёсий ўйин қурбонига айлантирмоқда¹. Оқибатда Қирғизистон нафақат ШХТ, балки Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти олдидаги мажбуриятларини ҳам бажаришга ожизлик қилмоқда. Евроосиёда стратегик мувозанатни сақлаш, уни ташқи кучлар таъсиридан ҳимоялаш мақсадида ташкил этилган ушбу минтақавий ташкилотлар Қирғизистондан бу борада изчил сиёсат юритишни талаб этиши табиийдир. Қирғизистон бу вазиятда қирғиз халқининг стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат тарихи ва келажагини кўзда тутган ҳолда йўл тутиши лозим. Қирғизистоннинг Хитой ва Россия манфаатлари тўқнашадиган ҳудудда жойлашганлиги бу икки улкан давлатнинг унга бўлган муносабатида доим акс этиб туради. АҚШнинг бу мамлакат билан яқинлашувига сабаб эса бир томондан Хитойга нисбатан ўз таъсирини кучайтириш, иккинчи томондан Қирғизистонни Россия таъсиридан ихоталашга қаратилади.

Марказий Осиёдаги стратегик мувозанатда Тожикистоннинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Чунки минтақадаги энг мураккаб вазият сақланиб қолаётган, бошқача айтганда, Ғарб ва Шарқ геосиёсий кучлари ўртасидаги бир асрдан ортиқ давр мобайнида буфер давлат сифатида мавжуд бўлиб келган Афғонистон билан чегарадош давлатдир. Афғонистон ва Покистоннинг шимолий ҳудудларида жойлашган террористик гуруҳларнинг Тожикистон орқали Қирғизистонга бемалол ўтиши ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳужум қилиши бу мамлакатдаги вазият ҳам геосиёсий таъсир доирасида эканини яққол намоён этади.

2006 йил ноябр ойида бўлиб ўтган сайловлар арафасида Тожикистоннинг АҚШ ва Европа Иттифоқи билан алоқалари жадаллашиб кетди. АҚШ Ташқи ишлар вазири ўринбосари Р.Баучер 2006 йилда икки марта Тожикистонга келиб мамлакат Тожикистон раҳбарияти билан Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият хусусида суҳбатлашди. Тожикистоннинг турли соҳадаги мутахассислари қатор дастурлар орқали АҚШга малака оширишга юборилди. Ғарбий давлатлар турли халқаро дастурлар доирасида Қирғизистон ва Тожикистонга миллион-миллион доллар миқдорида моддий-техникавий ёрдам кўрсатмоқда.

Тожикистоннинг бундай сиёсати МДХ, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти ва ШХТ олдидаги мажбуриятларини бажаришга маълум маънода тўсқинлик қилиши мумкин. Бошқача айтганда, бу давлат юқорида санаб ўтилган ташкилотларга аъзо бўла туриб, уларнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаш ўрнига, Ғарб давлатлари таъсирига тушиб қолмоқда. Россиялик сиёсатчи Г.Павловскийнинг таъбири билан айтганда, Тожикистон президенти Э.Рахмонов турли геосиёсий кучлар орасида иккиланган ҳолда “тебраниш”да давом этмоқда². Бу билан Тожикистон Марказий Осиёдаги барқаророликка ҳисса қўшиш эмас, балки ички хавфсизлигини таъминлаши қийин бўлади.

Туркменистон олиб бораётган ташқи сиёсатга келганда шуни таъкидлаш керакки, бу мамлакат ўзининг бетарафлик позицияси туфайли Марказий Осиёда кечаётган геосиёсий жараёнлардан ташқарида қолишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда, мамлакат ичкарисида олиб борилаётган сиёсат туркманларнинг ўз қобиғига ўралиб, ташқи дунё билан алоқаларининг сусайишига олиб келмоқда.

Туркменистон президенти С.Ниёзов 2004 йилда Бухорога ташриф буюрган чоғида икки мамлакат ўртасида муносабатларни ривожлантириш, чегара ҳудудларида икки тараф манфаатларига хизмат қиладиган иқтисодий инфратузилма шакллантириш зарурлигини

¹ Мухаммеджанов Б. Потеря властями Киргизии контроля над правоохранительными органами приведет страну к распаду. -Кремл.Орг., 2006, 8 ноябрь.

² Г.Павловский бошловчилигида НТВ каналидаги “Реальная политика” кўрсатувининг 2006 йил 25 ноябрдаги сонидан.

таъкидлаган. Амалда эса Туркменистон олиб борган сиёсат чегара ҳудудларидаги вазиятнинг мураккаблашуви вабаб бўлмоқда.

Туркменистон нафақат Ўзбекистон, балки МДХ билан ҳам ана шундай беқарор сиёсат олиб бормоқда. Бундай сиёсат Туркменистон учун жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Туркменистон бетараф бўлишига қарамасдан, Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлардан четда қолиши мумкин эмас. Бунга аввало Ғарбдаги кучлар йўл қўймайди. Европа Иттифоқи, ЕҲХТ ва БМТнинг турли минтақавий бўлинмалари Туркменистон раҳбариятини узоқ вақтдан буён огоҳлантириб келмоқда. Ғарб сиёсий технологлари Туркменистоннинг истиқболи, давлат тузумини қай тарзда, қачон ва қимлар орқали ўзгартиришга оид муайян режалар ишлаб чиқилган. Хуллас, Туркман давлатчилигининг келажаги минтақадаги геосиёсий вазиятни унинг раҳбарияти томонидан теран англанишига боғлиқ бўлиб қолди. Бундай вазиятда мамлакат раҳбарияти ўз халқи тақдирини ўйлаган ҳолда, аввало МДХ ва Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти билан алоқаларини мустаҳкамлаши зарур.

2006 йилнинг охирида Туркменистон президентининг тўсатдан вафот этиши бу мамлакатга нисбатан турли кучларнинг қизиқишини кескин ошириб юборди. Мутахассислар Туркменистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун турли гуруҳлар ўртасида кураш бошланишини тахмин қилмоқда. Масалан, Россиялик тадқиқотчи, “Политика” жамғармасининг президенти В.Никонов Россия телеканалининг “Вести” программасига берган интервьюсида “Президент С.Ниёзовнинг вафоти муносабати билан Туркменистонда гилам остида бульдог итлар ғажиги бошланади”, деган эди.

Бундай вазиятда Туркменистон сиёсий сахнасида муайян жонланиш рўй бериши табиийдир. Бу ҳол, биринчидан, мамлакатда узоқ йиллардан бери С.Ниёзов ва унинг сиёсатига қарши бўлган мухолиф кучлар, иккинчидан, бу мамлакатни ўз таъсир доирасига олишга интилаётган қудратли давлатларнинг мақсад-муддаолари, учинчидан, кўп йиллар мобайнида Туркманбоши яратган сиёсий тузумдан азият чеккан, масалан, сиёсий айбловлар билан қамалган, чегара ҳудудларида давлатнинг адолатсиз сиёсатидан жабр кўрган турли миллат вакилларида иборат ижтимоий қатламларнинг сиёсий тузумнинг ўзгаришидан манфаатдор экани билан боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда янги тузум шакллантирилмагунча Туркменистон минтақадаги энг беқарор мамлакатга айланиб қолиши мумкин. Туркменистоннинг келажагига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган давлатлар бу мамлакатда ўз манфаатларига мос сиёсий тузумни шакллантиришга ҳаракат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун турли геосиёсий ўйинлар амалга оширилади. Туркменистоннинг биринчи президенти ҳаётлигида усталик билан қўллаб келган бетарафлик позицияси ҳам унинг вафотидан кейин “де-юре” сақланиб қолса-да, айрим ташқи кучлар бу мақомни “де-факто” йўқотишга ҳаракат қилса ажаб эмас. Оқибатда юқорида қайд этилган ички ва ташқи омиллар туфайли Туркменистонда мустақиллик даврида яратилган давлатчилик анъаналари барбод бўлиши ва қудратли давлатлар тарафидан хомталаш бўлиши эҳтимоли катта.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги ички ва ташқи сиёсий вазият анча нозик бўлиб, улар ташқаридан амалга оширилаётган кучли геосиёсий таъсир остида қолиб келмоқда. Ушбу давлатларнинг суверенитетини таъминлаш ва иқтисодий қудратини ошириш мақсадида ташкил этилган минтақавий тузилмалар – Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти ва ШХТнинг аҳамияти бекиёсдир. Масалан, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига Белоруссия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон аъзо бўлиб, Украина, Молдова ва Арманистон бу ташкилот фаолиятида қузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, тузилгандан буён бу ташкилот Евроосиёнинг турли минтақаларидаги геосиёсий босим туфайли жиддий муваффақиятга эришганича йўқ. Бошқача айтганда, аъзо давлатларнинг баъзилари ханузгача ғарбий кучлар таъсирида мустақил сиёсат юрита олмаяпти. Бу эса ташкилот олдида турган амалий ишларнинг оқсашига олиб келмоқда. МДХнинг такомиллашувига эҳтиёж сезилаётган бир пайтда

маълум даражада унинг ўрнини босиш мумкин бўлган Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг кучайиш ўрнига заифлашуви минтақадаги стратегик мувозанатга салбий таъсир кўрсатади. Бу ташкилотга Ўзбекистон аъзо бўлгунига қадар у қайсидир маънода тугал бир шаклга эга бўлмаган эди.¹ Бошқача айтганда, Марказий Осиёда асосий геосиёсий мавқега эга бўлган Ўзбекистон Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлмаган пайтда, ушбу ташкилот жиддий истикболга эга эканлигига барча шубҳа билан қарар эди. Энди эса бу ташкилот ҳар тарафдан кучли позицияга эга бўлган Россия ва Ўзбекистон сингари аъзоларга эга бўлганлиги туфайли божхона иттифоқи, ягона иқтисодий маконни шакллантириш учун аниқ имкон туғилди. Бу мақсадга эришиш учун собитқадамлик, бирлик ва мустақил сиёсат талаб этилади.

Бироқ, юқорида кўрганимиздек, аъзо давлатлардаги вазият уларнинг кўпчилигида сиёсий ироданинг етишмаслигини намоён этмоқда. Бу эса ташкилотнинг амалий самарадорлигига путур етказди ва уни навбатдаги бюрократик тузилмага айлантириши мумкин.

Ҳозирги даврда Марказий Осиёдан ўз иқтисодий манфаатларини кидираётган ташқи кучлар турли усуллар билан бу ердаги давлатлар суверенитетига таҳдид солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар бу билан нафақат ёқилғи захираларига эғалик қилиш, балки Евроосиёнинг маркази бўлган “Ер юраги”ни забт этишни ҳам мақсад қилган. Бу НАТОнинг Шарққа силжиши, АҚШнинг 2007 йилнинг бошида эълон қилинган Чехия, Польша ва Украинада Ракетага Қарши Мудофаа (РҚМ) тизимини ўрнатишга қаратилган сиёсатида ҳам очиқ намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимиз атрофида кечаётган геосиёсатда ҳудуд ва куч ҳодисаси ўзига хос аҳамиятга эга. Етакчи кучларнинг Марказий Осиёдаги геосиёсатига қарши тура оладиган тузилмаларнинг кучайиши, минтақадаги давлатларнинг изчил ва қатъий ташқи сиёсати, Евроосиёга йўналган аниқ позициясига кўпроқ боғлиқ экани намоён бўлмоқда. Акс ҳолда бу ҳудудда геосиёсий вазият тубдан ўзгариши ва янги стратегик тартибот вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатда миллий бирлигини сақлаб қолган, ўз миллий манфаатларига таянган ҳолда, аниқ ва изчил сиёсат юритган давлатгина узлуксиз ривожланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Евроосиёдаги стратегик мувозанатнинг ташқи кучлар назоратида қолиши маҳаллий халқлар учун жиддий синов бўлади. Бундай мураккаб ҳолатни олдини олиш учун минтақадаги вазиятнинг барқарорлашувига хизмат қиладиган ШХТ сингари тузилмалар фаолиятининг такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур.

4-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ГЕОСИЁСАТИДА МДҲ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОМИЛИ

Режа:

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий, геостратегик манфаатлари.
2. Ўзбекистон геосиёсатида Марказий Осиё.
3. Марказий Осиёнинг геосиёсий, геоиқтисодий, геостратегик хусусиятлари ва Ўзбекистон.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Геостратегик манфаатлар, геосиёсий хусусиятлар, геоиқтисодий хусусиятлар, геосиёсий мавқе, мумтоз геосиёсий назария, географик жойлашув, табиий-иқлим хусусиятлари, иқтисодий салоҳият, табиий-географик омиллар, миллий менталитет, миллий анъаналар, сиёсий тузумнинг табиати, геосиёсий қизиқиш, геосиёсий аҳамият, минтақа хавфсизлиги, геосиёсий салоҳият, геосиёсий устунлик, геосиёсий ва иқтисодий ютуқ, тамаддунлар кураши, цивилизациялар тўқнашуви, “ўзак мамлакатлар”.

¹ Ўзбекистон 2006 йил 26 январда бу ташкилотга расмий аъзоликка қабул қилинди.

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий, геостратегик манфаатлари.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақавий ташкилот бўлиб у собиқ СССРнинг айрим республикалари томонидан тузилган эди. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар 1991 йил 8 декабрда Минскда Белоруссия, Россия ва Украина томонидан имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтиқбўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 та собиқ Иттифок республикалари томонидан Олмаотада имзоланган Битимга Баён ва 1991 йил 21 декабрда имзоланган Олмаота Декларациялари ҳисобланади. 1993 йил 22 январда Минскда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари Кенгашида (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон номидан) Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигининг Низоми қабул қилинди. Ҳамдўстликнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1.Сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;

2.Умумий иқтисодий маконни яратиш;

3.Умуминсоний тамойиллар, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг меъёрлари асосида инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш;

4.Аъзо давлатларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда қуролсизланишга йўналтирилган ҳамкорликларини амалга ошириш;

5.Аъзо давлатларнинг ҳамдўстлик ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;

6.Ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;

7.Ҳар қандай низо ва тортишувларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

8.Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокини белгиловчи геосиёсий ва геостратегик ҳолатлар:

1.МДҲга аъзо мустақил республикалар илгари ҳам ҳудудий, ҳам сиёсий, ҳам ташкилий жиҳатдан бир бутун ягона давлатнинг таркибий қисмлари эди. Кўп йиллар мобайнида улар ўртасида таркиб топган муносабатлар ва алоқаларнинг кескин узилиши республиканинг ўзидагина эмас, шу билан бирга, халқаро майдонда ҳам вазиятнинг чигаллашишига олиб келган бўлур эди.

2.Республика иқтисодиёти ягона транспорт ва энергетика тизимига эга бўлган собиқ умумиттифок иқтисодий макон доирасида шаклланди ва ривожланди. У бошқа минтақалар билан хўжалик алоқаларининг чамбарчас тугуни орқали боғланган бўлиб, улар юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар рубль маконида амалга оширилмоқца. Бу муносабатларни жаҳон хўжалик алоқалари билан боғламай, узиб қўйиш (шундай алоқаларни ўрнатиш учун узоқ вақт талаб этилади) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиб кетишига, иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин ва ҳозирдаёқ шу ҳолатга олиб келмоқда.

3.Барча мустақил республикаларда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифок кўламида яқин қариндош-уруғчилик алоқаларига эга бўлган кўп миллатли аҳоли яшайди. Ҳамдўстлик доирасида чегараларнинг очиқлигини, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориши ва ахборот узатиш эркинлигани сақлаб қолиш республикада фуқаролар ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш шарти, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё давлатлари учун уларнинг ўзаро алоқалар ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи манфаатларига монанд минтақавий хавфсизлик тизимини ташкил этиш эҳтиёжи мавжуд. Шу маънода коллектив, аввало, мавжуд бўлиш ва амал қилиш тажрибасига МДҲ доирасида коллектив хавфсизлик тизими масаласи кун тартибига чиқади.

Ўзбекистон МДҲ доирасида ўзининг ҳаётий муҳим манфаатларига эга. Шу маънода ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлик асосида нафақат ҳудудий яқинлик ва иқтисодий

боғлиқлик, балки халқлар ўртасида узоқ тарихий давр давомида шаклланган ҳамдўстлик маданий ва маънавий алоқалар ҳам ётади. Аслида, узоқ давр (70 йил) давомида халқларнинг умумий яшаши натижасида ўзига хос миллийлик устун турувчи халқ маданияти – евроосиёча цивилизация қарор топган. Жуғрофий ва геосиёсий яқинлик, тарихий тақдирларнинг умумийлиги, дўстона ва маданий алоқалар, чегаралар бўйлаб эркин кўчиб юриш одати-буларнинг барчаси МДХ давлатларини бирлаштириш ва интеграцияни кучайтириш учун объектив сабаб бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда бир-биридан узоқлашиш, ҳатто чегараларни ёпиш, фуқароларнинг юришини чеклаш, яхлит гуманитар, маданий ва ахборот маконининг бузилиши ҳамдўстликка аъзо ҳар бир давлат учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон МДХ доирасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришни доим ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қараб келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистоннинг МДХ доирасида бошқа суверен давлатлар билан миллий хавфсизликни ва мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш масалаларидаги мувофиқлаштириш ишлари илмий-техникавий ютуқлар, техник тараққиёт, телекоммуникация, космик алоқа воситалари, зарурий хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни сотиб олиш, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиш учун транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш кабилар. Ўзбекистон МДХ давлатлари билан ҳам кўптомонлама халқаро шартномалар, ҳамда икки томонлама муносабатлар асосида олиб боради. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг истиқболда коллектив минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш борасидаги миллий манфаатларига мос келади. Табиийки, бундай тизимни яратиш йўлида катта муаммолар турибди.

Интеграция учун марказлаштириш кучига нисбатан номарказлаштириш тенденцияси қарши туради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, МДХ доирасида коллектив хавфсизлик тизими узоқ давом этувчи жараёни талаб этади, зеро ўн йилдан ортиқ ўтган давр ичида ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ҳам объектив, ҳам субъектив алоқалар юзага калқиб чиққан.

Бизнингча, МДХ доирасида коллектив хавфсизлик тизимига нисбатан суш муносабатга, аъзо мамлакатларнинг (Тожикистондан ташқари), реал таҳдидга дуч келмаганлиги сабаб бўлади. Бундай ҳолат рўй берган тақдирда, бошқа омиллар ҳаракатга тушиши ва энг аввало, ҳаёт қолиш масаласи биринчи даражага чиқиши, келишмовчиликлар эса орқага суриб қўйилиши шубҳасиздир Бу фақат МДХ давлатларигина эмас, балки хавфсизлиги тўғрисида қайғурувчи барча давлатларга хосдир.

2. Ўзбекистон геосиёсатида Марказий Осиё.

Марказий Осиё атрофида кечаётган жадал геосиёсий жараёнлар мазкур минтақанинг юксак геосиёсий аҳамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. Зеро, минтақа хавфсизлиги кўп жиҳатдан унинг геосиёсий аҳамияти, салоҳиятини белгиловчи жуғрофий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар билан белгиланади. Шу ўринда З.Бжежинскийнинг “ушбу минтақада устунликни ким қўлга киритса, шубҳасиз геосиёсий ва иқтисодий ютуқни қўлга киритади”, деган фикрини эслаш ўринлидир¹.

Тарихий тараққиёт давомида узлуксиз давом этиб келган тамаддунлар кураши янги минг йилликда, турли хил кўринишларда намоён бўлмоқда. Ер юзида ягона ҳукмронлик тизимини яратиш учун олиб борилган бу кураш бир оз бўлса-да сусайгани йўқ. Америкалик олим С.Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тартиботининг қайтадан курилиши” асарида сўнгги йилларда ер юзида кечаётган геосиёсий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини таҳлил этар экан, мазкур жараёнлар айнан Евроосиё қитъаси, хусусан, шу қитъа марказида жойлашган “ўзак мамлакатлар”га таъсир этиш ва улар ҳудудини эгаллаш мақсадида рўй бераётганини таъкидлайди.²

Хўш, Марказий Осиё минтақаси ушбу геосиёсий жараёнларга нисбатан қандай масофада жойлашган? Ушбу масала бугунги кунда Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи

¹ Бжежинский З. Великая шахматная доска. - Москва, 1999, 168-бет.

² Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и переустройство мирового порядка // "Полис", 1994, 1-сон.

хамда унинг атрофида жадаллик билан кечаётган геосиёсий жараёнларнинг туб моҳиятини англашга ёрдам беради.

Минтақанинг геосиёсий мавқеини ўрганиш бир неча омиллар хусусида фикр юритишни талаб этади. Мумтоз геосиёсий назарияга кўра, ҳар бир минтақанинг геосиёсий мавқеи қуйидагилар билан белгиланади:

- географик жойлашуви ва табиий-иқлим хусусиятлари;
- иқтисодий салоҳияти;
- шу ҳудудда яшовчи халқларнинг қатъий равишда табиий-географик омиллар таъсири остида шаклланган менталитети ҳамда анъаналари;
- ушбу хусусиятлар таъсирида шаклланган сиёсий тузумнинг табиати.

Бироқ ўтган юз йилликда минтақалар ёки давлатларнинг геосиёсий мавқеи кўпгина ҳолларда иқтисодий омил билан белгиланган эди. Бу ҳол, аввало, дунёда энергетика захиралари истеъмолининг кучайиши ва уларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши билан изоҳланади. Марказий Осиёнинг иқтисодий салоҳияти бу митақага нисбатан геосиёсий қизиқишнинг асосий манбаи эканини назардан қочирмаган ҳолда илмий нуқтаи назардан унинг айрим муҳим хусусиятлари хусусида тўхталиб ўтамыз.

Геосиёсий назарий қоидаларга кўра, аввало Марказий Осиёнинг жуғрофий ўлчамлари тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, минтақанинг ҳудудий жойлашуви ва кўрсаткичлари, унинг геосиёсий имкониятлари ҳамда табиий стратегик салоҳиятини белгилаб берувчи муҳим омиллардир. Евроосиё минтақасида асрлар давомида кечаётган геосиёсий жараёнлар ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан унинг марказий қисмини эгаллашга йўналтирилганини кўрсатади¹. Айрим манбаларга қараганда, ернинг ушбу (яъни юрак) қисми Марказий Осиёни ҳам ўз ичига олади. Албатта, бу минтақа айнан “юрак”нинг марказини ташкил этмаса-да, “юракка борадиган баъзи ўқ томирлар” ана шу ҳудуд орқали ўтган. Буни Марказий Осиё тарихига назар ташлаган ҳолда ушбу ҳудудда ҳукмронлик учун бўлиб ўтган сон-саноксиз урушлар, ҳозирга қадар давом этиб келаётган шиддатли жараёнлардан ҳам англаш мумкин.²

Рус геосиёсий тадқиқотчиларидан А.Дугиннинг таърифига кўра, Марказий Осиё ҳудуди Ғарбда Каспийдан бошлаб Шимоли-Шарқда Олтой ўлкасига қадар, шимолдан Шимолий Қозоғистон ва яна юқориқандаги айрим Россия губернияларидан жанубда Покистонга қадар ҳудудни эгаллайди³. Гарвард университетида (АҚШ) жойлашган Марказий Осиёни ўрганувчи йирик марказлардан бири “The Harvard Programme on Central Asia” ўзининг интернет сайтида Марказий Осиё харитасини жойлаштирган⁴.

Бошқача айтганда, Марказий Осиё харитаси ушбу марказнинг расмий белгиси ҳисобланади. Бунга кўра, Марказий Осиё Эроннинг шарқий ҳудудлари, Хитойнинг айрим ғарбий провинцияларигача чўзилган. Кўпгина ғарб тадқиқотчилари ҳам Марказий Осиёнинг жуғрофий ўлчамлари тўғрисида шунга яқин фикр билдиришади. Бугунги кунда Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти кескин ошиб бораётган ва ташқи таъсир кучаяётган бир пайтда унинг жуғрофий ўлчамларини турли даражада кўрсатиш минтақага кириб келаётган кучларнинг стратегик манфаатларига боғлиқ. Марказий Осиёнинг ўлчамлари А.Гумбольт даврига келиб анча-мунча аниқ шаклга эга бўла бошлаган бўлиб, қитъанинг ички қисми Марказий Осиё, деб аталган. Ўрта Осиёнинг Каспий денгизига бориб тақалган ғарбий қисмининг жанубий чегаралари хусусида олимлар ханузгача ягона фикрга келмаган.

Геосиёсий назариянинг муҳим шартларидан бири – минтақаларнинг жуғрофий хусусиятлари, хусусан, ер юзаси, тупроқ таркиби, сув ҳавзалари ёки тоғларга яқинлиги каби омилларни синчиклаб ўрганиш орқали шу ҳудуддаги халқлар ва давлатларнинг сиёсий табиатига баҳо беришдан иборат. Чунки давлатлар ва элатлар ҳудуддаги жуғрофий ва табиий

¹ Mackinder Н. "Geographical Pivot of History" // "Geographical Journal", 1904. Рус тилида // "Элементы. Евразийское обозрение". 1996, №7, 26 –31 бетлар.

² НАТО и Центральная Азия. <http://www.transcaspian.ru/cgi-bin/web.exe/rus/4644.html>.

³ Дугин А. Основы Геополитики. “Арктогея” Москва. 1997. 353 – 364 бетлар.

⁴ <http://www.fas.harvard.edu-centasia>

шароит, шунингдек, заминнинг хусусиятларига узвий боғлиқ ҳолда шаклланиши тўғрисидаги қоида ушбу фаннинг негизида ётади. Шу ўринда Марказий Осиёнинг жуғрофий ва табиий хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Марказий Осиё ғарбда Каспий денгизидан шарқда Хитойнинг Шинжонь мухтор туманига қадар, Шимолда Қозоғистондан то Покистонга қадар ҳудудни эгаллаган улкан жуғрофий бирлик бўлиб, Евроосиё текислигининг марказий қисмини ўз ичига олган 4 млн. кв. кмлик улкан ҳудудни эгаллайди. Россия, Эрон ва Хитой каби геосиёсий нуктаи назардан муҳим давлатлар билан чегарадош бўлган минтақада бор йўғи 50 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади.

Асосий ҳудуди текислик ва пасттекисликлардан иборат бўлган минтақанинг иқлими кўпроқ континентал, мўътадил, айрим тоғли ҳудудларда арктик хусусиятга эга. Минтақанинг кўпгина қисми қумли чўллар ҳамда текисликлардан иборат бўлса-да, ерларнинг қарийб тўртдан бири ҳосилдор ерлар ҳисобланади. Табиий иқлим шароитларига кўра, минтақанинг жуда қулай эканини таъкидлаш зарур. Туркменистон ва Қозоғистон асосан чўл, ярим чўл, текисликлар ва пасттекисликлардан иборат. Йиллик ёғин миқдори Шимолий ва марказий текислик ҳудудларда - 300 мм, чўлларда - 100 мм, тоғли ҳудудларда эса - 600 мм.ни ташкил этади. Қишнинг энг паст ҳарорати Шимолий ҳудудларда -18° жанубда эса 0° атрофида, ёзнинг энг юқори ҳарорати эса Шимолий ҳудудларда $+28^{\circ}$, энг жанубда эса $+44^{\circ}$ ни ташкил этади.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон асосан Фарғона, Зарафшон, Вахш, Кофарникон ва бошқа серҳосил водий ва воҳалардан иборат. Қирғизистон ва Тожикистонда тоғли ҳудудлар ушбу республикалар умумий майдонининг 35-60% ни (Помир ва Тянь-шань) ташкил этади. Минтақа ҳудудий жиҳатдан асосан текисликлардан иборат бўлиб, Каспий ҳамда Орол денгизлари ҳам ушбу минтақада жойлашган. Тоғли ҳудудлар бўлса – Помир ва Тяньшань, шунингдек, уларнинг этакларида жойлашган бир неча тоғ тизмаларидан иборат.

Сув захиралари Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим геосиёсий омилларидан бири ҳисобланади. Сув йўллари асосан Амударё ва Сирдарё, шунингдек, ўнлаб кичик дарё ҳамда ўзанлардан иборат. Гарчи Қозоғистоннинг Шимоли-Ғарбий ва Шимоли-Шарқий қисмида Урал ва Иртиш каби йирик дарёлар мавжуд бўлса-да, улардан нафақат минтақанинг, балки Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиш имконияти мавжуд эмас¹. Ҳар бир республика ҳудудида юзлаб кичик дарёлар мавжуд бўлиб уларнинг маълум бир қисми ёз ойларида қуриб қоладиган мавсумий дарёлар ҳисобланади². Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиёнинг сув захиралари кам бўлиши билан бирга уларнинг тақсимоотида жиддий муаммолар мавжуд. Минтақанинг энг йирик дарёлари ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг йиллик сув оқими 78 км^3 ва 36 км^3 ни ташкил этади¹. Минтақадаги ичимлик суви захиралари асосан тоғлардаги қорлар ва музликлардан ташкил топган. Дарёларнинг аксарияти Тожикистон ва Қирғизистондаги тоғлардан бошланади ва қолган барча республикалар билан биргаликда истеъмол қилинади. Бу эса сув тақсимооти масаласида ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар ва мунтазам назоратни талаб этади. Сув билан боғлиқ бўлган бошқа муаммо – Иртиш билан боғлиқ бўлиб, Хитойдан бошланадиган ушбу дарё Россиянинг Обь дарёсига келиб қуйилади. Дарё устида қурилган Хитойга тегишли дамбалар Иртишбўйи экотизимига кўрсатаётган салбий таъсири Қозоғистонни ташвишга солаётган масалалардан биридир.

Минтақада Туркменистон ва Қозоғистон ҳудудида Каспий денгизи, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида Орол денгизи ва Қирғизистон ҳудудида Исиккўл мавжуд бўлиб, улар атрофидаги муаммолар минтақадаги деярли барча мамлакатларларни қамраб олади.

¹ Бундан ташқари, Қозоғистоннинг асосий деҳқончилик ривожланган асосий ҳудудлари жанубда жойлашган бўлиб, Сирдарё ҳавзасидан сув ичади.

² Маълумотларга қараганда, биргина Қозоғистонда 8500 йирик ва кичик дарёлар мавжудлиги аниқланган. Қаранг. Чжен Кун Фу. Геополитика Казахстана.- Алматы: Жеты Жарғы, 1999, 158-бет

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997. 117-бет.

Масалан, Каспийнинг денгиз ёки кўл экани борасида ҳам бирор бир ягона ечимга келинганича йўқ. Ушбу масала Каспийбўйидаги давлатларнинг геосиёсий стратегиясига боғлиқ ҳолда долзарб аҳамият касб этаётган муҳим минтақавий масала ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Каспий мақоми масаласи унинг сув ресурслари билан эмас, балки кўпроқ унинг тубидаги қазилма бойликларнинг тақсимолига бориб тақалади. Орол муаммоси ҳам бутун минтақа экотизимига таъсир кўрсатаётган жиддий минтақавий муаммо бўлиб, унинг бартараф этилиши минтақадаги давлатларнинг ўзаро изчил ҳамкорлигини талаб этмоқда. Минтақа аҳолисининг ярмидан кўпроғи (35 млн. киши) Орол муаммоси таъсирида қолган². Ушбу муаммо XX асрда Ер юзидан рўй берган энг мудҳиш экологик фалокат бўлгани туфайли уни бартараф этишга нафақат минтақа давлатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти жалб этилган.

Қозоғистон. Қозоғистон Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, Хитойнинг шимолий-ғарбий тарафини ҳам ишғол этган.



Жўғрофий	координаталари:	48° 00" ш.	к.,	68° 00" ш.	у.
Умумий	майдони:	2 717 300	км	кв.;	
куруқлик	майдони:	2 669 800	км	кв.;	
сув майдони: 47 500 км кв.					

Куруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги 12 012 км. Шу жумладан, Хитой билан 1533 км., Қирғизистон билан 1 051 км, Россия билан 6 846 км, Туркменистон билан 379 км, Ўзбекистон билан 2 203 км. Қирғоқ чегарасига эга эмас¹.

Иқлими: континентал, куруқ, ёзи иссиқ, қиши совуқ.

Рельефи: Волгадан то Олтойгача ва Ғарбий Сибирдан тортиб Марказий Осиёнинг оазислари ва чўлларига қадар текисликлардан иборат.

Энг юқори ва энг паст нуқталари: Каунду ботиғи – 132 м., энг юқори нуқтаси Хон-Тангри чўққиси 6995 м.

Табиий захиралари: табиий газ, улкан нефть захиралари, кўмир, темир рудаси, олтин, уран, кумуш, мис, қўрғошин, цинк, кобальт, хром, молибден, боксит, марганец.

Дехқончилик:

ҳайдаладиган ерлар:	12 %;
Яйловлар:	57 %;
Ўрмонлар:	4 %;
Бошқалар:	16 % (1996 й.р.м.)

Суғориладиган майдонлар: 22 000 км.кв.

Қозоғистонда атроф-муҳит билан боғлиқ қуйидаги долзарб муаммолар мавжуд. Бутун мамлакат бўйлаб радиактив ва заҳарли моддалар ишлаб чиқариладиган ҳудудлар ва ҳарбий полигонларнинг ифлосланганлиги, шунга боғлиқ ҳолда аҳоли ўртасида касалликларнинг тарқалиши, айрим шаҳарларда саноат чиқиндиларининг кўплиги, Орол кўлига қуйиладиган сувларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши оқибатида ушбу сув ҳавзасининг қуриб

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997. 119-бет.

¹1070 кмлик қирғоғи билан Орол денгизи (кўлининг шимолий қисми ҳамда 1894 кмлик қирғоғи билан Каспий денгизининг шимолий қисми Қозоғистон ҳудудидадир.

бораётганлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда табиий тузлар ва кумларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши ва уларнинг тўзон ҳолида бошқа ҳудудларга тарқалиши. Каспийнинг ифлосланиши, пестицидларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши, нотўғри суғориш ва инфратузилмалардаги камчиликлар оқибатида тупроқнинг ифлосланиши ва шўрланиши.

Қирғизистон. Марказий Осиёда Хитойнинг ғарбида жойлашган мамлакат.



Жўғрофий координаталари: 41° 00" ш. к., 75° 00" ш. у.

Умумий майдони: 195 800 км кв.;

Куруклик майдони: 191300 км кв.;

Сув майдони: 7200 км кв.

Курукликдаги чегараларининг умумий узунлиги 3878 км. Шу жумладан Хитой билан 858 км., Қозоғистон билан 1051 км, Тожикистон билан 870 км, Ўзбекистон билан 1099 км. Қирғоқ чегарасининг узунлиги: 0 км¹.

Иқлими: текислик қисмида куруқ континентал, Тяньшан тоғларининг юқори қисмида кутб иқлими ҳукм суради. Жанубий-ғарбий ҳудудлар (Фарғона водийси)да субтропик, шимолий тоғли ҳудудларда эса мўътадил.

Рельефи: Тянь-Шан тизмалари, улар орасида водийлар ва чуқур ботиклар (котлованлар).

Энг юқори ва энг паст нуқталари: Қорадарё – 132 м., ва энг юқори нуқтаси Ғалаба чўққиси (Jengish Chokusu) 7439 м.

Табиий захиралари: гидроэнергетик захиралари, кўп миқдорда олтин ва бошқа нодир метал захиралари, маҳаллий аҳамиятга эга кўмир, нефть, газ захиралари, нефелин, симоб, кўрғошин, висмут, цинк.

Дехқончилик:

Ҳайдаладиган ерлар: 7 %;

Яйловлар: 44 %;

Ўрмонлар: 4 %;

Бошқалар: 45 % (1993 й.р.м.)

Суғориладиган майдонлар: 9000 км.кв.

Қирғизистонда ер юзида энг йирик табиий равишда ўсувчи ёнғоқ ўрмонлари мавжуд.

Қирғизистонда атроф-муҳит билан боғлиқ долзарб муаммолар кўпроқ сувнинг ифлосланишига боғлиқдир. Аҳолининг кўпгина қисми ифлосланган манбалардан сув ичиши оқибатида сув орқали тарқаладиган айрим юқумли касалликлар кузатилган. Суғоришда йўл қуйилган хатолар туфайли ерларнинг шўрланиши рўй берган.

Туркменистон. Марказий Осиёда Каспий денгизининг Қозоғистон ва Эронга тегишли қирғоқлари орасида жойлашган мамлакат.

¹ Очик денгизга чиқиш йўлларига эга эмас.



Жўғрофий координаталари: 40°00"ш. к., 60° 00" ш.у.
 Умумий майдони: 488 100 км кв.;
 куруқлик майдони: 488 100 км кв.;
 сув майдони: 0 км кв.

Куруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги 3 736 км. Шу жумладан Афғонистон билан 744 км., Эрон билан билан 992 км, Қозоғистон билан 379 км, Ўзбекистон билан 1621 км. Қирғоқ чегарасига эга эмас. Туркменистоннинг Каспий бўйлаб қирғоқлари узунлиги 1768 км, очик денгизга чиқиш йўллари йўқ.

Иқлими: субтропик чўл иқлими.

Рельефи: жануб томонга борган сари тоғларга айланадиган текис ва тепаликлардан иборат қумли барханли чўллар. Эрон чегараси бўйлаб паст тоғ тизмалари.

Энг юқори ва энг паст нуқталари: Акчанай ботиғи — 81 м., ва энг юқори нуқтаси Айрибаба тоғи 3139 м¹.

Табиий захиралари: табиий газ, нефть, кўмир, сера, туз.

Дехқончилик:

Ҳайдаладиган ерлар: 3 %;
 Яйловлар: 63 %;
 Ўрмонлар: 8 %;
 Бошқалар: 26 % (1993 й.р.м.)

Суғориладиган майдонлар: 13 000 км.кв.

Туркменистонда ҳам атроф-муҳит билан боғлиқ айрим долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, қишлоқ хўжалиги пестицидлари билан тупроқлар ва ер ости сувларининг ифлосланиши. Суғоришда йўл қўйилган хатоликлар туфайли ерларнинг шўрланиши. Каспийнинг ифлосланиши, Амударё сувининг хаддан ташқари кўп миқдорда суғоришга жалб этиш оқибатида Оролга сув қуйилишининг кескин камайиши, чўлларнинг кенгайиши билан боғлиқ муаммолар.

Тожикистон. Марказий Осиёда Хитойнинг ғарбида жойлашган мамлакат.



Жўғрофий координаталари: 39° 00" ш.к, 71° 00" ш.у.

Умумий майдони: 143,100 км.кв.;

куруқлик майдони: 142,700 км.кв.;

¹ Туркменистоннинг шимолий-шарқида жойлашган Сарақамиш қўлининг сув сатҳи жуда ўзгарувчан бўлиб, энг паст даражаси 110 метрга қадар, яъни Акчанай ботиғига нисбатан ҳам пастга тушиб боради.

сув майдони: 400 км.кв.

Куруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги 3651 км. Шу жумладан Афғонистон билан 1206 км, Хитой билан 414 км, Ўзбекистон билан 1161 км ва Қирғизистон билан 870 км.

Иқлими асосан континентал мўътадил, ёзи иссиқ, қиши юмшоқ, ярим куруқ бўлиб, Помир тоғларига борган сайин арктик иқлим билан алмашинади.

Рельефи: Помир ва Олтой тоғлари мамлакат рельефини белгилаб беради. Мамлакат шимолида Фарғона водийсининг ғарбий қисми, жанубий-ғарбда эса Кохарникон ва Вахш водийси жойлашган.

Энг юқори ва энг паст нуқталари: Сирдарё-300 м., ва энг юқори нуқтаси Исмоил Сомоний чўққиси 7495 м (шўро даврида Коммунизм чўққиси деб аталган).

Табиий захиралари: гидроэнергия, маълум миқдорда нефть, уран, қўрғошин, цинк, сурма, қўнғир кўмир, симоб, вольфрам.

Дехқончилик:

Экиладиган ерлар:	6 %;
Яйловлар:	25 %;
Ўрмонлар:	4 %;
Бошқалар:	65 % (1993 й.р.м.)

Суғориладиган майдонлар: 6390 км.кв.

Тожикистоннинг атроф- муҳит билан боғлиқ муаммолари қуйидагилардан иборат. Жумладан, санитар вазиятнинг қониқарли эмаслиги, тупроқ шўрланишининг кучайиши, саноат чиқиндилари, пестицидларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши, Орол денгизига қуйиладиган дарёлар сувининг суғориш учун ҳаддан ташқари кўп сарфланиши оқибатида юзага келган муаммолар.

3. Марказий Осиёнинг геосиёсий, геоиқтисодий, геостратегик хусусиятлари ва Ўзбекистон.

Марказий Осиё иқтисодий жиҳатдан ҳам улкан захираларга эга экани маълум. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти унинг геосиёсий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу туфайли минтақа иқтисодий салоҳиятининг геосиёсий таъсир доирасига тортилиши мумкин бўлган жиҳатларига назар ташлаш жоиз.

Маълумки, “манфаатлар тўқнашуви” анча йиллар мобайнида Афғонистон ҳудудида рўй бериб келди. Эндиликда сўз бу тўқнашув саҳнасининг Каспий атрофи ёки минтақанинг бошқа ҳудудларига кўчиш эҳтимоли ҳақида бормоқда. Марказий Осиёда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятни АҚШнинг таниқли тадқиқотчиларидан бири – З.Бжежинский “Буюк шахмат тахтаси” асарида ўзига хос тарзда талқин қилади. Унинг ёзишича, 1993-2015 йиллар оралиғида дунёда энергетика захираларига бўлган эҳтиёж 50 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. Шу нуқтаи назардан янги-янги энергетика захираларини излаб топишга бўлган эҳтиёж етакчи давлатларни ушбу захираларга бой ҳудудлар томон, хусусан Марказий Осиё томон чорлаши аниқ. Табиий захираларга бой ва айни пайтда миллатлараро муносабатлар, тарихий ҳудудлар масалалари жиҳатдан нотинч бўлган минтақада миллатлараро, ҳудудий негизда турли низоларни келтириб чиқаришга уринишлар бўлиши мумкин.¹

Маълумки, минтақа улкан хом ашё захирасига эга. Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда аниқланган нефть захиралари ер юзидаги бутун захираларнинг тахминан 2,7 фоизини, газ захиралари эса 7 фоизини ташкил этар экан. Туркменистонда газнинг улкан захиралари аниқланган². Ўзбекистонда 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида нефть ва газ захиралари мавжудлиги аниқланган³.

¹ Бжежинский З. Великая шахматная доска.-М.:Международные отношения,2000, 151-бет.

² Джаффе Э. Распечатать богатства: энергоносители и будущее Центральной Азии и Кавказа // Центральная Азия 2010. Перспективы человеческого развития. Обзор Регионального Бюро Европы и СНГ, ПРООН.- Т., 1997. – 29-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.:Ўзбекистон,1997.-225-бет.

Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда тўртинчи ўринда турган давлат ҳисобланади, ишлаб чиқариш бўйича эса 7 ўринни эгаллайди. Шунингдек, Ўзбекистонда бошқа нодир металлларнинг йирик захиралари мавжуд¹.

Ер қаъридаги темир рудаси захираларининг 8% Қозоғистон ҳудудига тўғри келади².

Ўзбекистон ва Тожикистонда йирик уран рудаси конлари мавжуд. Масалан Ўзбекистон уран қазиб чиқариш бўйича ер юзида 7 ўринда туради³.

Пахта ҳам Марказий Осиёнинг катта бойлиги ҳисобланади. Масалан, минтақа бўйича 1995 йилда териб олинган 5,9 млн. тонна пахта бутун МДХ ҳудудида терилган пахтанинг 96%ни ташкил этади. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда 4-ўринни, уни эскпорт қилиш бўйича эса 2-ўринни эгаллайди⁴.

Ана шундай улкан имкониятларга эга бўлишига қарамасдан, Марказий Осиё мамлакатларининг жўғрофий жихатдан ноқулай шарт-шароити, аниқроғи, энергетик захираларнинг истеъмол бозоридан узоқда жойлашгани ҳамда ушбу бозорга чиқиш йўллариининг мураккаб геосиёсий характери туфайли мавжуд геостратегик салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Марказий Осиёдаги давлатларнинг бирортаси ҳам очиқ денгизга чиқиш йўлларига эга эмас.

Бошқача айтганда, ҳозиргача Марказий Осиёга асосан ҳаво йўллари орқалигина бемалол кириш мумкин. Минтақанинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Россия ўртасида жойлашгани етакчи давлатларнинг ушбу ҳудуд марказига йўналиш учун ўзига хос мураккабликлар туғдиради. Чунки табиий захиралардан фойдаланиш, нефть ва газ қувурларини бирор бир йўналиш орқали очиқ денгиз портларига олиб чиқиш учун бир неча давлат ҳудудидан ўтиш ва бунинг учун етакчи транснационал компаниялари билан шартнома тузган ҳолда амалга оширишга тўғри келади. Қолаверса, бундай лойиҳалар етакчи давлатлар манфаатларининг тўқнашувига олиб келмаган тақдирдагина кутилган самара бериши мумкин.

Маълумки, дунёдаги энг йирик нефть ва газ захиралари Каспий денгизи туби ва атрофида, айниқса, Тенгиз ва Қорачиғанок конларида жойлашган. Шу боис дунёдаги етакчи давлатлар бир неча йиллардан буён Каспий денгизи остидаги нефть захираларини ўзлаштириш учун кескин кураш олиб бораётгани минтақа атрофида турли “сиёсий ўйин”лар уюштираётгани бу ҳудуддаги вазиятни издан чиқармоқда. Аввал бошда Каспийнинг халқаро мавқеи муаммоси пайдо бўлган бўлса, кейинроқ унинг “денгиз” ёки “қўл” эканлигини қайтадан белгилаб олиш масаласи кўтарилди. Ундан кейин Каспий нефть захираларидан ўзаро фойдаланиш бўйича Қозоғистон, Россия, Эрон, Озарбайжон ва Туркменистон ўртасида вужудга келган кескин вазият ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. 2002 йил май ойида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган ва муваффақиятсиз якун топган Каспий бўйидаги тўрт давлат раҳбарларининг учрашувини мисол тариқасида келтириш мумкин. Маълумки, Эрон президенти тadbирлар тугамасиданоқ Озарбайжонни тарк этган, Россия президенти эса журналистларга берган интервьюсида бошқа иштирокчиларни “заиф музокарачи”лар (“слабые переговорщики”), дея таърифган эди.

Дунёдаги исботланган нефть захиралари ва ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичлар⁵.

№	мамлакат	Захиралар (млрд. тонна)	Ишлаб чиқариш (млн тонна)
1.	Саудия Арабистони	35,8	428,0

¹ Ўша жойда. 223-234 с.

² Суюмбаев М., Мамытова А. Природные ресурсы как фактор развития Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ.- 1998. – 1-сон.-35-бет.

³ Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.:Ўзбекистон,1997,223-бет

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.- Т.:Ўзбекистон,1997,241-бет.

⁵ «Панорама» газетасининг 1998 йил 27 февраль материаллари асосида. 9 б.

2.	Россия	13,9	301,0
3.	Ироқ	15,1	28,8
4.	Кувайт	13,3	107,2
5.	БАА	12,6	117,3
6.	Эрон	12,7	183,8
7.	Венесуэла	9,3	162,4
8.	Мексика	7,3	163,6
9.	ХХР	3,3	158,5
10.	АҚШ	3,7	382,9
11.	Ливия	3,9	69,1
12.	Нигерия	2,1	106,0
13.	Қозоғистон	2,2	23,0
14.	Норвегия	1,5	155,5
15.	Алжир	1,2	60,0
	Дунё захиралари	140,9	3361,6

Дунёдаги газ захиралари ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ¹

№	мамлакат	Захиралар (трлн куб. м.)	Ишлаб чиқариш (нефть эквиваленти бўйича млн тонна)
1.	Россия	48,6	505,0
2.	Эрон	21,0	34,3
3.	Қатар	7,08	12,2
4.	Саудия Арабистони	5,35	27,2
5.	БАА	5,35	14,0
6.	АҚШ	4,68	492,2
7.	Венесуэла	4,0	28,8
8.	Алжир	3,69	59,3
9.	Нигерия	3,0	4,2
10.	Ироқ	3,34	-
11.	Туркменистон	2,89	29,6
12.	Қозоғистон	2,5	5,4
13.	Канада	1,93	137,7
14.	Норвегия	1,35	36,8
15.	Мексика	1,92	28,1
16.	Голландия	1,81	68,2
17.	Ўзбекистон	1,9	41,1
18.	Малайзия	2,27	31,8
19.	Индонезия	2,05	59,9
20.	ХХР	1,17	17,9
21.	Украина	1,14	15,4

Туркменистон ўзининг бетараф позициясини рўқач қилиб, минтақа атрофида кечаётган асосий геосиёсий жараёнлардан четда туришни афзал кўрмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бир неча йиллардан буён минтақа атрофида кечаётган геосиёсий жараёнлар синовидан ўтиб келмоқда. Табиийки, минтақадаги давлатларнинг иқтисодий имкониятлари ва сиёсий ривожланиши етакчи давлатлар томонидан доимий кузатуви ва диққат марказида қолиб келмоқда. Ўзбекистонгина ўз ташқи сиёсий фаолиятни мамлакат миллий манфатларини

¹ «Панорама» газетасининг 1998 йил 27 февраль материаллари асосида. 9 б.

инобатга олиган қатъият билан амалга ошириб келмоқда. Унинг улкан иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган давлат эканлигини англаб етган етакчи мамлакатлар ўз иқтисодий манфаатларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида йирик компанияларининг ваколатхоналарини очмоқда.

Шу ўринда Марказий Осиёда азлдан мавжуд бўлган ва ҳозирги даврда қайта тикланаётган Буюк Ипак йўлининг иқтисодий аҳамиятини таъкидлаб ўтиш зарур. Биргина Ўш-Андижон-Тошкент-Нукус-Қўнғирот автойўлининг барпо этилиши Буюк Ипак йўли асосий бўғинининг ишга тушганини англатади ва Ўзбекистон иқтисодий имкониятларининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Геосиёсат нуқтаи назаридан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказини эгаллаган ҳамда муҳим стратегик мавқега эга бўлган давлат ҳисобланади. Сиёсий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти ҳамда демографик имкониятлари жиҳатидан минтақадаги бошқа давлатлардан ажралиб туради. Жумладан, Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг 40 фоизи Ўзбекистонда истиқомат қилади. Қўшни республикаларнинг Ўзбекистонга чегарадош бўлган барча маъмурий ҳудудларида ўзбеклар маҳаллий элатлар билан биргаликда яшаб келади. Ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, урф-одатларни эъзозлаш, анъаналарга амал қилиш, бақамти яшаётган элатлар ўртасида унинг етакчилигини таъминлайди. Бу ҳол Ўзбекистоннинг минтақада нафақат жўғрофий, балки этно-маданий нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос кўприк вазифасини ўтаётганини намоён этади.

Хулоса қилиб айтганда, минтақанинг геосиёсий мавқеи қуйидаги омиллар билан белгиланади:

Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи, аввало, унинг иқтисодий имкониятлари билан белгиланади. Бу борада энг манфаатли ҳамкорлар билан иш олиб бориш муҳимлигини таъкидлаб, минтақада етакчи давлатлар манфаатларининг шиддат билан шаклланиб бораётганлигини инобатга олиш зарур. Шу билан бирга, иқтисодий манфаатларини амалга ошира олмаган ташқи кучлар диний, миллатлараро муносабатлар, ҳудудий муаммолар, сув тақсимотига оид масалалар каби омилларга таяниб, минтақадаги барқарорликни издан чиқариши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлаш минтақавий хавфсизликнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, минтақада сув тақсимоти масалаларида ҳукуматлараро комиссия ишини тўғри йўлга қўйиш, республикалар ўртасида чегаралаш ишларини охирига етказиш минтақадаги коммуникацион тизимнинг такомиллаштирилиши унинг иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини ошишига олиб келувчи омил ҳисобланади.

Бундан ташқари, минтақада, жумладан Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг мавзуларига эътибор қаратиш ва уларнинг минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири тўғрисида амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода манфаатларнинг тенглиги асосида, барча, айниқса ривожланган давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатиш минтақа мамлакатларининг дунё иқтисодий тизимида тадрижий ҳамда қонуний тарзда интеграциялашуви ҳамда, Марказий Осиё геосиёсий аҳамиятининг янада кучайишига олиб келиши шубҳасиздир.

5-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИДА АФҒОНИСТОН, ЖАНУБИЙ ОСИЁ ВА ЯҚИН ШАРҚ ОМИЛИ

Режа:

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистон омили.
2. Ўзбекистон билан Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлар.
3. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ омили.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Хавфсизлик зонаси, стратегик мавҳумлик, геосиёсий барқарорлик, террорчилик, наркобизнес, экстремизм, муваққат тикланиш гуруҳлари, халқаро ривожланиш агентлиги, давлат департаменти, коалиция.

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистон омили.

Бугун Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётгани нафақат минтақа давлатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти ташвишга солмоқда. Бироқ мазкур иллатга қарши фақат гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарилаётган ҳудуд атрофида «хавфсизлик зона»сини ташкил этиш, жазолаш ва маъмурий чора-тадбирларни кучайтириш билангина курашиш кифоя қилмайди. Бу муаммони, биринчи навбатда, Афғонистон иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш, аҳолини тинч ва бунёдкорлик меҳнати билан банд этиш орқалигина ҳал қилиш мумкин.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг долзарб муаммолари ҳақида ҳам алоҳида фикр мулоҳазаларини баён қилди.

Ўзбекистон раҳбари, биринчи навбатда, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақани барқарор хавфсиз ҳудудга айлантириш мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканлигига урғу берди. Бу мақсадни амалга ошириш учун қўшни давлатлар билан интеграциялашув жараёнларини изчил давом эттириш, бозор ислохотларини ривожлантиришда минтақавий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлигини эътироф этди.

Шунингдек, Республикамиз раҳбари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, минтақада сакланиб қолаётган стратегик мавҳумлик ҳолати хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Бунини қандай изоҳлаш мумкин?

Биринчидан, ўтган уч ярим йиллик муддат мобайнида давлатлар коалицияси ёки айрим давлатларнинг ўз ҳудудида алоҳида мунтазам равишда амалга ошириб келган ҳарбий ва ноҳарбий чора-тадбирларига қарамай толибонлар ва ал-қоидачилар раҳбарлари Мулла Омар, Усома Бин Лоден ва уларнинг яқин сафдошлари ҳамон ҳибсга олинмаганлиги, турли давлатларда улар томонидан содир этилаётган террорчилик актлари оқибатида бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлаяпти. Афғонистонда ҳукумат аъзолари, давлат идоралари ва уларнинг ходимларига қарши ҳужумлар уюштирилаяпти. Ҳамид Карзай ҳукумати ўз қарорларини амалга оширишда ҳар хил тўсиқларга дуч келаяпти;

Иккинчидан, Афғонистонни қайта тиклаш бўйича сиёсий, этник ва диний гуруҳлар раҳбарлари ўртасида келишилган аҳдлашув принципларини бузиш ҳоллари ҳам юз бермоқда.

Учинчидан, Афғонистон давлат чегаралари тўлиқ назоратга олинмаган, хусусан Покистон билан чегарадош тоғли ҳудудларда нотинчлик ҳукм сурмоқда ва бу муаммони ҳал қилишда асосий омил ҳисобланган афғон миллий армияси ва полициясини шакллантириш жараёни эса катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами ва Афғонистон ҳукуматининг олиб бораётган доимий курашига қарамай мамлакатда гиёҳванд ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш ва чет элларга етказишнинг махфий йўллари ва усуллари ҳамон мавжуд.

Бешинчидан, мамлакат адлия тизими бугунги талаб даражасида шаклланмаган.

Лекин шунга қарамасдан, ўтган уч ярим йил давомида Афғонистонда тикланиш ва янги ҳаёт учун кураш жараёни изчил давом этаётганлиги қувонарлидир.

Бундай ҳулосага келишни асословчи далиллар етарли. Булар: а) Афғонистонда амалга оширилаётган сиёсий реформа, қайта тиклаш ва миллий бирдамлик дастурлари; б) мазкур дастурларни амалга ошириш учун донор давлатларнинг Токио конференциясида 4,8 млрд АҚШ доллари ҳажмидаги маблағнинг ажратилиши; в) БМТ байроғи остида АҚШ бошлиқ аксарият давлатлар коалицияси кучларининг Афғонистон ҳудудида тартиб ўрнатиш учун олиб бораётган ҳаракатлари; г) турли давлатларнинг Афғонистон ҳукумати билан биргаликда тикланиш жараёнида фаол қатнашувининг ҳажми ва ҳоказо.

Қайд қилиш лозимки, толибонлар режими қулатилгач, кун тартибида мамлакат ичида тартибни сақлаш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, давлат бошқаруви, алоқа, транспорт,

энергетика, таълим, тиббий ёрдам тизимларини тиклаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби долзарб масалалар турар эди.

Хонавайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, иқтисод ва хўжаликни афғон халқи ўз кучи билан тиклаши эҳтимолдан узоқ эди. Шу сабабли жаҳон ҳамжамияти, биринчи навбатда, кўшни давлатлар афғон халқига, Президент Хамид Карзай бошлиқ ҳукуматга ўз ёрдам кўлларини чўздилар.

Ушбу ўринда қайд қилиш лозимки, донор давлатларнинг Токиода ташкил этган Афғонистонга ёрдам жамғармасини Жаҳон Банки томонидан бошқариш йўлга қўйилди.

Терроризмга қарши курашда асосий ролни ўйнаган АҚШ маъмурияти куйидаги вазифаларни ўз зиммасига олди: а) пойтахт Қобул шаҳри, унда жойлашган ҳукумат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, давлатнинг муҳим вилоятларида тартиб сақлашни ташкил этиш; б) Афғонистон давлатчилиги рамзларидан бири бўлмиш миллий армияни тузиш, тарбиялаш ва ўқитиш; в) вилоятларнинг аксариятида сақланиб қолган экстремист гуруҳларни тугатиш ва бир вақтнинг ўзида Афғонистон маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида Муваққат тикланиш гуруҳларини (Provincial Reconstruction Teams-PRT) жойлаштириш. Бу гуруҳларнинг ҳар бири АҚШ ҳарбий кучлари, Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Давлат департаменти ва коалицияга кирган давлатлар намояндаларидан таркиб топган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, айрим америкалик сиёсатшунос олимларнинг тасдиқлашича, АҚШ маъмурияти Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида II жаҳон урушидан сўнг Европада, хусусан, мағлубиятга учраган Германия ва Японияда қўлланган, тажрибадан ўтган тактикани қўлламоқда. Бу тактика асосида бир мақсад йўлида бирлашиб ҳамкорлик қилиш ва давлатларни демократия принциплари асосида янгитдан куриш эвазига маблағ билан таъминлаш ётади. Президент Жорж Буш ўзининг сайловолди чиқишлари ва кейинги баёнотларида Усома Бин Лоден ва унинг ҳамроҳларини кидириб топиш ва Афғонистонда тиклаш ишларини охирига етказишни таъкидлаб ўтди.

Ҳамиша афғон халқига дўст бўлиб келган Ҳиндистон халқи ҳам сезиларли ёрдам беряпти: 170 миллион АҚШ доллари ҳажмида маблағ, 300 та автобус, 3 та самолёт, 1 миллион тонна ғалла ажратди. Қобул шаҳрида И.Ганди номида шифохона очди, юзлаб афғон ёшларининг Ҳиндистоннинг етакчи ўқув юртларида ўқишлари учун стипендиялар белгилади ва айни пайтда давлат бошқарув ходимларини ўқитиш, малакасини оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Афғонистон ташқи савдосини ривожлантириш мақсадида Эрон билан биргаликда Эрон порти Чахбаҳарни Афғонистон чегараси билан боғловчи йўлни куришда фаол иш олиб бормоқда.

Кўшни Эрон давлати ҳам Афғонистонга ҳар томонлама кўмак бермоқда: Токио донор давлатлар конференциясида Афғонистонни тиклаш фондига 560 млн. АҚШ доллари ҳажмида маблағ қўшди, чегарадош вилоятларига электр энергияси, табиий газ етказиб бормоқда, 2000 афғон ёшларининг Эрон олий ўқув юртларида ўқиши учун стипендия ажратди. Афғонистоннинг денгиз орқали савдо алоқаларини ривожлантиришни кўзда тутган ҳолда ўзининг Чахбаҳар денгиз портини замонавийлаштирмоқда, унга келадиган йўлларни юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ҳиндистон ва Афғонистон билан биргаликда курмоқда.

Германия ички тартиб ва хавфсизликни таъминлашда асосий роль ўйновчи янги полиция қисмларини тайёрлашни ўз зиммасига олган.

Россия, Япония, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Туркия, араб давлатлари ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари эса Афғонистонга ҳам молиявий, ҳам техникавий, ҳам гуманитар ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларига тўхталар эканмиз, шуни қайд қилиш лозимки, икки давлат қадимдан бир-бирига кўшни, ерлари бир-бирига туташган, бир дарёдан сув ичиб келган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бир неча бор учрашувлар бўлиб ўтди. Дўстона ва амалий муносабатлар ўрнатилди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Қобул ва Тошкентда дипломатик ваколатхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳам Толибонлар режими ва Ал-Қоида террористик ташкилотига қарши давлатлар коалицияси

тарафида туриб курашда қатнашди. Энди эса Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол қатнашмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар вайрон бўлган ўндан ортиқ кўприкларни таъмирлаб, йўлларни эксплуатация қилишга лойиқ ҳолатга келтирмоқдалар. Афғонистоннинг шимолий вилоятларига электр энергияси етказиб бермоқда. Ўзбекистон автомобиллари, қурилиш материаллари ва бошқа товарлари Афғонистон бозоридан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Кўп афғон ёшлари Ўзбекистоннинг турли олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Эрон, Афғонистон билан тузилган шартномага биноан, ўзбекистонлик мутахассислар Термиз шаҳрини Эроннинг Чахбаҳар порти билан Хирот шаҳри орқали боғловчи янги автомобиль йўлини қуришда қатн ашадилар. Келажакда шу йўлга параллел равишда темир йўл қурилиши ҳам мўлжалланган.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аксарият давлатлар кўп азоб-уқубат чеккан, лекин мағрур афғон халқига ўз ҳаётини янгилаш, барқарор тараққиёт йўлига тушиб олиши ва тинчликсевар давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида баҳоли қудрат кўмаклашишга тайёр эканлигини изҳор этмоқда ва ўзларининг амалий ҳаракатлари билан бу хоҳишларини тасдиқламоқда.

2. Ўзбекистон ва Жанубий Осиё давлатлари муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг мустқилликнинг дастлабки йилларида Покистонга амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликка асос солган бўлса, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар муносабатларни янги поғонага кўтарди. Бу учрашувларда давлатлараро муносабатларда муҳим бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги, шунингдек, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бундан ташқари икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банклари ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисидаги, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

2005 йил март ойида Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг Ўзбекистонга ва 2006 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг эса Покистонга қилган ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда муҳим из қолдирди.

2007 йил 14-15 март кунлари Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи билан Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг ривожига янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари бўлиб ўтган учрашувларда ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш билан бирга Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва унга ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакат раҳбарилари афғон муаммоси бўйича мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, террорчилик, наркобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришга келишиб олдилар.

Дунё энэгия захираларига эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда, Покистон энергия манбаларига бой ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташидан манфаатдор. Ўзбекистон Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиш имкониятининг мавжудлиги эса икки томон учун ҳам манфаатлидир. Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини қидириш ва ўрганишга жиддий қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исломободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, дори-дармон,

мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон эса ўз навбатида Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмини (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, кабель, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлатлар орқали сотиб олар эди. Масалан 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки ҳисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга юборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча карра ортиқ. Шуларни инобатга олиб, икки мамлакат раҳбарлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштиришга келишиб олганлар. 2007 йилнинг бошида Исломободда комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи асносида эса икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди.

Покистонда Ўзбекистоннинг нафақат пахта ва ипагига, юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнига ҳам қизиқиш катта. Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган ҳамкорлик истикболда тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма корхоналарнинг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистондаги мавжуд қулай сармоявий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. 2007 йилда Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми эса 4 миллион АҚШ долларига етади.

Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил бўлмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда амалга оширилаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида, жумладан, ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, қўлёзмаларни тадқиқ этмоқдалар. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари кўп.

Ўзбекистон Жанубий Осиёнинг етакчи мамлакати бўлган Ҳиндистон билан ҳам алоқаларини кенгайтirmoқда. 1993 йил 23-25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги шартнома, "Фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисида"ги, "ҳаво йўллари тўғрисида" ва "савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида"ги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 1993 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида "иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида", "маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги битимлар имзоланди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик кенгайиб бормoқда. 1995 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг "Тата Проектс Лтд" фирмаси томонидан қуриб битказилган 600 ўринли саломатлик зали, мажлислар хонаси, сервис хизмати, ер ости гаражи, сауна барлари, катта ресторан бўлган замонавий меҳмонхонанинг очилиши фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан алоқаларининг янги босқичга кўтарилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 4-6 апрель кунлари шу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташриф давомида Президент И.Каримов билан Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмохан Сингх ўратсида музокаралар олиб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳиндистон Марказий Осиё Республикалари орасида Ўзбекистон билан яқин иқтисодий ва сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни

ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини намоён этмоқда. Ҳозирги пайтда Ҳиндистон билан қўшма асосга эга бўлган 30 дан ортиқ компаниялар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Биргина 2004 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 121 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

Ҳиндистон билан Марказий Осиё давлатлари ўратсидаги ҳамкорлик қизиқиши нафақат иқтисодий, балки геосиёсий омиллар билан ҳам мустаҳкамланмоқда. Зеро Ҳиндистон бугун Жанубий Осиё минтақасида ёки Марказий Осиё билан муносабатлардагина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг обрў-эътибори ва салоҳияти билан юксак мавқега эга бўлиб бормоқда. Гарчи анча маданий тусда ёндашаётган бўлса-да Ҳиндистон Марказий Осиёга худуди Россия, Хитой, АҚШ ёки Япония сингари геосиёсий объект сифатида қарамоқда. Шу нуктаи-назардан бугунги кунда Ҳиндистонга «учинчи дуне мамлакати» сифатида муносабат билдириш ярамайди, балки аксинча, унга жуда жиддий геосиёсий ўйинчи сифатида муносабат қилингандагина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

3. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ омили.

Мустақилликка эришган ҳар қандай давлатнинг тараққиёти учун нуфузли давлатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим бўлиб, Ўзбекистон ҳам истиқлолнинг илк кунлариданоқ ана шундай эзгу мақсад йўлида ҳаракат қила бошлади.

Биринчилар қаторида Ўзбекистон Яқин ва ўрта Шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан алоқа ўрнатиш ва алоқани ривожлантиришга киришди. Негаки, бу давлатлар билан Ўзбекистоннинг қадриятлари, дини, урф-одати ва анъаналари жуда яқиндир.

1991 йил 16-19 декабрь кунлари И.Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат – Туркияга ташриф буюрди. Туркия Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл каби раҳбарлар ва ишбилармонлар билан амалий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида, битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги битим, ахборот ва янгиликлар айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда анча кенгайди. Ўзбекистонда Туркия элчихонаси, Туркияда Ўзбекистон элчихонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда Туркия давлати раҳбарлари Турғут Ўзол, Тансу Чиллер, Месут Йилмазларнинг Ўзбекистонга расмий ташрифлари чоғида имзоланган ҳужжатлар катта аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қўшма корхоналар қуриш, кадрлар тайёрлаш, туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалий натижалар бермоқда. Туркиялик ҳамкорлар Ўзбекистон иқтисодиётига 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сармоялар киритди. 200 га яқин қўшма корхоналар барпо этилди. "Коч холдинг", "Айсел" шулар жумласидандир. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1997 йилда 300 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

1992 йил 24-25 ноябрь кунлари республикаимиз Президенти И.Каримовнинг Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий давлат ташрифи Ўзбекистон ва Эрон ўртасида давлатлараро алоқаларга асос солди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида декларация, ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида, почта, телефон ва телеграф соҳасидаги ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандумлар, давлат Марказий банклари ўртасида битим имзоланди. 1993 йил 18 октябрда Эрон Президенти Али Акбар Хошимий Рафсанжонийнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига кўмаклашди. Сафар чоғида транзит алоқаларни тартибга солиш тўғрисида ҳамда халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Эрон Ислом Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг геосиёсий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак шуни таъкидлаш керакки, Эрон Марказий Осиё билан яқинлашиш мақсадида тарихий-маданий омилларни восита сифатида қўллашга ҳаракат қилади. Ўзбекистон эса Эроннинг қулай стратегик жойлашуви, Форс кўрфазидаги бандаргохларидан ўз маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқиш мақсадида фойдаланади.

2003 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Эрон Ислом Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасида изчил ва дўстона алоқалар ривож топаётганидан далолат беради. 2002 йил якунларига кўра икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган давр ичида 40 дан ортиқ турли характердаги ҳужжат имзоланган. Агар 1996 йилда Эрон ҳудудидан 34 минг тонна транзит юк олиб ўтилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 500 минг тоннага етди. 2002 йилда Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиб ўтилган Эронга тегишли юкларнинг умумий миқдори эса 750 минг тоннани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси билан Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда – Қувайт Амирлиги ўзига хос ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қувайт Давлати Амири шайх Жаббор ал-Ахмад ал-Жаббор ас-Сабахнинг таклифига мувофиқ 2004 йилнинг 19-20 январида шу давлатга расмий ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг Қувайтга расмий ташрифи чоғида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг таржимаси шу давлатда босмадан чиқди ва унинг тақдими бўлиб ўтди.

Қувайт Амирлигида бўлиб ўтган расмий музокараларда Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, хусусан сармоя жалб этиш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва транспорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш имкониятлари келишиб олинди. Учрашувлар чоғида Қувайт давлатида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасида тўпланган тажриба Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўл келиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги давлат делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони, Мисрда бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари имзоланди. Саудия Арабистони, Миср давлат ва ҳукумат вакилларининг Ўзбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ёшлари Қоҳира университетида, "Аль-Азхар" ва "Айн Шамс" университетларида, мисрликлар Тошкент Техника ва Аграр университетларида, таҳсил олмоқдалар. Тошкентда Миср Республикасининг фан ва таълим маркази фаол ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йил 17-19 апрель кунлари Миср Республикасига расмий ташриф буюрди. Сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида мамлакатимиз раҳбари ушбу мамлакат тўғрисида ўзининг айрим мулоҳазаларини баён қилар экан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Мисрнинг ўрни қанчалик муҳим эканлигини эътироф этди.

Миср қуруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига киради.

Миср – маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази. Мисрни Нил неъматидеб атайдилар. Дунёдаги энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншоотни улуғ аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган. Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси ҳисобланган "Байтул ҳикма"да ижод этган ватандошларимиз - буюк алломаларнинг аксарияти Мисрга

бориб, маҳаллий халқнинг илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Миср халқлари ўртасида бугунги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига аجدодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифида мана шу азалий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича асосда раванқ топтиришг мақсади кўзда тутилади.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчихона очди. Энг муҳими – янги, мустақил Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрга расмий ташрифи бўлди. Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий муштараклиги кўп. Ислон Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсий ва геостратегик жиҳатдан мамлакатларимиз ўртасида ўхшашлик мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-Шарқий Осиё, МДХ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш учун омил бўлмоқда.

Мамлакатларимиз сиёсий соҳадаги ҳамкорлигининг юксак даражада ривожлангани, аввало, Ўзбекистон ва Миср раҳбарларининг дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга, ўзаро муносабатларга доир масалаларга ёндашувларининг ўхшаш ёки яқин эканлиги билан изоҳланади.

Гуманитар ҳамкорлик - тарихий муштараклик тақозоси. Хусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фаол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига кўмак бераётир. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар изчил ривожланаётир. Фармацевтика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан икки мамлакат ҳам бирдай манфаатдор. Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу соҳани фаол ўзлаштирди ва жадал ривожлантирмоқда. Миср ҳам фармацевтика соҳасида катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиш орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ва умуман МДХ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда саккизта лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яна бир муҳим соҳа – сайёҳликдир. Ўзбекистонликлар учун Мисрнинг тарихий обидалари, хусусан, эҳромлар қанчалик жозибадор бўлса, мисрликлар учун Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар ватани бўлган Ўзбекистоннинг осори атиқаларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш шунчалар эъзозлидир. Миср халқи Ўзбекистонда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак қадрлайди. Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда Миср билан ҳамкорлик қилиш фойдалидир.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жорий йилнинг март ойида Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Миср ҳукуматлараро кўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намоиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабел-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш

борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Стратегик нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик орқали Миср Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларида ўз ўрнини кенгайтириши мумкин. Ислон конференцияси ташкилоти ва Араб давлатлари лигасининг фаол аъзоси бўлган Миср Ўзбекистонга мазкур тузилмалар доирасида ҳамкорлик учун йўл очади.

Ислон Каримовнинг 2007 йил апрел ойида Мисрда қилган ташрифи асносида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Ўзинфоинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англашув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шарқ мамлакатларида, жумладан, Мисрда маърифатли ислоннинг қарор топишида, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги тарихий муштаракликнинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳр мутафаккирларининг ҳиссаси бекиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод этган буюк ватандошимиз Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний эҳромлар юртида ўчмас из қолдирган. У Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот услубларни кашф қилган. Миср катта ҳудудининг саҳро зоналаридан иборат эканлиги ва фақат Нил водийсида зироатчилик қилиш мумкинлиги инобатга олинса, буюк ватандошимиз яратган "Микёси Нил" мамлакатдаги сув захираларидан унумли фойдаланишда, дарёда сув сатҳи ўзгаришларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этиб келган. Миср кишлоқ хўжалигидаги вазият бугунги кунда ҳам Нилдаги сув микёсига бевосита боғлиқ. Юксак даражада билим талаб этадиган, ўта аниқлик билан ишланган «Микёси Нил»дан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади.

Миср ҳукумати буюк алломага эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Президент Ислон Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

"Микёси Нил" бунёд этилган Рода оролига Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлар йиғилди.

Тантанали маросимда Ислон Каримов Ўзбекистон ва Миср халқларининг дўстлиги узоқ даврларга бориб тақалишини, бу дўстликка улуғ аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминида етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Шу боис 1998 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида жаҳон микёсида, жумладан, Мисрда ҳам кенг нишонланди. У IX асрдаёқ сайёрамизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни китъаларга, етти иқлимга бўлиб, шарҳлаган олимдир. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари ҳозир ҳам бутун дунё олимлари учун асосий қўлланмалардан бўлиб келмоқда.

Қоҳира шаҳри ҳокими Абдулазим Вазир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср халқига совғаси сифатида қабул қилинган ушбу ёдгорлик Аҳмад

ал-Фарғонийнинг Миср цивилизацияси равнақи йўлидаги хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, Миср пойтахтида «Ҳадиқа ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Ҳай ал-Ўзбекия» номлари билан аталувчи мавзелар бор. Айтишларича, илгари Буюк Ипак йўли бўйлаб сафар қилган карвонлар Мисрга келганда мана шу мавзеларда тўхтаган. Айниқса, «Сур ал-Ўзбекия» мавзеси диққатга сазовордир. Бугун у ердаги китоб дўконларида қадим ва ноёб асарларни топиш мумкин. Булар ҳам халқларимизнинг илмий-маданий алоқалари нечоғли қадимий ва мустаҳкам эканлигидан далолат беради. Миср ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, бу борада янги уфқлар очиши шубҳасиздир.

6-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОСИЁСИЙ МАНФААТЛАРИ ТИЗИМИДА РОССИЯ, ЕВРОПА ВА АМЕРИКА ОМИЛИ

Режа:

1. Ўзбекистон-Россия ҳамкорлик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари.
3. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Иттифоқчилик шартномаси, ҳамкорлик муносабатлари, стратегик шерикчилик, геосиёсий дуализм, ҳарбий-сиёсий альянс, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти.

1. Ўзбекистон-Россия ҳамкорлик муносабатлари.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида халқаро муносабатларда муҳим роль ўйновчи Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик муносабатлари алоҳида эътибор талаб этади. Айнан ана шу сиёсий бирликлар жаҳон сиёсатини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутadi. Ўзбекистон Республикаси Россия билан Иттифоқчилик шартномаси имзолаган бўлгач, АҚШ билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Европа Иттифоқи билан эса 1996 йилда кенг миқёсдаги ҳамкорликни кўзда тутувчи Шериклик ва ҳамкорлик битимини тузган. Бундан ташқари Европа Иттифоқи ва мамлакатимиз ўртасида 20 га яқин бошқа турдаги шартномалар мавжуд. Икки томонлама муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий соҳаларда ривожланиб бормоқда. Чунончи 2001 йилга келиб, Европа Иттифоқи ва Республикамиз ўртасидаги савдо айланмаси 1 млрд. 57 млн. АҚШ долларини ташкил этди¹. Буларнинг барчаси Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик хусусида гапирганда, аввало, 2005 йилнинг кузида имзоланган Иттифоқчилик шартномасини қайд этиш лозим. Бу ҳужжат ҳар икки мамлакат учун кенг сиёсий ва иқтисодий имкониятлар очиб беради. Иттифоқчилик шартномаси деганда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг энг яқинлашган шакли тушунилади. Халқаро муносабатларнинг бу шакли стратегик шерикчиликдан ҳам яқин ҳамкорлик муносабатларидир.

Кейинги 15 йилдаги ўзаро муносабатлар тарихига назар ташласак Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси билан давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. 1991 йилдан 2006 йилга қадар икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, музокаралар олиб боришмоқда ва Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиёдаги стратегик вазият Евроосиёда мувозанатни таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг олтин, уран, энергия хом ашёларига бойлиги; Хитой, христиан (рус православ ва ғарб католик) ва ислом маданиятлари кесишган жойдалиги; Россия, Эрон, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатларга ҳам салбий,

ҳам ижобий маънода қўшни эканлиги; минтақа сиёсатига ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда, жаҳон сиёсатига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Ташқи омиллар моҳиятини англаш учун “Совуқ уруш” даврини ўрганиш жоиз. Зеро, бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги геосиёсий ҳолатига тўлиқ баҳо беришда, шунингдек, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ва минтақага туташ давлатлар сиёсатининг туб моҳиятини янада чуқурроқ тушунишга кўмак беради. “Совуқ уруш” даврида геосиёсий дуализм ўзининг юқори чўққисига етди. Бу даврда АҚШ ва собиқ Советлар давлати талассократия ва теллуократияни ифода этган ҳолда ўзаро геосиёсий кураш олиб бордилар¹.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши иккала мамлакат учун ҳам ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли имкониятларини беради. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, ушбу ҳамкорлик ҳозирги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Аввалам бор, иккала мамлакатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан ҳамкорлик эҳтиёжи пайдо бўлган бўлса, иккинчи томондан икки давлат манфаатларини халқаро терроризмга қарши кураш яқинлаштирди.

Ўзбекистонда Россия азалдан йирик иқтисодий ҳамкорлардан бири эканлиги ҳеч қачон унутилмаган. Россиянинг иқтисодий инқироздан чиқиш даражасига кўра, унинг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 1999 йилдаги 13 фоиздан 2003 йилда 17 фоизга ўсди. Фақат 2003 йилнинг ўзида икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 26 фоиз, 2004 йилнинг биринчи чорагида эса 43 фоизга ўсди ва янада жадал юксалиши учун катта имкониятлар мавжудлиги кузатилмоқда..

Савдо айланмаси таркиби янада рационаллашиб, икки мамлакат иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар унда ўз аксини топа бошлади. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажмида асосий улушни машина ва ускуналар (23 фоиз), пахта толаси (7 фоиз) ташкил қилди, ваҳоланки 1994 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 11 ва 64 фоиздан иборат эди.

Россиядан Ўзбекистонга экспорт ҳажмида ҳам асосий улуш машина ва ускуналар (38 фоиз), кимё маҳсулотлари (20 фомз), қоғоз, картон, мебел (24 фоиз)дан иборат. 1994 йилда эса Россиядан Ўзбекистонга асосан энергия манбалари (39 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари (15 фоиз), қора металл (14 фоиз) экспорт қилинган эди.

Ўзбекистоннинг Россия билан авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам сезиларли даражада фаоллашди. «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти базасида юк ва йўловчи ташувчи замонавий ҳаво кемаларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Эътиборли томони шундаки, Тошкент авиазаводи томонидан тузилган шартномаларга мувофиқ 2004 йилда Россия ва бошқа мамлакатларга 15 та самолёт етказиб берди ва бу ислохотлар бошланган даврдан анча кўп демакдир.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ҳам россиялик шериклар билан ҳамкорлиги янада фаоллашмоқда. Бир томондан унинг Россияга экспорт салмоғи ортмоқда. Тахминларга кўра, экспорт ҳажми 2004 йилда 25 минг автомобилни ташкил этган. Иккинчи томондан, россиялик пўлат қуувчилар маҳсулоти сифатининг ортиб бораётганлиги Ўзбекистон автомобиллари учун харид қилинадиган иссиқ ва совуқ усулда қуйилган пўлатнинг 90 фоизини Россиядан олиш имконини беради. Шуниси аҳамиятга молики, Ўзбекистоннинг авиация ва автомобиль заводлари Россия Федерациясининг 957 корхонасига эҳтиёт қисмлар учун буюртма берган.

Иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръати, у билан боғлиқ савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси, аҳоли реал даромадларининг муттасил ўсаётгани шундан далолат берадики, Россия тобора қулай, ҳудудий жиҳатдан яқин, тўловга лаёқатли бозорга айланмоқда. Бу бозорга ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ўзларининг хилма-хил маҳсулотларини етказиб беришлари мумкин.

¹ Умаров Х. Ўзбекистон Республикаси геосиёсати ҳолатининг геостратегик хусусиятлари. Диссертация автореферати. - Т., 2004.

Россия сармоядорларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кенг миқёсда инвестиция киритишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу аввало, нефть ва газ қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, телекоммуникация, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик, аниқ асбобсозлик, электротехник маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби экспортга йўналтирилган соҳалар ва бошқа истиқболли тармоқларда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, 2004 йилнинг апрелида Россиянинг «Газпром» компанияси билан «Шохпахта» газ қонида газ қазиб олиш ва ундан фойдаланишдаги иштироки бўйича маҳсулот тақсимоли тўғрисида битим имзоланди. Айти пайтда «Газпром» билан Устюрт нефтьгаз қонларида табиий газ геологоразведкаси, қазиб олиш ва йилига 10 млрд. куб метр ҳажмида сотиш мўлжалланган лойиҳага 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилишини кўзда тутувчи битим ишлаб чиқилмоқда.

«Лукойл» компанияси билан маҳсулот тақсимоли асосида, Шоди газ қонларида табиий газ қазиб олиш ва биргаликда сотиш бўйича йирик битим лойиҳаси тайёрланмоқда. Бунда «Лукойл» компанияси 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритади ва лойиҳанинг амалга оширилиши 200 млрд. куб метрга яқин табиий газ қазиб олиш имконини беради.

Шунингдек, машинасозлик, асбобсозлик, электротехника саноатидаги технологик кооперацияга асосланган самарали алоқалар тикланмоқда. Кабель маҳсулотлари, электротехник машиналар, жиҳозлар ва аппаратура ишлаб чиқариш соҳаларида 19 та Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси фаолият юритмоқда. 33 та қўшма қорхона саноат ва маиший турдаги асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Машинасозлик, машина ва жиҳозларни таъмирлайдиган 68 та қўшма қорхона тузилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси бўйича интеграция чуқурлашмоқда. Бу соҳада тўққизта Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси фаолият юритмоқда.

«Вимм Билль Дан» компанияси Тошкентнинг йирик «Тошкентсут» бирлашмаси акцияларининг 77 фоизини харид қилиш ҳақидаги шартномани имзолади. Ушбу ҳужжатда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва мева шарбатлари ишлаб чиқарувчи қўшма қорхона тузиш учун 20 млн. доллар сармоя киритиш кўзда тутилган.

Сўнгги пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайиши ўзаро манафаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

Бундай ҳамкорликнинг асосини иқтисодиётнинг оёққа туриши, ҳар икки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва бир-бирини тўлдириши, ҳудудий яқинлик, транспорт инфратузилмаси ҳамкорлигининг йўлга қўйилганлиги, шерикларнинг бир-бирини яхши билиши, уларнинг халқларимиз умумий маданиятидан, феъл-атворидан хабардорлиги ташкил этади.

Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг кенгайиши Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов илгари сураётган Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш ташаббуси ва бунёдкорлик йўлидаги жиддий қадам бўлиб, у ўз навбатида жаҳон иқтисодиётида минтақанинг инвестициявий жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади.

Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ҳақида гапирганда шуни эътироф этиш керакки, у нафақат геосиёсий, балки жиддий иқтисодий асосга ҳам эга. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларга келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиши иккала мамлакат учун ҳам ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб беради. Ҳозирги кунда Россия-Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик (2004) даражасидан Иттифоқчилик (2005) даражасига кўтарилди.

Сўнгги пайтларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг кенгайиши иқтисодий шароит ва ўзаро манафаатларни ифодаловчи табиий жараёнга айланди.

Аммо бу Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорликни ривожлантириши истиқлол йилларидаги ҳамкорлар, биринчи галда Америка Қўшма Штатлари, Евроиттифок мамлакатлари ва Япония билан анъанага айланган иқтисодий ҳамкорликни сусайтириш ёки қисқартириш ҳисобига амалга оширилади, дегани эмас албатта.

Бироқ, Россиянинг охириги ташқи сиёсий фаолияти, жумладан, Қирғизистонда ўз ҳарбий базасини ташкил қилиши, Марказий Осиёни ўз таъсир доирасига тортиш учун кураш давом этиб келаётганлигини, бу курашда Марказий Осиё минтақаси ҳам ўз ўрнига эгалигини тўла исботлайди.

Ўзбекистон учун, Россиянинг муносабати алоҳида ўрин тутати. 2000 йилгача, яъни В.Путин Президентлигига қадар Россиянинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан муносабати мавҳум ва ноаниқликдан иборат эди. Россиялик тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича, кўп ҳолларда қарама-қаршиликларга бой эди. Бунинг сабабларидан бири Марказий Осиё давлатларининг ўзаро иқтисодий яқинлашуви ва Россия таъсирининг камайиши ёки Марказий Осиё давлатларини уларнинг фикрича, бошқа давлатларнинг таъсирига тушиб қолишдан хавфсираш эди. Айрим россиялик экспертларнинг фикрича Марказий Осиё давлатларини Россия геосиёсий таъсир ҳудудидан чиқиши, Россия хавфсизлиги учун таҳдид ҳисобланади.

Россия табиий фанлар академияси мухбир аъзоси Л.И.Медведко шундай фикрга келган эди: «Тожикистондаги драматик ҳодисалар, Ўрта Осиёда ислом фундаментализми ёйилишига шарт-шароитлар яратиб бериши мумкинлигини эслати. Бунга кўп ҳолда Эрондаги ислом революциясини ва Афғонистонда мужоҳидларнинг ғалаба қозонишига туртки бўлди.... Ўрта Осиёнинг айрим республикалари ва вилоятларида, Кавказ ва Волга бўйида исломий ҳаракат учун қулай замин яратилиши, бу ердаги усиз ҳам ҳозирдаги омонат ҳокимиятни ўрнига авторитар-теократик тузумни ўрнатилишига олиб келиш мумкин. Улар келажакда эҳтимол Эрон, Покистон ва Афғонистон билан Россия учун хавфли бўлган душманлик руҳидаги ҳарбий-сиёсий альянс тузишлари мумкин¹».

Юқоридаги фикрларга нисбатан эса Президентимиз ўз вақтида шундай деган эди: «Кейинги вақтларда Россиянинг очик матбуотида бу мавзуда узундан узок таҳлилий материаллар ва бошқа мақолалар қайта-қайта босилиб чиқмоқда. Уларнинг оҳанги ва мазмунига қарасангиз, журналистларнинг қаламини эмас, балки маҳсус тазйиқлар ва айрим сиёсатчиларнинг тажрибали кўлини кўрасиз. Бу мақолалар шовинизм хавфи ва унинг собиқ совет маконида пайдо бўлиб, «яқин хориж» деб аталаётган янги мустақил давлатларга нисбатан кўринишлари ўйлаб чиқарилган муаммо эмас, балки Россиянинг ўзи учун ҳам бирдай хавфли таҳдиддир, деган хулосани жуда яхши кўрсатиб ва асослаб беради».²

1999 йил 16 февраль ва 2001 йил 11 сентябрь воқеалари халқаро терроризмга қарши кураш дастури доирасида кенг кўламда ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишига олиб келди. Бу ҳаракатлар айнан Осиё мамлакатлари, хусусан Афғонистон ҳудудида олиб борилди. Бунга дунёдаги деярли барча еткази давлатлар ўз ҳарбий қисмлари билан, Марказий Осиё республикалари эса ўз ҳудудидан фойдаланишга рухсат бериш билан иштирок этишди. Шунинг таъкидлаш керакки кўпчилик давлатлар бу уруш ҳаракатларига айрим ғарбдаги давлатларнинг найранги остида қўшилдилар. Уруш натижасида ғолиб ва мағлуб томонлар аниқланмади. Афғонистонда 25 йилдан бери давом этаётган уруш яқун топмади, тинчлик ўрнатилмади, Ироқдан ядро бомбаси топилмади. АҚШ қўшинларида ҳанузгача йўқотишлар давом этмоқда. “Халқаро терроризмга қарши кураш” номини олган ўзига хос бу курашда Ал-қоида сингари аниқ, аммо қароргоҳию-қўшинларини ҳеч ким ҳеч қачон топа олмайдиган рақибнинг бўлиши бу урушнинг ортида ҳар икки тарафнинг ҳам режиссёри битта эмасмикан, деган фикрга олиб келади. Бугунги кунда нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки Россия ҳукумати ҳам халқаро терроризмга қарши курашнинг асл мақсадларини тўғри англаб етди ва Россия Марказий Осиёга нисбатан оқилона сиёсат олиб боришмоқда.

¹ Медведко Л. История с геополитикой. //Международная жизнь, 1992. -011-12,110-бет.

Евроосиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун Марказий Осиё давлатлари бир ёкадан бош чиқаришлари, айниқса бу ҳудудда Россия иштирокида ягона иқтисодий тизим барпо этишлари лозим бўлади. Россия Ўзбекистон ўртасида имзоланган Иттифоқчилик шартномаси Марказий Осиёда стратегик мувозанатни белгилаб берди. Ушбу Иттифоқчилик шартномаси, Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг тўлиқ фаолиятга кириши ва ШХТнинг самарали фаолияти барқарорликни сақлаш ва тараққиётни таъминлашда самарали сиёсий ва иқтисодий механизм бўлиши мумкин.

2. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи муносабатлари.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши қатъиятлик билан ривожлантирилмоқда. Ўзбекистон Президентининг Германияда 1993 йил 28 апрель куни бошланган ва беш кун давом этган расмий ташрифи Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айни пайтда бу сафар натижасида республикамиз учун Европа сари катта йўл очилди.

И. Каримов ГФР Федерал канцлери Гельмут Кол билан самимий, ўзаро тенглик асосида, ишонч ва қатъият билан суҳбатлашди. Икки давлат ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида, сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисида, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар фондини ташкил этиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон делегацияси Германия саноатини ўрганишга катта эътибор берди. "Дойче банк", "Мерседес-Бенц" ва "Сименс" компанияларининг раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Жумладан, Хоразмда "Мерседес-Бенц" компанияси иштирокида юк машиналари йиғадиган завод қуриш ҳақида ахдлашилди. Сафар натижаларига кўра ўзбек-немис ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилди. Тошкентда икки-томонлама савдо-иқтисодий палата ташкил этилди, ГФРнинг элчихонаси очилди. "Тошкент-Франкфурт" ҳаво йўлида самолётлар қатнай бошлади. "Дойче банк"нинг бўлими фаолият кўрсатмоқда.

1994 йил 9-12 июнь кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси Нидерландия (Голландия)да бўлди, қиролича Беатрикс ва ҳукумат бошлиғи - Бош вазир Рудольф Любберс билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида суҳбат бўлди. Сафар натажасида Ўзбекистон ва Голландия ўртасида давлатлараро муносабатлар принциплари ҳақида баёнот ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида протокол имзоланди. Голландия аграр хўжалигининг технологияси, уруғ ва насллари, меҳнат усулларида Ўзбекистонда фойдаланишга келишилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Голландия картошка уруғлари экилиб мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил 28-30 октябрь кунлари Ўзбекистон делегациясининг Францияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Президент И.Каримов Франция Президенти Ф.Миттеран, Франциянинг бошқа раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вақиллари билан дўстона суҳбат ва самарали музокаралар юритди. Сафар натижасида Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, маданият, илмий-техникавий ва маориф соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, илмий, маданий алоқалар кенгайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озик-овқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон халқаро ишларда катта тажриба ва нуфузга эга бўлган Буюк Британия билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йил 17-19 июнь кунлари Буюк Британия қироличасининг қизи малика Анна Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимиз билан, халқимизнинг турмуш тарзи билан танишиб, Самарқанд шаҳрининг ўлмас тарихий ёдгорликларини зиёрат қилиб кетди. 1993 йил 15 октябрь куни Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари

бўйича давлат вазири Даглас Хоггинт Ўзбекистонга сафари чоғида икки давлат ўртасида маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик битими, икки ёклама солиқ солмаслик тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди ва кенгайтириб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида бир неча ўн йилликларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Юқори келтирилган маълумотлар бир тарафдан албатта янги республика учун қисқа вақтда эришган катта ютуқлардир. Лекин, масаланинг иккинчи томони ўрнатилган бу ҳамкорликларнинг ҳозирда ривож ва юртимиз учун фойдаси қандай даражада эканлигидир. Асосан тузилган шартномалар ўз фаолиятини яхши олиб бормоқда, лекин, шу билан бир қаторда муаммолар ҳам йўқ эмас. Муаммолар албатта асосан ташқи иқтисод билан, хусусан мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, ташқи иқтисодий алоқаларимизда импорт улушини камайтириш ва экспортни кенгайтириш томон бурилиш ясалиши муҳим аҳамиятга эга.

Президент И.Каримов ўзининг "Ўзбекистоннинг етти зафарли йили" асарида «Ўзбекистон тарихдан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, унинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Нуфузли хорижий давлатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни йўлга қўйди. Бу жонажон Ватанимиз хавфсизлигининг муҳим шarti ва тараққиётимизнинг кафолатидир», - деб ёзади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланиши учун барча имкониятларга эгадир. Шу билан бирга дунё ҳўжалик ва сиёсий тизимида ўзига хос мавқега эга бўлиш учун халқаро жараёнларда фаол иштирок этиш ва Осиё, Европа ва Американинг етакчи давлатлари билан ҳушёрлик билан муносабатлар олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса узоқни кўра биладиган, билимли кадрларни тарбиялаш зарурияти ҳамиша сақланиб қолади.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин Европа Иттифоқи давлатлари ҳам халқаро терроризмга қарши тузилган халқаро коалицияга қўшилган ҳолда ўз қўшинларини Афғонистонга юборишди. Айрим давлатлар, шу жумладан, Германия ўз ҳарбий контингентини Афғонистоннинг шимолида, бир қисмини эса Ўзбекистон жанубида Термез шаҳрида жойлаштирди. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан алоқалари иқтисодиёт соҳасида ҳам йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда. Европа Иттифоқининг фаол аъзоларидан бўлган Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг яқин ҳамкори ҳисобланади. Германия Марказий Осиёда рўй бераётган ўзгаришларга доимо немисларга хос ҳолислик билан ёндошган ва доимо қўллаб-қувватлаган. 2005 йил Андижонда рўй берган май воқеаларидан кейин Ўзбекистонга қарши олиб борилган ахборот ҳуружи даврида, Европа Иттифоқи тарафидан қўлланилган жазо чоралари даврида Германия бизни доимо қўллаб-қувватлаб келди. 2006 йилда Германия расмий доиралари Ўзбекистон вакиллари билан бир неча марта учрашдилар ва ЕИнинг бугунги кундаги раиси Германия 2007 йилда ушбу жазо чораларини бекор қилишга алоҳида аҳамият бермоқда.

3. Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатлари.

Европа Иттифоқи давлатлари билан ривожланаётган ҳамкорлик сингари АҚШ билан алоқаларини ўрнатиш кўпгина давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон - АҚШ муносабатлари босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1996 йил ёзида АҚШга қилган биринчи ва муҳим сафари давомида иқтисодий ҳамкорликдан тортиб хавфсизликкача бўлган турли соҳаларни қамраб

олган музокаралар, Ўзбекистон ва АҚШ раҳбарларининг кейинги учрашувлари, Америка парламени юқори мартабали вакилларининг ташрифлари Ўзбекистон – АҚШ муносабатларини янги босқичга олиб чиқди.

Икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2001 йил октябрда халқаро террорчиликка қарши курашиш масалалари бўйича қўшма баёнот имзоланиши, ҳукуматлар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув ҳақида меморандум қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга иккинчи расмий ташрифи Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядро тарқатилишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланиши Ўзбекистон - АҚШ муносабатларида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич мустақилликка эришгунимизгача бўлган давр ва мустақилликнинг дастлабки уч йилини ўз ичига олади. Бу давр Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқаларнинг ҳали ривожланмаганлиги ва ҳамкорликнинг дастлабки куртаклари пайдо бўла бошлаганлиги билан характерланади. Ушбу босқич Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасини мустақиллигини тан олганлиги ва икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги билан муҳимдир.

Иккинчи босқич 1993 йилга тўғри келади ва 2001 йил сентябрида АҚШда террористик акт содир этилган даврга қадар давом этади.

Бу давр мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ муносабатлари энг муҳим йўналишлар бўйича фаол ривожланганлиги, умумбашарий ва минтақавий хавфсизликнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этишга бўлган ёндашувларнинг ўхшаш жиҳатларини намоён қилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бошқача айтганда, бу даврда АҚШ Ўзбекистонни қайтадан кашф этган бўлса, Ўзбекистон ҳам АҚШни кашф этди.

Ҳамкорликнинг янги сифатдаги стратегик шерикликка асосланган учинчи босқичи 11 сентябрь воқеаларидан кейин бошланди. Бу босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг АҚШга қилган сафари чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларациянинг имзоланганлиги билан аҳамиятлидир. Бу босқичнинг энг ривожланган даври Афғонистонда халқаро терроризмга қарши курашнинг дастлабки босқичида халқаро коалицияга қўшилган Ўзбекистон АҚШ мудофаа вазирлигига Қарши-Хонобод ҳарбий базасини берганлигида намоён бўлди. Ушбу базани Ўзбекистон тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун берганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг тўртинчи босқичи 2005 йил 13 май Андижон воқеаларидан кейин бошланди. Фикримизча бу даврни айрим хорижий мутахассислар томонидан эътироф қилинган совуқлашиш даври эмас, балки муносабатларни сарҳисоб қилиш даври, дейилса тўғри бўлади. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида, шу жумладан АҚШ билан муносабатларда ҳам ҳеч қачон ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармасдан қолмаган, аммо Айни вақтда бирор бир давлатнинг сиёсий таъсирига тобе ҳам бўлиб қолмаган. Президент И.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: «...Ўзбекистон ҳамма вақт -АҚШга Қарши шаҳри яқинидаги Хонобод аэродромидан фойдаланишга рухсат этилган 2001 йилда ҳам, бугун ҳам ўзининг мустақил сиёсатини олиб бормоқда. Биз ҳеч қачон, тақрор айтаман, ҳеч қачон, қанчалик буюк бўлмасин, бирор-бир мамлакатнинг сиёсий таъсирига берилмаганмиз»¹.

Андижон воқеаларига келганда, албатта Ўзбекистон раҳбарияти АҚШнинг Андижон воқеаларига нисбатан билдирган муносабати ва халқаро комиссия киритиш тўғрисидаги

¹ «Ҳақиқат - журналистиканинг доимий, ўзгармас қондаси ва унга амал қилиш шарт». 2005 йил 17 май куни Ўзбекистон республикаси бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари йамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжуманидаги нутқдан.

ташаббусини миллий манфаатларимизга зид эканлигини таъкидлади. Шу нуқтаи-назардан икки давлат ўртасидаги расмий муносабатларда танаффус даври бошланди. Бунинг иккинчи тарафи Ўзбекистоннинг бу воқеалар ортида ғарбий кучлар борлигини тез орада пайқаганлиги ва исботлаганлигига бориб тақалади. Мазкур танаффус босқичнинг энг юқори нуқтаси Америка ҳарбийларининг Қарши-Хонобод базасидан чиқиб кетиш даврига тўғри келади. Бу жараён кўпчилик томонидан Ўзбекистоннинг Андижон воқеалари учун АҚШга билдирган жавоби тарзида баҳоланган бўлса-да, аслида бу тўғри эмас. Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг энг жадал палласи яқунланган 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистон АҚШдан Хонобод базасини бўшатишни талаб этаётган эди.

2006 йил ҳар икки давлат учун муносабатларнинг янги босқичини бошлаш олдида сокинлик ёки танаффус даври бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Аммо бу даврда АҚШ давлат департаментининг юқори лавозимли вакилларида Р.Баучер ва Э.Фейгенбаумларнинг Ўзбекистонга қилган ташрифи АҚШ ўзининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатида йўл қўйган хатоларини тан олганлигини намоён этди. Айниқса, 2007 йилнинг март ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича департаменти бошлиғининг ўринбосари Э.Фейгенбаум, бу хатони очикдан очик тан олган ҳолда шундай ўзади: «...Турли кўринишларда ташқаридан амалга оширилган кучли тазйиқларга қарамасдан, Марказий Осиё давлатлари ўз суверенитетини сақлаб қолишда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатдилар.

Биз Марказий Осиё давлатларини кимнингдир шахмат тахтасидаги доналар сифатида асло қабул қилмаймиз. Аксинча, улар бизнинг энг ишончли ҳамкорларимиздир. Биз бундан кейин иқтисодий ҳамкорликка урғу беришимиз ва кучайтиришимиз лозим...». АҚШ ташқи ишлар вазирлигининг юқори лавозимдаги бу ходими Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида берган матбуот анжуманида ҳам, кейин Вашингтонда АҚШ-Қозғистон Тадбиркорлар Ассоциацияси ва «Ўзбекистон АҚШ савдо палатаси»га йўллаган маърузасида ҳам бу фикрини такрорлади.

2007 йилдан бошлаб Ўзбекистон - АҚШ муносабатларида янги давр бошланиши эҳтимоли мавжуд.

7-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГЕОСТРАТЕГИЯСИДА ХИТОЙ ВА ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИ ОМИЛИ

Режа:

- 1.Ўзбекистон - Хитой муносабатлари.
- 2.Ўзбекистон Япония муносабатлари.
- 3.Ўзбекистоннинг Тинч океани минтақасининг бошқа давлатлари билан муносабатлари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар: Ипак йўли энергетик миссияси, акцент, миллий давлатчилик, Ўзбекистон-Япония муносабатлари, Япон сармояси, Жанубий Корея, меҳнат бозори, Малайзия ва Индонезия, ҳукуматлараро битим.

1.Ўзбекистон - Хитой муносабатлари.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан ўзаро муносабат алоҳида ўрин тутди. Хитой билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтакавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ва турли сиёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда халқаро сиёсат майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Хитой халқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатнашаётган, дунёда эътироф этилган «Хитой модели» туфайли ялпи ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 78 фоиз миқдорда барқарор ўсиб келаётган етакчи мамлакатлар каторида туради.

Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликни юксак кадрлайди. Зеро ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида

хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро микёсда эътироф этилмоқда.

Халқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан алоқа қилиб, фан ва маданиятини бойитиб, тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Ўрта Осиё халқларидан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва эритиш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равнақ топган тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қулай замин яратади.

Шиддат билан ўзгараётган бугунга сиёсий, ижтимоий иқтисодий вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатликда иш олти боришини тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантиришни, террорчилик, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, сиёсий алоқаларини янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзиёқ Ўзбекистон-Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларни ривожлантиришдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдордир. Халқаро муносабатларнинг ушбу шакли давлатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. У учинчи томоннинг иштирокисиз, икки томонлама тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш, сақлаш, чуқурлаштириш ҳамда ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи ва ривожини ўзаро ҳамкорликка етарли даражада пойдевор қўйилганидан гувоҳлик беради. Буни қуйидаги омиллар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Хитойнинг халқаро ва минтакавий муаммоларини ҳал этишдаги таъсири кучайиб бормоқда. Бу айниқса Марказий ва Жанубий Осиё минтакасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш масалаларида яққол кўзга ташланмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари билан жуғрофий яқинлигини қисобга олган ҳолда, Хитой билан ҳамкорлик диний экстремизм, терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес ва ноқонуний қурол-яроғ савдоси муаммоларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Буларни бартараф қилишда дадил қадамлар ташлаш ва биргаликда концепциялар яратиш икки давлат ҳамкорлигини янада яқинлаштиради.

Кўп давлатлар қатори Хитой ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонани барпо этиш ҳақидаги сиёсий ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонани барпо этиш ғояси минтакавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади. Бундай зонани ташкил этиш ва бу масалада ядро қуролига эга бўлган қўшни Хитой билан ҳамкорликда режаларни амалга ошириш ва ривожлантириш минтақада ўзаро ишонч ва барқарорликка асосланган тинчликни таъминлашга хизмат қилади.

Афғонистон муаммоси - унга чегарадош бўлган Ўзбекистон ва Хитойни безовта қилувчи масала. Бундай вазият икки давлатга ҳам таҳдид туғдирмоқда. Муаммони «6+2» гуруҳи доирасида ҳал этишга чақирувчи Ўзбекистоннинг сиёсий ташаббуси, Покистон билан анъанавий алоқаларга эга бўлган ХХР томонидан қўллаб-қувватланиши эътиборга молик. Хусусан, Хитойнинг бу муаммони ижобий ҳал этишга фаолроқ ёндашиши унинг ечимини тезлаштирган бўлар эди.

Маълумки БМТ хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига кирувчи Хитой Халқ Республикаси ва бошқа давлатлар, ўзларининг атрофларида жойлашган ҳудудларнинг

барқарорлиги учун масъулдирлар. Ушбу давлатлар элчихоналари Тошкентда ҳам жойлашган. Шу туфайли, улар орқали Ўзбекистон раҳбарияти дунёда тинчликни сақловчи асосий механизм бўлган Хавфсизлик кенгашига жаҳонда рўй бераётган турли хил сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа воқеаларга ўзининг муносабатини ўз вақтида билдириб туради.

Кейинги йилларда дунё сиёсатида Хитой Халқ Республикасининг фаоллиги ошиб бормоқда. Хитой жаҳондаги геостратегик мавқеини мустаҳкамлаши натижасида аксарият давлатлар Хитой билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантира бошлашди. Хитой тобора етакчи давлатларнинг ташқи сиёсатида устувор ўрин эгаллаб келмоқда. Ўзбекистоннинг Хитой билан дипломатик алоқа ўрнатганлиги ўз натижаларини ижобий томондан кўрсатмоқда. Ўзаро алоқалар ҳукуматлараро музокараларнинг изчиллиги орқали давлатлар раҳбарларининг расмий ташрифлари, расмий делегациялар ва жамоат ташкилотларининг учрашувлари руқнда давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилмоқда: миллий давлатлар манфаатларининг устуворлиги, яъни ўзаро манфаатдорликни инобатга олиш; ўзаро тенг фойда кўриш; бир-бирининг ички сиёсатига аралашмаслик; умуминсоний кадриятларга эътибор, тинчлик ва барқарорликни сақлаш; халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва унинг давлат ички ҳуқуқ нормаларидан кўра устуворлиги. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Хитой билан муносабатларида узоқ муддатли алоқа қилиш стратегияси ва бу алоқаларни дўстона ҳамкорлик руҳида ривожлантириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасида олиб борилаётган ислохотларни фарқи ва баъзи соҳаларда ўхшашлиги давлатлараро алоқаларни ривожлантиришга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди.

Хитойнинг ривожланган давлатлар, яъни АҚШ, Япония, Осиё, Узоқ Шарқ давлатлари ва Европа Иттифоқи билан алоқа қилишдаги тажрибаси шундан далолат берадики, ижтимоий-сиёсий тизимдаги фарқлар ўзаро манфаатли ва кенг миқёсдаги ҳамкорликка ҳеч ҳам тўсқинлик қилмас экан. Хитой эришган тажриба айрим ҳолларда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари учун фойдали бўлиши мумкин. ХХР томонидан сармояларни жалб этиш бўйича малакаларни ўрганиш дунёда сармояларни қўйиш бўйича йўналишларни, уларни жалб қилиш услуб ва йўллари ҳамда оқибатда юзага келадиган муаммоларни яна ҳам яхшироқ билишимизга кафолат бера олади.

Ўзбекистон билан ХХР алоқаларини истиқболли йўналишларидан яна бири, минтақа давлатларининг ўз ҳудуди ва уни қуршаб турган мамлакатларда барқарорликни сақлаб туришидир.

Ўзаро алоқаларнинг кўп қиррали бўлиши Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш; халқаро ташкилотлар томонидан тинчликни сақлаш учун олиб борилаётган тадбирларда иштирок этиш ва бу соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш; ижтимоий-иқтисодий, энергетика ва атом энергияси соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ўзаро истиқболли ҳисобланган транспорт лойиҳаларини амалга ошириш; телекоммуникация, туризм, фан, техника ва маданият соҳасида айирбошлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти орқали Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида ишончли тизимни яратишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки пайтлардаёқ Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил 2-3 январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьзин Тошкентда бўлди, шу кунлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди, элчихоналар очишга қарор қилинди.

1992 йил 12-14 март кунлари Ўзбекистон Президенти И.Каримов ХХРга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликка асос солди. Дастлабки ташриф чоғида

ҳамкорликнинг турли соҳалари бўйича 20 га яқин ҳужжатлар имзоланган бўлса, 1994 йил 18-20 апрель кунлари ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пеннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи пайтида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кредит, халқаро - иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Унга кўра, Хитой Ўзбекистонда тайёрланаётган ИЛ-76 ва ИЛ-114 самолётларини харид қилишга қарор қилди. 1994 йил 24-25 октябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Хитойга иккинчи марта сафар қилди ва муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳужжат – "Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома", шунингдек, икки давлат ўртасида консуллик шартномаси имзоланди.

2. Ўзбекистон-Япония муносабатлари.

Ўзбекистон Шарқнинг энг ривожланган мамлакати бўлган Япония билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда. 1994 йил 16-19 май кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси расмий ташриф билан Японияда бўлди. Сафар пайтида Ўзбекистон билан Япония ўртасида муносабатларнинг асосий тамойиллари ҳақида қўшма баёнот, ташқи ишлар бўйича муносабатлар ҳақида ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон делегацияси машҳур Панасоник концернида бўлди ва унинг раҳбарияти билан Ўзбекистонда шўъба очишга келишилди. Республикамиз шаҳарларида Панасоник маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда Япониянинг дунёга машҳур "Мицуи ва КО ЛТД", "Мицубиси корпорейшн", "Сумитото корпорейшн", "Томен корпорейшн", "Чори" каби компанияларининг доимий ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар билан Ўзбекистон ташқи иқтисодий вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Япония ҳукумати Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришда, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводини қуришда, Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлашда, телеалоқа тармоқларини таъмирлашда ўз сармоялари билан қатнашмоқда. Фақат 1994 йилда 40 нафардан ортиқ ёшлар Японияда малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон - Япония ҳамкорлигининг молиявий-иқтисодий томони республика иқтисодини ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида Япония томони Ўзбекистонга Марказий Осиёда асосий геосиёсий ҳолатга ҳамда Япония учун катта аҳамиятга эга бўлган мамлакат сифатида қарамоқда.

2002 йилнинг июль ойида Президент Ислом Каримовнинг Японияга қилган ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юқори даражада эканлигини намоён этди.

Ташриф натижасида ўзбек-япон муносабатлари сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилиб, Ўзбекистоннинг Япония билан муносабатларига стратегик шериклик мақоми берилган эди. Бундай мақом Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан муносабатларининг муҳимлик даражасига кўра энг юқоридир.

Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида, асосан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришдан иборат бўлган Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги шаклан янгалана бошлади. Ўзбекистон-Япония иккитомонлама муносабатларида уларнинг сиёсий таркибини тўлдириш бўйича аниқ тенденция пайдо бўлди. Ўзбекистон-Япония икки томонлама муносабатларида иқтисодий оғиш сиёсий ҳамкорлик томонга йўналтирила бошланди. Ушбу бурилиш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Дзюничиرو Коидзуми томонидан имзоланган Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма Баёнотда ўз тасдиғини топди.

Ташриф давомида икки мамлакат ўртасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга кўмаклашувчи бир қатор ҳужжатлар (жами 14 та) имзоланди. Юқорида таъкидланган ҳужжатлардан ташқари «Ўзбекистон Республикаси ва Япония иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш тўғрисида қўшма баёнот»ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Иккала томон ҳам халқаро антитеррористик коалиция фаолиятидаги бир-бирининг фаол иштирокини юқори баҳолайди. Ўзбекистон Япониянинг Осиёдаги каби, бутун дунёда хавфсизликни таъминлашда янада фаолроқ роль ўйнашга интилишини, ўз навбатида Япония томони ҳам Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги

муқим шериги деб ҳисоблайди ва минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратишга ва халқаро терроризмга қарши курашишга оид Ўзбекистон ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ва Япония БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Бизнинг мамлакатимиз Японияни БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо сифатида қабул қилиш ташаббусини илгари сурган ва шу позицияни қаттиқ ҳимоя қилади. Ўзбекистон Афғонистонни иқтисодий қайта тиклашга масалаларига бағишланган Токио анжумани ишида фаол иштирок этди.

Афғонистонда иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун Ўзбекистон инфратузилмаси ва ресурс салоҳиятидан фойдаланишга Япония томонидан қизиқиш билдирилди.

Япония ҳукумати Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига ўзининг молиявий ёрдам ҳажмини кенгайтирмоқда.

Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш учун Бош вазир Дж.Коидзумининг 2002 йил апрель ойида Боаода (ХХР) ўтказилган Осиё Форумида илгари сурган Шарқий Осиёдаги иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига Марказий Осиё минтақасини жалб қилиш тўғрисидаги ташаббуси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уни амалга ошириш ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш учун 2002 йилнинг июль ойида Япония ҳукумати Ўзбекистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига «Ипак йўли энергетик миссиясини» юборди. Мазкур ташаббуснинг акценти энергетика соҳасидаги ҳамкорликка қаратилади. Иқтисодиётдан ташқари, Япония Ўзбекистон билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан ҳам манфаатдордир.

2006 йилнинг кузида Япония Бош вазири Дж. Коидзумининг Ўзбекистонга ташрифи бу мамлакатнинг Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистонга бўлган қизиқишини яна бир бор ифодалаб берди. Япония Ўзбекистонга 10дан ортиқ турли дастурлар доирасига кўмак бермоқда. Жумладан, Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилишида Япония 150 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган ҳолда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон - Япония муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари борасида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолигига номзод сифатида илгари сурди ва доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония эса ўз навбатида Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати ва миллий давлатчилигига юксак даражада ҳурмат кўрсатган давлатлардан бири ҳисобланади. 2005 йил Андижон воқеаларидан кейин Ўзбекистонга қарши бошланган ахборот хуружи даврида Ўзбекистонга қарши амалга оширилган бўҳтонларга қўшилмади. Аксинча, Япония БМТнинг 3 Қўмитасига раислик қилган 2005 йилда, Қўмитанинг навбатдаги мажлисларидан бирига айнан Ўзбекистон масаласини кун тартибига қўйишдан бош тортди ва Ўзбекистонда рўй берган 13 май воқеаларида мамлакат ҳукуматининг айби йўқлигини, бу воқеа ташқаридан атайлаб уюштирилган хуруж эканлигини чуқур англаб етганлигини намоён этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон - Япония муносабатлари янги босқичга кўтарилаётганлигини таъкидлаш мумкин. 2007 йил апрель ойининг сўнгги кунларида Япониянинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Акира Амарини бошчилигидаги йирик саноатчи ва тижоратчилардан иборат делегациянинг Ўзбекистонда бўлиши икки мамлакат ўртасида амалий ишлар ривож топаётганлигидан далолат беради.

Япониянинг Марказий Осиёда геосиёсий манфаатлари мавжуд. Аммо кунчиқар мамлакатнинг манфаатлари минтақада тинчлик ва ҳамкорликнинг бузилишига йўналтирилмаган. Япония бу минтақадаги барча республикаларнинг миллий давлатчилик анъаналари, давлатчилик тузумини қўллаб-қувватлайди. Шу нуқтаи-назардан Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари иқтисодий мазмунда эканлиги маълум бўлади. Ўзбекистонга яхши маълумки, Қозоғистон Япониянинг Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шериги ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам Япон сармоясини ўз иқтисодиётига жалб этишдан жуда манфаатдор. Шу нуқтаи-назардан Акира Амарини бошчилигидаги

делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Ўзбекистоннинг Тинч океани минтақасидаги бошқа давлатлар билан муносабатлари.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатлар ўртасида айниқса Корея Республикаси билан алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга. 1992 йил март ойида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. 1992 йил 19 июнда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Жанубий Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Мазкур декларация икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий-техникавий алоқаларга асос солди. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларация имзоланган бўлиб, савдо-иқтисодий айирбошлаш ҳақида, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ сарфлайдиган Жанубий Корея ишбилармонларига бериладиган кафолатлар ҳақида битимлар тузилди. Маданият, маориф, оммавий ахборот, саёҳат, спорт соҳаларида баҳамжihat ҳамкорлик қилишнинг узок муддатга мўлжалланган режалари белгилаб олинди. Жанубий Кореядаги ДЭУ Корпорацияси раҳбарияти билан Асакада автомобиль заводи қуришга келишилди. 1992-1996 йилларда «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма автомобиль заводи лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари амалга оширилди. Завод 1996 йил 25 март куни автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

Корея Республикаси президенти Но Му Хённинг таклифига биноан 2006 йилнинг 28-30-март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Корея Республикасига давлат ташрифини амалга оширди. Мазкур ташриф Ўзбекистоннинг геосиёсий имкониятларини ошириш билан бир қаторда, мамлакатимизга бевосита сармоя жалб қилиш нуқтаи-назаридан ҳам аҳамиятлидир. Айнан ана шу ташриф мобайнида икки мамлакат раҳбарлари турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги 15 ҳужжатга имзо чекдилар. Қилишувлар асосида Корея Республикасидан Ўзбекистонга 1 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилиши кўзда тутилган. Бу рақамлар Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсатида Корея Республикаси бекиёс ўрин тутганлигидан далолат беради. Маълумки, Ўзбекистон ҳам Корея Республикасининг меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлиб, бу Ўзбекистон Республикасининг Корея меҳнат бозоридаги сармоясини сифат жиҳатдан юксалтириш, мамлакатга тайёр маҳсулот экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутади.

Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзаси мамлакатларидан Малайзия ва Индонезия билан ўзаро алоқалари ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1992 йил июнь ойидаги Малайзия ва Индонезияга сафари муҳим аҳамиятга эгадир. Сафар кунларида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш бўйича қўшма ахборот, икки томонлама муносабатлар бўйича қўшма баёнот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1995 йил 8-10 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар ниясида Ўзбекистон Президенти И.Каримов ва Индонезия Президенти Сухарто Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма баённомани имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги меморандум ҳамда икки мамлакат пойтахтлари оралиғида самолётлар катновини йўлга қўйиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Осиё ва Океания минтақасидаги Вьетнам Социалистик Республикаси, Таиланд, Австралия ва бошқа мамлакатлар билан сиёсий-дипломатик алоқалари йўлга қўйилди, улар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Сингапур Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганига ҳам 10 йилдан ошди. Гарчи бу мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар қандайдир аниқ шаклланган геосиёсий мазмунга эга бўлмаса-да, Сингапурнинг Жануби-Шарқий Осиёдаги иқтисодий мавқеи ва ўзи кичик худудга эга бўлишига қарамасдан сўнгги 20 йил ичида эришган ютуқлари нуқтаи-назаридан қараганда бу мамлакат билан алоқаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини намоён этади.

2007 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти Сингапур Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан мазкур мамлакатга давлат ташрифини амалга оширди. Ўзбекистон томонидан Сингапурнинг иқтисодий имкониятлари юқори баҳоланди ва Президентнинг бу мамлакатга ташрифи айнан ана шундай амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 2006 йил маълумотларига кўра икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажми 110 миллион АҚШ долларига етган. 2007 йилга келиб Ўзбекистонда Сингапур сармояси билан ишлаётган қўшма корхоналар сони 12 тага етган. Бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши ҳар икки мамлакат манфаатларига тўла мос келади. Мамлакатимиз раҳбарининг бу мамлакатга қилган ташрифи муносабатларнинг янада ривожлантиришга, бу мамлакат сармоясининг Ўзбекистонга кириб келишини кучайтиришга қаратилган.

8-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ГЕОСИЁСIIЙ КЕЛАЖАГИ

Режа:

- 1.Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари.
- 2.ХХI аср ва янги геосиёсий вазият.
- 3.Ҳозирги замон геосиёсатида ахборот омили.

Мавзу юзасидан таянч иборалар: ижтимоий фикр, ҳукукий фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари, “тўртинчи ҳокимият”, демократик ўзгаришлар, стратегик вазифалар, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, инсон ҳуқуқлари, инсон эркинликлари, ошкоралик, ислохот, демократик тамойиллар.

1.Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари.



Ўзбекистон Афғонистон шимолида жойлашган Марказий Осиёнинг марказидаги республика.

Жуғрофий координатлари: 41° 00" ш.к, 64° 00" ш.у.

Умумий майдони: 447,4 км.кв.;

қуруқлик майдони: 425,400 км.кв.;

сув майдони: 22 000 км.кв.

Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги 6221 км. Шу жумладан Афғонистон билан – 137 км., Қозоғистон билан 2203 км., Қирғизистон билан 1099 км, Тожикистон билан 1161 км ва Туркманистон билан 1 621 км.

Қирғоқ чегарасининг узунлиги: 0 км¹. Қитъа ичида жойлашганлиги учун денгиз ҳудудларига даъволари мавжуд эмас².

Иқлими асосан мўътадил, ёзи узоқ ва иссиқ, киши юмшоқ шарқий ҳудудлари курук чўллар, чала-чўллар ва дашлардан иборат. Рельефи асосан текис кумли чўллар, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёларидан суғориладиган кенг майдонлардан иборат. Фарғона водийси шарқда Қирғизистон тоғлари билан ўралган. Мамлакат ғарбида Орол денгизи жойлашган.

Энг юқори ва энг паст нуқталари: Сарикарнуш кўли – 12 м., ва энг юқори нуқтаси Аделунга тоғи 4 301 м.

Табиий захиралари: табиий газ, нефть, кўмир, олтин, уран, кумуш, мис, кўрғошин, цинк, вольфрам, молибден.

Дехқончилик:

ҳайдаладиган ерлар:	9 %;
Яйловлар:	46 %;
Ўрмонлар:	3 %;
Бошқалар:	41 % (1993 й.р.м.)

Суғориладиган майдонлар: 40 000 км.кв.

Ўзбекистонда атроф муҳит билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд бўлиб, Орол денгизининг қуриши оқибатида пестицидлар ва табиий тузларнинг тўпланиши рўй бермоқда. Бунинг натижасида ерларнинг шўрланиши ва чўлларнинг кенгайиши кучайиб бормоқда. Саноат оқовалари билан сувларнинг ифлосланиши навбатдаги жиддий муаммо ҳисобланади. Ўтган асрнинг 80 йилларида минерал ўғитлар ва пестицидларнинг кишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши оқибатида аҳоли ўртасида турли касалликлар кузатилган. Шўро даврида кишлоқ хўжалигида турли химиявий дориларнинг (масалан ДДТ) қўлланилиши ҳам ерларнинг касаланишига ҳам олиб келган.

Марказий Осиё миқёсида тарқалган бу муаммолар минтақадаги барча республикалар иштирокида ҳал этилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнларига алоҳида аҳамият беради.

XX асрнинг охирида юз берган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар натижасида дунёнинг геосиёсий ҳолати тубдан ўзгарди, янги мустақил давлатлар вужудга келди ва бу давлатлар халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш йўлига утди.

Булар жумласига Марказий Осиё давлатлари ҳам киради. Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритганларидан сўнг, ҳар бири ўзининг сиёсий ва иқтисодий, ташқи ва ички сиёсатида устувор тамойилларни аниқлаб олган ҳолда миллий давлатчилигини шакллантира бошлади. Давлатлар ташқи сиёсат юргизар экан, албатта, миллий манфаатларини кўзлайди. Ташқи сиёсатнинг моҳиятини эса миллий манфаатлар ташкил этади.

Миллий манфаатлар - бу миллати, дини, дунёқарашидан қатъи назар, республикамиздаги барча фуқароларнинг манфаатидир. Мазкур манфаатларнинг турли хил ташқи ва ички таъжовулардан ҳимоя қилинишига эришиш бевосита миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати, авваламбор, миллий манфаатлар асосида шаклланган бўлиб, қуйидаги тамойиллар унинг устувор йўналишлари сифатида қабул қилинган:

-республика миллий давлат манфаатларининг устунлиги, бошқа давлат манфаатларини ҳисобга олиш зарурати;

-республика халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизлик учун, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори сифатида ҳаракат қилиши;

¹ 420 кмлик қирғоғи билан Орол денгизи (кўлининг жанубий қисми Ўзбекистон ҳудудидадир.

² Линхенштейн каби Ўзбекистон ҳам икки ва ундан ортиқ мамлакат ҳудуди орқали океанга чиқиш имкониятига эга бўлган икки мамлакатнинг биридир. Бу айрим манбаларда «дабл локэд лэнд», яъни «икки қарра қулфланган ер (ҳудуд) деб ҳам аталади.

-ядросиз ҳудуд бўлгани ҳолда, Ўзбекистон ҳеч қандай харбий блокларга ва иттифокларга кирмайди, шунингдек, мунозарали муаммоларни куч орқали таҳдид қилиш йўли билан ҳал қилишдан бош тортиши;

-ташқи сиёсатнинг бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳолда қурилиши;

-ўз миллий-ҳуқуқий тизимини барпо этаётган Ўзбекистоннинг ички давлат меъёрларига нисбатан халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устун эканини тан олиши ва барча халқаро стандартларга риоя қилиши;

-Ўзбекистон, ўзаро ишонч асосида икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатишга ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилишга тайёрлиги.

Халқаро муносабатларда қабул қилинган мазкур тамойиллар ўта муҳим бўлиб, уларга риоя қилиш давлатлар ўртасидаги муаммоларни ечишга кўмак беради.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йуналишларидан бири бу - Марказий Осиё омилидир. Зеро, Марказий Осиё бугунги кунда жуғрофий-сиёсий ва жуғрофий-стратегик нуқтаи назардан жуда муҳим марказий ҳудудда жойлашган. Марказий Осиё ҳақида проф. Г.А.Ҳидоятлов шундай дейди: «Марказий Осиё давлатлари Осиё минтақасида муҳим геосиёсий ўрин тутадилар. Уларнинг ҳудуди 4.4 млн. кв.км. бўлгани ҳолда, бутун Осиёнинг 10 фоизини ташкил этади. Ҳудуд Хитой чегараларидан Эрон ва Каспийгача чўзилган бўлиб, Европа, Узоқ Шарқ, ва Жанубий Осиёни боғловчи тугундир. Марказий Осиё давлатларининг келажакда дунё сиёсатида муҳим тарихий роль ўйнаши учун барча имкониятлар мавжуд»¹.

Марказий Осиё давлатлари «совуқ уруш» барҳам топгандан кейинги даврда – халқаро муносабатларнинг янги тизими таркиб топиши жараёнига жадал қўшилмоқда. Икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар Марказий Осиё минтақасига оламшумул иқтисодий ва сиёсий ўлчовларни бахш этмоқда. Ўз навбатида, бу омиллар бир-бири билан ўта чатишиб кетган таркибий қисмларга бўлиниб кетади, бунинг устига, уларнинг ривожланиши бир маромда эмаслиги кузатишмоқда. Айримларининг ақамияти йўқолиб бораётган бўлса, бошқалари, аксинча, энди авж олиб келмоқда.

Бугунги кунда этник, маҳаллий, минтақавий можаролар ва жангари сепаратизм, диний ақидапарастлик каби омиллар хавфсизликка таҳдид солмоқда. Айниқса, бундай қарама-қаршилиқлар айрим кучлар қўлида уларнинг ўз манфаатлари ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак отиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Ўзбекистон этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар гирдобига қолган мамлакатлар қуршовида жойлашган.

Дунё ҳамжамиятининг Марказий Осиёга нисбатан қизиқиши ва манфаатлари жуда кучлидир. Шу билан бир қаторда, айтиш лозимки, ташқи кучларнинг сиёсий ва иқтисодий, маънавий ва мафкуравий манфаатлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун минтақада жойлашган давлатлар бу муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топишлари лозим бўлади. Президентимиз айтганларидек, Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланиши ва тараққиёти, унинг халқаро ҳамжамиятга қўшилиши ва улар билан тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатиши кўп жиҳатдан тинчликка боғлиқдир. Тинчлик эса ҳамкорликда таъминланади.

Сайёраамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларнинг қайси йўлдан боришига боғлиқ. Шундай экан, мустақилликнинг биринчи йиллариданок, минтақадаги давлатларга давлат сифатида ривожланишига, иқтисодий тараққиётига, ўзи танлаган йўлдан боришига ташқи кучлар томонидан таъсир кўрсатиш ҳаракатлари бўлди. Минтақада жуғрофий-сиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаган тақдирдагина мазкур муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади.

¹ Ҳидоятлов Г.А. Безопасность и сотрудничество в Центральной Азии: проблемы, поиски, решения. // Халқаро муносабатлар: иқтисод, сиёсат, 2001, 3-сон, 53-бет.

Географик нуқтаи назардан Ўзбекистан мазкур ҳудуднинг марказида жойлашган ва бу барча ердаги давлатлар билан чегарадош ҳисобланади. Қўшни давлатлар бундай имкониятдан маҳрумдирлар. Барча давлатлар улкан геосиёсий майдонда жойлашган бўлиб, умумий инфратузилмага, бир-бирига боғлиқ, иқтисодийга эга ҳолда денгиз коммуникацияларидан анча узоқда жойлашганлар, яъни мазкур ҳудуд континентал ҳисобланади. Ана шу масалада Марказий Осиёни дунёнинг бошқа минтақаси ёки давлатлари билан таққослаб бўлмайди. Европа қитъаси, Осиё-Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё ва Ўрта Ер денгизи давлатларининг деярли барчаси бевосита денгиз коммуникацияларига чиқади, яъни улар денгиз давлатлари ҳисобланади.

Марказий Осиё нафақат геосиёсий нуқтаи назардан, балки геоиқтисодий томондан ҳам ягона ҳудуд ҳисобланади. Унинг геосиёсий жиҳатдан чеклангани табиий ресурсларнинг бойлиги билан қопланади. Табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш янги технологияларни ва технологик фанларни ривожлантиришни талаб этади. Афсуски, ушбу соҳада Марказий Осиё давлатлари ривожланган давлатлардан орқада қолмоқда. Шунинг учун минтақа давлатларининг фан ва техника соҳасидаги уринишларини мувофиқлаштиришга эҳтиёж туғилмоқда. Ҳар бир республика алоҳида фаннинг муайян соҳасида маълум ютуқларга эга, агарда ушбу ютуқлар умумий манфаатлар йўлида бирлаштирилса, йирик ва ижобий натижаларга эришса бўлади.

Ҳудуднинг тарихан бирлиги иқтисодий интеграция жараёнларига кучли туртки бўлади. Марказий Осиё давлатларининг дини, эътиқоди, тили, урф-одатлари, бошидан ўтказган оғир тарихий кунлари ва йиғилиб қолган муаммолар йиғиндиси уларни бирлаштирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шу жумладан, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциясига табиий таъсир этувчи бир қанча омиллар ҳам мавжуд (булар сув манбалари ва транспорт йўлларининг умумийлиги, коммуникация ва энергетик ресурсларнинг бир-бирига боғлиқлиги, Орол денгизи билан боғлиқ, экологик муаммо ва бошқалар). Мазкур геоиқтисодий бирлик интеграция жараёнларига табиий асос бўлиши мумкин ва, ўз навбатида, мазкур омилларнинг ҳал қилинмаслиги минтақа хавфсизлиги ва интеграция жараёнларини ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин.

Марказий Осиё ҳудудидаги иқтисодий интеграция жараёнлари чет давлатларини ҳам, халқаро ташкилотларнинг ҳам минтақамизга бўлган қизиқишини оширади.

Молиявий-иқтисодий барқарорлик ва миллий валютамининг конвертациясига эришилгани, қулай агросаноат комплекси чет эл инвесторларини жалб этиш учун омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, очиқ ва арзон транспорт коммуникацияларининг етарли эмаслиги, божхона масалаларининг тўла ҳал этилмаганлиги, республикалар ўртасида пул муомаласи тартибга солинмаганлиги - катта миқдорда арзон ишчи кучи бўлган тақдирда ҳам, - маҳсулот ва хомашёни, ўзларига тегишли бўлган валюта миқдорини олиб чиқишдаги тўсиқлар чет эл капиталини жалб этиш самарадорлигини пасайтириши мумкин. Буни салбий нуқтаи назар сифатида қарамаслик лозим, чунки юқорида кўрсатилган муаммолар ҳал этилса, Ўзбекистон ва Марказий Осиё бозори чет эл капитални учун фойда келтирувчи манбага айланади.

Шу нуқтаи назардан Марказий Осиё давлатларининг ёқилги энергетика борасида ҳам келишилган сиёсат олиб боришлари иқтисодий интеграция жараёнига кўмак беради. Лекин бу жуда нозик масала бўлиб, давлат раҳбарларининг сиёсий иродасига ҳам боғлиқдир. Марказий Осиёнинг нефть ва газ захираларига бойлиги чет эл давлатларини доимо ўзига жалб этиб туради.

Марказий Осиёда разведка қилинган нефть захиралари 15 дан 31 млрд. баррель ёки барча дунё захираларининг 2,7 фоизини, табиий газ захиралари 230 дан 360 триллион куб.футни ёки дунё захираларининг 7 фоизини ташкил этади.

Ҳозирги кунда Европа Ҳамжамияти давлатлари энергетика эҳтиёжларининг 50 фоизини импорт эвазига қопламоқдалар. Энергетика бўйича халқаро агентликнинг маълумотида кўра ушбу қарамлик янада ортади. Европа Иттифокнинг табиий газга бўлган эҳтиёжи 220 млрд.

м.кубни ташкил этган ҳолда, 2010 йилга бориб 300 млрд.см.кубга етади, яъни 35 %га ортади. Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг ёқилғи-энергетик ресурсларга бўлган эҳтиёжи ҳам айрим маълумотларга кўра тахминан 30 %га ортди. Мазкур ресурсларнинг чекланганлиги Европа, Жануби-Шарқий Осиё давлатларини Марказий Осиё минтақасига эътибор қаратишга ундайди¹.

Нефть ва газ ресурсларини разведка қилиш, қазиб олиш ва экспорт қилиш Марказий Осиё давлатларидан юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишни ва турли хил мавжуд тўсиқларни олиб ташлашни тақозо этади.

Ундан ташқари, Марказий Осиёнинг Россия, Хитой, Эрон, Туркия давлатлари билан қўшничилиги дунё давлатларининг назарини ўзига тортади. Ҳозирги кунда АҚШ Европа давлатлари ва Япония минтақамизнинг иқтисодий потенциалига қизиқиш билдирмоқда. Бу эса Марказий Осиёда геосиёсий рақобатнинг авж олишига олиб келади. Мазкур жараёнда масалани минтақа давлатларининг миллий манфаатлари устуворлиги асосида ҳал этилиши ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада ҳам маълум даражада келишилган сиёсат ўз ижобий натижасини бериши муқаррар.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё бозорида йирик компанияларнинг иш бошлаши, улар томонидан иқтисодимизга жалб қилинадиган капиталлар минтақамиз хавфсизлиги йўлидаги муҳим омиллардир. Чунки у ёки бу давлатга қўйилган инвестициялар бевосита хавфсизлик масалалари билан ҳам боғлиқдир. Маълумки, инвестор давлатлар мазкур ҳудуднинг барқарорлигидан манфаатдор бўлади. Ўз ўрнида, минтақа давлатлари ҳам ана шу барқарорликни сақлаб туриш мақсадида келишилган сиёсат олиб боришдан манфаатдордир.

Марказий Осиё давлатларининг у ёки бу давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги мазкур давлатларнинг ташқи сиёсати ва айниқса, ўзаро муносабатларига боғлиқдир. Чунки Марказий Осиё аслида ягона геосиёсий ҳудуддир. Шундай экан, Марказий Осиё давлатлари 1994 йилда имзоланган ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш шартномасини қайта кўриб чиқишлари ва иқтисодий интеграция жараёнига катта эътибор беришлари мақсадга мувофиқ, бўлар эди. Ҳудуднинг асосий бойликлари (Туркманистон бундан мустасно), яъни ишчи кучи, сув ва энергетика ресурслари, ер ости бойликларининг асосий қисми Марказий Осиёнинг турт давлати ҳиссасига тўғри келади. Келишилган иқтисодий сиёсат орқали ЭКО, МДХ, ШХТда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бориш мумкин бўлади. Аслида, иқтисодий интеграция ҳам жуда мураккаб жараёндир.

Замонавий ривожланиш жараёни халқаро ҳўжалик тизими вужудга келаётганлигидан далолат бермоқда. Мазкур ҳўжалик тизимида йирик давлатлар ва иқтисодий ташкилотларга бирлашган ҳолда, яъни умумий минтақа бозори орқали маълум минтақа давлатлари иштирок этмоқдалар. Бу жараён ўз ўрнида иқтисодиётнинг трансмиллийлашаётганлигини ва маълум минтақаларда иқтисодий интеграциянинг кучаяётганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, Марказий Осиё давлатлари бир-бирига яқин иқтисодий позицияга эга бўлган ҳолда ўз иқтисодиётларини ривожлантиришга эътибор бериб, умумжаҳон иқтисодиёти интеграцияси жараёнларидан орқада қолмасликлари лозимдир.

Ҳақиқий ва амалий натижа берувчи ягона геоиқтисодий маконни шакллантиришга ривожланган миллий иқтисодиёт орқали эришиш мумкин. Миллий иқтисодиётни юқори даражага кўтариш, бу реал ишлаб чиқаришни шакллантириш ва экспорт-импорт масалаларига катта эътибор беришдир. Мазкур масалага прагматик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак ҳар қандай иқтисодий ҳамкорлик сиёсий келишувлар орқали амалга ошади, яъни иқтисодий ҳамкорлик маълум бир сиёсий аспектларсиз амалга ошиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов биринчи бўлиб Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграция масаласини кўтариб, 2001 йилнинг декабрь ойида «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини тузиш ташаббуси билан чикди. Ушбу муаммо Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда маълум бир қийинчиликларни

¹ Гегешидзе А. Еще раз о Великом шелковом пути //Центральная Азия и Кавказ, 1999, 3 (4)-сон,174-бет

вужудга келтираётганини англаган давлат раҳбарлари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Натижада, 2002 йилнинг 28 феввалида Алматида минтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувида Марказий Осиё иқтисодий ҳамдустлиги «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотига айлантирилди ва унинг сиёсий функциялари кенгайтирилди.

Охириги ўн йил мобайнида минтақа раҳбарлари томонидан жуда кўплаб ишлар қилинди ва натижада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик учун ягона тизим ўзаги шаклланди. Тан олмоқ зарурки, ушбу тизимнинг юзага келиши ва шаклланишида Президентимиз Ислон Каримовнинг хизматлари катта бўлди.

Минтақа давлатларининг раҳбарлари томонидан олиб борилган бу ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари томонидан иқтисодий интеграция учун ҳукукий асос яратилмоқда. Иқтисодий, савдо ва божхона муносабатларнинг такомиллашиб бориши натижасида, Марказий Осиёнинг ичида ҳам келажакда экспорт-импорт амалиётларининг ривожланиши ва унинг юқори босқичга кўтарилишини кутиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг асосий вазифаси ҳозирги кундаги турли хил ташки ва ички омилларни, шунингдек, барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда интеграция жараёнларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдир.

Шундай қилиб, ХХІ асрда минтақадаги давлатларнинг ушбу йўналишдаги ҳаракатлари тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва жуғрофий-сиёсий мувозанатни сақлаб қолишга холис кўз билан қарашга ундайди.

Минтақанинг келажакдаги ривожланиши ва тараққиёти ҳозирги халқаро муносабатларнинг, сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг сифат жиҳатидан янги тартибда шаклланишига, минтақа давлатларини раҳбарларининг юксак маҳорати ва масъулиятига боғлиқ.

2. ХХІ аср ва янги геосиёсий вазият.

Бугунги кунда халқаро муносабатларда энг долзарб ва оламшумул муаммолардан ҳисобланган хавфсизлик, барқарорлик ва тинчлик масалаларига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Дунё халқларининг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий тараққиёти ва ривожланиши айнан шу муаммоларнинг қай даражада ечилишига боғлиқдир.

Собиқ совет тузуми парчаланиб кетиши оқибатида «совуқ уруш» деб аталган энг даҳшатли ҳарбий рақобатга нуқта қўйилди. Аммо эски тузумнинг парчаланиб кетиши бошқа муҳим муаммоларнинг ечими учун кафолат бўла олмади.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йилидаги воқеалардан кейин дунё хавфсиз бўла олмади, аксинча у янада кескин, баъзида шафқатсиз, айниқса олдиндан билиб бўлмас киёфага кирди. Халқаро муносабатлардаги айнан ушбу янги босқич айрим сиёсатшунослар томонидан «совуқ дунё» номи билан юритилиб, у минтақавий миқёсда ҳам, глобал миқёсда ҳам ўз тасдиғини топомқда.

Марказий Осиё мамлакатлари «совуқ уруш» барҳам топгандан кейинги даврда халқаро муносабатларнинг янги тарзи тизими тарғиб топиши жараёнига жадал қўшилмоқдалар. Икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар Марказий Осиё минтақасининг оламшумул иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини оширмоқда. Ўз навбатида, бу омиллар бири бири билан ўта чатишиб кетган таркибий қисмларга бўлиниб кетади, бунинг устига, уларнинг ривожланиши бир маромда эмаслиги кузатилмоқда. Айримларининг аҳамияти йуқола бораётган бўлса, бошқалари, аксинча, энди авж олиб келмоқда.

Бундай қарама-қаршилиқлар айрим кучлар қўлида уларнинг ўз манфаатлари ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритганларидан сўнг, ҳар бири ўзининг сиёсий ва иқтисодий, ташки ва ички сиёсатида устувор тамойилларни аниқлаб олган

ҳолда ўз давлатчилигини шакллантира бошлади. Давлатчиликни шакллантириш жараёни, албатта, осон кечмади. Чунки минтақадаги давлатларнинг ҳар бирида ички ва ташқи муаммолар етарли эди.

Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак отиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, минтақадаги мавжуд муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши минтақа хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлади. Акс ҳолда, бу муаммолар келажакда барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид сифатида шаклланиб бориши ва мисли кўрилмаган оқибатларга олиб келиши аниқ.

Минтақанинг хавфсизлигига ва барқарор ривожланишига таҳдид солаётган омилларни шартли равишда ташқи ва ички омилларга бўлишимиз мумкин. Ички омилларга – собиқ совет тузумидан қолган эскича режа асосида қурилган иқтисод, сув-энергетика, транспорт-коммуникация муаммолари, дахшатли экологик вазиятни киритиш мумкин.

Ҳар қандай жамият ва мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва иқтисодий ривожланиши иқтисодий ўсишнинг 3 та омили билан аниқланади: меҳнат ресурслари, сунъий равишда яратилган ишлаб чиқариш куроллари (ускуналари) ва табиий ресурслар. Иқтисодиёт фани экологик муаммоларга етарли эътибор қаратмаганлиги оқибатида иқтисодий ривожланишнинг техноген тури юзага келди. Бу турни табиатни барбод этувчи ривожланиш тури сифатида баҳолаш мумкин, чунки у экологик чекланишларни ҳисобга олмаслик асосида яратилган сунъий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишга асослангандир.

Умумбашарий, минтақавий ва маҳаллий (локал) экологик таҳдидларнинг олдини олиш учун тараққиёт ва ривожланишнинг техноген омилидан ташқари бошқа барқарор турига ўтиш ҳозирги куннинг асосий талабига айланди. Барқарор ривожланиш концепцияси нафақат иқтисодиёт фанида, балки халқаро амалиётда ҳам тан олинди.

Курраи заминимизда барқарор иқтисодий ва экологик тараққиётни таъминлашга бағишланган 3-Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конференцияси 2002 йил август-сентябрь ойларида Йоханесбург (ЖАР)да бўлиб ўтганлиги кўпчиликка маълум. Конференциянинг энг муҳим ҳужжати сифатида, сўзсиз, "XXI асрда барқарор тараққиёт декларацияси" қабул қилинганлигини алоҳида эътироф этмоқ керак. Барқарор ривожланишни қисқача таърифлайдиган бўлсак, ўз мазмун-моҳиятига кўра, қуйидагилардан иборат:

- келгуси авлодларга қўшимча харажатларни юкламайдиган тараққиёт йўлини танлаш;
- доимо келажак мақсадларни кўзлаб, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалларидан кенгрок, фойдаланишга асосланган ривожланиш;
- табиий салоҳиятни ва экологик яхлитликни сақлаган ҳолда, ундан оқилона фойдаланишга асосланган ривожланиш ва ҳ.к.

Аммо сўнгги йилларда Ер сайёрасининг табиий - ҳаётий муҳитида юз бераётган экологик ҳолат инсониятни тобора ташвишга солмоқда. Замонавий ишлаб-чиқариш техникаси ва технологияларининг шиддатли суръатлар билан ривожланиши нафақат мамлакатнинг иқтисодий ўсишига олиб келади, балки табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва атроф-муҳитга салбий таъсири каби салбий жиҳатлари ҳам кузатилади. Натижада, кўплаб экологик муаммолар содир бўлади. Ҳозирги экологик аҳвол ва ер юзининг турли жойларида кузатилаётган табиий ва иқлимий ўзгариш фикримиз исботидир. Иқтисодиётнинг аграр йўналишидаги ривожланиш ва сувдан оқилона фойдаланмаслик оқибатида Орол денгизига қуйиладиган Амударё ҳамда Сирдарёнинг сув ҳажмлари камайиб кетди. Орол денгизи муаммоси нафақат минтақавий, балки сайёравий фожеага айланди. Минтақада ерларнинг шўрланиши сабабли пахта ҳосилдорлиги камайишидан кўрилган иқтисодий зарар бир неча ўн миллиард сўмни ташкил этди. 3 миллиондан ортиқ Орол бўйи аҳолиси учун ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар вужудга келди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистан буюк келажак сари. -Т.:Ўзбекистон, 1999, 421-бет.

Сув таъминоти ва чегараолди сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш муаммоси Марказий Осиё давлатлари ривожини оқсоклантираётган омиллардан бири ҳисобланади. Сув муаммоси - Марказий Осиё мамлакатларида давлат қурилишидаги яхлит жараёнга таъсир кўрсатувчи, миллий хавфсизлик манфаатларига бевосита дахлдор бўлган мавзу. Чунки сув доимо тараққиётнинг энг муҳим геоикдисодий ва стратегик ресурси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, уни назорат қилган ҳолда, нафақат ўз иқтисодиётини ва ижтимоий соҳани ўзгартириш, шунингдек, умуман, Марказий Осиёдаги вазиятни ҳам назорат қилиш мумкин.

Минтақанинг чекланган сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш натижасида келгусида уларнинг камайиб кетиши Марказий Осиёда геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорлик жараёнини кучайтириши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг самарали равишда ҳал этилиши келгусида минтақада барқарор ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё мамлакатларининг келгусидаги ривожини сув таъминоти муаммосининг муваффақиятли равишда ҳал этилишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан сўнг, минтақадаги сув масалаларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Янгидан ташкил топган бешта мустақил давлат ўз йўлини бозор иқтисодиётига қадам ташлаш билан бошлади, бу эса беқарор экологик вазият шароитларида минтақанинг айрим ҳудудларида сув ресурсларини бошқариш ва ундан фойдаланиш масалаларига ёндошув жиҳатларини қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Минтақанинг ҳар бир давлати атроф-муҳит муаммоларига муносабатни ўзгартирган ҳолда ҳамда халқаро сув ҳуқуқи тамойилларига мувофиқлаштириш заруратини англаган ҳолда, ўзининг миллий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт манфаатларини белгилади.

XX асрнинг охири ҳамда XXI асрнинг бошида Марказий Осиё минтақасида сув муаммоси янада долзарб бўлиб бормоқда. Сув муаммолари XXI асрга келиб инсоният олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунга келиб шу нарса аниқ бўлмоқдаки, алоҳида давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий асосни таъминламай туриб, сув муаммоларини ҳал қилишга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ҳуқуқий асос уни амалга оширишнинг асосий воситаси деб ҳисобланмоқда. Бундай шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари ва шу билан бирга миллий хавфсизлик ва барқарорлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг ушбу жараёнда жаҳон ҳамжамиятининг тент ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этиши долзарб масалалардан биридир.

Географик макон жиҳатидан Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ҳолатида транспорт-коммуникация муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди. Яъни давлатларнинг дунё денгиз алоқа йўлларида чиқиш имконияти йўқлигидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шахсий экспорт юklarини халқаро савдо-иқтисодий йўллар орқали олиб ўтишга мажбур. Бу эса ўз навбатида минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда бир қанча қийинчиликлар туғдиради. Шу нуқтаи назардан минтақа давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги бу соҳадаги муаммоларни бартараф этишга асос бўлади. Бу соҳада сиёсий-ҳуқуқий асосни яратиш муҳим йўналиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам минтақа давлатлари миллий манфаатларининг ўзаро уйғунлигига эришиш ва уларни мувофиқлаштириш эҳтиёжи сезилади. Давлат раҳбарлари томонидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилди, аммо, бу соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

Мазкур муаммоларнинг ўзаро ҳамкорликда бартараф этилиши бугунги кунда устувор вазифалар сирасига киради. Марказий Осиёда транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экологик муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши оқибатида минтақанинг иқтисодий барқарорлигига эришиш имкониятлари кенгайди.

3. Ҳозирги замон геосиёсатида ахборот омили.

Бугунги дунёда ахборот муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий омил ҳисобланади. Дунё бўйича хабар тарқатувчи оммавий ахборот воситаларига эга бўлган давлатлар ер юзида кечаётган сиёсий воқеаларни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади ва

бошқаларга етказди. Тарқатилаётган хабарлар асл ҳақиқатдан йироқ бўлганлиги туфайли кўпгина мамлакатлар ва халқлар тажовузкор давлатларнинг таъсирига тушиб қолмоқда. Бу эса адолатсиз урушларнинг давом этишига олиб келмоқда. Ана шу ҳолатни назарда тутган ҳолда ахборот ва оммавий ахборот воситалари омилини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

биринчидан, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ислохотларни тарғиб ва таҳлил этади;

иккинчидан, жамиятдаги турли қатлам фикрини ифодалаш баробарида ижтимоий фикрни шакллантиради ва йўналтиради. Демак, мамлакатдаги ижобий ўзгаришлар, иқтисодий юксалишлар Маълумки, ҳуқуқий фуқаролик жамиятида энг муҳим демократик институтлардан бири – оммавий ахборот воситалари саналади. Ривожланган демократик тизимда “Тўртинчи ҳокимият” деб эътироф этилган оммавий ахборот воситалари икки муҳим вазифани адо этади:

Оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ва даражасини белгилайди. Ўз ўрнида ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолиятини таъминламай туриб демократик ўзгаришларга эришиб бўлмайди. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ 9-сессиясида жамиятимиз олдидаги муҳим стратегик вазифалар, давлат сиёсатининг устувор йўналиш ҳамда тамойилларини кўрсатиб, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги муҳим устувор йўналиш сифатида сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш эканини шундай таҳлил этади: “Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи ва ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак ҳар томонлама тўғри бўлади”.¹

Оммавий ахборот ҳукумат ва халқ ўртасида воситачи сифатида сиёсий партиялар, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий мувозанатни сақлайди. Оммавий ахборот воситалари давлатнинг сиёсатини, муайян масалалар бўйича, нуқтаи назарини, шу йўлдаги Фармон, қарор ва қонунларни халққа етказди. Ўз навбатида халқ давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидан бохабар бўлади, уни таҳлил этиб, ўзига яраша ҳулоса чиқаришга интилади, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Демак, оммавий ахборот воситаларининг мавжудлиги боис жамиятда халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари таъминланади.

Кенг жамоатчиликка таъсири, муайян ахборот ёки маълумотни зарурий даражада етказиш, аудиторияни қамраб олиши, жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисаларни тўғри талқин этиш, тарғибу ва ташвиқ қилиш жиҳатидан оммавий ахборот воситалари турли даражага эга. Рус олими Е.Старобинский таъбири билан айтганда, ҳар соҳа ўзига яраша ахборот воситасини, ҳар бир бозор эса тарғибот шаклини танлайди. Кишиларнинг айрим қатлами эса ўзига мос арзон, сифатли ва қулай воситани танлаб, кўпроқ маълумот олишга интилади.² “Деловой мир” журнали таҳлиliga кўра, аҳолига тез таъсир қилиши, қисқа фурсатда маълумотларни етказиш бўйича телевидение, барча ёшдаги кишиларни жалб этиши, таъсирчанлиги бўйича радио қулай ва арзон ахборот воситаси саналар экан. Ижтимоий-сиёсий воқеликни тарғиб этиш ва муайян ғоялар талқинини етказишда радионинг мавқеи юқори баҳоланган.³ Демак, мамлакатдаги ислохотлар жараёнида радио ва телевидение, газета ва журналнинг ўзига хос алоҳида ўрни мавжуд.

Оммавий ахборот воситалари ичида телевидение ва радио кучли мафкуравий таъсир ўтказадиган воситадир. Улар **бир томондан** журналист ва мутахассислар кўмагида тарғибот олиб боради, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммоларни таҳлил этади. **Иккинчи томондан**

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан.

² Старобинский Е. Самоучитель по рекламе. - М., 2002, 17-бет.

³ Ўша жойда, 123-бет.

хар бир фукарога ўз фикрини айта олишга имкон беради. Ахборот тарқатишда телевидение ва радио

Аввало, сиёсий жараёнларда иштирок этиш, унинг асл мақсад-моҳиятини англаш учун фукаронинг хабардорлик даражасини оширади;

Иккинчидан, ўтиш даври, тўғрироғи аста-секин иқтисодий юксалиш бўлаётган бир паллада пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил этишда муҳим вазифани амалга оширади;

Учинчидан, мафкуравий курашлар кучаяётган, ислом динига сиёсий тус берилаётган, “ислом дини” нуқоби остида ўзининг қабих – қўпоровчилик ниятини амалга ошираётган террорчилар гуруҳларининг кирдикорларини очиқ-ойдин таҳлил этишда иштирок этади;

Тўртинчидан, дунё ҳамжамиятининг дардига айланган диний ақидапарастлик, терроризм, сепаратизм иллатларини бартараф этишда телерадиоканаллар самарали ахборот тарқатади.

Бугунги иллатларнинг туб илдизини, аниқроғи ахборот тарқатиш манбаларини қўпориб ташлаш хусусида Ўзбекистон Президенти шундай ёзади: “Биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни отадиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор. Яъни ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг биринчи навбатда ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвеер ташкил этаётган, халифалик тузишда турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кишиларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак”.¹ Кўриниб турибдики терроризм ва диний ақидапарастлик айнан ахборот воситасида тарқатилади.

Ахборот воситасида амалга ошириладиган ҳар қандай қўпоровчилик, хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ ҳарбий ё мафкуравий бўлмасин давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, ислохотлар жараёнини сустлаштиради. Улкан миқдордаги иқтисодий зарар келтиради, давлатлар ўртасидаги муносабатларни салбий тарафга ўзгартиради, миллатлар, диний-этник гуруҳлар орасидаги зиддиятни кескинлаштириб, келиштириб бўлмайдиган даражага келтиради. Бу турли миллат, элат, диний конфессия, мазҳаб ва йўналишларга мансуб бўлган, турли дунёқарашу тафаккур вакиллари яшайдиган Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон давлати учун ниҳоятда хавфлидир.

Демократия тамойилларини ёйиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, глобаллашув жараёнини тезлаштириш, динларни такомил топтириш, нодавлат ташкилотлар фаолиятини дунё бўйлаб ёйиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлаш баҳонасида “Гегемонлик” ғоясини сингдиришга интилаётган баъзи бир давлатлар оммавий ахборот воситаларидан ўз мафкурасини сингдиришда фойдаланмоқда. Аслида терроризм, диний ақидапарастлик, мутаассиблик, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашда оммавий ахборот воситалари, айниқса, радио ва телевидение асосий ташвиқот қуроли бўлиши керак. Аммо ғарблик сиёсатшуносларнинг фикрича, телевидение ва радио террорчиларнинг одамлар билан мулоқот қиладиган оддий воситага айланиб қолди².

Бу жараён Европадаги ахборот воситаларида кўпроқ сезилади. 1972 йил 5 сентябрда Германиянинг Мюнхен шаҳрида XX олимпиада ўйинлари бўлаётган бир вақтда Арабистондаги “қора сентябрь” экстремистик ташкилоти исроиллик спортчиларни аввал гаровга олиб, сўнгра отиб ташлаган эди. Бу қонхўрликнинг вақти, жойи, шакли тасоддий эмас, олдиндан режалаштирилган. Дунё ҳамжамиятининг диққатини Араб - Исроил можаросига қаратиш асосий мақсад ҳисобланиб, оммавий ахборот воситалари тарғибот манбаига айланганди.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

² Жумаев Р., Убайдуллаев У., Хўжанов Б. Конфликтология асослари. –Т.:Академия, 2000, 17-бет.

Ахборот тарқатиш усули билан нафақат махсус контртеррористик ҳаракатлар ўтказишни қийинлаштириш ёхуд терроризм ғоясини тарғиб қилиш, балки жиноий ҳаракатлар тайёрлаш тактикаси ва террористик мақсадларни амалга ошириш ҳам мумкин. Масалан, 1986 йилда бир гуруҳ уюшган жиноятчилар Швеция бош вазири У.Тельманни ваҳшийларча ўлдиришади. Оммавий ахборот воситалари эса бош вазир ўлими тафсилоти ва тактикасини бутунича эълон қилади. Орадан бир қанча вақт ўтмай худди шу сценарий асосида банк директори З.Марбий ўлдирилади.

Мамлакатлардаги ҳарбий хизматчилар, махсус хизмат вакиллари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, йирик сиёсатшунос олимлар оммавий ахборот воситаларини ҳар қандай ҳолатда ҳам террорчиларга минбар сифатида бермаслик тарафдоридирлар. АҚШ Мудофаа Вазирлиги 1991 йилда 14 январда “Оммавий ахборот воситалари учун асосий қоида ва кўрсатмалар” ни қабул қилиб, одамларнинг ҳаётига ҳавф туғдириши мумкин бўлган ахборотни тарқатишни таъқиқлаб қўйди. 1996 йил Москвада бўлиб ўтган “Терроризмга қарши кураш”, 1997 йилда Санкт-Петербургда ўтган “Халқаро терроризм ва янги ўлчовлар” халқаро анжуманларда муҳим масала бўйича бир тўхтамга келинди: террористик ва антитеррористик ҳаракатларни ёритиш билан боғлиқ маълумотларни олиш ва тарқатишда журналистларнинг ҳуқуқларини қонунан чегаралаш зарур. Россия Федерацияси Президенти 1996 йил 7 мартда “Терроризм билан курашни кучайтириш ҳақида” Фармон қабул қилиб, Бош Прокуратурага терроризм билан боғлиқ воқеаларни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишида Россия Федерацияси қонунчилигининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш борасида тавсия ҳам берган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, терроризм ва унинг оқибатларини ахборот воситасида ёритиш, тарғиб ва таҳлил этишда икки тенденция кўзга ташланади: **Биринчиси** - ахборот терроризм иллатини бартараф этиш, унинг олдини олиш, манба ва илдизларини қуритиш жараёнида тарғибот манбаи. **Иккинчиси** – ахборот антитеррористик актларни ўтказишда ҳалақит бериш баробарида уюшган жиноятчилар гуруҳи ва оқимларининг реклама манбаига айланмоқда.

Кейингиси Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига тааллуқли эмас. Сабаби - **биринчидан**, истиқлолнинг дастлабки куниданоқ Ўзбекистон давлати терроризм, диний ақидапарастлик, мутассибликнинг оғир оқибатларини англаб, ахборот воситаларида Афғонистон, Тожикистон мисолида айта бошлади.

Иккинчидан, диний-этник ва миллатлараро нотинчликнинг жабрини биз бошқалардан олдинроқ кўрдик (Паркент-Ўш) ва унинг “газак” отишига қарши радио, телевидения ва матбуот кучидан ҳам фойдаландик.

Учинчидан, мавжуд ОАВ тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мудофаа тўғрисидаги қонунларда бузғунчилик, қўпоровчилик ва парокандаликка қарши кураш алоҳида қайд этилган.

СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАР

1. Геосиёсат фанининг предмети, мақсади ва асосий вазифалари (2 соат).

“Геосиёсат асослари” фан ва сиёсий амлиёт сифатида. “Геосиёсат асослари” нинг фан сифатида шаклланиши. “Геосиёсат асослари” тушунчаси ва унинг асосий аспекти. Фаннинг предмети ва тадқиқот доираси. Геосиёсат асослари сиёсий жараёнлар ва ерга бўлган муносабатлар ҳақидаги, сиёсатнинг “географик ақли” сифатидаги фан. Геосиёсат асосларининг вужудга келишига бўлган объектив эҳтиёж. Гелполитиканинг фан сифатида ўрганила бошланиши. Р.Чиллен ва Ф.Рацел таълимотлари.

2. Геосиёсатнинг асосий тушунчалари (2 соат).

Геосиёсат асосларининг асосий тушунчалари: географик макон, эндемик майдон, чегараолди майдон, чорраха майдон, тотал майдон, метаполе. Геосий муносабатлар ва кучлар баланси. Сиёсий майдон давлат мавжудлигининг муҳим белгиси. Геосиёсат асосларининг асосий қонунлари. Сиёсий, иқтисодий, социал, географик тизимлар ривож, амал қилиши билан боғлиқ қонуниятлар.

Геосиёсат асосларининг асосий методлари: системалилик, таққослаш, тарихийлик, аксиологик-норматив, функционал, институционал, антропологик, ва бошқалар. Геосиёсатнинг асосий функциялари: гносеологик функция; прогноз қилиш функцияси; бошқарув функцияси; мафкуравий функция. Геосиёсат фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

3. Геосиёсий таҳлил ва унга асос бўлган қарашларнинг моҳияти (2 соат).

Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммоларини, ҳудуд ва давлат куч-қудратини тасаввур этиш. Rimland (қирғоқ ҳудуди) категорияси. Геосиёсатнинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти. Геосиёсат миллий сиёсат инструменти сифатида. Евроосиёда стратегик мувозанатнинг бузилиши. ХХІ аср халқаро муносабатларда кучлар нисбатининг ўзгариб бориши.

4. Геосиёсатнинг классик мактаблари номоёндалари: Р.Челлен, Ф.Науманнинг геосиёсий қарашлари (2 соат).

Европа-Америка мактабларининг геосиёсий қарашлари ва уларнинг бугунги кун геостратегик истиқболларга бўлган таъсири. Бугунги кундаги олиб борилаётган геосиёсий тадқиқотлар ва мондиалистик ғояларнинг салбий ва ижобий томонлари. Янги илмий йўналишнинг таърифи ва талқини. Челленнинг “Давлат ҳаёт шаклидир” асарининг асосий ғоялари. Науманнинг: “Ўрта Европа” (“Mitteleuropa”) концепцияси.

5. Геосиёсатнинг классик мактаблари номоёндалари: Видал де ля Бланш ва Хэлфорд Маккиндернинг геосиёсий концепцияси (4 соат).

Видал де ля Бланш: Франция жуғрофиясининг сурати. Бланшнинг Поссибилизм концепцияси. Франция ва Денгиз Қудрати тўғрисида. Хэлфорд Маккиндер ҳаётига чизгилар. Тарихнинг жуғрофий мағзи концепцияси ва дунё тарихини даврлаш: уч геосиёсий давр. Тарихнинг асосий геосиёсий жараёни бўлган теллуократия ва талласократия тушунчаларининг моҳияти ва бу тушунчалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар.

6. Геосиёсатнинг классик мактаблари номоёндалари:

А.Мэхэн ва Н. Спайкмен (4 соат).

Альфред Мэхэн: Денгиз қудрати. Денгиз цивилизацияси-савдо цивилизацияси. АҚШнинг номоён бўлган тақдири (manifest destiny). Николас Спайкмен ғояларини

тушунишга кириш. Маккиндер концепцияларининг тахлили. Қудратни аниқлаш устуни ва Ўрта Океан концепцияси.

7. Геосиёсатнинг классик мактаблари намоёндалари:

Карл Хаусхофер ва Карл Шмитт (2 соат).

Карл Хаусхофернинг қитъавий блок концепцияси. Янги Евроосиё тартиби концепцияси. Карл Шмитт ҳаёти ва ижоди. Ер яхлитлиги (“ер номоси”) концепцияси. “Замин ва денгиз” асари. “Grossraum” (“йирик маскан”) концепцияси. Ялпи душман, ялпи уруш ҳамда ялпи давлат концепциялари.

8. Классик геосиёсий таълимотларнинг ташқи сиёсатдаги аҳамияти (2 соат).

Ф.Ратцелнинг “Сиёсий география” асарида давлат ва борлиқ масалалари. Р.Челлен “Геосиёсат асослари” атамасининг асосчиси. Давлатнинг асосий физик-географик белгилари. Х.Маккиндер томонидан жаҳон сиёсий тарихининг оригинал ва инкилобий ғоясининг ишлаб чиқиши - “Тарихнинг географик ўзаги”. Хартленд назарияси ва “Катта ўйин” концепциясининг ишлаб чиқиши. К.Хаусхофер - ҳаётий борлиқ. Ф.Науман концепциялари. А.Мехен томонидан денгиз кучларининг қудрати (ишлаб чиқариш, савдо, мустамлакалар босиб олиш) махсус таълимот сифатида ишлаб чиқиши. Спайкмен томонидан давлат қудратини аниқлаб берувчи омиллар белгилаб берилади: давлат майдонининг устки қисми; давлат чегараларининг табиати; давлат аҳолисининг миқдори; давлатда керакли хом-ашё заҳираларининг борлиги ёки уларга эга бўлмаслиги ва бошқалар.

9. Рус олими П.Савицкийнинг славянофиллари ва Турон ҳақидаги фикрлари. (2 соат).

Петр Савицкий ҳаёти ва ижодига чизгилар. Савицкий асарларида Турон. Ривожланиш ўрни концепцияси. Идеократия тамойили.

10. Марказий Осиё давлатлари геосиёсий алоқалар тизимида (2 соат).

Ўзбекистон Республикаси геосиёсий манфаатлари тизимида Россия, Европа ва Америка омили. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида халқаро муносабатларда муҳим роль ўйновчи Россия, Европа ва Америка давлатларининг аҳамияти ва улар билан тузилган стратегик ҳамкорлик шартномаларининг мазмун-моҳияти. Халқаро терроризмга қарши тузилган коалициянинг олиб бораётган ишлари ва бу коалицияда Ўзбекистон Республикасининг ролини муҳим эканлиги.

11. Геосиёсий жараёнлар борасидаги замонавий тадқиқотлар.

XXI аср ва янги геосиёсий вазият (2 соат).

Д.У.Мэйнихнинг “Евроосиё тарихида Heartland ва Rimland” асари. У.Кирк “Тарихнинг жуғрофий мағзи”. Сол Коен “Бўлинган дунёда жуғрофия ва сиёсат”. Цивилизациялар тўқнашуви Хантингтон неоатлантизми. Фрэнсис Фукуяма “Тарих поёни”. Жак Аттали “Геоиктисодиёт”. Ив Лакост мактаби. Андре Зигфред электорал геосиёсат.

[

12. Геосиёсий қарашларнинг замонавий халқаро муносабатларга таъсири. (2 соат).

Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни геосиёсий таҳлил этиш муаммоларини, ҳудуд ва давлат куч-қудратини тасаввур этиш. Rimland (қирғоқ ҳудуди) категорияси. Геосиёсатнинг ижтимоий соҳадаги аҳамияти. Геосиёсат миллий сиёсат инструменти сифатида. Евроосиёда стратегик мувозанатнинг бузилиши. XXI аср халқаро муносабатларда кучлар нисбатининг ўзгариб бориши.

Геосиёсий жараёнлар борасидаги ҳозирги тадқиқотлар. Европа-Америка геосиёсий мактаблари. давлатлар, халқлар, миллатлар ва маданиятларнинг хилма-хиллиги босқичидан

ягона дунё, яъни “One World”га ўтиш. Мондиалистик ғоялар. Евроосиёчилик ва неоевроосиёчилик.

13. Ўзбекистон геосиёсатида МДХ ва Марказий Осиё омили(2 соат).

МДХ ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий, геостратегик манфаатлари ва Марказий Осиёнинг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик манфаатлари. Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги минтақавий ташкилоти. Марказий Осиё атрофида кечаётган жадал геосиёсий жараёнлар. “манфаатлар тўқнашуви”

14. Ўзбекистон хавфсизлик сиёсатида Афғонистон, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ омили (2 соат).

Ўзбекистон хавфсизлик сиёсати ва қўшни давлатларнинг бу сиёсатдаги аҳамияти. Терроризмга қарши кураш. Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё давлатлари билан муносабатларининг геосиёсий жиҳатлари. Тарихий ва маданий яқинлик. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Яқин Шарқ омили.

15. Ўзбекистон Республикаси геосиёсий манфаатлари тизимида Россия, Европа ва Америка омили (2 соат).

Ўзбекистоннинг Россия, Европа ва Америка билан ҳамкорлик муносабатлари ва улар билан тузилган Стратегик Шериклик ва бошқа ҳамкорлик шартномалари, уларнинг мазмун-моҳияти.

16. Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари (4 соат).

Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий келажаги, миллий манфаатлари ва бугунги кун замонавий ахборот омили, унинг геосиёсатдаги аҳамияти. Унинг геостратегик ва геосиёсий ўзига хос хусусиятлари.

МУСТАҚИЛ ИШ МАШҒУЛОТЛАРИ

№	Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Ишнинг бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатда)
1.	Классик геосиёсий таълимотларнинг ташқи сиёсатдаги аҳамияти.	Геосиёсий тадқиқотларнинг илмий-услубий масалалар, геосиёсий жараёнлар борасидаги классик илмий йўналишлар. Маккиндернинг “Тарихнинг жўғрофий ўқи” ҳақидаги фикрлари.	3-5 ҳафта	14
2.	Геосиёсий қарашларнинг замонавий халқаро муносабатларга таъсири.	Европа-Америка мактаблари вакиллариининг фикрлари. Геосиёсий жараёнлар борасидаги бугунги кун тадқиқотлари. Евроосиёчилар янги оқими вакиллариининг геосиёсий қарашлари.	6-8 ҳафта	14
3.	Ўзбекистон геосиёсатида МДХ ва Марказий Осиё омили.	МДХ ва Ўзбекистон ўртасидаги боғлиқлик ва Ўзбекистоннинг геосиёсий, геостратегик манфаатлари. Ўзбекистон геосиёсатида Марказий Осиёнинг аҳамияти. Марказий Осиёнинг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик хусусиялари.	9-11 ҳафта	12
4.	Ўзбекистон хавфсизлик сиёсатида Афғонистон, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ омили.	Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистоннинг роли. Бугунги кунда Афғонистонга кўрсатилаётган гуманитар ёрдамлар. Покистон ва Ҳиндистон билан ташқи дипломатик алоқалар. Яқин Шарқ давлатларининг Ўзбекистон геосиёсатидаги аҳамияти.	12-14 ҳафта	13
5.	Ўзбекистон Республикаси геосиёсий манфаатлари тизимида Россия, Европа ва Америка омили	Ўзбекистоннинг Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлик муносабатлари. Тузилган Стратегик ва Ҳамкорлик Шартномалари мазмуни.	15-17 ҳафта	13

6.	Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари.	Ўзбекистоннинг геостратегик ва геосиёсий хусусиятлари. Бугунги кундаги янги геосиёсий вазият. Бугунги дунёда ахборот муҳим сиёсий омил сифатида. Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари муҳим эканлиги. “Хитой модели”. Ўзбекистон - Япония муносабатлари.	18-19 хафта	10
Жами:				76

ГЛОССАРИЙ

1. **Амалий геосиёсат** - Лакост томонидан илгари сурилган атама бўлиб, геосиёсий воситадан фойдаланиш, асосий тамойилларни ҳисобга олмаган ҳолда, минтақавий миқёсдаги микромуаммоларга мувофиқ келади.

2. **Анаконда стратегияси** – Атлантизмнинг Евроосиё тажовузини жиловлаб туриш мақсадида унинг имкон қадар кўпроқ қирғоқ ҳудудларини ажратиб олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари.

3. **Атлантизм** – сув, денгиз, талассократия, Sea Power сингари атамаларга яқин маънога эга бўлган мураккаб геосиёсий тушунча; тарихий нуқтаи-назардан инсониятнинг ғарбий қисми; стратегик нуқтаи-назардан либерал-демократик мафкура устувор бўлган ғарбий давлатларнинг иттифоқи; ҳарбий-сиёсий нуқтаи-назардан НАТО мамлакатлари; ижтимоий нуқтаи-назардан «савдо тузуми» ва «бозор қадриятлари»га (АҚШ модели) йўналган. Евроосиёчиликка қарама-қарши.

4. **Афсонавий жуғрофия (Сакральная география)** - қадимгиларнинг сифатли ҳудуд ёки макон тўғрисидаги қарашлари. Замонавий геосиёсат маконнинг типологик жиҳатдан шунга ўхшаш тушунчасидан фойдаланади фақат, уни рационал табиий илмий нуқтаи-назардан ифода этади.

5. **Аэроқратия** – юнон. «ҳаво воситасидаги ҳукмронлик». Стратегиянинг куч компоненти бўлиб, стратегик босқинчиликни амалга ошириш мақсадида ҳаво ҳудудларини эгаллашни ифода этади. Денгизчиликнинг ривожлантирилидан фарқли ўлароқ авиациянинг ривожлантирилиши ўзида янги унсурни келтириб чиқармасдан, талассократик тамойилни кучайишига олиб келди холос.

6. **Бегемот** - қадимги яҳудий тилида «махлук», «қуруқлик деви» (Инжилда). китъа маъносини англатади.

7. **Берлин** - Ўрта Европанинг табиий стратегик пойтахти.

8. **Биполяр дунё** (биполярлик ёки икки қутблилик) - табиий геосиёсий тузилма бўлиб, у ўзида планета миқёсида асосий геосиёсий дуализм- *талассократияни теллуροқратияга* қарши акс эттиради.

9. **Бир қутбли дунё** - «совуқ уруш» да СССРнинг мағлубиятидан кейин вужудга келган геосиёсий тартиб. Атлантизм ва АҚШ ер юзида ҳукмронлик қилувчи ягона қутб сифатида тушунилади.

10. **Блок** – бир неча давлатларнинг бирлашмаси ҳисобланиб, уларнинг стратегик ва геосиёсий жиҳатдан эътиборли ҳаракатлари планета миқёсида юқори савиядаги ўзгаришларга олиб келади. “Фазовий таракқиёт» қонуни бўйича блокларнинг пайдо бўлиши – муқаррар жараён.

11. **Бой Шимол** - бу атама *атлантизм, ғарб ва либерал-демократик дунё* атамалари сингари ифодаланувчи атама.

12. **Геополитика** (геосиёсат) - давлат ва халқларнинг ўзлари жойлашган ҳудуднинг географик, табиий - иқлим шароитларига мос равишда шаклланишини ифодаловчи фан. Ушбу фан негизида давлатнинг сиёсий табиати ҳам у жойлашган ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиши асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, геосиёсат давлатларнинг бошқа ҳудудларни эгаллашга қаратилган сиёсатининг ички механизмларини очиб беради.

13. **Геосиёсий дуализм** – геосиёсатнинг асосий тамойили бўлиб, у қуруқлик ва сув ўртасидаги рақобат тарихий жараёни ҳаракатга келтирувчи омил эканлигини ифодалайди.

14. **Геосиёсий кесим** - тарихнинг аниқ бир вақтида, сиёсий жараёнларнинг умумий динамикасини ҳисобга олмаган ҳолда стратегик пойтахт (стратегик қутб) билан чекка ҳудудлар ўртасида рўй берадиган муносабатлар йиғиндисини ифода этувчи тушунча.

15. **Геосиёсий нур** – геосиёсий қутбнинг чекка ҳудудларга нисбатан куч воситасида кўрсатадиган (иктисодий, стратегик, маданий, ҳўжалик, маъмурий ва ҳақозо) таъсирини

ифодаловчи вектор. Дунёнинг ҳақиқий манзараси тинч ҳолатида ҳам геосиёсий кесимларни ифодалаб туради. Геосиёсий нур деганда кундалик ҳаётда давом этиб келаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар динамикаси ифода этилади.

16. **Геостратегия** – геосиёсий таҳлилнинг ҳарбий жиҳати.

17. **Геоэкономика** (геоиктисодиёт) – атлантист геосиёсатнинг бир бўғини. ҳудудларни фақат иқтисодий нуқтаи-назардан талқин қилишга асосланган, «талассократик» таҳлилнинг асосий фанларидан бири.

18. **Дўст (amicus – лот.)** – Шмитт илгари сурган атама. Стратегик пойтахт эгаллаган позицияга мос келувчи ташқи давлат, ижтимоий, этник ва диний тузилмаларнинг мажмуасини ифодаловчи тушунча. Ҳеч қандай маънавий-ахлоқий юкни ифодаламайди ва бошқа тусдаги турли тузилмаларга ҳам осонлик билан кўчирилиши мумкин. «Душман» сингари ўзгарувчан категория.

19. **Демосиёсат** – Челлен томонидан илгари сурилган атама. Давлатнинг тузилишига демографик кўрсаткичларнинг таъсирини ифода этувчи мажмуа бўлиб кенг тарқалмаган.

20. **Денгиз** – *талассократия ва сув* сингари маъноларни ифода этади.

21. **Дисконтинуал белбоғ** – Козн томонидан илгари сурилган атама. Теллурократик китъага ҳам, талассократик денгиз тарафга оқиб кетиши мумкин бўлган, ўзгарувчан ва ноаниқ йўналишга эга қирқиб ташланган қирқоқ ҳудудлари.

22. **Дунёвий Орол** - Маккиндер томонидан илгари сурилган атама бўлиб, Маккиндер Евроосиё ва тарихнинг географик ўқини шу ном билан атаган. Спайкменда эса мазкур тушунча ўзининг маъносини бутунлай ўзгартириб юборди ва *талассократик зоналар (ташқи ярим ой зоналари)* мажмуасини ифода этадиган бўлди. Атаманинг бундай ҳар хил маъно касб этиши ундан фойдаланилмаслик маъқул эканлигини намоён этмоқда.

23. **Душман** (hostis – лот.) – Шмитт томонидан қўлланган атама. Стратегик пойтахт жойлашган ҳудудга қарама-қарши турувчи ташқи давлат, ижтимоий, этник ва диний тузилмаларнинг мажмуасини ифодаловчи тушунча. Ҳеч қандай маънавий-ахлоқий юкни ифодаламайди ва бошқа тусдаги турли тузилмаларга ҳам осонлик билан кўчирилиши мумкин. «Дўст» сингари ўзгарувчан категория.

24. **Евроосиё** – китъа, heartland, куруқлик, ер, теллурократия. Нисбатан тор маънода геосиёсий Россияни англатади.

25. **Евроосиёчилик** – мураккаб геосиёсий тушунча. У ўз моҳиятида: тарихий нуқтаи-назардан инсон цивилизациясининг шарқий қисмини, стратегик нуқтаи-назардан либерал-демократик мафкурани инкор этувчи давлатлар ва миллатларнинг эҳтимолий ёки воқеликдаги блокин, стратегик нуқтаи-назардан «теллурократик», шарқий давлатларнинг воқеликдаги ёки эҳтимолий ҳарбий иттифоқини, ижтимоий нуқтаи-назардан эса нокапиталистик иқтисодий тузумга ҳамда, «идеократия»га йўналган ижтимоий давлатни ифодалайди.

26. **Ер (куруқлик)** – геосиёсатда «теллурократия»ни ифода этувчи махсус атама. «Ер», «das Land» назариясини Шмитт айниқса кенг ривожлантирган.

27. **Жамият** - жамоаларнинг бўлиниши натижасида юзага келган ижтимоий бирлик. Жамоадан фарқли ўлароқ одатда алоҳида аъзолардан (индивидлардан) иборат.

28. **Жамоа** - органик алоқалар билан боғланган одамларнинг табиий бирлиги шакли. У органик алоқалар ўрнига индивидлар ўртасидаги расмийлаштирилган шартнома меъёрлари билан бошқариладиган жамиятга зид тушунча. Жамият урф-одат, анъаналар билан бошқарилади.

29. **Идеократия (юнон.)** – ғоялар ҳукмронлиги. Рус Евроосиёчилари (Н.Трубецкой, П.Савицкий) атамаси бўлиб, у «материя ҳукмронлиги», «бозор тизими», «савдо тузуми»га қарши қўйилади. Идеократияда ижтимоий иерархия ва меҳнатни рақбатлантириш ноиктисодий тамойиллар асосида амалга оширилади.

30. **Иккинчи дунё** – «Совуқ уруш» даврида социалистик лагерни ифодалаган тушунча бўлиб, бу уруш тугагандан кейин «Евроосиё»ни ифодалайди.

31. **Империя** – диний, ахлоқий ёки мафкуравий характердаги универсал ғоя остида бир неча давлат ёки халқларни бирлаштирувчи умумдавлат тузилмаси.

32. **Интеграция** – геосиёсатда бир неча ҳудудий бўлақларни бирлаштириш ифода этувчи кўпқиррали шакл. Интеграция ҳарбий босқинчилик йўли билан ҳам, тинч йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Геосиёсий интеграциянинг бир қанча – иқтисодий, сиёсий, маданий, тил, стратегик, диний ва ҳақозо йўллари мавжуд. Уларнинг барчаси ягона мазмундаги якуний натижага – блокнинг стратегик жиҳатдан юксалишига ва ҳудудий жиҳатдан кенгайишига олиб келади.

33. **Ички ўқ** – ягона стратегик (ёки сиёсий) майдон ичида марказнинг чекка ҳудудлар билан ички геосиёсий алоқасини ифодаловчи хусусияти. Геосиёсий нур ва геосиёсий парча сингари тушунчалар ҳам ана шу мазмунни ифодалайди.

34. **Ички денгиз** (mare internum – лот.) – теллурократик қуруқлик ҳудудининг ички қисмида жойлашган ва шундай ўрнашув туфайли стратегик ёки маданий чегара бўлиб ҳисобланмайдиган сув ҳудудларини ифодаловчи атама.

35. **Ички океан** – ички денгиз сингари, аммо сайёравий миқёсда ички сув ҳудудини англатувчи «Оралиқ океан» каби атама.

36. **Ички яримой** (ёки қитъавий яримой ёки gimland) – Макиндер томонидан илгари сурилган атама бўлиб, «ташқи яримой» ва «ўқ ҳудуд» орасида жойлашган Евроосиёнинг киркоқ ҳудудларини ифодалайди.

37. **Кўп қутбли дунё** - бу бир қанча *улкан маконларнинг* биргаликда мавжуд бўлишини назарда тутувчи замонавий соф назарий мажмуа. Бу ҳолат фақат *бир қутбли дунё* бартараф этгилгандан кейингина бўлиши мумкин.

38. **Катта майдон (Grossraum)** – Шмитт томонидан илгари сурилган атама бўлиб, бир неча давлатни бирлаштирган ҳолда улкан стратегик тузилма барпо этишни назарда тутди. Катта майдонларнинг пайдо бўлиши «ҳудудий прогрессия» назариясига кўра амалга ошиб боради.

39. **Колония** - қудратга бўйсунувчи, сув билан ўралган ҳудуд. Метрополиянинг умумий геосиёсий ҳудудидан ташқарида қолган вақтинчалик ташқи база ҳисобланади. Провинцияга тескари.

40. **Континент** (ёки қитъа) – Евроосиё, қуруқлик, теллурократик тамойил.

41. **Континенталчилик** (ёки қитъачилик) – тор стратегик жиҳатдан олиб қараганда евроосиёчиликнинг синоними бўлиб, у қуруқлик, ер тушунчаларига яқин. қитъачилик Россияда ягона, Германияда кўп, Францияда мавжуд, аммо англосаксон дунёсида, умуман, мавжуд бўлмаган мактабдир. Атлантизмга зид тушунча.

42. **Кратополитика** – Челлен яратган атама. Давлатни фақат куч салоҳияти нуқтаи-назаридан кўриб чиқишни назарда тутадиган назария бўлиб кенг ривож топмаган.

43. **Левиафан** – (Инжилда) қадимги яҳудий «денгиз махлуқи». Шмит томонидан илгари сурилган бўлиб атлантизм, Денгиз ва ҳақозоларни ифодаловчи тушунча.

44. **Либерализм** – ҳуқуқ ва сиёсат борасида (энг минимал даражадаги инсонпарварлик, индивидуализм, этник ва маданий эгалитаризм сингари) сўлчиликка оид хусусиятларни, иқтисодиёт борасида эса (бозор, хусусийлаштириш, хусусий мулк, капитализм) ўнг хусусиятларни ўзида мужассам этган дунёқараш. Атлантик лагернинг етакчи мафкураси. Либерализмнинг сиёсий ифодаси либерал-демократиядир.

45. **Макон** - геосиёсатнинг асосий тушунчаси бўлиб, у миқдор ва сифат кўрсаткичига эга бўлмаган категория ҳисобланади. Маконнинг таркибий тузилиши тарихнинг таркибий тузилишини олдиндан белгилайди - геосиёсатнинг фан сифатидаги асосий тезиси ана шундан иборат.

46. **Макон прогрессияси Қонуни** - Жан Тириар томонидан таърифланган бўлиб, «шаҳар-давлатлардан ҳудудий давлатларга ва улар орқали қитъавий давлатларга» деган маънони билдиради. Сиёсий тарихнинг географик динамикаси минимал ижтимоий тузилмалар масштабининг кескин ўсишига олиб келади. «*ҳаётий макон*» атмасига қаранг.

47. **Марказий (ўрта) Европа** - Россия билан Европанинг Атлантика қирғоқлари ўртасида ҳудудий макон. Одатда кўпинча Германиянинг таъсири остидаги зона деб қаралади.

48. **Меридианал босқинчилик** (Шимол-жануб ўқи бўйлаб босқинчилик) – меридиан бўйлаб (ҳарбий, стратегик, маданий ва иқтисодий) таъсир доирасини кенгайтириш ва кенглик бўйлаб босқинчиликни амалга ошириш; давлат стратегик ва ҳудудий барқарорлигининг ифодаси.

49. **Меридианал интеграция** (шимол-жануб ўқи бўйлаб интеграция) – алоҳида ҳудудий бўлақларнинг меридиан бўйлаб ягона бутунликка бирлашиши. Шимолий ва марказий ҳудудларни назорат остида сақланган тақдирда ижобий характерда бўлиши мумкин. Агар стратегик пойтахтга нисбатан мойиллик заиф ёки умуман шубҳали бўлса салбий характерга эга.

50. **Миллий-давлат** – яққол марказчиликка асосланган совет давлати. Давлат шакллари этнос ва унинг маданиятини юзага келтирувчи сиёсий тузилма. Этник тузилма ва Империядан фарқ қилади.

51. **Минимал(кичик) геосиёсат** – ҳақиқий геосиёсатдан асосий геосиёсий дуализмни ифода этган қоидадан ташқари баъзи атама ва услубларни ўзлаштирувчи амалий геосиёсий фанлардан бири.

52. **Мондиализм** — француз тилидаги monde, яъни «дунё» (яъни «реасе» эмас, балки «world» маъносига,) сўздан олинган. Барча давлатлар ва халқлар диний, ирқий, этник, миллий ва маданий хусусиятларини йўқ қилган ҳолда Ягона дунё ҳукумати остида сайёра миқёсида қўшилиб кетишини назарда тутувчи ўзига хос мафкура. Мондиализмнинг “ўнг” ва “сўл” йўналишлари мавжуд. «ўнг» мондиализм *атлантизмнинг* глобаллашувини, “сўл” мондиализм эса *Евроосиёни* ҳам (у ёки бу асосга биноан) Ягона давлатга қўшиш зарурлигини илгари суришади.

53. **Москва** - Евроосиёнинг табиий стратегик пойтахти бўлиб, у ҳар қандай *қитъавий интеграциялар* ўқининг пойдевори ҳисобланади. *Евроосиё* атамасига қаранг.

54. **Неоатлантизм** - атлантизмнинг замонавий талқини бўлиб, мондиализмни (ҳатто ўнг талқинини ҳам) рад қилган ҳолда, мондиализм лойиҳаси замонавий шароитда барвақт ва бажарилмайдиган ғоя эканлигини илгари суради. Ер юзида *Ягона дунё* ўрнатилишини инкор этган ҳолда тамаддунларнинг тўқнашуви рўй беришини таъкидлашади.

55. **Номос** - Карл Шмит томонидан олға сурилган атама бўлиб, у ихтиёрий муҳитни (географик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқалар) ташкил этишнинг асосий тамойилини англатади. “Тартиб-интизом”, “қонун”, “тартиб» ёки «унсур» тушунчаларига синоним. *Қуруқлик Номоси теллуократия. Сув (ёки Денгиз) Номоси талассократия.*

56. **Олов** - соф руҳни ифода этувчи элемент. Трансцендент (идеал) тамойил.

57. **Оралиқ океан** (Midland Ocean) - Спайкмен томонидан илгари сурилган атама бўлиб, Шимолий Америка ва Европа ягона геосиёсий макон ҳисобланади ва ана шу ягона маконнинг ўртасидаги сув, яъни Атлантика океани **Оралиқ океан** (Midland Ocean) ҳисобланади.

58. **Партизан** - Шмит томонидан илгари сурилган атама бўлиб, у геосиёсий куч устидан ғалаба қилувчи қуруқлик унсурининг рамзий ҳимоячиси ҳисобланади.

59. **Пассионарлик** - Гумилев томонидан илгари сурилган атама бўлиб, этник гуруҳнинг ички қуввати, маданий, сиёсий ва геосиёсий яратувчилик фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи.

60. **Периферия (марказдан четдаги, узоқдаги жойлар)** - стратегик пойтахтдан, геосиёсий нуқтаи-назардан асосий қарорларни қабул қилувчи шахсдан узоқда жойлашган, ўзининг мустақил геосиёсий йўналишига эга бўлмаган макон ва ерни ифодаловчи тушунча.

61. **Поссибилизм** - француз олими Видаль де ля Блаш томонидан илгари сурилган ғоя “possible” сўздан олинган бўлиб, «аҳтимол» маъносини англатади. Географик детерминизмни геосиёсий нуқтаи-назардан қандай талқин этиш мақсадга мувофиқ эканлигини тушунтиради. Поссибилизм назариясига кўра, жуғрофий ҳудуд, яъни жойлашув шу ҳудуддаги давлат

тарихини тўлиқ олдиндан белгилаб бермайди, балки фақат унинг у ёки бу йўналишда ривожланиши мумкинлигини талқин қилишга ёрдам беради.

62. **Провинция** - асосий геосиёсий тузулма таркибига кирувчи ва табиий бутунликнинг ажралмас қисми ҳисобланувчи чекка ҳудудлар. *Колония* атмасига зид атама

63. **Ривожланиш жойи** - Савицкий томонидан илгари сурилган атама бўлиб, у геосиёсий нуктаи-назардан маълум хусусиятга эга бўлган макон ёки оддий маконни ифода этадиган тушунча сифатида ифодаланган.

64. **Санитар кордон** - жиддий блок тузиш имконига эга бўлган ва учинчи томон учун хавфли ҳисобланган иккита йирик қўшни давлатни бекарорлаштиришга хизмат қилувчи сунъий геосиёсий тузулма. Евроосиёни қитъа миқёсида интеграциялашувга қарши туришда атлантистлар стратегиясидаги мумтоз ёндашув.

65. **Сиёсий география** - Ратцел томонидан илгари сурилган атама ҳисобланиб, Челлен томонидан номлангандан кейин очиги «геосиёсат» деб номланадиган бўлди.

66. **Социополитика** - Челлен томонидан илгари сурилган атама булиб, давлат фаолиятининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш маъносини билдиради.

67. **Сув (ёки Денгиз)** – талассократияни ифодаловчи махсус атама бўлиб, Шмитт (*das Meer*) ва Мэхен (*Sea, Sea Power*)лар томонидан айниқса кенг ривожлантирилган.

68. **Тарих интиҳоси** – Фукуяма томонидан илгари сурилган ғоя. Либерал-демократик мафкура ва талассократиянинг бутун сайёра миқёсида ғалабасини ифода этади.

69. **«Тарихнинг жуғрофий ўқи»** (ўқ майдон ёки *heartland*) – Маккиндер томонидан ишлаб чиқилган атама бўлиб, атрофида тарихий тараққиётнинг ҳудудий динамикаси рўй берадиган Евроосиёнинг ички ҳудудларини ифода этади. Россия ҳудудига тўғри келади.

70. **Ташки ярим ой** (ёки орол ярим ойи) – Макандер атамаси бўлиб, талассократик таъсир доирасига кирувчи ҳудудлар бирлигини ифода этади. «Денгиз ҳаёти»га интилувчи ороллар ва қитъанинг айрим (асосан қирқоқ ҳудудлардан иборат) қисмлари. Стратегик жиҳатдан атлантизмга тўлиқ бўйсунувчи ҳудудлар.

71. **Чегара** – геосиёсатда икки турдаги чизик-чегара ва белбоғ-чегаралар ажратилади. Чизик-чегара денгиз чегарасини англатса, белбоғ-чегара қуруқликдаги чегарани англатади. Сайёравий миқёсда ҳаракат қилишни ўз олдига қўйган геосиёсий блок асосий вазифаси ўзига тегишли чизик-чегарани максимал даражада кенгайтирган ҳолда рақибиникини имкон қадар торайтиришга ҳаракат қилишдан иборат.

72. **Шарқ** – Иккинчи Дунёни ифодаловчи атама.

73. **Шимол** – афсонавий жуғрофияда идел тартибда руҳ рамзи ҳисобланади. Замонавий геосиёсатда эса *бой шимол* тушунчасига синоним бўлиб, атлантизм ва либерализмга мос келади.

74. **Ягона дунё** (*One World* – ингл.) – Мондиализмга қаранг.

75. **Янги дунёвий тартиб** - мондиализм ва Дунёвий ҳукуматни ташкил этиш бўйича лойиҳалар сингари ифодаланади.

76. **Янги тартиб** – кенг миқёсда геосиёсий қайта қурилиш лойиҳаси.

77. **Ўқ** - икки ёки бир қанча *геосиёсий пойтахтларнинг* геосиёсий иттифоқи.

78. **Ғарб** – талассократия, атлантизмнинг синоними.

79. **Ҳаётий ҳудуд** - Хаусхофер томонидан илгари сурилган атама. Халқнинг ўз тарихий ва сиёсий интилишларини рўёбга чиқариш учун етарли бўлган минимал ҳажмдаги ҳудуд.

80. **Ҳудудий мазмун** - Ратцел томонидан илгари сурилган атама бўлиб, маълум бир хусусиятга эга бўлган ҳудудда мужассамлашган тарихий қисматлар тизимини англатади. Ҳудуд атамасига қаранг.

81. **Ҳудудийчилик** - чекка ҳудудларнинг мухториятига мойиллик, унинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва стратегик сингари бир қанча шакллари мавжуд.

ИЛОВАЛАР:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

Ro'yxatga olindi

№ 5116004.03 raqami

2012 yil "14 mart"



Vazirlikning 2012_ yil "14" mart 107-sonli
buyrug'i bilan tasdiqlangan

Sh. Loguev

GEOSIYOSAT ASOSLARI

FAN DASTURI

Bilim sohasi: 100000 – Gumanitar

Ta'lim sohasi: 110000 – Pedagogika

Ta'lim yo'nalishi: 5111600 – Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi

Toshkent – 2012

Fanning o'quv dasturi Oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi o'nalishlari bo'yicha Muvofiqlashtiruvchi kengashning 2012 yil "6" 03 dagi "1" - son majlis bayoni bilan ma'qullangan.

Fanning o'quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat Pedagogika Universitetida ishlab chiqildi.

Tuzuvchi:

Jumaniyozov X.S – Nizomiy nomidagi TDPU “Milliy g'oya va ma'naviyat asoslari” kafedrasida dotsenti, siyosiy fanlar nomzodi

Taqrizchilar:

To'ychiev B.T – O'zMU “Milliy g'oya va ijtimoiy falsafa” kafedrasida mudiri, falsafa fanlari doktori, professor

Mamatqulov D.M. – TTESI qoshidagi 1-son akademik litseyi, “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasida mudiri

Fanning o'quv dasturi Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy-metodik birlashmasida tavsiya qilingan (2012 yil «9» 02 “7” - sonli majlis bayonnoma).

KIRISH

«Geosiyosat asoslari» o'quv fani xalqaro miqyosda sodir bo'layotgan geosiyosiy jarayonlarni kompleks taxlil qilishga qaratilgan. Geosiyosiy jarayonlar bo'yicha ma'ruzalar kursida asosiy e'tibor sotsial fenomenga kompleks xolda, iqtisodiy, siyosiy, geografik, mafkuraviy tavsiflar birligidan kelib chiqib yondashishga qaratiladi. O'quv kursidan dasturlar va ma'ruzalarni tayyorlashda vatanimiz va chet el olimlarining asarlaridan keng foydalaniladi.

Fanning maqsadi va vazifalari

O'quv fanining asosiy maqsadi- geosiyosiy jarayonlarni spetsifik sotsial fenomen sifatida kompleks taxlil qilishdan iborat.

O'quv fanining asosiy vazifalari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- geosiyosat asoslarining mazmun-mohiyati, uslublari, vazifalarini tahlil etish;
- geosiyosiy jarayonlarning mohiyati, tarkibi, umumiy qonuniyatlarini ochib berish;
- geografik makon ustidan nazorat o'rnatishning asosiy tiplarini, uni amalga oshirish resurslarini belgilab olish;
- geosiyosiy jarayonlar va geosiyosiy bilimlarning rivojlanib borish davrlarini taxlil etish;
- jahonning bugungi geosiyosiy manzarasini qarab chiqishda turli mintaqqa mamlakatlarining geosiyosiy xususiyatlarini taxlil qilish;
- mafkuraviy jarayonlarni globallasuvi jarayonida O'zbekistonning geosiyosiy manfaatlarini belgilab olish.
- dunyoning siyosiy-mafkuraviy manzarasini, unda kechayotgan g'oyaviy kurashlardan ko'zlangan tub maqsad-manfaatlarning asl qiyofasini ochib berish.

O'quv fani dasturining mazmun-mohiyatini o'zlashtirish yuzasidan talabaga qo'yiladigan talablar

Fanning mazmun-mohiyatini muvaffaqiyatli o'zlashtirib olishlari uchun talabaga bir qator talablar qo'yiladi. Ular jumlasiga quyidagilar kiradi:

- talabada rus va ingliz tilida o'qish-gapirish ko'nikmalarining zarurligi. Fanga doir asosiy manbalarning chet tilida ekanligidan kelib chiqiladi. Bu holat esa geopolitik jarayonlarni birinchi bo'lib G'arbiy Evropa va AQSh lik olimlarning taxlil etishgani, ularda juda katta ham nazariy, ham amaliy tajriba mavjudligi bilan izohlanadi.
- talabada internet bilan muloqada bo'la olish ko'nikmasining zarurligi. Chunki eng oxirgi ma'lumotlarga internet nihoyatda boy, undagi tegishli bazalarga kirish, ma'lumot olishga ehtiyojning yuqoriligi bilan belgilanadi.
- talabaning zamonaviy politologiya fanining mazmun-mohiyati bilan, uning uslub va vositalari bilan chuqur tanish bo'lishi talab etiladi. Negaki geosiyosiy bilimlar tarixiy bilimlarning, siyosatning «geografik aqli» sifatida rivojlanib kelgan.

- falsafa va umumnazariy fanlarda keng qo'llaniladigan ilmiy bilishning qator metodlarini chuqur o'zlashtirgan va ulardan amaliyotdan keng foydalana oladigan bo'lishi lozim: makon va zamon, analiz va sintez, tarixiylik va mantiqiylik, kuzatish, qiyosiy taqqoslash, umumiylik va xususiylik, mavhumlashtirish va umumlashtirish va boshqalar.

Fan bo'yicha talabalarning bilimi, ko'nikma va malakalariga qo'yiladigan talablar

- «Geosiyosat asoslari» fanining bahs mavzusi, predmeti va asosiy muammolarini mukammal egallashi;
- «Geosiyosat asoslari» ning asosiy kategoriyalari, funktsiyalari va qonuniyatlari mukammal bilishi;
- Geosiyosiy jarayonlar va geosiyosiy bilimlarning rivojlanishining tarixiy davrlarini chuqur o'zlashtirish;
- Jahon miqyosida sodir bo'layotgan geosiyosiy jarayonlarning mohiyatini tushunishi;
- O'zbekistonning geosiyosiy manfaatlarini mukammal bilishi;
- Jahon miqyosida sodir bo'layotgan geosiyosiy hodisalarga mustaqil munosabat bildirish olish ko'nikmalariga ega bo'lishi

Fanning o'quv rejadagi boshqa fanlar bilan o'zaro bog'liqligi, uslubiy jihatidan uzviyligi va ketma-ketligi

«Geosiyosat asoslari» fani eng avvalo o'quv rejasidagi siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy fanlar bilan uzviy aloqada. U yangi o'quv kursi sifatida o'z maqsadi, vazifalari, ob'ekti, uslubiyati, uslubi vositalariga suyanib ish ko'rish bilan birga Falsafa, Politologiya, Davlat va huquq asoslari, Iqtisodiyot nazariyasi, O'zbekiston tarixi, Siyosiy geografiya kabi fanlar va kurslar bilan chambarchas bog'liq. Mazkur fanlar inson ma'naviy-intelektual o'sishida, Vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirish, umummilliy manfaatlarni anglab etishida, siyosiy ongi, mafkuraviy immunitetini oshirishda, ijtimoiy munosabatlarning siyosiy-axloqiy, hodisaviy asoslari kabi masalalarda uslubiyat, uslubiy va mazmunan bir-birini to'ldirib kelishida ko'rish mumkin.

Fanning ta'limdagi o'rni

Ushbu fan milliy g'oya, huquq va ma'naviyat asoslari yo'nalishlari bo'yicha pedagog kadrlar tayyorlashda, shuningdek ma'naviyat va ma'xifat markazlariga mutaxassislar tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Fanni o‘qitishda pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanish

Yangi pedagogik texnologiyalar «Geosiyosat asoslari» fanini milliy manfaat, milliy xavfsizlik, milliy g‘oya, milliy mafkura, mafkuraviy tahdid, mafkuraviy immunitet, mafkuraviy xavfsizlik, yoshlar tarbiyasi kabi masalalarini qamrab olishi zarur. Mazkur fan mustaqil fikrga ega ma’naviy barkamol, komil inson shakllanishi, rivojlanishini ta’minlashda uning ma’naviy mafkuraviy bilimlarini oshirishga har jihatdan yaqindan yordam bermog‘i lozim. Fanni o‘qitishda yangicha fikrlaydigan, yangicha tafakkur tarziga ega bo‘lgan shaxsni tarbiyalab voyaga etkazishga yordam berish nazarda tutiladi. Mana shu vazifalarni bajarishda bilimni talabalar ongiga singdirish, ularning amaliy faoliyatiga aylantirishda o‘qituvchi qanday pedagogik texnologiyalardan ijodiy foydalanishi katta o‘rin tutadi. Bunda avvalo fan bo‘yicha o‘kitiladigan ma’ruzalarning sifatiga e’tibor berish bilan birgalikda, amaliy mashg‘ulot darslarida talabalarning mustaqil o‘qib-o‘rgangan mavzulari bo‘yicha o‘qituvchi nazorati ostida suhbat, o‘zaro bahslashuv, savol-javoblar o‘tkazishga keng o‘rin, erkinlik berish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Ikkinchidan, darslarda ko‘rgazmalilikka – turli chizmalarni kadaskop yordamida qo‘rsatishga e’tibor berish.

Asosiy qism

Fanning nazariy mashg'ulotlari mazmuni

« GEOSIYOSAT ASOSLARI » FANI PREDMETI, OB'EKTI VA MANBALARI

«Geosiyosat asoslari» fan va siyosiy amliyot sifatida. «Geosiyosat asoslari» ning fan sifatida shakllanishi. «Geosiyosat asoslari» tushunchasi va uning asosiy aspektlari. Fanning predmeti va tadqiqot doirasi. Geosiyosat asoslari siyosiy jarayonlar va erga bo'lgan munosabatlar haqidagi, siyosatning «geografik aqli» sifatidagi fan. Geosiyosat asoslarining vujulga kelishiga bo'lgan ob'ektiv ehtiyoj. Gelpolitikaning fan sifatida o'rganila boshlanishi. R.Chillen va F.Ratsel ta'limotlari.

«Geosiyosat asoslari» ning asosiy manbalari. Geosiyosat asoslarining shakllanishidagi ilmiy yondashuvlar: tsivilizatsion (N.Danilevchkiy, K.Leontev, O.Shpengler va boshqalar), harbiy-strategik (N.Makiavelli, K. fon Klauzevits, X.Moltke va boshqalar) va geografik diterminizm (Arastu, J.Voden, Sh.Monteske va boshqalar). «Geosiyosat asoslari» va politologik fanlarning o'zaro aloqasi va o'ziga xos xususiyatlari.

« GEOSIYOSAT ASOSLARI » NING KATEGORIYALARI, QONUNLARI, METODLARI VA FUNKTSIYALARI

Geosiyosat asoslarining asosiy tushunchalari: geografik makon, endemik maydon, chegaraoldi maydon, chorraha maydon, total maydon, metapole. Geosiy munosabatlar va kuchlar balansi. Siyosiy maydon davlat mavjudligining muhim belgisi. Geosiyosat asoslarining asosiy qonunlari. Siyosiy, iqtisodiy, sotsial, geografik tizimlar rivoji, amal kilishi bilan bog'liq qonuniyatlar.

Geosiyosat asoslarining asosiy metodlari: sistemalik, taqqoslash, tarixiylik, aksiologik-normativ, funktsional, institutsional, antropologik, va boshqalar. Geosiyosatning asosiy funktsiyalari: gnoseologik funktsiya; prognoz qilish funktsiyasi; boshqaruv funktsiyasi; mafkuraviy funktsiya.

KLASSIK GEOSIYOSATNING ASOSIY G'OYALARI VA TAMOYILLARI

F.Ratselning «Siyosiy geografiya» asarida davlat va borliq masalalari. R.Chellen «Geosiyosat asoslari» atamasining asoschisi. Davlatning asosiy fizik-geografik belgilari. X.Makinder tomonidan jahon siyosiy tarixining original va inqilobiy g'oyasining ishlab chiqilishi– «Tarixning geografik o'zagi». Xartlend nazariyasi va «Katta o'yin» kontseptsiasining ishlab chiqilishi. K.Xausxofer – hayotiy borliq. F.Naumann kontseptsiyalari. A.Mexen tomonidan dengiz kuchlarining qudrati (ishlab chiqarish, savdo, mustamlakalar bosib olish) maxsus ta'limot sifatida ishlab chiqilishi. Spikmen tomonidan davlat qudratini aniqlab beruvchi omillar belgilabberiladi: davlat maydonining ustki qismi; davlat chegaralarining tabiati; davlat aholisining miqdori; davlatda kerakli xom-ashyo zahiralarning borligi yoki ularga ega bo'lmasligi va boshqalar.

ROSSIYADAGI GEOSIYOSIY OQIMLAR VA MAKTABLAR

Rossiyadagi geopolitik maktablarva oqimlar. Evrosiyo harakatining shakllanishi va tarqalishi: N.S. Trubetskoy, P.N. Savitskiy, G.V. Florovski va P.P. Suvchinskiy. XX asrning 60-yillarida L.N.Gumelev tomonidan evrosiyo harakatining qayta tiklanishi.

Evrosiyo harakatining tarixiy ildizlari. Rus provaslav va Vizantiya madaniyatining himochisi sifatida-Uchinchi Rim.

Evrosiyo harakati va slavyan madaniyati. N. Danilevskiy ta'limotida evrotsentrizm va politsentrizm g'oyalari. Geopolitik nazariyada «rivojlanish joyi» tushunchasi-Rossiya Evropa ham, Osiyo ham emas naqli sifatida. P.Savitskiy qarashlarida geografik makon tushunchasi. Evrosiyo o'ziga xos geografik dunyo sifatida.

Rus davlatchiligi tarixshunosligining asosiy kontseptsionalari: Kiev Rusi va Oltin O'rda. Petr I islohotlari va uning evrosiyo an'analariga zidligi.

YANGI DAVR GEOSIYOSIY NAZARIYALARI VA MAKTABLARI

Ikkinchi jahon urushi yakunlarini Evropa davlatlari mavqeiga ta'siri. Evropani birlashtirish g'oyasining ob'ektiv zaruriyatga aylanishi. Sh. de Gol va Gollizm. Atlantizm. Rimland va Xartlend nazariyasidan regional geopolitikaga o'tishda I.Lakostom ta'limoti. Evropada geopolitik nazariyalar rivojining asosiy yo'nalishlari: atlantizm, mondializm, amaliy geopolitika, «yangi o'nglar» oqimi. Atlantizm va mondializm g'oyalari.

TURKISTON HUDUDIDA VUJUDGA KELGAN DASTLABKI GEOSIY BILIMLAR VA HARAkatLAR

O'zbekiston hududidagi qadimiy davlatlar. Sharq va G'arb o'rtasidagi iqtisodiy munosabatlar. Dovon-Xitoy munosabatlari. Buyuk ipak yo'li. Kushon. Qang'-Shimoliy savdo yo'li.

Farobiy «Fozil odamlar shahri» asari. Beruniyning «Hindiston» asarida geografik determinizm masalalari. «Shohnoma» va unda Turon-Eron munosabatlari. «Dastur ul-muluk», «Sad'iy Iskandariy» asarlaridagi siyosiy qarashlar.

Geosiyosiy bilimlar rivojida «Temur tuzuklari» asari.

XVI-XIX ASRLARDA VUJUDGA KELGAN GEOSIYOSIY BILIMLAR VA HARAkatLAR

Shayboniylar davlatining tashkil topishi. Xalqaro munosabatlar tizimida Xuroson muammosi. Shayboniylar-Safaviylar, Shayboniylar-Boburiylar, Qo'qon-Xitoy munosabatlari. Markaziy Osiyoning jahon bozoridan uzilib qolishi va uning oqibatlari.

Xonliklar va Rossiya o'rtasidagi elchilik munosabatlari. Cherkasskiy, Buxgolts, Beneveni, Xoxlov elchiliklari va ulardan ko'zlangan geosiyosiy maqsadlar.

Ma'rifatparvarlik harakati. Ogohiy «Qasidai nasihat» asari. A.Donishning «Tarixiy risola» asari. Rus istildosi. Jadidchilik harakatining g'oyaviy-siyosiy yo'li.

«KATTA O'YIN» KONTSEPTSIIYASI VA UNING GEOSIYOSIY MOHIYATI (1-BOSQICH)

O'rta Osiyoda Angliya va Rossiya manfaatlari doirasining to'qnashuvi va uning asosiy sabblari.

Ingliz ekspeditsiyalari: Murkford va A.Byorns elchiligi. 1839 yilgi Angliya-Afg'oniston urushi. Ruslarning 1839 yilgi Xivaga yurishi. Rossiya tomonidan Raim va Kopal qal'alarining barpo etilishi. Hirotida inglizlar qarorgohi tashkil etilishi. Roulson elchiligi. O'rta Osiyodagi manfaatlar doirasini belgilashda Angliya-Rossiya bitimi.

GEOSIY BILIMLAR RIVOJIDA I.KARIMOVNING «O'ZBEKISTON XXI ASR BO'SAG'ASIDA: XAVFSIZLIKKA TAHDID, BARQARORLIK SHARTLARI VA TARAQQIYOT KAFOLATLARI» ASARINING NAZARIY-METODOLOGIK AHAMIYATI

Ikki qutbli dunyoning barham topishi, «sovuq urush» ning tugashi. Dknyoning yangi siyosiy xaritasi. Yangi ming yillik arafasida o'z echimini topmayotgan muammolar. Endilikda xavfsizlikni qanday saqlab qolish mumkin? Barqarorlikni qanday ta'minlash darkor? Taraqqiyot yo'lidan rivojlanishga nimalar xisobiga erishish mumkin. Muammoga yondashuv uslublari: tarixiylik va mantiqiylik, izchillik, makon va zamon va boshqalar.

Insoniyatga xavf solayotgan tahdidlar. Mintaqaviy mojaro mohiyati va O'zbekistonning geosiy manfaatiga zidligi. Geosiy va etnik asosdagi tahdidlar va ularning echimi bilan bog'liq taklif va xulosalar.

Barqarorlik shartlari: ma'naviy qadriyatlar va milliy o'zlikni anglashni tiklanishi, davlatning mudofaa qobiliyatining mustahkamlanishi, institutsional o'zgarishlar.

Taraqqiyot kafolatlari: mamlakatning geografik imkoniyatlari, inson salohiyati, jahon hamjamiyati bilan xamkorlikning yo'lga quyilishi.

YANGI NING YILLIKDA ROSSIYA

SSSR parchalanishining dunyoning siyosiy xaritasiga va kuchlar balansiga keskin ta'siri. Mustabit tizimdan yangi mustaqil davlatlarga qolgan og'ir meros. Rossiya-AQSh munosabatlari. Strategik manfaat va geosiyosiy yondashuvlar zidligi. O'zaro munosabatlarni belgilab beruvchi omillar. Yadro qurollarini cheklash bo'yicha 1972 yilgi bitimdan chekinish. Sharqiy Evropa, Kavkaz, Yaqin Sharq masalasidagi kelishmovchiliklar. Rossiya va Shimoliy Atlantika regionini bilan munosabatlar yangi bosqichda. Regionning tashqi savdo, ishlab chiqarish va harbiy strategik jihatdan ahamiyati. ShAR bilan munosabatlarni muvofiqlashtirishda AQSh va Boltiqbo'yi mamlakatlari omili.

Rossiya va NATO munosabatlari. G'arbning manfaatlari tizimida AKSh va Sharq Evropa masalasi. NATO ning Sharqqa tomon kengayishi. Potsdam konferentsiyasi bitimlarining barbod bo'lishi. Kaliningrad masalasi. Kosovo va Abxaziya masalasi – Rossiya –Evrosiyo ekanligi ishora. Rossiya tashqi munosabatlari tizimida Osiyo tomon burilish. Rossiya-Xitoy munosabatlari ob'ektiv zaruriyat sifatida.

GEOSIYOSIY MUNOSABATLAR TIZIMIDA AQSH NING ROLI.

AQSh tashqi munosabatlarining rivojlanish tarixi. Jahon siyosatida etakchilik uchun kurash: Monro doktrinası, Xey doktrinası, Vilsonning tinchilik dasturi, Daues va Yung rejalari, Lend-Liz haqidagi hujjat, Malshal rejasi, Trumen doktrinası, NATO, SEATO. Kuch ishlatish siyosati va uning barbod bo'lishi. «N500-75» dasturining mohiyati. Evrosiyo geostrategiyasi. AQSh geosiyosatida Rossiya. NATO –sirtmoq (Evropaga nisbatan), qapqon (Rossiya-EI munosabatlari uchun) va qalqon (AQSh manfaatlari uchun) sifatida.

Yaqin Sharq masalasi. Kemp-Devid bitimi. Arab mamlakatlarining milliy birligiga qarshi kurash vositasi. AQSh ning O'rta Osiyo, Kavkaz va Hinddagi manfaatlari. AQSh ning Xitoydagi geosiyosiy manfaatlari. AQSh-Yaponiya munosabatlari.

XIToyNING GEOSTRATEGIK SIYOSATI VA UNING MOHIYATI

Xitoy-Rossiya, Xitoy-G'arbiy Evropa, Xitoy-AQSh munosabatlarining rivojlanish tarixi. Xitoy iqtisodiy taraqqiyotining spetsifik xususiyatlari. Xitoy-SSSR-G'arbiy munosabatlarilagi mafkuraviy kelishmovchilik. Xitoyning hal etilmagan hududiy muammolari. Demografik vaziyat. Mamlakatning tashqi iqtisodiy aloqalari. «Katta Xitoy» integratsiyasi - Xitoy, Tayvan, Syangan, Aomen (Makao), Singapur). Xitoy geosiyosatining mohiyati. Mamlakatdagi milliy muammolar.

GEOPOLITIKA VA YAPONIYANING IJTIMOIIY TARAQQIYOTI

Yaponiyaning jahon iqtisodiyoti va siyosiy maydonidagi tutgan mavqeidagi nomutanosibliklar. Tashqi siyosatda AQSh mavqeining ortishi. Rossiya-Yaponiya munosabatlarining rivojlanish tarixidan-Kuril muammosi. Rossiya-Yaponiya munosabatlarida «Uchinchi kuch» omili-Portsmut, Potsdam, Yalta bitimlari.

Yaponiya iqtisodiyotida Kuril zahiralariga bo'lgan talab. Orollarning Rossiya iqtisodiyoti va harbiy –geosiyosiy manfaatlarida tutgan o'rni. Yaponiya-Rossiya munosabatlarining yangi bosqichda rivojlanishi: 1) Shimoliy hudud masalasi; 2) iqtisodiy masalalar; 3) siyosiy, harbiy-geosiyosiy. Yaponiya- MDH mamlakatlari o'rtasida iqtisodiy munosabatlar.

MARKAZIIY OSIYO REGIONIDAGI GEOSIYOSIIY JARAYONLAR

Ikki qutbli tizimning barham topishi va kuchlar nisbatidagi o'zgarishlar: EI, AQSh, Xitoy va Rossiya. Mustaqillikdan keyingi davrdagi iqtisodiy, ijtimoiy, demografik, transport-kommunikatsiyaviy, etnik, mafkuraviy muammolar. MO hududining tabiiy-geografik, ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli va imkoniyatlari. MDH, EIH, GUAM faoliyatidagi ziddiyatlar. Atlantizm g'oyalarini amalga oshishida Kollingz dasturi.

O'zbekiston geosiyosiy manfaatlari tizimida MOH ning tutgan o'rni.

YANGI MING YILLIKDA MARKAZIIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH MUAMMOLARI

Markaziy Osiyo davlatlariga xavf solayotgan asosiy tahdidlar: suv resurslaridan foydalanish; atrof-muhit degradatsiyasi, millatlararo to'qnashuvlar, narkobiznes, uyushgan jinoyatchilik, xalqaro terrorizm, diniy ekstremizm i demografiya.

Markaziy Osiyoda ekologik vaziyatning namoyon bo'lish xususiyatlari. Suvning tanqisligi va sho'rlanganligi. Suv muammosining siyosiy tus olishi.

Ittifoqdan qolgan og'ir meros. Milliy-hududiy chegaralash va uning okibatlari: Farg'ona va O'sh voqealari. O'zbekistonda milliy siyosatning asosiy tamoyillari.

Afg'oniston - MO xavfsizligiga asosiy tahdid. MO xavfsizlikning ta'minlashda ODKB ning tutgan o'rni. Integratsiya –muammolarning echimining asosiy omili sifatida.

O'ZBEKISTON VA SHHT GEOSIYOSIY ISTIQBOLLARI

ShHT ning tashkil etilishi ob'ektiv zaruriyat sifatida. Tashkilotning mintaq va jahon siyosatini belgilashdagi ahamiyati. ShHT ning iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirishdagi ahamiyati. ShHT ning mintaq xavfsizligini ta'minlashdagi ahamiyati. ShHT va Osiyo integratsiyasi masalalari. O'zbekistonning bu tizimdagi iqtisodiy va xavfsizlikni ta'min etish bobidagi manfaatlari.

ShHT va AQSh ning geosiyosiy manfaatlari. «Katta Markaziy Osiyo» -ShHT. ShHT ning kelgusidagi maqomi bilan bog'liq muammolar.

«YANGI KATTA O'YIN» KONTSEPTSIYASI VA UNING GEOSIYOSIY MOHIYATI

Markaziy Osiyo yangi siyosiy munosabatlar tizimida. Regionning tabiiy-geografik imkoniyatlari.

Rossiya-Eron munosabatlari yangi bosqichda. Kaspiy muammosi. Kaspiy-Fors qo'ltig'i. Rossiya-Turkiya munosabatlari. O'rta Sharqda o'z ta'sir doirasini belgilashda tomonlarning imkoniyatlari. Iroq –Rossiya munosabatlari. Afg'oniston fojeasi. Barak Obama-«Yangi katta o'yin» kontseptsiasining yangi ishtirokchisi.

SEMINAR MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETISH BO'YICHA KO'RSATMALAR

«Geosiyosat asoslari» fan va siyosiy amaliyot sifatida. «Geosiyosat asoslari» ning fan sifatida shakllanishi. «Geosiyosat asoslari» tushunchasi va uning asosiy aspektlari. «Geosiyosat asoslari» ning asosiy manbalari. Geosiyosatning shakllanishidagi ilmiy yondashuvlar. Geosiyosatning asosiy tushunchalari. Geosiyosatning asosiy qonuniyatlari. Geosiyosatning asosiy metodlari. Geosiyosatning asosiy funktsiyalari: gnoseologik funktsiya; prognoz qilish funktsiyasi; boshqaruv funktsiyasi; mafkuraviy funktsiya. F.Ratselning «Siyosiy geografiya» asarida davlat va borliq masalalari. R.Chellen ta'limotida davlatning asosiy fizik-geografik belgilari. Xartlend nazariyasi va «Katta o'yin» kontseptsiasining ishlab chiqilishi. K.Xausxofer va F.Naumann kontseptsiyalari. A.Mexen tomonidan dengiz kuchlarining qudrati (ishlab chiqarish, savdo, mustamlakalar bosib olish) maxsus ta'limot sifatida ishlab chiqilishi. Spikmen ta'limoti va unda davlat qudratini aniqlab beruvchi omillar. Rossiyadagi geopolitik maktablar va oqimlar. Evrosiyo harakatining tarixiy ildizlari. Rus provaslav va Vizantiya madaniyatining himochisi sifatida-Uchinchi

Rim. N. Danilevskiy ta'limotida evrotsentrizm va politsentrizm g'oyalari. Geopolitik nazariyada «rivojlanish joyi» tushunchasi-Rossiya Evropa ham, Osiyo ham emas naqli sifatida. P.Savitskiy qarashlarida geografik makon tushunchasi. Evrosiyo o'ziga xos geografik dunyo sifatida. Rus davlatchiligi tarixshunosligining asosiy kontsepsiyalari. Ikkinchi jahon urushi yakunlari va undan keyingi geosiyosif vaziyat. G'arb va Sharq munosabatlarida Markaziy Osiyo mintaqasi. Buyuk ipak yo'li. Kushon. Qang'-Shimoliy savdo yo'li. Beruniyning «Hindiston» asarida geografik omillar. Yangi ming yillik arafasida o'z echimini topmayotgan muammolar. Muammoga yondashuv uslublari: tarixiylik va mantiqiylik, izchillik, makon va zamon va boshqalar. Insoniyatga xavf solayotgan tahdidlar. Mintaqaviy mojaro mohiyati va O'zbekistonning geosiy manfaatiga zidligi. Geosiy va etnik asosdagi tahdidlar va ularning echimi bilan bog'liq taklif va xulosalar. Barqarorlik shartlari: ma'naviy qadriyatlar va milliy o'zlikni anglashni tiklanishi, davlatning mudofaa qobiliyatining mustahkamlanishi, institutsional o'zgarishlar. Taraqqiyot kafolatlari: mamlakatning geografik imkoniyatlari, inson salohiyati, jahon hamjamiyati bilan xamkorlikning yo'lga quyilishi. Dunyoning siyosiy xaritasidagi o'zgarishlar. Ko'p qutbli dunyoning tashkil topish jarayonlari. Rossiya-AQSh munosabatlari. Strategik manfaat va geosiyosiy yondashuvlar zidligi. O'zaro munosabatlarni belgilab beruvchi omillar. Sharqiy Evropa, Kavkaz, Yaqin Sharq masalasidagi kelishmovchiliklar. Rossiya va NATO munosabatlari. Rossiya tashqi munosabatlari tizimida Osiyo tomon burilish. Rossiya-Xitoy munosabatlari ob'ektiv zaruriyat sifatida. AQSh ning jahon siyosatida etakchilik uchun kurashi: Monro doktrinasi, Xey doktrinasi, Vilsonning tinchilik dasturi, Daues va Yung rejalari, Lend-Liz haqidagi hujjat. Malshal rejasi, Trumen doktrinasi, NATO, SEATO. Kuch ishlatish siyosati va uning barbod bo'lishi. «N500-75» dasturining mohiyati. Evrosiyo geostrategiyasi. AQSh geosiyosatida Rossiya. Yaqin Sharq masalasi. Kemp-Devid bitimi. AQSh ning O'rta Osiyo, Kavkaz va Hinddagi manfaatlari. AQSh ning Xitoydagi geosiyosiy manfaatlari. Xitoy-Rossiya, Xitoy-G'arbiy Evropa, Xitoy-AQSh munosabatlarining rivojlanish tarixi. Xitoy iqtisodiy taraqqiyotining spetsifik xususiyatlari. Mamlakatning tashqi iqtisodiy aloqalari. «Katta Xitoy» integratsiyasi - Xitoy, Tayvan, Syangan, Aomen (Makao), Singapur). Xitoy geosiyosatining mohiyati. Mamlakatdagi milliy muammolar. Yaponiyaning jahon iqtisodiyoti va siyosiy maydonidagi tutgan mavqeidagi nomutanosibliklar. Tashqi siyosatda AQSh mavqeining ortishi. Rossiya-Yaponiya munosabatlarining rivojlanish tarixidan-Kuril muammosi. Rossiya-Yaponiya munosabatlarida «Uchinchi kuch» omili-Portsmut, Potsdam, Yalta bitimlari. Yaponiya-Rossiya munosabatlarining yangi bosqichda rivojlanishi: 1) Shimoliy hudud masalasi; 2) iqtisodiy masalalar; 3) siyosiy, harbiy-geosiyosiy. Yaponiya- MDH mamlakatlari o'rtasida iqtisodiy munosabatlar. Ikki qutbli tizimning barham topishi va kuchlar nisbatidagi o'zgarishlar. Mustaqillikdan keyingi davrdagi iqtisodiy, ijtimoiy, demografik, transport-kommunikatsiyaviy, etnik, mavkuraviy muammolar. MO hududining tabiiy-geografik, ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli va imkoniyatlari. MDH, EIH, GUAM faoliyatidagi ziddiyatlar. Atlantizm g'oyalarini amalga oshishida Kollingz dasturi. Markaziy Osiyo davlatlariga xavf solayotgan asosiy tahdidlar. Markaziy Osiyoda ekologik vaziyatning namoyon bo'lish xususiyatlari. Suvning tanqisligi va sho'rlanganligi. Suv muammosining siyosiy tus

olishi. Ittifoqdan qolgan og‘ir meros: Milliy-hududiy chegaralash va uning okibatlari. O‘zbekistonda milliy siyosatning asosiy tamoyillari. Afg‘oniston - MO xavfsizligiga asosiy tahdid. Integratsiya –muammolarning echimining asosiy omili sifatida. Markaziy Osiyo joylashgan o‘rni, tabiati, geografik va demografik imkoniyatlari. Tabiiy resurslari va transprot kommunikatsiya tizimidagi tutgan o‘rni. Rangli metallar. Qishloq ho‘jaligi tizimi, imkoniyatlari. Markaziy Osiyo davlatlari o‘rtasidagi savdo va iqtisodiy aloqalarning rivojlanishi. ShHT ning tashkil etilishi ob‘ektiv zaruriyat sifatida. Tashkilotning mintqa va jahon siyosatini belgilashdagi ahamiyati. ShHT ning iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirishdagi ahamiyati. ShHT ning mintqa xavfsizligini ta‘minlashdagi ahamiyati. ShHT va Osiyo integratsiyasi masalalari. O‘zbekistonning ShHT dagi iqtisodiy va xavfsizlikni ta‘min etish bobidagi manfaatlari. ShHT va AQSh ning geosiyosiy manfaatlari. «Katta Markaziy Osiyo» -ShHT. ShHT ning kelgusidagi maqomi bilan bog‘liq muammolar.

MUSTAQIL ISHNI TASHKIL ETISHNING SHAKLI VA MAZMUNI

Darslik va o‘quv qo‘llanmalarining (ularning to‘la ta‘minlanganligi taqdirda) boblari va mavzularini o‘rganish. Tarqatma materiallar bo‘yicha ma‘ruza qismlarini o‘zlashtirish. O‘qitish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimlari bilan ishlash. Fanning boblari va mavzulari ustida ishlash.

Geosiyosat asoslari fanidan nazariy va amaliy mashg‘ulotlar o‘tish davomida talabalarni ijodiy jarayonga yo‘naltirish, ularni tahlil qilish, mustaqil ishlashga o‘rgatish, mashqlar bajarish. Siyosiy asarlarni tahlil qilish, klassik asarlar matni ustida ishlash, siyosiy jarayonni kuzatib borish. Malakaviy amaliyotni o‘tish chog‘ida yangi texnika, jihozlar, keng ko‘lamli ilmiy ish olib borishga qulay jarayonlar va texnologiyalarni o‘rganish. Talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlarini bajarish bilan bog‘liq holda fanning muayyan boblari va mavzularini chuqur o‘rganish.

Foydalaniladigan asosiy darsliklar va o‘quv qo‘llanmalar ro‘yxati O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimovning asarlari va O‘zbekiston Respublikasi qonunlari:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар, 5-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Асарлар, 7-

жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.

8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.

9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар, 9-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.

10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2002.

11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.. Асарлар, 12-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2004

13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.

14. Каримов И. А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзланган нутқ. 2005 йил 27 январ. Асарлар, 13-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.

15. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2005 йил 28 январ. Асарлар, 13-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.

16. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.

17. Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқ. 2006 йил 24 феврал. Асарлар, 15-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.

18. Каримов И. А. Юсак маънавият -енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил.

Darslik va qo‘shimcha adabiyotlar

1. Бабурин С.Н. Российский путь: становление российской геополитики накануне XXI в. — М.: АНКО, 1995.

2. Бжезинский З. Великая шахматная доска. — М.: Международные отношения, 1998

3. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. Москва Логос, 1998г

4. Гаджиев К.Е. Геополитика. М.: Международные отношения, 1997

5. Герман К. Политические перепутья при движении к глобальному информационному обществу // Социологические исследования. 1998. 2. С. 12-25.

5. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. Фонд «Мир Л.Н. Гумилева». — М.: Изд-во «Институт ДИДИК», 1997.

6. Гумилев Л.Н. Ритмы Евразии. — М.: ЭКОПРОС, 1993

7. Давыдова Р.И., Кочкина В.Г. Основы геополитики. Н.Новгород, 2001г
8. Данилевский Н. Россия и Европа. // «Классика геополитики, XIX век». — М.: ООО «Издательство АСТ», 2003.
9. Данилевский Н.Я. Россия и. Европа. — Спб.: Глаголь, 1995.
10. [Дугин А.](#) Основы геополитики. — М.: «Арктогея», 2000.
11. Европа и глобальные проблемы современности По материалам 44 сессии Генеральной ассамблеи ООН. М. РАН ИНИОН, 1992. 207 стр
12. Зюганов Г.А. География победы. Основы российской геополитики. — М., 1998 (без указ. изд.).
13. Иванов Н. Глобализация и проблема оптимальной стратегии развития.//Мировая экономика и международные отношения. 2000г. 2 стр. 15- 3 стр.12-18.
14. Колосов В. А., Мироненко Н. С. Геополитика и политическая география: учебник для студентов вузов. — М.: «Аспект-Пресс», 2001.
15. Нартов Н.А. Геополитика. Учебник. М.: ЮНИТИ, 2000
16. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат. Т-2008
17. Поздняков Е.А. Геополитика. — М.: Прогресс. Культура, 1995.
18. Савицкий Л.Н. Континент Евразия. — М.: Аграф, 1997.
19. Сорокин К.Е. Геополитика современности и геостратегия России. — М.: Россиен, 1996.
20. Тревоги мира. Социальные последствия глобализации мировых процессов. ЮНРИСД. Женева, 1995. С. 10-11.
21. Хўжанов Б.А. Геосиёсат ва мафкуравий жараёнлар. Т.: СТИБОМ, 2002.

Elektron ta'lim resurslari:

1. ww.tdpu.uz
2. www.Ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. www.ma'naviyat.uz
5. www.bilim.uz.

ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

“Метриз” бу нима? *диплом унинг эгасига тўлиқ олий маълумот олганлигидан далолат беради;

ECTS тизими бўйича йилига қанча кредит тўплаши талаб қилинади? *60 кредит

АҚШ таълим тизимида 4-босқич тўғри кўрсатилган жавобни топинг. *докторантура;

АҚШ таълим тизимидаги САТ нима? *тест синовлари.

Болонья декларациясига кўра, бакалавр босқичи неччи йилни қамраб олади? *3-4 йил

Бошланғич таълим мажбурий бўлиши кераклиги қондаси қайси халқаро ҳужжатда белгиланган? *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

Германия таълим тизими тўғри кўрсатилган жавобни топинг. *ўрта таълим – реал билим юрти, гимназия ва асосий мактаб - институт ва университет, Ph.D.;

Германияда деярли неча фоиз бола асосий мактабга ўтади? *30%;

Германиянинг махсус мактабларида қандай болалар ўқийди? *нуқсонга эга бўлганлар.

Европа олий таълим ҳудуди: Европа таълим вазирлари қўшма мурожаатида (Болонья декларацияси, 1999 йил 19 июнь) нечта асосий мақсад белгилаб берилган? *6 та

Илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш қайси давлат органи ваколатига киради? *Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Инглиз модели тўғри кўрсатилган жавобни топинг. *бирлашган мактаб – грамматик ва замонавий мактаб - коллеж - университет, магистратура, Ph.D.;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қайси моддаси инсоннинг таълим олиш ҳуқуқига бағишланган? *26-моддаси

Курслар якунида тингловчилар камида неча кишидан иборат Аттестация комиссияларида имтиҳондан ўтказилади? *7

Қайси давлатда таълимга оид муносабатларни тартибга солувчи махсус кодекс қабул қилинган? *Франция

Қайси давлатда университетлар мустақиллиги мамлакат Конституцияси билан кафолатланган? *Италия

Қачон Японияда «Таълим ҳақида қонун» қабул қилинди? *1872 йили;

Россия модели тўғри кўрсатилган жавобни топинг. *умумтаълим мактаби – тўлиқ ўрта таълим мактаби, гимназия ва лицей - коллеж - институт, университет ва академия - аспирантура - докторантура;

Ўзбекистон Республикасида бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни ким беради? *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Француз модели тўғри кўрсатилган жавобни топинг. *ягона коллеж – технологик, касб-хунар ва умумтаълим лицейлари - университет, магистратура, Ph.D.

Япония таълим тизимида мактабгача таълим муассасаларининг неча фоизи хусусий ҳисобланади? *59,9%;

Япония таълим тизимида мактабгача таълим муассасаларининг неча фоизи муниципал ҳисобланади? *40,8%;

Япония таълим тизимида мактабгача таълим муассасаларининг неча фоизи давлатники ҳисобланади? *0,3%;

Япония таълим тизимида тезлаштирилган циклдаги университетлар неча йил бўлади? *2 йил;

Япония таълим тизимида тўлиқ циклдаги университетлар неча йил бўлади? *4 йил;

Япония таълимининг шаклланиши нечанчи йилларда бошланган? *1867-1868 йилларда;